



Йўлнома

Муҳаммад Солих

Муҳаммад Солиҳ

ҶЎЛНОМА

(Хотира)

III

2013



*Йигирма биринчи аср маънавият ва руҳоният асри бўлажак
ёки (умуман) бўлмаяжсак.
Малро*

Бисмиллоҳир-раҳмонир-роҳим

СЎЗБОШИ

Бу китобни ёзар экан, манба ва хужжатлардан деярли фойдаланмадим. Аникроғи, фойдалана олмадим. Ватандан айрилиқ, сургун хаёти менга бу имконни бермади. Эсимда нима қолган бўлса, ўшани ёздим. Шу боис, йил-сана, исм ва ҳатто жуғрофий номларда ҳам янглиш нукталар бўлиши мумкин, агар бўлса, азиз ўкувчидан ҳозирдан узр сўрайман.

Умр-йўл, одам йўлчиидир. Мен йўлда кўрганлар-имни ёздим. Мазкур китобни биздан кейин айни йўлдан келаётганларга аталган ишоратлар, белгилар тўшлами деса бўлади. Бу белгилар уларнинг йўлчилигида қўл келса, йўлда учрайдиган маъқулномаъкул нарсалардан уларни огоҳ эта билса, бу китоб ўз вазифасини бажарган бўлади. Буни бажаролмаса, яхши ният билан йўлга чиққан бир қулини лоақал унинг яхши нияти учун Оллоҳу Таоло афв этар, деган умиддаман.

Мухаммад Солих
декабр, 1999 йил, Осло, Норвегия.

БИРИНЧИ БҮЛİM *1960-1982 йиллар*

ТУРҒУНЛИКНИНГ ДОРИЛОМОН ЙИЛЛАРИ

Минг түйкөз юз қирқ түккізнинг йигирманчи декабрида ўша пайтларда Урганч, бугуннинг Янгибозор туманида Беглар овулида туғилибман. Отам Мадамин Бег, раҳматли Бегжон Бегнинг ўғлы, ўн ёшида отадан етим қолган. Шўролар ҳукумати 1928 йилда Бегжон Бегнинг ер-сувини мусодара этган, ўзини йўқ қилган.

Ижтимоий келиб чиқиши сабабли отамни совет мактабига олишмаган, бутун маълумоти «ҳафтияқ» ва кейинчалик ўқигани ЧСБ (чала саводликни битириш) курси даражасида қолган. Лекин 1942 йилда урушга кўнгилли бўлиб кетган. 1943-да ярадор бўлиб қайтган, согайганидан сўнг, 44-нинг бошида яна урушга кетган. Мен ундан: «бу ҳокимият аждодларимизни йўқ қилди, нега урушга кетдингиз?», деганимда, у: «овулда факат хотинлар қолган эди, отамлашадиган улфат йўқ эди, зерикканимдан кетдим,» дер эди, раҳматли. Сталинни жуда хурмат қиласарди, аммо унинг 1945 йилда сўйлаган ғалаба нутқини «аввал рус халки...», деб бошлагани, отамнинг айтишича, «кўнгилларни бир пахса пастга тушириб» юборган. Шунга қарамай, 1953 йил 5 март куни жуда қайғули эди. Мен буни равшан эслайман, чунки ўша куни тўпифимдан бир эшакари чақиб олган эди. Худди Сталин ўлимининг хабарчиси каби. Бу хабар «47» маркали радиомиздан ҳам келди ва уйдагилар хабарни кўшниларга айтишдан кўрқандилар. Отам нимани, кимни яхши кўрса, Сталинга қиёс киласарди, масалан, Аждар лақабли кучли ва қопогон итимиз бўларди, «бу Сталинга ўхшайди, санғиб юрмайди, бўшатиб кўйсанг ҳам уй атрофидан узоқлашмайди,» деб мактарди уни. Бу Сталиннинг Москвадан ташқарига чиқмаганлигига имо эди. Отамнинг диний тарбияси йўқ эди. Аммо фотиҳа сурасини биларди, у сўнгти йилларда намоз қила бошлаган эди. Оллоҳ ўз раҳматига ковуштирасин.

Онам, Қаландар Сариқнинг қизи Оқилахоним, совет мактабида тўрт синф битирган. Бирор ерда ишламаган, умри бола тарбияси ва меҳмонларга овқат пишириш билан ўтган. Отам улфатчиликни севарди.

Онам ҳам диний тарбия олмаган, аммо ҳар оқшом, уйку олдидан шу калималарни шивирларди:

*«Ётгаймиз, ё Оллоҳ,
Тургаймиз, инишооллоҳ
Турап-турмас кун бўлса,
Ла илоҳа иллаллоҳ!»*

Онам шариатнинг ҳалол-ҳаром тамойилига мутассибларча амал қиласди. Бир куни оқшом отам раҳматли, - у пайтда колхозда кассир бўлиб ишларди, - пахта терадиган этакка пул тўлдириб, уйга кириб келди. Ва этакни даҳлизнинг бурчагига иргитди-да, хонасига кириб кетди. Этақдан бир нечта банкнот сочилиб ерга тушган эди. Буни кўриб турган онам, Оллоҳ раҳмат айласин, бирдан қип-қизил бўлди, хиддатланди. Пулларни тез-тез териб олиб, этакка тиқди ва менга ўгирилиб: «бор, укаларингни чақириб кел!», деди. Мен чақириб келдим. Узун-қисқа тўрттамиз қаторлашиб турдик. Онам бурчакда ётган бўйчага кўлинини бигиз қилиб: «шу пуллар бизники эмас, бу биз учун ҳаром пул. Бундан қайси бирингиз олсангиз, дарров қўлингизга яра чиқади, жуда ёмон яра, тушундингизларми?» деди. Тушундик, дедик биз.

Онам отамнинг хонасига кириб кетди ва бир неча дақиқадан сўнг қайтиб чиқди. Қўлида яна пул бор эди: «бу пуллар отангизнинг маоши, бу ҳалол пул, сизлар ейдиган овқатга шу пул харжланади, тушундингизларми?», деди яна онам раҳматли. Биз яна «тушундик», дедик.

Бувим Шукур энанинг диний маълумоти мукаммал эди. У ҳадисларга кирмаган диний афсоналаргача билар ва уларни ҳикоя қиласди. Масалан, ҳазрат Алининг Хоразмда бўлгани ҳақидаги ҳикояга ҳаммамиз ишонардик. Шунингдек, энам «Хоразм тарихи» дея бизга ҳикоя қилган китобнинг кейинчалик «Китоби Дада Кўркут» эканини билдим.

1956 йилда мактабнинг биринчи синфиға бордим ва мислсиз сабр билан яна ўн йил қатнадим. Еттинчи синғгача аъло, тўққизинчи синғгача ўрга ўқидим. Ўнинчи синғда эса, имтиҳонга мажбуrlаб олиб кетишган эди. Бу «мажбурий хизмат» йилларида мени овунтирган нарса мутолаа эди. Отамнинг бор-йўғи иккита китоби бор эди - «Ўтган кунлар» ва «Умар ҳайём». Бу китобларнинг такрор-такрор ўқилиши менинг ғашимни келтиради. Қолаверса, бу китоблар жуда зерикарли эди. Мен ўзимга бир манба ахтарар эдим, ҳеч адo бўлмайдиган манба. Овулдан уч чақирим узоқда, эски район марказидаги МТС

(машина-трактор стансияси)нинг кутубхонаси ўша манба экан. Бу кутубхонанинг битта мудири ва иккига муштарийси бор эди. Мудир олтмиш ёшлардаги бир кампир, муштарийлар - Бошкир шайх қишлоғидан тракторчи Саъдулла ва мен. Кутубхона, ичи қоронғи ва дунёдаги энг сокин кутубхоналардан бири эди. Китоб хиди одамни сархуш қиласарди. Уларни пайпасларкан, хоҳлаган китобни олиш, бир эмас, бешта, ҳатто ўнта олиш мумкинлигини ўйлаб шошиб қоларди киши.

У кунлардан «Одерда баҳор», «Матонатли кишилар», «Олтин юлдуз», каби совет ватанпарварлигини, мадҳ этувчи рус ёзувчиларининг китоблари ва бир латиш ёзувчисининг «Ватанин кўмсаб» номли ҳазин романини эслайман. Яна бир эслайдиганим, кутубхонанинг деворларига ёпиштирилган, саргайиб кетган плакатлар. Уларда атом бомбаси тушганда «противогаз»ни кийиш усууллари ва портглаш тўлқинидан бекиниш намуналари кўрсатилган эди.

Мен кутубхона жавонларини пайпаслар экан, дунёда Кариб бўйрони вужудга келганини билмасдим. Жон Кеннедининг буйруги билан американ ҳарбий кемалари Куба оролига яқинлашаётгани, Хрушчев бобомиз эса, бошида қолган энг сўнгти соchlарини юлаётганидан асло хабарим йўқ эди.

Дунё учинчи жаҳон урушига хозирланар эди. Мен эса, ўз урушими билан юборган эдим. Китобларда. Лекин мактабни ҳеч севолмадим. Барибир аттестат беришди, аммо бу аттестат билан қаерга боришини билмадим. Мактабдошим Қурол Султоннинг маслаҳати билан Урганч пединститутининг адабиёт бўлимига кирмоқчи бўлдим. Имтиҳонларга тайёрланар эканмиз, Қурол шоир Р. Бобожоннинг рубойиларини ўқиб берди. Бундай рубойини мен ҳам ёзишим мумкинлигини айтгандим, Қуролнинг жаҳли чиқди. Уни тинчлантириш учун уч-тўрт рубойй ёздим. Шу баҳона, шеър ёзадиган бўлдим. Аслида, ҳеч шоирликка даъвогар эмасдим, рассомликни орзу қиласардим. ҳозир ҳам даъвогар эмасман, аммо бўлар иш бўлди, беш-олтига китоб чиқди.

Шеър узок йиллар давомида менинг тарбиячим бўлди. Ҳеч муроса билмайдиган тарбиячим. Унинг шарофати билан аввал сентиментализм касаллигидан кутулдим. Ҳатто севги ҳакида гапираётиб ҳам, титрамасликни ўргандим. Машқларимда «тигрок» сўзи жуда кўп, чунки, уни қанча кўп ёzsам, у менда шунча оз

қоларди - ундан тозаланиб борардим. Агар китобларимда ҳиссиётли шेърлар бўлса, булар қутилган ҳиссиётдир. Бу гўзал дунёниг ҳиссиёти. Жозибаси инсонни қулга айлантирган ҳиссиёт. Жозибаси пардага ўхшайди, орқасида қўрқинчли бир абадият. Қўрқинчли, чунки, инсонлар унинг нима эканлигини билмайдилар. Тўғрироғи, билишдан қўрқадилар.

*Бу ёққа кел, қўл қўй, имзо чек,
Мана шу умр сенга ҳадия.
Кўрқма, ҳеч ким сўрамаяжак,
Нега келдинг дунёга?», дея...
Пулинг бўлса Эркни сотиб ол,
Тортуб олгин пулинг бўлмаса.
Ерда юргин, судрал бемалол,
Осмонда уч, кўнглинг тўлмаса.
«Нега келдинг дунёга?», дея
Сен ўзингдан сўрама фақат—
Бу савол даҳшатли бомбадай
Ман этилган заминда абад! (1983)*

Одамлар «мен дунёга нима учун келдим?», деб ўзларидан сўрашга қўрқадилар. Мен ҳам қўрқардим. Етмишинчи йил бошларида фаранг олимни Блез Паскалинг китобидаги бир фикр диққатимни тортди. Сўзма сўз эсимда йўқ, тахминан шундай маъноси эди: «Инсон ўзининг бир пайтлар нақадар юксакликдан ийцилганини англаши учун бу дунёда яшайди».

Бу диний фикр мендаги қўркувни деярли йўқ қилди. Қўркув - жоҳиллик меваси. Мен етмишинчи йилларнинг интеллектуал жоҳилият талабаларидан бири эдим ва Паскалинг фикри менга буюк кашфиёт бўлиб қўринган эди.

Албатта, Қуръони Карим борлигини билардим. Аммо унда нафақат инсоният тарихи ва келажаги, балки, ҳар бир «куриган япроқнинг тарихи» ҳам ёзилганини билмасдим. Агар билганда эди, ақлимга сифдира олмасдим, чунки бу ходиса инсон ақлига сифмайди.

Бу Китоб пойига етиб келгунча юзлаб ширк тўла китоб босиб ўтишга тўғри келди. Диний тарбиям йўқ эди, деб ўзимни оқламаяпман, буларни ёзаркан, тавба қилаяпман фақат.

Шеър менинг тарбиячим эди. Аммо у таянч нұқтаси эмас эди. Эл қатори, мен ҳам бир таянч нұқтасига мұхтож әдім. Чунки, эл қатори мен ҳам адашғанлардан бири әдім.

*...Әхтирос қамчиси остида дір-дір
Титраётган түядай, тушов оёқда,
Юрииша мажбурмиз, юрмоққа мажбур,
Билмай, магриб қайда, машриқ қаёқда.
(«Адашғанлар қүшиғи», 1983)*

Бу изтироб худди қадимги юонон файласуғи Пармениднинг изтиробига менгзар әди. Парменид шундай нола қиласы: «Эй, худолар, мен сиздан ҳеч нарса сўрамайман, менга фақат бигта Собитлик беринг. Бу тинмай ўзгараётган, ҳар турли рангларда товланаётган бекарорлик денгизида менинг ёпишиб олишим учун бир оғоч - бир барқарорлик, бир событлик беринг!», деб ёлворарди шўрлик. Лекин унинг нолалари бехуда әди, чунки, у событликни Оллоҳдан эмас, худолардан сўраётган әди. Парменид политеизм (кўпхудолилик) замоннинг қурбони әди. Аммо ўзи англамаган ҳолда, Оллоҳни, бутун оламларни яратган ягона Оллоҳни - ягона таянчни излаётган әди.

Бундай таянчни совет даврида ўз динидан узоқлаштирилган одамлар ҳам излай бошладилар. Менга ўхшаганлар учун шеър бу изланишда воситачи әди. Шеър изланиш изтиробидан чарчамаслик учун бир танаффус әди. Шеър ташқарисида чексиз, юракни орзиқтириб юборувчи бўшлиқ бор әди.

Бу бўшлиқ бизнинг жондан севган дунёмиз әди. Жозибаси қўрқинчли дунё.

*...Яна ўша давра, яна ўша май
Қўйилар ва парда тортар кўзингга
Ва яна иккинчи қадаҳ бўшамай,
Даҳшатли бир бўшлиқ тўлар кўксингга!
Шунда «чўрт» узилар давра лангари,
Муаллақ қолади қадаҳ-у қошиқ.
Қоронгида қўрқкан бола сингари,
Ичингдан отилиб чиқади қўшиқ!
Кўзларинг олдида олис бир воҳа,
Овозинг етмайди, қуршайди лабинг,*

*Күнапга тополмай, учади оханг,
Юртидан қувилан сор бургут каби.
Овозинг бўғилса, қирилса томоқ,
Кўзларингдан оқа бошлийди қўшиқ.
Сен учун қўрқинчли энди тўхтамоқ,
Тўхтасанг, шу заҳот ютади бўшилиқ!
(«Бир ухлаб турсанг бас», 1981)*

Аммо тинмай қўшиқ айтиш мумкин эмас эди, тинмай йиғлаш ёхуд тинмай қах-қаха отишнинг иложи йўқ эди. Қалб бир осойишталик истар, қутурган эҳтирос денгизида ҳалок бўлмаслик учун бир таянч истар эди. Инсонга муҳаббат, санъатга муҳаббат, ҳатто миллатга, ватанга муҳаббат ҳам қалбга бу таянчи бера олмасди. Қалб бир сўқир каби буюк изтироб ичида пайпасланар ва ўзининг асл кимлигини ахтарарди. Бир овоз унга «мен сенга ўқ томирингдан ҳам яқинман!», дея шивирларди, аммо у овоз соҳибини кўра олмас эди.

*Бир куч бордир тепада шаксиз,
Бир улуғ қудрат бор, мавжуд мұаққақ,
Йўқса, не ўзимни сезаяпман ожиз,
Йўқса, нега бунча титрайди юрак?
(«Демак», 1983)*

Етмишинчи йилларда бу мажхул сезгини жуда кўп ёш шоирлар яшаганига аминман. Аммо бу сезги шеъриятда ҳеч қачон лейтмотив бўлмади. Гўё шеър, ўз йўлидан, уни ёзганлар ўз йўлидан юарди. Шеър руҳоний бўлиши мумкин эди, аммо биз бундай бўлишимиз мумкин эмас эди. Биз ғурурнинг асиirlари эдик. Тўғри сўзни сўйлаш ғурури, жасорат билан сўйлаш ғурури, ҳеч кимга ҳеч қачон бўйин эгмаслик ғурури, дўстга садокат, душманга нафрат ғурури ва ҳаказо. Хуллас, биз бир олийканоблар эдик, лекин сўқир қалб буни тан олмас эди ва ўзига таянч ахтаришда давом этарди:

*Биз, ахир, ҳеч кимни ўлдирмадик-ку,
Лекин нега бизнинг қўлларимиз қон,
Гуноҳ қуши турар бош узра мангу,
Ёнаётган авлиёдай чирпинар виждон?
(«Адашганлар қўшиғи», 1983)*

Чунки, бизнинг ўша саналган барча олийканоб фазилатларимиз ҳавода осилиб турарди. Бу фазилатларни қўядиган бир гўша, бир меҳроб йўқ эди. Бу фазилатларни қайд этадиган бир ҳакам, уни қабул қилиб оладиган ҳеч ким йўқ эди. Биз бу жавоҳирларни ҳавоий ғурурга омонот этгандик. Қалб, шу боис ёнаётган авлиёдай чирпинарди, шу сабаб гуноҳ қуши кетмасди устимиздан. Биз яхшилик ва ёмонлик нима эканини билардик. Аммо яхшилик қиласкан, уни ғурур ризоси учун қиласкан. Ёмонлиқдан ўзимизни тияркан, ғурур ризоси учун тиярдик. Лекин қалб бу фаолиятнинг янглиш эканлигини англарди. У жиддийроқ иш билан шуғулланарди. У ўзининг қайси юксаклиқдан йиқилиб тушганини чамаларди. У ўзининг қибласини ахтарарди. Қалб бутун оламларни бор қилган Оллоҳ ризосини истарди.

Инсоннинг моддий умрига параллел ўлароқ, унинг маънавий умри ҳам мавжуддир. инсоннинг бутун ҳаёти шу икки умр ўргасидаги ихтилофлар занжирига курилган танаффуссиз (антрактсиз), бир актли фожеадир. Бу фожеанинг томошибини яна унинг ўзи - инсондир. Фожеанинг вазифаси - инсонга унинг қайси юксаклиқдан кулаб тушганини кўрсатишдир. Бошқа ҳеч бир вазифаси йўқдир. Колгани инсон ихтиёридадир. У жасорат қилиб, бу юксаклиқка бўса, кутилди хисобланг. Агар жасорат қила олмаса, оташда абадий ёнажақдир.

Мен ўрта мактабни битириб, ўқишига кираман, деб юрганимда оташда ёнишдан қўрқмасдим. Астағфуриллоҳ. Аммо пединститут имтиҳонида йиқилишдан қўркардим.

Қўркув фойда бермади, пединститут мени конкурсдан ўтказмади ва колхозга қайтиб, у ерда ишладим. Бир йил кейин, 1967 да, Тошкент Университети адабиёт бўлимiga кирмоқчи бўлдим. Биринчи имтиҳон иншо эди. Эркин темада «Ўзбек романчилигининг 1960-66 йиллар тараққиёти» мавзусида иншо ёздим. Бу бир диссертация мавзуси эди, уни биз оғзидан сариғи кетмаганларга қайси ақлли берган - билмайман. Ҳар холда, ўша пайтларда машҳур бўлган «Эр бошига иш тушса», «Қора кўзлар» каби романларни мен ҳам ўқигандим. Иншони ёздим ва «тўрт» олдим. Колган имтиҳонлар ҳам шундай бўлди, аммо яна конкурсдан ўтмадим. Кечки бўлимга қабул қилишди, аммо «кечки бўлим» бир хақорат туйилди. Ўқишдан воз кечиб, қишлоқка қайтдим.

1968 йил май ойида сочимни қириб олиб, «шонли» совет армиясига кетдим. Можористоннинг Секишфехервар шахрига бориб тушдик. Аскарликда, муштлашувларни истино қилганда, эсда қоладиган нарса кам бўлди, аммо 1968 йил август эсимда. Биз ўша кечаси Чехословакияга кирдик. Чехословокия истилоси советлар тарафидан август ойида эмас, май ойида режа қилинган эди. Бизнинг туманимиз (дивизия) май ойида Словакия чегарасидаги Хаймашкер номли Можор шахрига келтирилган эди. Ва биз ҳар куни, ҳар соатда урушга тайёр бўлинг, дея буйруқ олгандик. Ким билан урушишимизни эса, фақат 20 август куни билдик. Бу уруш жуда кулгули бўлди. Братиславага кирганимиз заҳот бизнинг бўлинмамизга телестудияни ишғол қилиш амр этилди. Биз «калашников»ларни шарақлатиб, телестудияга кирганимизда у ерда эшикбон кампирдан бошқа ҳеч кимни кўркига олмадик. Бечора дағ-дағ титраб, кўлларини кўтарди, аммо ҳеч ким уни асирга олмади, чунки «қаҳрамон совет аскари» ўзига лойик душман ахтарарди. Бу «душман» телестудияда эмас, намойиш ва митингларда эди. «Душман» бутун бир халқ эди. Уни «қаҳрамон аскар» енга олмади, биласиз.

Шу йил ноябр ойида биз яна Можористонга қайтдик. Аскарлик фойдали бўлди, у ерда рус тилини ўргандим ва ўз миллатимни танидим. Бир куни танаффус пайтида, биз дам олиб ўтирган майдон ёнидан пиёда аскарлар қисми ўтиб қолди. Уларнинг кўпчилиги ўзбек ва тожиклар эди. Бу йигитларнинг ўз тилидаги «чуғур-чуғури» бизнинг бўлинмадаги русларнинг ғашини келтирди, шекилли, бигтаси «эй чурки, перестаньте болтать!», деб бақириб қолди. Менинг миямга қон урилди ва сакраб туриб, русни урганимни биламан. Бизни ажратиши. Мен шу дақиқадан бошлаб ўзимнинг муайян бир миллатга мансуб эканлигимни ҳис эта бошладим. Руснинг наздидаги «чурки» (тўнкалар) менинг миллатим эди. Уни «тўнка» дейишларига асло рози бўлмаслигимни англашим. Аскарликда жуда кўп шеър машқ қилдим. Машқларнинг савиёси ниҳоятда паст эди, аммо улардан бир нечтаси 1968 йилда «Хоразм ҳақиқати» газетасида чоп этилди. Бу машқ гаупваҳтага тушган ойларимда жуда кўл келди. Эни икки, бўйи уч метр катақда кундузлари тикка туриш ёки совуқ бетонга ўтириш мумкин эди. Вақт жуда секин ўтарди. Ҳар ким уни тезроқ ўтказиш йўлини изларди. Мен у ерда жуда кўп ёздим. Фақат аскарликдан

қайтганимдан сўнг ёзилганларнинг деярли ҳамасини йўқ қилдим. Бирор ўқиб, «ахмоқ экан», дейишидан қўрқдим.

1970 йилда аскарликдан қайтиб, уйландим. Ўша йил Тошкент Университет журналистлик бўлимига ўқишига кирдим. Университет ҳам мактабдай бўлди. Биринчи синф «аъло», иккинчи, учинчи ва тўртинчи «яхши», бешинчи синф эса, жуда «ёмон» бўлди. Домлаларимни хафа қилмаслик учун имтиҳонларга бормадим, аммо худди мактабдагидай, барибир аттестат беришди. Лекин ҳар нарсада хайр бор, универиситетда кечган йиллар ҳам фойдали бўлди. Дунё адабиётини ўша ерда танидим. Бир-икки содик дўст орттиридим. Университет ҳаётидан хурмат билан эслайдиган бир нечта домла бор. Раҳматли Тальят Солиҳов, чэт эл адабиётидан дарс берарди, ғайбулла Саломов таржима санъатини ўргатарди. Ботирхон Акрамов классик адабиёт, Озод Шароғиддинов ўзбек совет адабиётидан ўқигарди. Гарчанд, Озод Шароғиддинов бизни ўқитмаган бўлса-да, уни жуда хурмат қилардик. Хусусан, Чўлпон шеърларини ҳимоя қилгани учун. Озод акага ўхшаган яна бир эркин фикрли ўқитувчи бор эди - Норбой Худойберганов. Талабалар уни ҳам севар эди. Умуман, расмий турмуш чизигидан сал чиқишга журъат этган кишига чуқур хурмат билан қарап эдик. Бир куни Университетга Абдулла Орипов келди, мушоира қилди. У шеърни чиройли ўқирди. Талаффузи тиник, сўзлари жарангдор бўларди доим. Навоий ҳақида шеърини ўқиркан, бир сатр келди, унинг охирги жумласи «қаламини кўрсатди, холос», деб тугалланганди. Яъни, Навоий ўзига қилич кўрсатганга қарши қаламини кўрсатади. Орипов «қаламини кўрсатди, холос», дер экан, ўнг кўлини кескин кўтариб, бошмолдогини кўрсаткич ва ўрга бармоғи орасига тикиди. Бу чиқиб қолган бармоқ, гўё қалам эди. Биз бу ҳаракатни дарров йўримладик. Бу бир исён эди, бизнингча. Минбардаги шоир бир қаҳрамон эди. Аслида эса, хеч ундей эмас эди. Ундей эмаслиги, 1980 йилда шоирнинг «Марказқўмга» деб аталган мадхиясидан кейин маълум бўлди.

Ҳар ҳолда, биз қаҳрамонни кўришни орзу қилардик. Ўша етмишинчи йилларда ёзилган бир машқда шу орзу бор:

*Бир бор экан, бир йўқ экан,
Қадим замонларда баҳодир ўтган экан...
Қора ўрмонларнинг бағрида
Арслон яшар экан баҳайбат...*

*Буви!
Нега баҳодирлар ҳаммаси
Фақат қадим замонларда ўтади?
Арслончи, қани ўша арслон,
Бувижсон?
Нега у ярим тунда, гафлатда ётган
Мени уйғотмайды,
Наъра тортмайды?!*

(«Бир бор экан, бир йўқ экан», 1975)

Аммо турғунлик йиллари эди, ҳеч ким наъра тортмасди, баъзан Брежнев чиқиб гапиради. Лекин унинг овози наърага эмас, қариб, тиши тўқилган арслоннинг эринчоқ ирриллашига ўхшарди. Ундан одамлар кўркмас эди, фақат ҳурмат юзасидан кўрқкан бўлиб кўринишарди. Брежнев ҳакидаги латифалар латифа эмас, унинг ҳаётида юз берган реал воқеалар эди. Бу воқеалар турғунлик даври деворларидағи энг гўзал безаклар бўлиб колди.

Талабаликнинг илк йиларида Франс Кафканинг хикояларини таржима қилишга уриниб кўрдим. Бунга мени курсдош дўстим, фаргоналик Тўхтасин Азим рағбатлантириди. У мендан анча саводли, ғарб адабиётини яхшироқ танирди. ғарб адабиётини билиш нуктадонлик мезони саналарди ва биз ўз адабиётимиздан кўра кўпроқ ғарб адабиётини ўқирдик, тарбия шундай эди.

Мени Кафка жуда кизиктиарди, чунки, ҳеч бир ёзувчига ўхшамас эди. Унинг «ижодий методи» нафақат сотсиалистик реализмни, балки капиталистик реализмни ҳам инкор қиласарди. Кафка «минорани юқорига эмас, пастга қаратиб қуриш керак», дерди. У ҳолда, бу иншоот минора эмас, кудук бўлган бўларди. Бу ғалати ташбех менга қудук каби чукур кўринди. Гўё инсон ташқи (моддий) дунёга эмас, ўзининг ич дунёсига даъват қилинарди. Кафка қаҳрамонларининг пешонасида доим бир нарса ёзилган бўларди ва ҳеч ким бу ёзув маъносидан четга чиқолмади. Бундай қараш капиталистик дунёда туғилиб, худосизлар тарбиясини олган бир киши ифодасида жуда ғалати кўринарди.

Кафканинг хикоялари кўрқинчли эди, аммо биз севган ҳаётдан ҳам кўрқинчлироқ эмасди. Биргина фарқ - хикоя қаҳрамонлари ўзларини доим гуноҳкор ҳис этар, аммо гуноҳи

сабабини англамасдилар. Бизга эса, бу түйғу нотаниш эди. Кафка Оллохға ишонишни истаган бир атеист ва бу истакдан умр бўйи азоб чеккан баҳтсиз интеллектуал эди.

Кафка унунтилмас бир ёзувчи. Университетда мен ҳам хикоялар ёзишни машқ қила бошлаган эдим, аммо Кафкани ўқиганимдан кейин бу машқларни йўқ қилдим. Ўша даврда мени мутаассир этган ёзувчилардан яна франсуз Пол Валери ва австриялик Роберт Музилни айтишим мумкин. Уларнинг санъат ҳақидаги фалсафалари мен учун янгилик бўлди. Шунингдек, 1970 йилда «Иностранныя литература»да босилган колумбиялик ёзувчи Габриэл Маркеснинг танҳолик ҳақидаги романни ҳам жуда кизиқтириди, аммо у Кафканинг ўрнини босолмас эди.

Умуман, етмишинчи йиллар лотинамерика роман-чилиги дунёда катта донг чиқарди, лекин услугуб жиҳатидан у йигирманчи йиллар Оврупо декаданс адабиётининг акс тасвири эди, холос.

Биз, талаба экан, адабиётдан янгилик истар эдик ва уни чет эл адабиётидан топар эдик. Замонавий ўзбек адабиёти заиф бўлганидан, унинг тарбиясини етарли ола билмадик. Сал кейинроқ, шеърларимиз босилиб, китоблар чиқа бошлаганида, бизни ғарбга тақлидчиликда айблашди. Бу тўғри эди, чунки совет адабиётида тақлид қиласиган асар йўқ эди. Бошқа тарафдан, бизнинг ёзганларимиз ҳаммаси ўзбекча эди ва мушоҳада тарзи ҳам «ғарбча» эмасди. Масалан, менинг «модерн» машқларим кўпинча ҳалқ ибораларига қурилган эди. Халқдаги «ойнинг ўн беши ёргуғ, ўн беши коронғи» иборасидан ясалган шеър, мана:

Ёргу бўлди ойнинг ўн беши,
Қолган ўн беши ҳам... ёргу бўлди-ку!
Мен бир камсуқум киши,
Юрагим қувончга тўлди-ку.
Эрта қувонибман, қаранг-ки,
Мукаммал экан дунёнинг иши -
Мана, ой ўн беши қоронғи,
Иккиланиб турар қолган ўн беши. (1983)

Аммо 70-йилларда биз, шеърда айтилганидек, «камсуқум» эмасдик. Мавжуд адабиёт бизга янгилик бермаса, бу янгиликни ўзимиз яратишга қаттиқ бел боғлагандик. Бу иддао амалга ошдими, йўқми, буни адабиётчилар билса керак. Қайта қуриш

бошланганидан кейин адабий жараённи кузата олмадим. Университетни бир амаллаб тутатдим.

Аттестатда «журналист» деб ёзилган бўлса-да, бирор журнал ишга қабул қилмади. Шунингдек, совет меҳнат қонунида «шеър ёзувчи» деган касб ҳам йўқ эди. Хоним бир барқарор турмуш истарди ва ҳақли эди. Менинг ҳаётимда эса, йўқсилликдан бошқа барқарор нарса йўқ эди. Ишқилиб, биз айрилдик. Бу никоҳдан учта фарзандимиз бор - Нигор, Жалолиддин, Жамолиддин.

Иккинчи марта уйланар экан, анчагина аңдишли эдим, чунки, барқарорликка ҳануз эришилмаганди. Аммо бу хоним анча дипломат чиқди, йўқсиллик билан тил топишди. Бу никоҳдан иккита боламиз бор - Умида ва Темур. 1975 ва 1977 йил май ойига қадар F. Гулом нашриётининг ишлаб чиқариш бўлими, «Физкулътура Узбекистана» газетасининг хабар бўлимларида ишладим. Аммо хеч бир ерда «меҳнат дафтарчаси» ололмадим. Бунинг сабабини ҳанузгача билолмайман.

1977 йил биринчи шеърий тўпламим чиқди ва ўша йил Ёзувчилар Союзига аъзо бўлдим. Шу йили Московдаги «Высшие литературные курсы» деган ўқишга кетдим. Бу ўқиш стипендияси мен ишлаб олган маошимдан кўп, 150 рубл эди. Ҳар икки ойда Тошкентга келардим, оиласига совға ўлароқ гулдаста эмас, 10-15 кило гўшт келтирадим. Оила бундан баҳтиёр эди, мен эса, ўз уддабуронлигимдан ғурур туярдим. Лекин бу дориламон икки йил тез ўтди ва кунимиз яна қалам ҳақига қолди. Шунга қарамай, биз уйда жуда баҳтиёр яшардик ва Оллоҳга шукрлар бўлсин, ҳеч қачон ўзимизни қашшоқ сезмадик. Бундан туйғуланиб кетиб, шундай шеър ҳам ёзган эдим:

*Сен ва мен биламиз, севгининг
Тимсоли мажнунтол эмаслигини.
Сариқ гул - айрилиқ, қизил гул - учрашув,
дегани эмас.
Айт, уларга, тушунтирип севгилим,
Биз қандай севгандик бир-биримизни
Қандай севган эдик.
Гуллари юлинган оламда! (1980)*

Етмишинчи ва саксонинчи йилларда қалам ҳақига яшаш мумкин эди. Ҳатто баъзи халқ қаламкашлари бой яшардилар. Улар

социалистик ватан олдида қилган хизматига яраша хусусий уй, дача, машина сотиб олишлари мумкин эди. Нашриётлар давлат тарафидан молиявий таъминланарди, адабиёт ва унинг ташвиқоти давлат иши эди.

Етмишинчи йиллар бошида бизнинг тўпланадиган жойимиз кандакор Омон Азизнинг Чилонзордаги ертўласи эди. Бу устахонада Омон Азиз билан Собиржон деган ҳайкалтарош йигит ишларди. Давра унча кенг эмасди, гурунгларда доим рассом Исфандиёр, доим раҳматли Шуҳрат Абдурашид, доим олим Бегжон Тошмуҳаммад, албатта Рауф Парфи, баъзан бошқалар ҳозир эдилар. Бир куни фожеа юз берди ва Собиржон ертўлада ўзини осиб қўйди, Оллоҳ раҳмат қилсин. Бу воқеадан сўнг Омон Азиз Руставелли кўчасидан бошқа ертўла топди ва мажлисимиз ўша ерга кўчди.

ИДЕАЛИСТЛАР

Омон Азизнинг ертўласида жуда кўп шароб ичиларди. У ерга келган, албатта, бир шиша кўтариб келарди, бу бир ёзилмаган қоида эди. Шароб интеллектуал сұхбатнинг хамиртируши эди.

Сұхбат, асосан, адабиёт ва санъат ҳақида, яъни, бизнинг ҳаётимиз атрофида қуриларди. Бу ерда ҳар ким ўзини ҳоҳлаган буюклиқда кўриши, ҳоҳлаган юксакликда тасаввур қилиши мумкин эди. Масалан, рассом Исфандиёр жунбушга келиб, «мен доҳий бўлиб туғилган бўлсам, нима қилай, менинг айбим нима?» деб атрофга қараганда, ҳеч ким унга эътиroz қилолмасди.

ОРЗУ

*Айвон oddiy bўlsa - bўlmasa, tўri,
Ундан ҳам oddiyroқ bўlsa dўstlarinǵ.
Оёқ уйқаштирган кимнидир кўриб,
Киноя қилмаса, зийрак кўзларинг.
Тепангда чайқалиб турса бир фонус,
Хоҳламаган қўйиб, ҳоҳлаган исча.
Сұхбатлар түгилса ўзидан-ўзи,
Улар ўсимликка ўхшаб ўсишса.
На енгилтак бўлсак, на-да тақаббур,
Бир текис жисимиrlаб турсайди этлар.*

*Осмонга тикилиб, одамлар каби
Ёзиб ўтирасайдик ойдин сонетлар...*

1977 («Оқ кўйлаклар», 1980)

Исфандиёр ҳақиқатдан ҳам ажойиб рассом эди. Хусусан, табиат тасвиirlари, хусусан, унинг дараҳтлари, ҳар бири бир одам каби ўз характерига эга бўларди.

Рауф Парфи 70-йиллар ўзбек шеъриятининг байроқдорларидан эди. Аммо у Исфандиёрдай ўз буюклигини фош қилиш даражасида соддадил эмасди. Ўша йиллари Нозим Ҳикматнинг «Инсон манзаралари» деган асрини ўзбекчага таржима қилаётганди. Туркия образини бизнинг даврамизга Рауф Парфи олиб кирди. У қрим-татарларнинг ҳам миллий ҳаракатидан хабардор эди. Ҳаракат ичида дўстлари бор эди. Мен пантуркист Ислом Гаспирали ҳақидаги илк маълумотларни ҳам ўша йилларда эшигтгандим. Кейинроқ мансуб бўлганим авлод учун идеалга айланиши керак бўлган турк қавмларининг бирлиги ғояси ўша ертўлада романгизм тумани аро элас-элас кўрина бошлаганди.

Етмиш иккинчи йил эди, янглишмасам. Тошкент Университетининг фалсафа факултетини тутгатган хоразмлик Тохир Карим бир янгилик топиб келди. «Озодлик» ёки «Америка овози» радиосидан хабар эшигтирилибди. Унда айтилишича, туркиялик бир сиёсий лидер Хитойга бориб, у ердаги уйғурларнинг ҳақ-хукуқлари тикланишини талаб қилибди. Оти Алпарслон Туркаш, ўзи полковник экан.

Полковник Алпарслон Туркаш.

Бу ҳарбий унвон ва антик исм, ҳали туркчилик ва Туркия ҳақида ибтидоий тасаввурга эга бўлган зехниятимизда ғалати аксадо берганди.

Фиграт ва Чўлпон асрларидағи ғоялари биздан гизли эди. Уларнинг тирик қолган замондошларида эса, бундай бир ғоя йўқ эди, балки, шунинг учун ҳам тирик колгандилар. Лекин шунга қарамай, совет мағкурачилари ҳар ўн йил, ўн беш йилда гуманитар жабҳада пантуркизм вирусига карши «дезинфексия» ўтказиб туришарди.

Етмиш биринчи йили «Қизил Ўзбекистон» газетаси «Гулшандаги шумғия» деган бир фелетон босди. Унда шоир Чўлпон Эргаш «фош» қилинганди. Унинг майиший бузуқлиги,

хотинидан ажралгани, иккита паспорти борлиги ҳакида хабар берарди фелетон. Лекин мақоланинг муаллифи номаълум эди, лақаб билан чикканди. Бу лақаб ортида КГБ турганини ҳамма биларди.

Чўлпон Эргаш шоир сифатида ҳеч қачон очиқ миллиятчилик ҳам, туркчилик ҳам қилмаган. Аммо шеърларидағи баъзи мажхул имо-ишоралар хушёр сензуранинг манглайини тириштиргани шубҳасиздир. Чўлпон Эргашнинг миллиятчилик таърифи ўзига хос эди. «Миллиятчилик ҳам тракторчилик каби бир иш-да, бунинг нимасидан кўркишади, билмайман», дерди у мугомбирона илжайиб. Бу илжайиш бизнинг миллий руҳдаги шоирларимиз ёзиш услубининг рамзи эди. Уларнинг чиқишиларидағи киноя, истехзо, қочирим ва барча нимқоронги жумлалар Чўлпон Эргаш илжайишнинг ўзгинаси эди.

Чўлпон Эргаш фелетондан кейин яна ҳам мугомбирроқ илжаядиган бўлди. Шеърларидағи имо-ишора шу қадар чигаллашди-ки, буни миллиятчи шоирми ёки коммунист ёзаяптими, билиб бўлмасди. Мен Чўлпон Эргаш ва Рауф Парфидан ёшроқ бўлганим учун максималист эдим, шеърда фикрни бу қадар яширишга ҳожат йўқ, деб ўйлардим. Лекин уларнинг ўз фалсафаси бор эди, шеърни қанақа ёзишни мендан яхшироқ билишарди.

Масалан, Чўлпон Эргаш «ўз ватанида бегона» халқини шундай тасвиirlарди:

*Хайр энди, ўғлоним, хайр, яхши бор,
Сен бор-ки, жон сақлар муштумдек жоним,
Ҳамиша мени деб топганинг озор,
Ўз уйингга ўзинг сиёмайсан доим.
Ёки мустамлакадан озод бўлиш хаёлларининг тасвири:
Узоқ-узоқларда гумбур-гумбурлаб,
Пар-пар ёришимоқда кўклар дам-бадам,
Отлар кишинамоқда, дупур-дупурлаб...*

Унинг китобларининг номи ҳам жуда беозор, яна ўша илжайишга ўхшарди: «Умид чироги», «Баҳор орзулари» ва ҳакозо.

Миллиятчилик бобида Чўлпон Эргашнинг бутунлай тескариси бўлган бир ёзувчи бор эди - Мамадали Маҳмудов, ўз хисларини мутлақо яшириб билмасди. «Боғдан қашқири» деган бир қисса ёзганди, ундаги бош қаҳрамон Самарқанд бўзқирларида

от чоптирган бир босмачи эди. Қиссанинг номидан бошқа ҳар ерида босмачининг ҳатти-харакатлари завқ билан тасвирланарди. Айтиш мумкин-ки, жуда содда, ҳатто жўн тасвирланарди. Бу китоб 70 йиллар охирида чоп қилинди ҳам.

Мамадали ўзи соғдил, яхши инсон. Биз, Ғарб таъсирида бузилган кишилар, унинг ниқобсиз миллиятчилигини танқид қиласкан, жуда жаҳли чикарди, лекин кек сақламасди.

Етмиш тўрт ёки етмиш бешинчи йилда Мамадали ёш ёзувчи сифатида Туркиядан келган ёзувчилар делегатсиаси билан кўришганди. У «Тошкент» меҳмонхонасининг балконида турк ҳажвчиси Азиз Несинга имо-ишора билан Ўзбекистонда миллий туйғуларнинг оёқости қилинганини англатибди. «Лекин Азиз Несин, баччағар, хеч реаксия кўрсатмади, балки, КГБдан кўрқандир», деганди Мамадали.

Аслида, Азиз Несин КГБдан эмас, Мамадалидан кўрқанди. Несин сотсиалист эди, Туркиядаги миллиятчилар мафкуравий рақиблари эди. Совет тузуми Азиз Несин каби романтик-сотсиалистлар учун энг одил тузум бўлиб кўринарди. Совет КГБси ёзувчилар Союзи воситасида Несин каби истеъододли ёзувчиларни Советлар тарафига тортиш учун уларга турли мукофотлар бериб, саруполар кийдириб турарди.

Лекин ўзбек миллиятчилари учун бунинг аҳамияти йўқ эди. Улар Туркиядаги соғ-сўл ғовғасидан хабарсиз эдилар. Туркиядан ким келса, ҳаммаси туркчи бўлиб кўринарди уларга. Чунки, туркнинг туркчи бўлишини табиий ҳол, деб ҳисоблашарди. Нозим Ҳикмат ва Азиз Несинлар ўзбек миллиятчиларининг севимли шоир-ёзувчилари эдилар. Чунки, улар туркча ёзардилар.

Ўзбек миллиятчилари Нажиб Фозил ёки Ниҳол Отсиз асарларини умуман ўқимагандилар, чунки, уларнинг китоблари русчага ҳам, ўзбекчага ҳам таржима қилинмаганди. Бунга Москва рухсат бермаганди.

Туркия биз учун бир муқаддаслик касб этар эди. Туркия - турк қавмлари иншо этган ягона мустақил давлат эди. Туркияда давлат тили турк тили эди. Ҳамма туркча гаплашар, туркча ёзар ва туркча мушоҳада этар эди. Туркиянинг табиий бойликларини ҳеч ким ташиб кетмаётганди, Туркия мустамлакачилар учун хом-ашё манбаи эмасди, ўзи ишлаб чиқарувчи, истеъмол қилувчи ва ташкарига ихрож қилиш кучига соҳиб бир ўлка эди. Биз, ёшлар

Ўзбекистонни тушимиизда қандай кўраётган бўлсақ, Туркия ўшандай бир мамлакат эди. Туркия бизнинг истиқлол ҳақидаги орзуларимизнинг реал модели эди. Шу боис биз Туркияга оид нима бўлса, ҳеч бир тафтишсиз, танқидсиз автоматик равишда мусбат қабул қиласкерадик.

Мустамлака остидаги халқлар ўз панжаларини сўриб яшайдиган айиқлар каби, ўзи яратган идеаллар билан озиқланиб, юз йиллар давомида этник ва маданий қиёфасини йўқотмасдан яшай олганлар.

Биз мустамлака ўлканинг фарзандлари эдик. Халқимиз бу куллиқдан эртами-кечми қутулиши керак эди. Ҳар ҳолда, биз шундай орзу қиласр эдик. Биз пахта майдонларида бошини эгатдан кўтаришга вақт тополмаган ўша хокисор, содда ва олийканоб халқнинг масъуллари эдик. Ҳукумат, ўзбек Компартияси, қўғирчоқ раҳбарлар бизнинг шеърларимизни, улардаги миллиятчи рухни бир чақага олмасди, бизнинг устимиздан очиқчасига кулишарди, аммо биз шу халқ учун жавоб берадиган биздан бошқа ҳеч ким йўқ, деб ўйлар эдик.

70-йиллар бошида шоир Рауф Парфи туркчадан таржима қилган «Инсон манзаралари» ўзбек туркчилигининг изтиробларини ифодалар эди. Гарчанд, бу асарнинг муаллифи Нозим Ҳикмат ўз асарида Рауф Парфи ва унинг гоядошларига диаметрал қарши ғояни олға сурган бўлса ҳам, бу асар туркчада ёзилганинг ўзи етарли эди. Туркчада ёзилган нарса туркларга қарши бўлолмасди гўё. Тил фетишизми шу қадар кучли эди. Тил - ватан эди, тил - мустақиллик эди, тил - миллат эди.

Мен 1993 йилда Анқарада раҳматли Алпарслон Туркаш билан биринчи марта учрашдим. У менга 1992 йил Туркия Бош вазири Сулаймон Демирел ҳайъатида Тошкентга боргани ва мени кўролмаганини айтди. «Сиз билан кўришмак истагандим, кўриштирмадилар, Мухаммад Солиҳ чет элга кетган, дейишиди. Кейин ўргансак, сиз уйингизда экансиз, мени алдашибди», деди.

20-аср туркчилигининг йўлбошчиси саналган бу собиқ полковник, Туркиядаги Миллиятчи Ҳаракат Партияси раиси етмиш ёшдан ошган эди. Унинг сиймосида узун муддатли қамоқ ва сургун йиллари гаройиб накш соглан эди. Бўғиқ овозида бир қадимийлик бор эди. Уни антик олтой турклари анъаналарига кўра, Бошбуғи дея эъзозлашар эди.

Мен ундан 1972 йили Хитойга бориб, уйғурларнинг ҳақ-хукуқларини химоя қилдингизми, деб сўрадим. Бошбуғи «йўқ, Хитойга ҳеч қачон бормаганман», деди.

Унга талабалик йилларимдан ўша хотирани ҳикоя қилдим. Жуда таъсирланди. Демак, кирқинчи йиллардан бошлаб туркчилик идеаллари учун чекканим изтироблар бекорга кетмабди, деб ўйлаган бўлса, ажаб эмас. Гап шунда-ки, Ўрта Осиё турклари мустамлаканинг энг тургун даври ҳисобланган 70 - йилларда ҳам ўз ҳақ-хукуқларини химоя қила оладиган қаҳрамонларни кутища давом этган. Улар пайдо бўлавермаганидан кейин, уларни хаёлида яратса бошлаган. Алпарслон Туркаш Ўрта Осиё турклари масаласини Туркияда илк бор қун тартибига қўйган сиёсий лидер эди. Бунинг учун «миллий шеф» Ислам Инйону хукумати тарафидан қаттиқ қўйноқларга учраганди. Ўрта Осиё турклари бу воқеаларни иккинчи, учинчи манбадан, элас-элас эшиганди, аммо шунинг ўзи етарли эди. Хуррият истаган турк қавмларининг узоқдаги полковник ҳақида афсоналар тўқиши учун етарли эди.

ЎЗБЕКЧИЛИК

Ўзбекчилик совет идораси тарафидан энг кўп қўллаб-кувватланган мафкура эди. Худди қозоқчилик, туркманчилик, тоҷикчилик ва ҳақозо каби. Бу Ўрта Осиё қавмларининг бирлигига, Ўрта Осиё пантуркизмига ва умматчиликка қарши халқнинг ўзидан чиқарилган бир «сол» эди.

Аммо на пантуркизм, на-да умматчилик советлар қўрқадиган даражада кучли эди. Ҳар иккаласининг илдизини большевиклар 10-20 йилларда ёқ шафқатсиз болталаб ташлагандилар. Бу мафкураларни тамсил этган юзларча зиёли ва уламо қатл этилганди. Кутубхоналар мусодара қилиниб, китоблар ёқилганди. Оқибатда, туркчилик ва умматчилик гоя сифатида кенг қамровли бўлса-да, реал ҳаётда жуда тор доирада қолиб кетганди.

Советларнинг ижоди бўлмиш ўзбекчилик 70 йилларда ўз равнақининг энг юксак чўққисига эришганди. Ўзбекчилик руҳи илмнинг гуманитар жабхаларида, санъатда, айниқса, адабиётда жуда кучли эди.

Ўзбекчилик совет стратеглари тарафидан тоҷикчиликка, тоҷикчилик эса, ўзбекчиликка қайраб туриларди. Бобојон Фоғуровнинг «Тоҷиклар» деб аталган «тарихий асари»

ўзбекчиликни ривожлантиришда катта рол ўйнади. Бизнинг ўзбек олимларимизнинг миллий руҳдаги монографиялари ҳам тожикчilikни қувватлантириб турди.

Шоир Эркин Воҳидовнинг «Ўзбегим» деган шеъри 1970 йилда ёзилган бўлса ҳам, 80-йиллар бошигача долзарб шеърлардан бўлиб қолди. Бу бир оз жўн шаклда, ҳамма тушунадиган ўзбекчilikни тарғиб қылган долзарб асар эди. «Бошда дўпти, ғоз юраман гердайиб», дер экан, шоир ундан кейин нима қилишини айтмасди. Чунки, ундан кейини мухим эмасди. Бошга дўппи кийишнинг ўзи бир исён эди. Гердайишнинг ўзи бир инқилоб эди. Фақат тожиклар ҳам дўппи кийишарди. Улар кийган дўппи Воҳидов кийган дўппидан ҳеч фарқ қиласди. Лекин тожиклар ўзбеклардан «фарқ қилиш»га мажбур эдиар. Бу мажбурият «тожик» этномимининг «тож» сўзидан келиб чиқсанлиги ҳақидаги афсонани яратди. Яъни, сизнинг фаҳрингиз чит дўппи бўлса, бизники тождир, дейиши биродарларимиз.

Аслида, дўппи ҳам, тож ҳам оригинал образ эмасди. Советлар гуржи гуржилар «черкеска»сини, туркманлар чўгирамасини, украинлар ёқаси ҳошияли кўйлагини кийиб, худди Эркин Воҳидов каби ёки ундан ҳам ғозроқ, ундан ҳам гердайиброк юравердилар. Ва ҳаммаси буни миллий ғурур деб билишарди. Ғуурсиз ҳеч ким йўқ эди. Ҳатто Узоқ Шарқ музликларида истиқомат қиласидиган қабилалар ҳам ўз пўстинлари билан ғуурланиш учун бир йилда бир марта Москвага келиб-кетишарди. Москва совет халқининг миллий ранг-барангликни сақлаган ҳолда ҳамжиҳат яшаётганини дунёга шу услубда намойиш қиласди. Яъни, халқларнинг миллиятчилиги руслар изн берган доира ичидахина ҳаракат қиласди. Лекин Совет империясининг кулашида бу «чекланган миллиятчилик» асосий роллардан бирини ўйнади.

«ЁШЛИК»НИНГ ИНТИХОСИ

70-йиллар ўрталарида янги дўстлар орттиридим. Бу ҳар хил характердаги одамларни бирлаштирган нарса нималигини белгилаш қийин. Ҳар ҳолда, улардан ҳеч бири расмий адабиёт ёки санъат вакили эмасдилар. Ҳеч маддоҳ эмас, нон учун санъатни восита қиласидиган одамлар эди. Энг мухими, улар совет тузумида бир шахс нақадар эркин яшаши мумкин бўлса, у қадар эркин яшай билардилар. У пайтда «Гулистан» журнали чиқарди ва бизнинг

«эркин» қараашларимиз күпинча ўша журналда босиларди. Унинг муҳаррири Асқад Мухтор либерал тушунчали одам бўлгани учун бизнинг «изланиш»ларимизни кўриб, кўрмаганга оларди. Лекин керак бўлса, «тепа»нинг ҳам кўнглини олишни унугмасди. Асқад aka туғма шоиргина эмас, туғма муҳаррир ҳам эди. Бигта сўз билан бутун бир матнни чаппа қилиб ташларди. Менинг бир шеъримда қаҳрамон намойишда ўз севгилисини кўриб қолгани тасвиirlанаарди:

«Башара, қиёфа, юзлар ичидан

Сенинг чехранг сузуб чиқади».

Асқад aka буни: «Сенинг чехранг сузуб чиқади, Ленин!» деб ўзгартириб, хеч қачон «Ленин» сўзини ёзмаганман, деб гуурланиб юрган каминани анча уялтирган эди. Барибир, «Гулистон» узок вақтгача бизнинг асосий минбаримиз бўлиб қолди.

Биз ёш эдик, ёшлиқ бир имтиёз эди. Бизга ҳеч ким эътибор бермасди, бунданфойдаланиб хоҳлаган нарсамизни ёзар ва чоп қилдирадик ҳам. Албатта, тузумни ағдариб ташлашга даъват қилмасдик, лекин унга чўнгтак ичida муштқўрсатишимиз мумкин эди. Баъзи хушёр танқидчилар бундан хафа бўлиб, «чўнгагингиздагини тушунтириб беринг!», дея хитоб қилган пайтлар ҳам бўлди. Бу «навқирон» ёшлигимиз жуда узок, 1984 йилгача давом этди. Ўттиз беш ёшда ҳам ёш бўлиб юриш фақат бизнинг жамиятда мумкин эди ва бу имкониятдан биз тўла фойдаландик. Аммо саксон тўртинчи йил ёшлигимиз бирдан «такқа»тўхтади. Кремлда ҳокимият ўзгарди.

ИККИНЧИ БЎЛIM 1983-1993 йиллар

АНДРОПОВ ВА ЧЕРНЕНКО

Брежневдан бўшаган таҳтга ўтирган Андропов Совет давлатини турғунлиқдан кутқариш учун бел боғлаган илк раҳбар эди. У КГБнинг собиқ раҳбари ўлароқ, бу бепоён давлатнинг қаерида нима қимирлаётганини ва нега қимирлаётганини биларди. Бу билги унинг учун бошқа раҳбарларга нисбатан аниқроқ харакат қилиб, яхшироқ натижага эришиш учун бир омил эди.

Совет иқтисоди ошно-оғайнигарчилик, кўзбўймачилик ва порахўрлик чангалида, деярли ўсишдан тўхтаганди. Қолаверса, оғир саноатнинг катта қисми харбий кучни оширишга йўналтирилганлиги учун бу бирёкламалик табиий ресурсларни хомашё ўлароқ пуллаш эвазигагина мувозанатга солинарди. Аммо, шунга қарамай, куролланиш пойгаси Совет давлатининг тинкасини қутигди ва 80 йилларга келиб, коммунист раҳбарлар бу пойгада мағлубиятга учраганларини англадилар. Кейинроқ Горбачев ҳукуматининг АҚШ билан узоқ манзилли ракеталарни қисқартириш шартномасига имзо чекиши Горбачевнинг тинчликсеварлиги эмас, Совет иттифоқининг заифлашуви сабаб бўлганди.

Андропов совет империясининг мингларча километрларга чўзилган бошқарув иллари салқиб қолганини биларди. Уларни таранг тортиб мустаҳкамлаш учун, биринчи навбатда, кадрларни янгилаш эҳтиёжи туғилганди. Бу кадрлар Москвага содик, иложи бўлса, руслардан бўлса, янада яхши бўларди. Андропов ташаббус қилган, аммо сўнгигача етказолмаган бу янги кадрлар сиёсатини Черненко, ундан кейин Горбачев ҳукуматидаги «иккинчи одам» Егор Лигачев давом эттирди.

Андропов совет жамиятидаги порахўрлик, танбаллик, интизомсизлик ва кўзбўймачиликка қарши курашни ҳам режалаштирган эди. Бу режани амалга ошириш учун қилинган илк тадбикотлар шуни кўрсатди-ки, порахўрлик илдизи мавжуд сиёсий тузум илдизи билан битишиб кетган экан. Танбаллик ҳам совет ишлаб-чиқариш системасидаги «ишласанг ҳам, ишламасанг ҳам маош келаверади», деган совет кишисининг дунёкараши маҳсули экани маълум бўлди. Кўзбўймачилик ва интизомсизлик инсон

зотининг хусусий мулкка бўлган инстинктларини ўлдирилиши оқибатидан бошқа нарса эмас.

Андропов ҳокимиятга келган заҳотиёқ биринчи бўлиб, танбалликка ва ингизомсизликка қарши «ўт очди». Масалан, кундуз кунлари кинотеатрларга кириб, томошибинларнинг қаердан келгани-ю, иш пайтида нечун кино қўраётганликлари тафтиш қилина бошлади. Давлат маъмурлари ва ишчиларнинг ишга вақтида келиб, вақтида кетишини назорат қилиш одат тусига кирди. Кўчаларга «ингизом - маҳсулдорликнинг гаровидир», деган примитив шиорлар осиди.

Аммо бу касалликнинг сабабига эмас, унинг оқибатига йўналтирилган бехуда уринишлар эди.

*Ахир иш кутмоқда, давлатнинг иши,
Хотин зир югурап, мен ураман дўйк,
Балконга қарайман, тиришиб -
Ҳали ҳам кўйлагим қуригани ўйк!
Ахир кутиб турар давлатнинг иши!
Кўйлак-чи, буғланиб тамом бўлмас ҳеч.
Қандайдир дазмолнинг хиёнатидан
Давлатнинг ишига бораманми кеч?!
Яна идорага етиб боргунча,
Шиорларга ҳам қарашим керак,
Токи, иши олдидан, ҳеч бўлмаганда,
Илҳомланиб олсин бу юрак!*
1981 («Орзу фуқароси», 1990)

«Қаттиққўл йўлбошчи» сифатида танила бошлаган Андропов ўз қаттиққўллигини охиригача кўрсатолмади, ийл бошида вафот этди. Ўрнига Черненко келди. Унинг ҳам ёши бир жойга бориб қолганди, аммо, барибир, Совет Итифоки Компартиясининг Генерал Котиблигига сайланди. Бу шахсада тирноқнинг учидай ҳам ҳайбат ўйқди ва шу қадар кўримсиз эдики, халқ унинг Алексейми ёки Андрей Черненко эканини эслолмай қоларди.

Ўзбекистонда ҳам вазият шунга ўхшаб кетарди. Ўзбекистонга узоқ йиллар раҳбарлик қиласвериб, худди жумхуриятнинг гербидаги пахта ва бугдой бошоқлари каби бир маъжозга айланган оқсошли Шароф Рашидов ўлимидан кейин,

унинг жойини бир экономистми, ёки инженерми, эгаллади. У бир неча йил раҳбарлик қилган бўлса-да, жумхуриятнинг на сиёсий, на ижтимоий ва наиктисодий ҳаётида из қолдири. Албатта, бу шахсга адолатсизлик қилган бўлмайин, балки ўша давр бир ўтиш даври бўлгани учун бу раҳбарнинг юлдузи кулмагандир. Балки, «из» қолдирмагани яхши бўлгандир. Бугун, 90 йиллардаги раҳбаримиз каби из қолдирса, нима қиласадик?

АДАБИЁТ ФЕТИШИЗМИ

Минг тўқиз юз саксон тўртнинг март ойи эди. Дўрмондаги ёзувчилар уйида илҳом парисини кутиб кун ўтказаётган эдим. Ишим унча қийин эмасди, ўша илҳом париси келганда саккиз ёки ўн қаторлик бир шеър битсан, кўнглим жойига тушарди-кўярди. Тасаввур килинг, ўттиз бешга кирган девдек йигит учун қофияланган ёки ҳатто қофияланмаган «поэтик» матн етарли эди. Яъни, бугунги куним бекорга ўтмади дейиш учун ва ҳатто дунёдаги энг буюк ишни мен қиласапман, деб хаёл қилиш учун ҳам етарли эди.

Аслида, Дўрмонда «буюк ишни мен қиласапман» деб ўйламаган бирорта ёзувчи йўқ эди. Аммо бундай ўйлаш учун ҳаммага ҳам «саккиз қатор» кифоя қиласапманасди... Масалан, Пиримқул Қодир кунига дейлик, 15 сахифа наср, Шукур Холмирза дейлик 10 сахифа наср, шоир Усмон Азим юз мисрали бир баллада, Шукур Қурбон юз қаторлик бир достон ёзмасалар, улар «буюк ишни мен қиласапман» деб кўкрагига хеч урмасдилар.

Хуллас, Дўрмонда кунларимиз унумли ўтарди, факат ёзилган маҳсулотни китоб шаклида бостириш бир муаммо эди. Заҳматкаш ёзувчилар кечалари ўтириб, қўлёзмаларига зўр бериб, уларга гўзал номлар кўйиб, машинисткага топширадилар.

Машинистка - китобнинг босилиш жараёнидаги биринчи поғона эди. Бу поғона сийнадор жуссаси билан жуда юксак кўринарди, чунки, қўлёзманинг ҳар сахифасига нақ 40 тийиндан хақ талаб қиласади. Йўқсил шоир ёки йўқсил ёзувчи учун бу кўрқинчли рақам эди. Баъзи уддабурро қаламкашлар машинисткага уйланиб бу муаммодан кутулсалар ҳам, кўпчилик «Машбюро» эшиги олдида «биринчи поғона»дан ошолмай уймаланишгани уймаланишган эди. Иккинчи поғона - бўлим редактори, учинчи поғона - бўлим мудири, тўртинчи поғона - зам. директор (директор

ўринбосари), бешинчи погона эса, Нашриёт Директори бўларди. Бу Бешинчи Погона бутун қаламкашларнинг тушига кириб чиқадиган бир зот эди.

Совет Ўзбекистони даврида нашриётларга Директорлик қилганлар ичидаги, менимчага, энг ҳашаматлиси Ҳамид Убайдуллаевич, яъни, Ҳамид Ғулом бўлган. Унинг қўл остида ишлаган бир мудир шундай ҳикоя қиласди: «Ҳамид акамлар эрталаб ишга яхши ёки ёмон кайфиятда келганини наинки, унинг юзидан, балки кийинишидан ҳам билиб олардик. Масалан, у мовий жинси кийиб, лабига сигара трубкасини қистириб тўргинчи қаватга кўтарилса, демак, кайфияти яхши. Ҳузурига кириб дарров ишни битириб чиқардим»... Бу икрордан маълум бўлаяпти-ки, ҳатто мудир «поғона»сида турганлар учун ҳам Директор дийдорини кўрмак осон иш эмас эди.

Нашриёт Директори амалда совет тузумининг нашр сиёсатини юритган шахс эди. У хоҳлаган китобини босар, хоҳламаганини босмас эди. Марказкўм тавсия этган китобларни истисно қилганда, Директор китоб босишида ҳокими мутлоқ эди. Ҳатто цензура ҳам Директорнинг айтганини икки қилолмасди. Директор мақоми минстр мақоми билан деярли тенг эди. Директор худди Марказкўмнинг Биринчи Котиби каби ўн йил, ўн беш йил мақомидан тушмай фаолият кўрсатаверарди. Худди тузум каби нашриёт директори ҳам абадий кўринарди. Бу туйғуни Директорларнинг ўзлари ҳам ҳис қилардилар ва уларнинг энг ҳайбатлилари ўзларини бирданига Фиръавн ҳис қилабошлардилар. Бу руҳий кўтаринкилик уларнинг кўзларини чакнатиб, нутқларини ўткирлаштиради. 1979 йил Ғофур Ғулом нашриётининг Директори қилган бир нутқ ҳамманинг эсида. У тахминан шундай деган эди (янглиш эса, Олоҳ кечирсинг): «Мен бугун шон-шуҳрат минбаридан туриб шуни айтмоқчиман... Мен халқ отасиман... Ҳа, мен Ўзбекистонда халқ отасиман. Туркиядаги ўзбекларга шундай дедим. Агар сизлар Ўзбекистон ҳакида ёмон гапирмасанглар, мен сизларнинг ҳам отангизман, дедим».

Бу нутқни ҳеч ким манманлик деб қабул қилмаганди ўшанда. Директор муҳокама қилинмас бир тотем эди. Унинг устидан кулиш гуноҳ даражасида эди. Мен бу гаройиб ҳодисани унга ҳеч алоқаси бўлмаган бир мақолага тиқишитирдим. Мақола Хемингуей ҳакида эди ва у «Гулистон» журналининг 1979 йил сонларидан бирида

босилди. Аммо айтилмоқчи бўлган фикр шу қадар яғмоланган эдик, манман Директор менинг танқидимни ўқиса ҳам ҳеч нарса тушунмасди: «Бу нутқ (Хемингуей нутқи) баъзи ёзувчилар... кўрқоқ қалбларига таскин бераётган бир пайтда, бъзвилари худди бугунгидай ўзини «халқ отаси» эълон қилиб, шон-шухрат минбаридан сўзлаётганда, эллик ёки олтмиш ёшларини бехатар бурчакларда нишонлаётган бир пайтда янгради...»

Мен бир эгоист ёзувчи сифатида бигтаси келиб, «оғайнин, X. Гуломни боплабсан, офарин, сенга!» дейишини кутардим. Амо ҳеч ким мен кутганчалик фаросатли чиқмади ва бугун ўйлаб қарасам, чиқмагани ҳам яхши бўлган. Чунки, ўша Директор бугунги инсофсиз карчолонларнинг ёнида шу қадар ҳалим ва мутавозе кўринаяпти-ки, агар ўша етмиш тўқизда уни хафа қилсайдим, бугун қаттиқ пушаймон еган бўлардим

Мавзууни тамомлаш учун Директордан бошқа яна бир маҳлук ҳақида бир-икки оғиз гапирмок лозим. Бу маҳлукнинг оти Госкомиздат эди. Бу «даргоҳда» ўнларча одам «ишлар», аммо нима учун «ишлаётганини» ўзлари ҳам билмасдилар. Худди Франс Кафканинг романидаги каби мистик маҳкумият ҳукм сурарди бу даргоҳга қарашли бўлимларда. Гёё бу ўнларча эркак ва хотинлар бири иккинчиси орқасидан қўйилган айғоқчи ёки бири иккинчисига боғланган маҳбуслар эди. Чунки, китобни ёзувчи ёзарди, уни нашриёт нашрга тайёрларди, босмахона эса, бу китобни чоп қиласди, лекин Госкомиздатдаги одамларнинг бунга - китобга, ёзувчига, нашриётга, босмахонага нима алоқаси бор, дея ҳайқиргиси келарди инсоннинг, тўғриси. Ҳайқирса ҳам ёзувчини ҳеч ким бир чақага олмасди. Директор ва госкомиздат ёзувчилар туфайли яратилган бўлса-да ёзувчи билан ҳеч ким хисоблашмасди. Бу шўрлик профессионаллар ёнларидан ўз отини тўғри ёзолмайдиган Шоғуломов ёки Директор ўтиб колгудай бўлса, дарров ғоз туришиб салом беришар ва зўрма-зўраки илжаярдилар. Бу профессионаллар ўз шеър ёки ҳикоясининг бигта сатрига ҳам арзимайдиган золимларга бош эгаркан, мен бундан қаттиқ ғазабланардим ва уларни кўркоқликда айблардим, аммо бугун биламан-ки, бу ёзувчи дўстларимга нисбатан ҳақсиз дашном бўлган. Уларнинг кўркоқлик ва бўшанглик бўлиб кўринган жиҳатлари, аслида, яна ўша адабиёт учун, унга муҳаббат туфайли пайдо бўлган эди. Бу одамларнинг ўргамиёна қобилиятлиси ҳам

нон учун, бола-чақаны боқиши учун золимга бош эгишдан ор қиласади. Аммо адабиёт идеали учун бош эгишдан уялмасди. Буни айблашга хаққим йўқ эди. Чўнгагида ёзувчилар Союзи гувоҳномасидан бошқа бойлиги йўқ бу инсонлар ўзларининг халққа керакли шахслар эканлигини англар ва ўзларича ғурур туряр эдилар. Шоир Йўлдош Эшбек бунга бир мисол айтиб берган эди. Бир куни у яна бир шоир дўсти билан автобусда ўтирган экан, бир кампир тепаларига келиб қараб тураверибди. Йўловчилардан бири шоирларга «жой берсангиз бўлмайдими?», деса, Йўлдошнинг шериги ҳайрон бўлиб, «булар бизнинг кимлигимизни билишмайди, шекишли, удостоверениемизни кўрсатайликми, ё», деган экан. Содда шоирнинг бу самимияти унинг фаросатсизлигини кечиришга мажбур қиласади.

Умуман ёзувчилик, шоирлик ва ёки ҳар қандай бошқа қаламкашлик дунёнинг ҳеч бир мамлакатида Совет Иттифоқидаги каби жиддий маслак ҳисобланмасди. Бунинг, албатта, сиёсий тузумга боғлиқ бўлган тарафлари бор. Совет тузуми ёзувчилардан ўз идеологияси учун фойдаланаарди. Лекин жамият - одамлар ва ёзувчиларнинг ўзи ҳам қаламкашлик касбига топингани ҳайратланарли эди. Боя айтганимдек, адабиёт инсоннинг дунёни идрок қилиш шаклларидан бири эмас, балки, энг тўғри, энг идеал шакли ўлароқ қабул қилина бошлаганди. Ва одамлар адабиёт идеали учун ишидан, дўстларидан, ҳатто оиласидан ҳам воз кечсалар ва бу ҳаракат асло нодонлик ҳисобланмас, балки аксинча, фидойилик саналарди.

(Мен бу ерда ҳақиқий адабиёт вакиллари хусусида гапирайман, совет мафкурасининг ногорачилари ҳақида эмас. Улар гапга арзимайди). Шунга яраша бизнинг тақлид обьектларимиз ҳам оригинал эди. Хусусан, 70-йилларда энг порлок хаёлли ўзбек шоири ўзига Шоҳ машраб ёки Пол Верлен ва ҳатто Артур Рембо каби девоналар турмушини ўрнак қилиб олишга интиларди. Дейлик, Шоҳ Машрабнинг муллалар устидан таҳорат ушотгани, Рембонинг тия сотаман деб, Африкага кетгани, у ерда касалга чалиниб, ўлиб кетгани, Верленнинг Париж кўчаларидағи безоришилари - ёш шоирларимиз тарафидан хурматла қаршиланган ривоятлар эди.

Адабиётнинг бу қадар «муқаддас»лашишига ижтимоий-психологик сабаб ҳам бор эди, албатта. Кўпчилик тарафидан

кузатилган нарса шу-ки, тоталитар давлатларда шахс эркинлиги ўз ифодасини адабиёт ва санъатда топишга ингилади. Бу соҳанинг тоталитаризм каби экстремал иқлиmlарда яшаш қобилияти юксак ва бу хусусият салгина ижодий иқтидорга соҳиб бўлган кишиларни ўзига оҳанграбо каби тортаверади. Бу кишилар тузумдан қочиб, рангдан (рассомлик) ёки сўз (шоирлик)дан ясалган катокомбаларга кириб олишади ва у ердан умр бўйи чиқмай яшайверадилар. Ва табиий-ки, инсон бир нарсага умрини бағишилай олар экан, бу унинг учун муқаддасдир.

БЕГОНА

Шундай қилиб, минг тўққиз юз саксон тўртнинг март ойи эди ва мен ҳам кўплар қатори Дўрмонда илҳом парисини кутиб ётардим. У келавермаганидан, уни хаёл қилардим:

*Илҳом парисини кўрдим тўсатдан,
Қорни оч, ялангоч, узунсоч
Ўлтирибди, ана, бўм-бўши курсида,
Пойида ётибди қурум босган тож.
Сичқон чотиб ўтар хонани кесиб,
Қайсиdir жўмракдан жилдираиди сув.
Ва менга қарайди бағримни эзиб,
Хона ўртасида ўлтирган сулув.
Айрилган кимсадай бор-йўқ дўстидан
Қарайди йўқотган каби ватанин.
Кўлимни теккисам, кафтим остида
Бодроқ очабошлар унинг бадани.
Бодроқ очабошлар бўғзимда забон,
Кўзлари лим тўлиб қарайди сулув,
Қитир-қитир этар қайдадир сичқон,
Қайдадир тинимсиз жилдираиди сув. (1983)*

Кўриниб турибди-ки, кўнгилларда бир англашмас соғинч, бир мажхул носталгия бор эди. Балки у қадар-да мажхул эмас, балки, бу соғинч келажакнинг соғинчи эди. Йўқ, йўқ, аслида атрофда бир сукунат, бир ғалати танбал рух кезиб юарди.

Кезиб юрган бу рух ўз-ўзига қаттиқ ишониб юбориб, химоя рефлексини йўқотиб қўйган тоталигар давлатнинг руҳи эди. Бу ҳалокатли ишонч 1968 йил Прага ишғолидан кейин пайдо бўлди. Бутун дунё кўз ўнгида жараён этган бу осон ишғол Москвани ғуурулантириди, шовинизмни сархуш этди. Аммо бу ишғолдан кейин бошланган атом қуроллари пойгаси Совет империясининг мағлубияти билан тугашини ҳали хеч ким хаёл қиломасди. Ғуур ва сархушлик 70-йилларда ўзининг тадрижий қиёмага етди: энди кул (жамият) ҳам, кулдор (давлат) ҳам бир сукут ичида, бир лоқайд ҳаво ичида яшай бошлагандилар.

Бу ҳолат кейинроқ «турғунлик йиллари» деб аталди. Турғунлик шу қадар қуюқлашган эди-ки, бу қуюқлик ичида айтилган сўз, чиқсан товуш хеч жарангламасди, сўз ниҳоятда сўнник эшишиларди. Худди кўрқинчли тушдаги каби, қичқирсанг, ҳайқирсанг, овозинг чиқмасди.

Бу антиакустик қаср ичида биз ёш ёзувчилар ўз овозимизни синааб кўра бошлаган эдик. Ўша йиллар танқидчиларнинг ибораси билан айтганда, биз «оғзимизга келган гапни» айта бошлагандик.

1983 йил май ойида «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси «Шеърингизни тушунтириб беринг!» деган сарлавҳа билан катта мақола эълон қилди. Мақола менинг шеърларим ҳақида эди. Мақола муаллифи таниқли танқидчи эди, ўз даврасида нуктадон мутахассис саналарди. У конюктурани яхши ҳис қиласди, у адабий жараённинг хамиртуруши нимадан таркиб топишини биларди. Ҳатто турғунлик йилларининг энг турғун йили, 70-йилда ҳам ўзбек совет адабиётида ҳали ҳам фикр ўлмаганини исбот қилиш учун, баҳс-мунозарарага ўхшаган катта мақолалар уюштирган бир фаол эди. У доим зам. редактор бўлиб ишлар, аммо хеч қачон бош редактор бўлмаган эди. Бу комплекс уни бир нави ҳокимиятдан ўпкалаганлар қаторига кўшиб қўйса ҳам, у хеч қачон мухолиф фикрли одам даражасига кўтарилимаганди. Ҳокимият унга бир кулиб боқса, гина-кудратини унутиб, яна хизмат қилаверадиган бир хокисор киши эди.

Менинг шеърларимга йўналтирилган «Тушунтириб беринг!» ҳайқириғи аслида интеллектуал мазмундан кўра, кўпроқ риторик маъно ташир эди. Мақола муаллифи менинг шеърларимни жуда яхши тушунарди, лекин ўсмоқчилааб сўрарди: «М. Солиҳ фалон шеърида бизга нима демоқчи, бу не гамлетчасига дард, шеърнинг

қаҳрамони нима талаб қиласяпти биздан?», каби саволлар янграп эди унинг матнида. Ўсмоқчилаб сўраш совет танқидида кенг тарқалган усуллардан бири бўлса ҳам, бу каминанинг шеърларига қаратилар экан, дарров ҳаққоний кўринган мазмун касб этарди. Чунки, ҳали биринчи китобим чиқиши биланоқ, уни «ғарбга тақлидчилик»да айблаб бўлишган эди. Яъни, ўсмоқчилашга ишқибозларнинг куни беш-олти йил аввал тукқанди. Шу боис, мақола тайёр шудгорга тушди, тез кўкарди, тез гуллади, атрофда ҳақиқатдан ҳам баҳс-мунозара бор эмиш каби бир иқлим туғдирди. Гўё «шеърингизни тушунтириб беринг» мақоласи муаллифи менга ҳужум қиласа, бошқа бириси чиқиб гўё мени ҳимоя қиласди. Ёки учинчиси чиқиб, тарафларни муросага чакиради: «адабиётнинг даргоҳи кенг, шундай ғалати нарсалар ҳам яратилиши мумкин», дейди вазмин оҳангда.

Хуллас, ҳеч бир жиддий фикр айтгилмаган эди, айтилиши мумкин ҳам эмасди.

Зотан саодатли совет диёрида мунг ва ўқинчнинг бўлиши мумкин эмас, бўлса ҳам унинг сабаби фақат хусусий бўлиши мумкин, аммо ҳеч қачон ижтимоий ва ҳеч қачон сиёсий бўлолмас эди. Бу қоида ичиди ҳараката қилганларнинг энг жасоратлиси яна ўша «шеърингизни тушунтиринг», дея ҳайқирган танқидчи бўлиб қолаверарди. Чунки у ҳеч бўлмаганда, қалтис савол беришга журъат қилганди-да!

Бу танқидчи тилга олинган мақоласидан икки йил кейин, 1985 йилда менинг «Олис табассум соясия» номли китобимга F. Гулом нашриёти учун «ички тақриз» ёзди. Бу тақризда қалтис саволлар янада кўпайганди. Танқидчи каминани «бундай дунёқараш билан узоққа бормайсан», дея қаттиқ огохлантиради гўё. Мен бу тўпламда чиқиши керак бўлган 41 та шеърнинг ҳар бирига алоҳида бир бет изоҳ мактуби ёзишга мажбур бўлдим. Бу изоҳларда 41 та шеърнинг ўзбек совет нашриётларида бемалол босилиши мумкинилиги ва уларнинг мавжуд сиёсий тузумга ҳеч қандай зарар келтирмаслигини ўзимча исботглаб бердим. Исботим ишонарли чиқди шекилли, ўша қирқ битта шеърдан кўпчилиги 1986 йилда дунё юзини кўрди.

Қалтис саволлар туғдирган шеърлардан бир нечтасини келтираман. Бу шеър Совет давлатини чорак аср бошқариб,

Чехословакия ва Афғонистон ишғолларига имзо қўйган Леонид Брежнев ўлимидан сўнг пайдо бўлган бўшлиқда ёзилган.

*Турибман. Унумдим кўксимдаги юк,
Тош эмас, бир ҳовуч юраклигини.
Унумдим ким энди жаҳонда буюк
Ва кимдан қўрқишим кераклигини.
Кўзларим олдида туман тарқалди,
Турибман, кўрсатмас ҳеч ким йўл-йўриқ.
Ҳосилин тугатди, ҳувиллаб қолди
Бултур ёлғон учун очилган Кўриқ.
Барибир рағбат йўқ менда ўлишга
Талаффузи бузук, келгинди, сайёр,
Мен ҳар сўзим учун кулгу бўлишга,
Масхара бўлишга турибман тайёр.*

1983 («Олис табассум сояси», 1986)

Ҳар бир сўзи учун кулгу бўлишга, масхара бўлишга тайёр турган шеър қаҳрамони эмас, ўзим эдим.

Ёзиш услубим адабий танқид ва шуаронинг ғашини келтиради, буни билардим ва хафа бўлмасдим. Социалистик реализм тушунчасига бўлган тугма нафрат мен учун бир совет эди. Отилган танъя тошлари ёки фасод кесаклари бу советуга тегиб уваланиб кетарди. Яна мен ўзимни ҳақиқатдан ҳам келгинди, сайёр ҳис қиласдим ва мавжуд адабиёт ҳам ҳеч қачон мени ўзидан ҳисобламаганди. Бу бегоналик фақат адабиётда эмас, ижтимоий ва майший ҳаётда ҳам ҳукм сурарди. Ўттиз уч ёшда эдим, аммо бирор ерда қўним топиб ишлай олмагандим. Менинг ҳеч қачон «меҳнат дафттар»чам бўлмаган. Ҳеч бир иш жойи бу дафттарчани менга раво кўрмаган. Буни фақат менинг танбаллигим билан изохласам, ўзимга ҳақсизлик қилган бўлардим. Асл сабаб, мен бир ёт унсур эдим. Шу боис, ҳар сафар шеърим босилганда ёки китобим чиққанда жуда қувонардим. Чунки, уларни босишга нашриётнинг ҳам, газетанинг ҳам ҳеч қандай асоси бўлмагани ҳолда босардилар. Ва табиий-ки, «Шеърингизни тушунтириб беринг», деб талаб қилган танқидчининг саволи тагида шу таъна бор: «сен совет диёрида яшайсан, совет нонини ейсан, совет нашриётида, совет пулига, совет қофозида шеър чоп қиласан ва бу ҳам етмагандай, ҳар

сатрига 1 сүмдан гонорар оласану, яна совет ҳәтидан шикоят қиласан, дардинг нима ўзи?», деган аччиқ таъна. Эхтимол мен яшаган бегоналик даврини бошқа ёзувчилар ҳам бошидан кечиргандир, фақат улар бу хакда гапирмайдилар, чунки, ёзувчилик улар учун бутун ҳам долзарбди.

Бегоналик тушунчасини «бегонасираш» билан адаштириш ёки ёт унсур тушунчасини «ётсираш» билан тенглаштириш мумкин эмас. Бегоналик бегонасираш каби, юзада (зохирда) эмас, шуур остида (ботинда) яшайди. Агар сиз бу турмушдан бегонасираётган, ётсираётган бўлсангиз, зарари йўқ, кун келиб кўникасиз ва турмуш билан опок-чапоқ бўлиб кетасиз. Лекин сиз бу турмушга бегона ва ёт бўлсангиз, у билан опок-чапоқ бўлишингиз жуда қийин. Бегоналик сизнинг фигратингизда мавжуд. Бегоналикни дейлик, муҳаббат каби даволаниши мумкин бўлмаган хасталикка ўхшатиш мумкин. Ёки тарбияга, ташвиқотга тобе тутилмайдиган нима бўлса, бегоналикни унга ўхшатиш мумкин. Факат буни Ғарб экзистенсиалистларининг Бегоналиги билан адаштирамаслигингизни сўрайман. Уларнинг «Бегона»си гоялар сахнасидаги қаҳрамонлардан бири, холос. Мен гоя ўйини килаётганим йўқ. Умуман, ўйин қилаётганим йўқ.

«Шеърингизни тушунтириб беринг», дея ҳайқирган мунаққид шеърлардаги бегоналик ҳиссини туйган ва уни ҳазм этолмай, жаҳли чиқкан эди. «Бирорта бир шеър йўқ-ки, унда бир ёруғлик бўлсин», дейди у ёзғириб. Ҳақиқатдан ҳам, ундан бир шеър ҳеч қачон ёзолмадим, ҳатто ёруғ тугалланган шеърлар устида ҳам Бегонанинг кўланкаси тураверди. Бегона ўзининг бошқалардан фарқли эканини, ҳатто аксарият холларда бошқаларга диаметрал қарши тарафда турганлигини билса-да, буни ўзгартириш учун ҳеч нарса қилмас, бир нарса қилиш у ёқда турсин, аксинча, ўз фарқлилигини янада бўргтиришга интиларди:

Сиздан фарқли ўлароқ, ҳар хил

Йўлларин биламан овунишининг мен.

Сиздан фарқли ўлароқ, мени

Вояга етказар етишимовчилик.

Уфқда милтILLAётган шамчироқ–нафрат

Кўпроқ ёритади ийлимни

Мехр қуёшига қўра дўстларнинг.

*Агар ҳеч ким мени ерга урмаса,
Кўкка қандай сакрай олардим?
Оддий ўсимлиқман хуллас,
Қанча сув қўйсалар тагимга
Мен шунчалик гуллаб-яшнайман.*
1983 («Олис табассум сояси», 1986)

Бир куни, етмишинчи йилларнинг кунларидан бирида, Тошкентнинг Навоий кўчасида, шундоқ нашриётларнинг тўғрисида турган эдим, бир шоир келиб кўришди ва кучоқлашди. Бу ичкин ҳаракатнинг сабабига тушунмай гарангсиган эдим шоир «мени табрикли, мен Комсомол мукофотини олдим!», деди юзлари порлаб. Мен жуда ноқулай ахволга тушиб қолдим. «Табриклайман», дея ғудрандим, аммо бу ғудраниш шу қадар носамимий чиккан эди-ки, эшигтан киши «бу Солих жуда баҳил тип экан», дейиши мумкин эди. Яхшиям-ки, мукофот қувончи шоирнинг кўзига парда тортганди, менинг юзимдаги саросимани кўрмади ва ноқулай вазиятдан қутулдим.

Мен ўз бегоналигим билан шу қадар ғуурланардим-ки, бирор «мукофот берай сенга», деб қолса, бегоналик мавқеимга қаттиқ футур етган бўларди, демак мен бир ерда ўз мавқеимга хиёнат қилганман-ки, менга мукофот таклиф қила бошладилар, деб ўйлаган бўлардим.

Янглишмасам, етмиш олтинчи йил, бир гурух, ёш шоир-ёзувчи (балки Хуршид Дўстмуҳаммаднинг уйида) «биз бу мамлакатнинг мукофотини ҳеч қачон олмаймиз», дея онт ичган эдик. Бу онтни бузмаганлардан жуда оз қолди, балки бигтаси қолгандир. Лекин гап бунда эмас. Гап шундаки, бегоналик туйғуси барча қобилиятли кишиларда бор туйғу, аммо баъзиларида кучли, баъзиларида эса, заиф яратилгандир. Навоий кўчасида юзлари порлаб турган баҳтиёр инсонга буни англашиб мумкин эмас эди, албатта. Буни «Адабиёт ва санъат» газетасида баҳс уюштирган дарғазаб мунаққид ҳам англамаган бўларди.

ТУШ

Тургунлик ҳавоси шу қадар нафасни қиса бошлаган эди-ки, бунга наин-ки, ҳимоясиз мардум, ҳатто хусусий табиблари бўлган давлат раҳбарлари ҳам дош беролмади, изма-из ўла бошладилар.

1982 йил охирида Брежнев, ундан кейин унинг тахтига ўтирган Андропов, ундан кейин унинг ўрнига келган Черненко зудлик билан вафот этишди. Гўё орқаларидан бири хайдаб келаётгандай, тез-тез гойиб бўлишди. Минг тўқиз юз саксон тўртнинг март ойида Черненко гойиб бўлишга тайёрланаётган эди. Мен ҳам у пайтда Дўрмонда эдим. Илҳом париси келавермаганидан зерикиб, ухлаб қолибман. Туш кўрдим. Тушимда Дўрмоннинг кунчиқарида уруш бошланганмиш. Осмон портлашларданми қирмизи тусга кирган эди. Учоқлар бомба ташлар, танклар ўрмалар, одамлар нотаниш тилларда бақириб қаергадир чопар эди. Мен эса, мен нима қилардим, дeng - мен қувончдан йиғлардим, тилимдан «ниҳоят-а, ниҳоят!», деган калималар учарди. Юрагимнинг бир ваҳший илҳомдан портлагиси келарди, гўё мен кутган, биз ёзувчилар кутаётган илҳом париси ўрнига бир даҳшатли илҳом деви келган ва бу тургунлик ботқоғида чириб кетаётган жамиятни остин-устин килаётганди. «Офарин!», деб бақирадим, ўзимча. «Офарин!» дердим, аммо бу олқишини кимга айтиётганимни билмасдим.

Завқ-шавқдан бўғилар эканман, муздай ақл ҳам бир чеккада соат каби «чик-чик» юриб турарди. У менинг туш кўраётганимни билар ва рашқ қиласарди. Менинг бундай ҳаяжонни ўнгимда эмас, тушимда яшаётганимга ҳasad қиласарди. Моддий дунё ва унинг ҳаками инсон акли ўзидан тепароқда жойлашган ботиний идрокка рашқ қиласарди. Ва менинг зудлик билан уйғонишими истарди. Мен эса уйғонмоқ истамасдим. Мен бу гўзал манзарани томоша қиласардим, томоша эмас, бу манзаранинг ичида, унинг ўртасида яшай бошлагандим. Тургунликда узоқ вақт тургун қолиб, шалвираган мушакларимга қувват сиза бошлаган эди. Узоқ вақт чопмаган юрагим чопа бошлаганди, узоқ вақт йиғламай сахрога айланган кўзларимдан тинмай ёш оқарди!

Мен бу жунбушни, бу ҳаяжонни қандай тарқ эта олардим! Яна уйғонишми? Яна ўша алмисоқдан колган манзарани кўриш учун уйғонишм керакми? Яна ўша ўроқ-болғали байроқ, унинг соясида кетаётган бир сурув масхарабоз, улар орқасида қўлларида «Биз баҳтлимиз» қабилидаги шиорларни кўтариб олган, аммо бошлари ҳам, бўйинлари букиқ, сассиз оломон. Фақат гоҳ-гоҳ карнайдан «Яшасин совет халқи!», дея бақиради Левитанниги ўхшаган бир фаросатсиз сас...

Шуни кўриш, шуни эшитиш учунми зудлик билан уйғонишим керак? Муздай ақл «Ҳа, уйғонишиңг керак, бошқа чоранг ҳам йўқ, зотан», дерди.

Мен уйғонибоқ, дарров балконга чиқдим, беихтиёр кунчикарга қарадим. Табиий-ки, у тарафда бир дала ва у ерда эса, моллар ўтлаб юради. Ёки ўтлар бўлмаса-да, менга шундай кўринди. Ҳар ҳолда, мен ўзимнинг ҳали ҳам совиб ултурмаган вужудим, ҳануз гурсилаб ураётган юрагим билан ўзбек совет ёзувчилар уюшмасининг дам олиш уйи балконида ўзимни шу қадар бегона хис этдим-ки...

Пастга қарадим: эвоҳ, ҳамма нарса жойи жойида эди. Дам олиш уйи директори абадий армани Сергей, унинг ёрдамчиси ундан ҳам абадийроқ Вера Сергеевна ва улар ҳозирлаган емаклар, уларнинг ўтирадиган супалари, тепасида чор генерали эккан акатсиялар...

Мен билардим-ки, ундан нарироқда Совет Ўзбекистонининг пойтахти Тошкент, у ерда Дўрмондагидан ҳам кўримсизроқ ҳаёт... Мен билардим-ки, оёғимиздаги занъкирни шалдиратиб Дўрмонга келиш, бу ердан яна шалдиратиб Тошкентга бориш билан ҳеч нарса ўзгармасди. Яна билардим-ки, ҳозиргина кўрганим бир туш, реал воқеликка ҳеч бир алоқаси бўлмаган рўё. Лекин мен бир нарсани билмасдим: бу ёзувчиларнинг дам олиш уйи балконида турарканман, роппа-роса бир йил кейин менинг тушимга кирган илҳом Деви келиб, ер куррасининг олтидан бирини эгаллаган кап-катта Совет империясини ларзага солишини, турғунликни чокчокидан сўкиб, тарихнинг «коронғу бурчагига» итқитишини, юз ишллик ғафлатдан зўрга уйғониб, кўз уқалаётган катта-кичик ҳалқларни вақт чархипалагига солиб, шиддатли бир тезлиқда айлантира бошлишини билмасдим.

Илҳом Деви бу чархипалакни шундай қаттиқ айлантирган экан-ки, ўн уч йил ўтганига қарамай, менинг ҳалигача бошим айланади. Ҳалигача бу чархипалакдан бошқасига, бироз секин айланадиганига ўтолмаяпман. Шундай шиддатли айланган экан-ки, мен, ўз миллатига хуррият истаган қул, пешонамни хурриятга так этиб урганимни билмай қолдим. Чархипалак шунақа тез айланди. Озодлик шунақа онийдан келди.

Мен ёзувчилар дам олиш уйи балконида туриб, яна кўп нарсаларни билмасдим. Масалан, ушбу ёзувчилар уйига ортиқ ҳеч

қачон қайтиб келмаслигимни, қаламимни узил-кесил синдиражагимни, шеър ёзиш уёқда турсин, ҳатто ўқишига вақт тополмаяжагимни билмасдим. Ҳолбуки, армани Сергей ўзини нақадар абадий армани деб билса, мен ҳам ўзимни шу қадар абадий шоир деб санаидим. Шеърдан бошқа ҳеч бир маслак менга тўғри келмайди, деб ўйлардим. Ҳар қандай бошқа маслак мендай олийжаноб шахсга хақорат бўларди, деб ўйлардим.

Мен бу балконда туриб, шунақа гўзал ташбехлар тақинган шеърлар ёзиб, халқим ҳуррияти учун жиҳод қиласман, деб ўйлардим. Агар Оллоҳ истаса, ҳурриятни ҳеч бир жиҳодсиз «сенга шу керакми, ол, бўлмаса!», дея бериши мумкинлигини билмасдим.

Мен орзу қиласдим. Рус босқинчилариға қарши тўғарак тузишни, у ерда факат расида бўлмаган болаларни тарбиялашни хаёл қиласдим. Мен ўзимни ва ўзимга тенгдошларни бу ишда қатнашиш учун кексайиб қолдик, дея хисоблардим. Бугун ёш бўлсак ҳам эртага, Қарор куни келганда, озодлик учун ҳаёт-мамот жанги бошланганда, биз мункиллаган, чол бўламиз, деб ўйлардим.

Қўлимда пиёла, чордона қуриб,

Кутаман, мудрайди ҳоргин кўзларим.

Ялқов қаҳр билан паишани қўриб,

Кутаман, келмади ҳали дўстларим.

Ҳали душманларим тўплангани йўқ,

Юришар узилган симларни улаб.

Ҳар ҳолда, улардан менинг кўнглим тўқ,

Пайт келса, бир-бирин топажсак улар.

Пайт келса, билмайман нега ярайман?

Қўлимда пиёла, чордона қуриб,

Бошимни эгганча қунга қарайман:

Ҳали ўнгламади ўзини зўрлик,

Қанотин ёзмади ҳали ҳақорат,

Ҳали қиёмига етмади хўрлик.

(«Олис табассум сояси» китоби, 1986 йил)

Аслида, хўрлик аллақачон қиёмига етганди, хўрлик юз ўттиз ийлдан бери давом этаётганди, ҳақорат ҳам қанотларини ёзиб бўлганди. Буни фақат ялқов ўзбекнинг танолгиси келмасди. Баъзан

унинг лойқаланган шууридан шундайгумтоқ манзарадар ҳам ўтарди:

Сир

*Оғзинг қулогингда,
Нимани эшилди ўзи қулогинг?
Кайфиятинг яши,
Жунбушдасан қандай хабардан?
Қачон? Қайси маҳал? Эрталаб?
Тонг пайтида? Қайси соатнинг?
Қайси лаҳзасида? Қайси радио?
Қайси халқнинг? Қанақа эркка?
Эришганин эълон қиласақ?
Оғзинг қулогингда,
Кайфиятинг баланд -
Биз ҳам воқиф бўлайлик сирдан,
Тонггача ухламай юрайлик биз ҳам!*

1983 («Олис табассум сояси», 1986)

Ҳар бир сўз орасида ўроқдай бўлиб сўроқ белгиси турмасайди, эҳтимол, бушеъни цензура ўтказмасди. Сўроқ белгиси дикқатни чалғитади, шеъни чил-парчин қиласди, сензорнинг эса бу парчаларни бирлаштириб ўқишга ҳеч вақти йўқ. Ўқиган тақдирда ҳам «бир лотинамерикан халқининг озодлик кураши ҳақида ёзгандир-да», деб қўйиши муҳтамал эди. Чунки факат тараққиётдан ортда қолган лотинамерикан халқларигина ўз озодлиги учун курашиши, диктаторларни ағдариш учун инқилобий кўмиталар тушиб, «тонггача ухламай юриши» мумкин эди.

Озодликни хаёл қиласкан, унинг қўлга киритилишини классик андозада кўз олдимга келтирадим. Оврупо андозасида. Халқ ичида ташвиқот, қуролли гурухлар тузиш, партизан ҳаракати ва бу ҳаракатнинг умумхалқ ҳаракатига айланиши.

*Бугун менинг уйқум бузилди бевақт,
Деворда лопиллар соялар - улкан.
Кўзим қамаштириб юборди ногоҳ
Олис минтақада ёнган бир гулхан.
Чарсиллаб ёнади олов дамодам,*

*Зулматда чирилдоқ чириллар нолон,
Гулхан теграсида еттиңа одам -
Соқоллари ўсган етти құзғолон.
Улар суҳбат құрап жимгина... аммо
Уларнинг дунёга тушгандир иши!
Гулханни құчоқлаб олғандир гүйе
Чордона қурған шу етти киши.
Олов узра парвоз этар бемалол,
Қанотин қүйдирмай учади шу тоб:
Менинг құрқувимга ўхшаган савол,
Сенинг умидингга ўхшаган жавоб...
Мана, тун ҳам дарров ярмидан оғди,
Суҳбат давом этар, гулхан ёшарар.
Үйнар еттовининг юзида ёғду -
Үт билан ўйнайды етти башара...*

1983 («Олис табассум сояси» китобидан, 1986)

Аммо бу жуда узок жараён, ҳатто бизнинг авлоднинг умри буни бошлишга ҳам етмайди деб ўйлардим.

Беловежская Пуща ҳеч бир совет кишисининг, шу жумладан, менинг ҳам тушимга кирмаганди. Озодлик шу қадар дафъатан, шу қадар йилдирим каби келди-ки, мен бугун ҳам, Беловежская Пуща воқеасидан кейин 8 йил ўтган бўлса-да, воқеанинг миқёсини камрай олмаяпман.

Мен бундан саросимага тушмаганлардан хайрат-ланаман. Гүё ҳеч нарса бўлмагандай ишга кетаётган, ишдан келаётган худди ўша совет давридаги каби танбаллик ботқогига ботган, аммо совет даврида сўколмаган раҳбарларини бугун баралла сўкаётган собиқ метрополия халқидан хайратланаман.

Мен Беловежская Пущада қабул қилинган Совет Иттифоқини бекор қилиш ҳақидаги хужжатдан кейин охирзамон бўлдими, деган кинояларга қўшилмайман. Совет Иттифоқи яхши эди, деганларни носамимий ёки нонкўр, деб ўйлайман. Совет Иттифоқини қайтадан тиклаш керак, деганларни жохил, тиклаш мумкин деганларни, эса, ёлғончи дейман. Ҳа, 1991 йил декабр ойида Беловежская Пущада қабул қилинган тарихий хужжатдан сўнг Совет Империясининг «охир-замони» келди. Бу шундай бир улкан воқеа-ки, унинг

аҳамиятини рус мустамлакачилиги келтирган кўркув ва қулликдан нафратланган инсонлар ва бу кўркув ва қулликнинг яратувчилари рус шовинистлари жуда яхши билишади.

Дарвоқе, минг тўққиз юз саксон тўртда, Дўрмонда менинг тушимга уруш кирганди, Беловежская Пуща эмас. Кўрилган туш қаттиқ таъсир қилган экан, балконга чиқиб ҳам ўзимга келолмадим. Бегоналик ҳисси янада кучайганди. Мен ўз тушимдан худди бегона бир мамлакатдан чиқиб келгандай чиқиб келгандим. Бу бошқа мамлакаат менинг асл ватаним эди гўё. Дўрмонда ҳар нарса бегона эди: армани Сергейдан тортиб, Вера Сергеевнагача, акатсия тагида турган П. Қодирнинг «Волга»сидан тортиб, ошхона ёнида ошпазлардан суюк кутиб ётган кўпаккача.

Мен уйғонишини истамагандим, аммо уйғонгандим. Мен бу тушни томоша қиласкан, мен тинчликсевар бир халқнинг «нима бўлса бўлсин, тинчлик бўлса бас, хўрлансан ҳам, зўрлансан ҳам, қул бўлсан ҳам, тул бўлсан ҳам, тинчлик бўлса, бизга етади», дея тинмай ғудурланаётган бир халқнинг руҳий тазиқидан бир он бўлса-да, кутулгандим.

Хозиргина кўрилган тушни йўримлаш хаёлимга ҳам келмас эди. Бу туш менинг ўнгтимда кўришни истаган бир Буюк Ўзгаришнинг ҳужжатли фильмни каби эди. Буюк Ўзгариш бошланишига бир йилдан кўпроқ вақт бор эди, аммо унинг ҳужжатли фильмни баракатоптур малаклар аллақачон суратга тушириб улгурган эдилар. Ўзгариш мавзуига ҳассосият билан қарайдиган баъзи инсонларга бу фильмни намойиш қилиб, у шаҳардан бу шаҳарга учиб юрарди киночи малаклар. Йўл-йўлакай Дўрмон деган қишлоққа ҳам учраб ўтишганди. Уларнинг кўрсатган фильмни таъсирида менда зухур этилган ҳаяжон ва жунбуш малакларни чўчитиб юборди шекилли, улар кейин бир неча йил давомида менга ҳеч нарса кўрсатишмади. Факат 1993 йил... Дарвоқе, тўқсон учинчи йилга ҳануз етиб келмадик.

АМАЗОН ХОТИН

Мен ҳеч қачон саёҳатга чиқиб «саёҳат туркумлари» ёзмаганман. Долзарб воқеаларга ҳам вақтида «реакция» кўрсатолмаганман.

Бу мижоз масаласи. Мен масалан, бирордан ҳақорат эшигсам, унга қарши дарҳол жавоб беролмасдим. Бунга жавоб беришим

учун бир оз қизишим керак эди, қаршимдаги дилозордан бир оз ғазабланишим керакди. Шеър түқилар экан, у ҳам шу мижоз дастгохда түқилар эди. Менинг битта ҳам «долзарб» шеърим йўқ. Бутун шеърлар воқеаларнинг кечиккан акс-садолари билан содда қилиб айтганда уларнинг ҳаммаси эшитилган ҳақоратларга кечикиб берилган жавоблардир. Шунинг учун ҳам хурматли мунаққидлар каминанинг ёзганлари билан «реал воқелик» ўртасида боғлиқлик тополмай, «бу шеърлар мавхум», дейишдан нарига ўтолмасдилар. Акс-садо шу қадар кичикди-ки, бу садони чиқарган объект узокларга кетиб қолган бўлар ва майдонда факат акс-садонинг ўзи қоларди. Ва у объектга айланарди. Оригинал кўринган шеър ўша объектдир. Лекин бугун ўша саксониничи йилларда ёзилган шеърий машқларимни ўқиб, уларнинг накадар долзарб бўлганлигини кўраман. Улар мақоладан ҳам, репортаждан ҳам долзарброқ бир матн бўлганлигини кўриб ҳайрон қоламан. Ҳа, уларга 14 йилдан кейин қаралса, ўша аввал боғланмаган воқеаларга ғоят мустаҳкам боғланганини кўриш мумкин.

1984 йилда ёзилган битта мисол:

I. Мумкин

*Сўзингни айтмаёқ ейшинг мумкин,
Ҳали ҳам бор бўлса айтажак сўзинг.
Мўмин мусулмонман», дейшишинг мумкин,
Ҳали ҳам мусулмон бўлмасанг ўзинг.
«Оқ тую кўрдингми», деб сўрасалар,
«Кўрмадим» дейшишинг мумкиндирик кўриб.
Агар вижсон қийнаб, топсанг ҳафсала
Уйингда ишглашинг мумкин ўкириб.
Тишини тишига босиб мумкин чидамоқ,
Агар қолган бўлса оғзингда тишлар.
Мумкиндирик - сувакка етганда пичоқ,
Бутун қолган бўлса суюгинг агар.
Чидамоқ мумкиндирик токи ўлгунча,
Агар аллақачон ўлмаган бўлсанг.*

II. Мумкин эмас

*Сиз бетобсиз, бетобсиз ошна -
Мумкин эмас кўчага чиқши.*

*Мумкин эмас дүнёқарашини
Бузадиган китоблар ўқиши.
Мумкин эмас номаълум томон,
Олис томонларни согинмоқ.
Мумкин эмас, соғлиққа ёмон
Севмоқ, чўкка тушиб сиғинмоқ.
Мумкин эмас кийинмоқ қишида,
Мумкин эмас оч бўлсанг емоқ.
Мумкин эмас ҳатто оҳиста,
Кўрқа-писа «мумкинми?», демоқ.
1984 («Олис табассум сояси», 1986)*

Бу шеърда битта ҳам ташбех ёки муболага йўқ. Бу шеър ўша 1984 даги сиёсий об-ҳавонинг (худди кундалик каби) шарҳидир.

1984 йил Ўзбекистон Компартиясининг мафкура котиби Раъно Абдуллаева «йўлбошчилик» юлдизи порлай бошлаган пайт эди. Абдуллаева, эҳтимол, совет даврида келиб-кетган коммунист раҳбарлар ичida энг ғайратлиси эди. У ўзининг очиқча ғайримиллий сиёсати билан миллатнинг уйғонишига хизмат қилди. У Москвадан келган томшириқларни пландан ошириб бажаарди. Дин, миллиятчилик, пантуркизм унинг асосий душманлари эди ва уларга қарши астойдил курашди.

Эсимда, рассом Исфандиёр ўз юрти Бахмалда бўлган воқеани айтиб, ёзғиргани: «Аҳмоқлар, қишлоқдаги масжиднинг қуббасидаги ҳилол ва юлдузни «ислоҳ» қилишибди. Қандай қилиб денг, юлдузни олиб ташлаб, ҳилолни қолдиришибди, кейин ҳилолга даста ўрнатишибди ва қарабсиз-ки, ҳилол ўроқ бўлибди. Энди унга болға излаётган эмишлар. Масжиднинг қуббасига ўроқ-болға қўйишмоқчи, тасаввур қиласизми?...»

Шахсан Абдуллаеванинг ўзи Наманганга келиб, аёлларнинг бошидан рўмолларини юлиб олиш акциясини ташкил қилганди. Абдуллаева кейинроқ мода бўлган «ислом фундаментализмiga қарши кураш»нинг ilk пионерларидан эди. Бугун бу «фундаментализм»га қарши курашни муваффакиятли давом эттираётган Каримовлар Абдуллаевага бирор бир ҳайкалча ёки ҳеч бўлмаса, ўзига ўрнатгандай, барелеф ўрнатса асакаси кетмасди.

Абдуллаева, шунингдек, миллиятчилик ва пан-туркизмга қарши ҳам «ўт» очган эди. Бу кураш машхур испан рицарининг тегирмонларга қарши очган урушини эслатарди. Чунки Ўзбекистонда на дин, на миллиятчилик, ва на-да пантуркизм сиёсий ёки ижтимоий маънода таҳликали эди.

Шуниси дикқатга сазовор-ки, Абдуллаева буйруғи билан йиқилган масжидлар одамларни дин ҳакида ўйлата бошлади. У таъкиқлаган тарихий китоблар инсонларда ўз тарихига бўлган кизиқишини кучайтиради.

Абдуллаеванинг яна бир «хизмати», у зиёли табақаси ичидаги қайси тарафда эканлигини аниқлаб берди. Абдуллаева даврида барча экстремал ҳолатларда кузатилганидек, ижодкор зиёлилар дарров учта гурухга бўлинди.

Ёшлар Абдуллаева сиёсатига очик қарши чиқдилар. Бу қаршилик аввал чойхона гурунглари ва мажлисларда, сал кейинроқ 1985 йил январида, «Политбюорога мактуб» шаклида кўринди.

Иккинчи гурух - энг катта гурух - тарафсизлар гурухи. Улар эҳтиёткорлик билан воқеалар ривожини кузатишни энг тўғри йўл, деб билишиди.

Учинчи гурух - ҳукумат тарафдорлари эди. Бу гурухга анчагина машхур ёзувчи - шоирларимиз қўшилди. Бу гурухнинг энг кўзга кўринган шоири: «бу ёшларга нима керак ўзи, нима исташаяпти, Ленин бобомиз ўрнидан туриб таъзим қиласинми, ёки атом бомбасининг кнопкасини берайликми, астағфуруллоҳ!», деганди. Таникли шоирнинг бу гапи Тошкентда кенг тарқалганди. Бизнинг тенгдошлар: «кнопкага босиб келмаймизми?» ёки «Ленин бобо ўрнидан туриб, бир таъзим қиласалар, яхши бўларди», деб ҳазил қилишарди.

Бу шоир Абдуллаевага сўнгигача садоқат билан хизмат килди. Ҳатто Марказқўм котибининг Наврўз байрамига қарши юритган ташвиқоти доирасида Наврўз кунини «Хотира куни» деб шеърлар ҳам битди. Оллоҳ уни кечирсин.

Ўзбек адабиётчиларининг сон жиҳатидан кичик, аммо сиёсий ҳаётда таъсири кучли яна бир гурухи бор эди. Бу гурухни 20-30 йилларда Туркистонда большевизмни ўтроклаштирган фанатик коммунистларнинг маънавий меросхўрлари дейиш мумкин эди.

30 йилларда бу кишиларнинг маънавий оталари ўзбек адабиётининг кўзга кўринган намояндаларини йўқ қилган эдилар. Улар Ёзувчилар Союзида мансаб курсисида ўтириб, «халқ душмани» дея тақдим қилинган барча «дело»ларга ҳеч иккilanмай кўл кўявергандар. Абдулҳамид Сулаймон Чўлпон, Махмудхўжа Бехбудий, Абдурауф Фиграт, Абдулла Қодирий каби миллий шоир ва мутафаккирларимиз ўша коммунистлар фатвоси билан жисмонан йўқ қилинди. Бу шоир ва мутафаккирларни маънавий жиҳатдан йўқ қилиш эса, ўша коммунистларнинг зурёдлари томонидан амалга оширилаётган эди. Бу зурёдлар академик, фан доктори унвонларини ўша «йўқ қилиш» фаолияти учун олган эдилар. Улар совет идеологиясининг Ўзбекистондаги маҳаллий коровуллари эди. Улар Чўлпон, Абдулла Қодирий ва Бехбудийларни миллиятчиликда айблар экан, бу билан уларнинг бугунги издошларига таҳдид қилишарди.

Марказкўм котиби Р. Абдуллаева бу «мафкура коровуллари» учун кўпдан бери орзу қилинган шахс эди. «Коровул»лар ҳам Котиб учун қийматли кадрлар эди. Бу кадрлар дарров мафкура жабҳасининг энг муҳим нукталарига жойлашиб олди. Бунинг кўрсаткичи ўлароқ маданий хаётимиз осмонида булутлар қорайиб, чақмоқлар чақа бошлади.

Тозалаш, ҳар доимгидек, адабиётдан бошланди. Кейинги ўн йил ичида ёзилган тарихий роман, достон, шеър ва ҳакозо ҳаммаси қайтадан кўрила бошлади. Ҳатто Пиримқул Қодир каби барча ҳукуматлар билан апок-чапок яшаган коммунист ёзувчининг тарихий асари ҳам, шубҳа остига олинди. Етмишинчи йилларда бир оз танбаллашган цензура Абдуллаеванинг баланд пошнали туфлисининг ўтқир ўқчаси туртилганидан кейин анча жонланиб қолди. Миллий кўринган асарлар каторида диний туюлган матнлар ҳам таъкиқланди. Факат китоблар эмас, ҳатто сўзлар ҳам таъкиқланга бошлади. Масалан «Оллоҳ», «Пайғамбар», «фаришта» сўзлари таъкиқланган сўзлар эди. Бу сўзлар агар Шекспир асарларида учраса, уни ҳам таҳрир қилдилар.

Маиший хаётда ҳам қатағон бошланди. Инсонлар жаноза намозига ҳам боролмайдиган бўлишди. Нима эмиш, хурофтот эмиш. Айниқса, киши бирор давлат идорасида ишлайдиган бўлса, у ўз онасининг жанозасига ҳам боришдан кўркарди. Борса, дарров ишдан ҳайдаларди.

Бу воқеалар, юқорида айтганимдек, ижодкор синфни бир нечта гурухга бўлди ва бу гурухлар ўзларининг актив ёки пассив харакатлари билан жумхуриятдаги ижтимоий набзнинг юксалиши ёки пасайишини кўрсатиб турди. Бу набз, менинг назаримда, 1984 йил охири ва 1985 йил бошларига келиб ўзининг энг юксак нуқтасига чиқди..

Албатта, ташқаридан қараганда, 1985 йил Ўзбекистонда диққатга сазовор ҳеч қандай воқеа рўй бергани йўқ. Ташқаридан қараганда, жимгина пахтасини тераётган қўймижоз халқ ва унинг тепасида қамчи ўйнатёатган амазон хотин кўринарди. (Ҳа, амазон хотин кўринарди, чунки жумхуриятнинг расман Биринчи Одами жуда ҳам каризмасиз - ҳайбатсиз одам эди). Лекин пахта термаётган бир қанча инсон бор эди. Уларнинг қўпчилиги пойтахтда юритилаётган сиёsatни муҳокама қилишарди. Умуман, бутун совет жумхуриятларида қандайдир ўзгариш ҳавоси пайдо бўлганди. Бу ҳаво сал кейинроқ Горбачевни иқтидорга олиб келди. Яъни, Совет Иттифоқига ўзгаришни Горбачев келтирмади, аксинча, ботинда рўй берган ўзгариш Горбачевни ҳокимиятга келтирди.

Хар қандай ўзгариш хидини ҳаммадан олдинроқ сезадиган КГБ ҳам анча жонланиб қолди. Ёшлар ичидаги ҳукмрон кайфиятни тасбит этиш учун очикроқ харакат қила бошлади.

1984 йил май ойида мени илк бор КГБга чакиришди. Қорақамишда шоир Омон Матжон ижарага берган икки хонали уйимда оилас билан яшардим. Соат 10-ларда телефон жиринглади. Олдим. «Я майор госбезопасности Клищенко, мы хотели бы с вами побеседовать», деди овоз. «Қайси масала бўйича?», дедим. майор бир оз чайналди, «шунчаки, сухбат», дея яна тақрорлади. Мен «майли» дедим ва майорга «қаерга борай» десам, у Дзержинский майдонидаги «маршрутка» бекатига келинг, мен сизни топиб оламан, деди. Мен келдим, ҳақиқатан «топиб олди». КГБ биноси томон юра бошладик. Йўлда кетаркан йўлнинг қарши тарафидан кетаётган битта рус майорнинг дўсти, шекилли, «хў, фалончи, яхшимисан?» дея унга бақирди. Майор унга қайрилиб ҳам қарамади. Чекистлар ўз вазифасини ўтаётган пайтда танишибилишликни «танимаслиги»ни кўрдим. Майор билан КГБ биносининг бир хонасида бир соатча «мулоқот» қилдик. Ўша пайтлари Тошкентда стажёрлик қилаётган ва шоир Ҳусайн

Хоразмий ижодидан диссертация ёзаётган америкалик ёш олим Девин Дэвис билан танишган эдим. КГБни бу америкаликтининг «дунёқараси» ва албатта, менинг унга «қарашим» қизиқтираётган экан. Менинг айтганларим майорга унча маъқул бўлмади. Шунга қарамай, сухбат ниҳоясида майор менга «тез-тез сухбатлашиб турсак яхши бўларди», деди. Мен бу илтифотни рад қилдим. «Бу ерга нафакат сиз, балки ёши улуг машхур шоирларингиз ҳам келиб туради», деди майор. «Мана, сиз ёшлар Лазиз Қаюмовни ёмон кўрасизлар, у миллатчиликка қарши ўз фикрини айтаяпти, тузумни ҳимоя қиласяпти, бунинг нимаси ёмон?», деди. Мен Лазиз Қаюмовга ҳеч қандай хусуматим йўқлигини билдирам. Лекин унинг миллатчи деган шоирлари бизнинг энг яхши шоирларимиз эканлигини айтдим. Буни эшигиб майор жонланди ва «марҳамат қилиб, шу айтганларингизни ёзиб берсангиз», деди. Мен буни рад қилдим.

Хайрлашар экан, майор «илтимос, бизнинг кўришганимизни ҳеч кимга айтманг,» деди. Мен эса «КГБга кетаяпман деб, хотинимга аллақачон айтдим», дедим. Майор буни эшигиб жуда мулзам бўлди.

Эртаси куниёқ КГБ билан бўлган «мулоқот»имни бутун дўст ва дўст эмасларга айтдим. КГБга такрор чақирилмасликнинг бошقا йўли йўқ эди. Қўллаган усулим тўғри бўлди шекилли, мени қайтиб «учрашув»га чақирмадилар.

КГБ бизга қарши курашни бошлаб юборганди. У ёзувчилар ичига ўз айғоқчиларини жойлаштира бошлади. Бу айғоқчилар шоира қизларимизга «ошиқ» бўлиб, улар ёрдамида бизнинг даврамизга кириб олишга ҳаракат қиласар ёки кариндош, танишбилишлар воситасида бизга яқинлашардилар. Бу айғоқчилардан бири бир куни шундай фитна қилди-ки, бутун ёзувчилар бир-биридан шубҳалана бошлади. Айғоқчи бир шоира қизчанинг бошини айлантириб, унга уйланиб ҳам олганди. Бу кизча анча пайтгacha ўзи билмаган ҳолда КГБга хизмат қилди. Кейин сир фош бўлганида, у айғоқчи шоирани ташлаб қочди. Лекин фош бўлмаган айғоқчилар бизнинг шоираларимизга «ошиқ» бўлиш ва «уйланиш»га давом этдилар, ёзувчиларга яқин одамларни авраб, уларнинг энг маҳрам жойлари - оиласларигача «дўст» ўлароқ кириб бордилар. Уларнинг зиёлилар ичига нақадар чуқур киргани халқ ҳаракатлари жонланиб, зиёлилар тўғридан тўғри сиёсатга

кирганларидан кейин маълум бўлди. Улар кейинги 10 йил ичida сиёсий мухолифатни чўктиришда катта рол ўйнади. Улар бугун, бу сатрлар ёзилаётган 1998 йилда, диндорларнинг фаолиятини тўхтатиш учун «жавлон» урмоқдалар.

1984 йил охирида менинг ҳаётимда яна бир муҳим воқеа рўй берди. Ёзувчилар Уюшмаси менга бир эмас, икки эмас, роппа-роса уч хонали квартира берди. Менга, ўз ватанида 14 йил ижарада яшаган бир ўзбекка уйга эга бўлиш бир буюк омад эди. Уй ёзувчиларнинг «Литературный фонд» деган вақфи тарафидан курилганди. Бу ёзувчиларнинг гонорарларидан ушлаб қолинган фоизлар эвазига, яъни, уларнинг манглай тери тўкиб қилган меҳнати эвазига курилган эди. Биз бу ҳалол уйда оила билан саккиз йил яшадик ва ниҳоят 1993 йилда уни биздан қайтариб олишди, мусодара қилишди. Ҳозир эшитишимча, у ерда КГБ ходими яшаётган экан.

1984 йилга келиб мен ўзим ҳам сезмаган ҳолда жуда «гушунарли» шеърлар ёза бошладим. Аввалгидай ташбеҳга ўчлик йўқ эди. Аввалгидай сўз билан расм чизишга, манзара яратишга мойиллик гойиб бўлганди. Сийнада бир оғриқ уйғонганди, хаво бузилишини олдиндан сезадиган ревматизм мубталоси каби, юрак нималарнидир сеза бошлаганди. Шу кунгача фақат шеърий образ сифатида яшаб келган «Ватан» ва «хуррият» тушунчалари бирдан моддийлаша бошлаганди. Мен бир максималист сифатида узок давом этадиган тактик курашни ҳеч қачон қабул қилмагандим. Номига «жумхурият» бўлиш, номига «суверен» бўлиш факат халқнинг норозилигини босиб туриш учун хизмат қиласди, яхшиси мустамлакачи ўзини «мустамлакачи» деб айтсин, кул эса, ўзининг қулигини билсин, деган фикрда эдим. Бу билги бизнинг хурриятга тезроқ эришишимизни таъминлайди, деб ўйлардим. Бунинг ифодаси ўлароқ, тахминан шундай шеърлар ёзиларди:

Гул ҳақда қуялашни сизга чиқарган,

Баҳор истеъододи сизда намоён.

Сизга ярашади боқиб юқорига,

Десангиз, «Меники эрур шу осмон!»

Ярашар «меники» десангиз ерни,

Чунки, алдамайсиз шундай дегандо.

Шу ер меники, деб ёзаркан шеърни,

*Шубҳага бормайсиз ҳеч қачон мендай.
«Бу ватан меники», десангиз бирор
Одам туриб демас сизга: «бу ёлғон!»,
Чунки, ҳақиқатни айтасиз тақрор,
Айтиб, мен сингари йиғламайсиз қон.
1984 («Олис табассум сояси», 1986.)*

Бу шеър 1986 йил («Олис табассум сояси», F. Гулом нашриёти) «Сохта шоирга» номи билан чоп этилди. Бу номнинг шеърга нима алоқаси бор, деб ҳеч ким сўрамади. Бу ном бўймасайди, шеър цензурадан ўтмасди. Балки, шунинг учун ҳеч ким сўрамади унинг моҳиятини.

Саксон тўртинчи йил, боя изоҳ этганимдек, сиёсий ва маданий тазиикнинг кучайиши билан бошланди. Бунга параллел равишда одамлардаги норозилик, исён туйғулари ҳам кучая борди. Эҳтимол, бу хусусият факат 80 йилларга хосдир.

Ҳамма замонларда ҳам ижтимоий норозилик давлат ўтказаётган тазиик ва зўравонликка пропорционал юксалади, дейиш қийин. Айниқса, Ўзбекистон мустақил бўлганидан кейинги беш йил тажрибаси тазиик ва зўравонликнинг доимо исёнга сабаб бўлиши муқаррар эмаслигини кўрсатди. Менимча, бу чархи фалакнинг айланишида ҳар ўн йил (ёки ўн икки йил)нинг ўхшашлик томонларидан ташқари мутлақо ўзига хос жиҳатлари мавжуд. Жамиятлар бу ўн ёки ўн икки йиллик циклда бир-бирига ўхшаш воқеаларга бир-бирига ўхшамаган реаксия кўрсатишлари мумкин.

Саксон тўртинчи йилда бизнинг жамиятимизда бир соғлом рух мавжуд эди. Бу рух бизга 6-7 йил йўлдошлиқ қилди. Кейин мустақилликдан бир оз димогимиз кўтарилиганини сезди ва бизни золимнинг зулмига тарк этди. Иншоллоҳ, димогни бир оз пастроқ қилсан, яна ишимиз юришар.

1985 йил. ПОЛИТБЮРОГА МАКТУБ

Саксон бешинчи йил биз учун «Совет Ўзбекистони» газетасида босилган гоявийлик ҳақидағи йирик мақола билан бошланди. Янглишмасам, мақола «Гоявийлик - бош мезон», деб аталар ва ундан 30-йилларнинг ҳиди анқиб турарди. Бу мақола воситасида Абдуллаева ўз сиёсатини машрулаштиришга

уринаётганди. Жамиятни эскилик сарқитлари-ю, миллатчиликдан қутқариш учун бел боғлаган фидоий бўлиб кўринмоқ истарди. Айни пайтда бундан кейин мавжуд сиёсат янада қаттиқлашаганинг хабарини берарди мақола. «Совет Ўзбекистони» бош муҳаррири бу келаётган қаттиқ сиёсатнинг тайёр устунларидан бири эди. Аввал айтилганидек, бу одам бизнинг, 20-йилларнинг Чўлпон ва Бехбудий авлодига қарши ташвиқотнинг бошида турарди. Рашидов ўлимидан кейин бир оз сояга чекинган бу шахс, Абдуллаеванинг кўлтиқлаши билан яна мафкура сахнасига чиққанди. Ёзувчи халқи уни ичидан ёмон кўрсада, ташқаридан жуда серигтифот эди у билан. Очикроғи, кўркишарди. Бу кўркув 20-30 йиллардан мерос, генетик бир кўркув эди. Ҳатто машхур шоирларимиздан бири уни Сергей Лазо билан киёс қилиб аноним қасида битган эди.

Бу қасидани ҳурмат қилганидан эмас, кўркқанидан ёзганди.

Факат ёш ёзувчиларда бу генетик кусур йўқди. Улар 40-йиллардан кейин туғилганиклари билан баҳтиёр эдилар. «Амазон хотин» ҳам, унинг ёрдамчиси «Лазо» ҳам ёшлар учун катталарага кўрингани каби кўркинчли эмасдилар. Ёшларнинг яна бир хусусияти, улар ҳали номенклатура неъматларидан татиб кўрмаган, мансаб ва мукофот каби нарсалардан йироқ эдилар.

Эҳтимол, бу уларнинг ўша синов даврида мустақил фикр юритишини таъминлаган энг муҳим фактор бўлгандир. Чунки, кейинроқ, ёшларнинг позицияси билан ҳисоблашишга мажбур бўлгандарида, орамиздан бир груп ёзувчи хар хил баҳоналар билан ҳукумат тарафини тутганди. Уларнинг деярли ҳаммаси «ниманингdir лауреати» ёки «кимнингdir ўринбосари» ўларок мансаб нарвонларига тирмашдилар.

Хуллас, 1985 йил бошида Ўзбекистон сиёсий ҳаётида бир ҳаракатланиш аниқ кўзга ташланарди. Бу ҳаракатланишнинг юраги ёш ижодкорлар эди.

Ёшлар анъанавий ўлароқ «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси ва Ёзувчилар Уюшмаси атрофида кўпроқ тўпланардилар. Уларнинг содир бўлаётган воқеаларга қарши фикрларини хеч бир нашр органи чоп этолмасди. Уларда рус диссидентларининг «самиздат»и каби кўлбола нашр килиш имконлари ҳам йўқди. Лекин норозилик бир шаклга тушиб, халқка мутлоко билдирилиши лозим эди. Бу йиқилаётган масжидлар, ҳақорат қилинаётган

муслимон она, сингилларимиз, ерга урилаётган она тилимиз ва маданиятимиз эгасиз қолгани йўқ, уларни ҳимоя қилувчилар бор, кучимиз катта эмас, аммо зулмга қарши «йўқ» дейишга етади, деган маънода бир манифестга эҳтиёж туғилганди. Бу хужжатни тайёрлашни мен бўйнимга олдим. Балки, ёзилиши (ўзининг радикал оҳангি билан) оригинал бўлгандир, аммо уни қаерга ва кимга жўнатиши борасида оригинал бўла олмадик: манзил яна ўша Москва, яна ўша Политбюро - шикоятлар мозористони бўлди. Мактубни Черненкога ёзмадик, чунки у мактуб жўнатиладиган даражада обрў қозонмаганди ҳалқ орасида. Мактуб тепасига «Политбюорога», деб кўйдик. «Политбюро», мажхул сўз бўлишига қарамасдан, унда қандайдир салобат ҳали ҳам қолганди. Бундан ташқари мактубни битта шахс номига ёзиш унинг аҳамиятини озайтирадигандай туюлди бизга. Хуллас, 1985 йил январ ойининг сўнгигида мактуб ёзилганди. Мактуб тез ёзилди, аммо унга имзо кўйиш жараёни, икки ойча давом этди. Мен бу жараёнда қатнашмадим, аммо қатнашгандарнинг гувоҳлик беришича 250 тага яқин ёзувчилар союзи аъзосига «қўл кўйиш» таклиф қилинган, аммо қўл кўйгани фақат 53 та (ёки 56 та, аниқ эсимда йўқ) бўлди...

Уларнинг ҳам юз фойзи ёш ижодкорлар ёки ёш саналган ижодкорлар эди. Буларнинг ҳам 80 фойизи шоирлар эди. Носирлар (ёзувчилар) ҳам бор эди, аммо жуда оз эди. Бу оз бўлган қисми ҳам кейин анча ўйин кўрсатиши, соғ бўлсинлар. Мен бундан бирорта манфий хулоса чиқармокчи эмасман, фақат демокчиман-ки, бизнинг носирларимиз нозимларимизга кўра доим ақллироқ, доим хушёрроқ бўлишган.

Март ойида мактуб тўла имзоланган ҳолда конвертга солинди. Унинг аҳамиятини ҳисобга олиб, мактубни почтадан эмас, қўлдан бериб юборадиган бўлдик. Олиб борадиган полвон ҳам топилди - ёш ёзувчи М. М. Дўст. У «Шарқ юлдузи» журналида бўлим бошлиги бўлиб ишларди. Политбюорога ёзилган мактубда «Шарқ юлдузи»га бўлаётган тазиик ҳам тилга олинганди.

Ёш ёзувчи пойтахтга учеб кетиши керак бўлган кун, менинг уйимга иккита носир ҳансираф етиб келишди. «Илтимос, шу имзомизни ўчириб кўйсангиз, биз эшитдик-ки, марказқўм ҳам бу муаммони билармиш, шошмай турар эканмиз», дейишди ҳансираф. Мен мактуб ёш ёзувчи М. М. Дўстнинг кўлида эканлигини айтдим, учеб кетган бўлиши мумкин, дедим. Улар имзосини қайтариб

олишга улгурмадилар. Лекин, биздаги ўзлари ҳақида туғдирган ишончни қайтариб олишган эди. Умуман, саксон бешинчи йил ёзилган бу мактуба бизнинг авлод учун бир маҳактош ролини ўйнади. Мактубга жавоб май ойида келди. У пайт Черненко ўлган, ўрнига Горбачев ўтирган эди. Жавоб унинг идорасидан келди. Табиий-ки, бизга эмас, биз шикоят қилган одамнинг ўзига - Ўзбекистон Марказкўми котиби Раъно Абдуллаевага келди.

Абдуллаева май ойининг гўзал бир кунида бизни марказкўм биносига чақирди. Мактубга қўл кўйган ҳаммани, ҳатто вилоятдан бўлса ҳам, чақиришган эди. Биз, элликдан ортиқ қаламкаш, эҳтимол, биринчи марта, шундай оломон бўлиб Тошкентда учрашаётган эдик. Лекин сарой олдидаги майдонда ёзувчилар сони имзочилардан кўпроқ эди. Кейин билсак, бизни сазоий қилиш мақсадида Абдуллаева яна бошқа ёзувчилар гурухини ҳам таклиф қилганди. Ичкари кирдик. Катта ва шинам зал тўла. Ҳаммамимзда бир шанлиқ, бир гаройиб қувноқлик бор эди. Аниқ эсимда, ҳеч биримизни бу коммунистик маҳобот ҳам, хўмрайиб ўтирган (қизил кийинганди, янглишмасам) идеология котиби ҳам заррача ҳаяжонлантиргади. Аксинча, биз «қора рўйхат»га тушаётганимиздан гўё хурсанд эдик. Биз унга «тушиш»нинг унчалик ҳам қўрқинчли эмаслигини ҳозир, шу ерда исбот қилиш завқи билан яшардик гўё.

Абдуллаева кириш нутқидан сўнгра биз ёзган мактубни қўлига олиб, бизга намойиш қилди. «Буни биз ёзганлигимиз»ни тасдиқладик. У Москвадан келган жавобни ўқимади, бизнинг мактубни «таҳлил» қилди. Бугун бу таҳлилдан ҳеч нарса эсимда йўқ. Фақат йигит-қизларимиз Марказкўм Котиби билан шундай мулоқот қилди-ки, бизга қарши қўйиш учун олиб келинган бошқа ёзувчилар гурухи ҳам «тўғри айтишайти, бу мактубга биз ҳам қўл кўярдик», деб юборишиди. Абдуллаева «Темурни химоя қиласиганлар, миллатчилар кўпайиб кетаяти,» деди. Бу шикоятга ўхшаган бир таҳдид эди. Аммо котиб ўзининг енгилаётганини сезиб «сухбат»ни қисқартиришга мажбур бўлди.

Бу сухбатдан кейин «Шарқ юлдузи» журнали бош муҳаррири Пирмат Шермуҳаммедов ишдан олинди. Ва бу бизнинг мактубимиз натижаси ўлароқ баҳоланди. Биз бундан қаттиқ ҳайратландик, мактубда Бош муҳаррирдан ҳеч қандай шикоят йўқ эди. аксинча, «Шарқ юлдузи»ни цензурадан химоя қилиш кераклиги ёзилганди.

Кейин билсак, мактубни олиб борган ёш шахс мактубни Москвада ўзгартириб ёзиб топширган. У «Шарқ юлдузи» Бош муҳарририга хусусий адоватининг хусурини шундай чиқарган. Яна кейинроқ маълум бўлди-ки, бу одам Абдуллаевага асло муҳолиф эмас, унинг оила дўсти экан. Астогфуруллоҳ, дедик холос.

Ёшларнинг бу мактуби ҳеч бир ерда чоп қилинмади, аммо унинг акс-садоси жумхурият бўйлаб ёйилди. Аввал бу хусусда кулиб - ҳикоя қилган қитминалар ҳам жимиб қолди.

Ёшларнинг Марказқўм қаршисида бўйин эгмагани зиёлиларга каттиқ таъсир қилди. Қисқаси, бу кичик мактуб Ўзбекистондаги ижтимоий фикрнинг норасидалик давридан чиққанлигини кўрсатди.

ГОРБАЧЕВ

Горбачев ҳокимиятга келганида унинг «келиши» фавқулодда бир ҳодиса саналгани йўқ, Ҳар ҳолда, Москвани истисно қилганда, совет кишилари бу янги лидердан каромат кутмаган эдилар. Москва аҳли эса, воқеани ҳаяжонли қаршилади. Миш-мишларнинг уяси бу улкан шаҳарда янги йўлбошчининг образи тез тўкиб-бичилди. Унинг ҳокимиятга келишига Ғарб давлатларининг ижобий қарагани-ю ва бунинг сабаблари миш-миш савиасида муҳокама қилина бошлади.

Горбачев ўзи ҳақида ҳалқ тарафидан бичилган қиёфага, табиий-ки, ўхшамасди. Лекин у ўзидан олдин ўтган коммунист раҳбарларга ҳам ҳеч ўхшамасди. Оғир гавдали, оғир фикрли, оғир қарашли «Йўлбошчи»лар силсиласидан кейин, Горбачев қандайдир инсоний шамойили билан лидерлик стандартларини остин-устин қилганди. У социализмга ҳам ўзининг «шаклини» бериш учун майдонга чиққанди. Чехословакиянинг собиқ лидери Дубчекнинг «инсоний юзли социализм» иборасини қўлларкан, Горбачев ўз юзини назарда тутарди. Аммо, айтиш керак-ки, Горбачев ҳеч қачон социализмни йўқ қилиш, Совет давлатини тутатиш учун Кремлга келмаганди. Шунингдек, у баъзи рус шовинистлари иддао қилганидек, Совет Иттифоқини Америкага сотгани ҳам йўқ. Умуман, Совет Иттифоқини Горбачев йўқ қилди, дейиш, Горбачев шахсига тухмат бўлибгина қолмай, рус колониализми тарихи учун катта ёлғондир.

Горбачев модерн рус империясини 70 йил аввал чивилган худудларда сақлааб қолиш учун курашга бел боғлаган совет лидерларининг энг некбини эди. У янги жамият қуриш учун ўргага чиққанди, эски жамиятни янги шароигларга мослаштириш ниятида фаолият бошлаганди. Унинг ислоҳотлари ислоҳот эмас, балки, таъмирлаш (ремонг) даражасида режаланганди. Горбачевнинг характеридаги «демократизм» ҳам демократники эмас, жуда нари борса, империя маъмурининг ўрга савиядаги либерализми эди, холос. СССР йикилганидан кейин Горбачев соғдан ҳам, сўлдан ҳам кўп ҳақорат эшигди. Аммо ташқаридан қараган дўст ҳам, душман ҳам шуни кўрди-ки, «Горби» СССРни сақлааб қолиш учун қўлидан келган ҳамма нарсани қилди. Горбачевни коралаганлардан ҳеч бири СССРни қайта тикилашни Горбачев қадар истамасди. Лекин Горбачевнинг бу демагоглардан фарқи, у, Совет Иттифоқини ҳеч қаҷон қайта тикилаш мумкин эмаслигини биларди.

Горбачев ҳокимиятга келган йилиёқ «қайта қуриш»ни эълон қилди. Марказий газеталарда «танқид, ўз-ўзини танқид» шиори остида, бир из демагогик, аммо нима бўлса-да танқидий мақолалар берила бошлади. Аммо поёнсиз империянинг чекка мингақаларида зулм кучлироқ, ғафлат теранроқ эди. Бу ерларда «қайта қуриш»нинг сиёсий принципларидан кўпроқ ижтимоий-маиший тамойилларини «ҳаётга тадбиқ» қилиш хавфсизроқ эди. Масалан, ароқхўрликка қарши кураш кампањасида Совет Иттифоқида жуда кўп узумзорлар осонгина чопиб ташланганди. Тўғри, кейин додвой солинган ва «қайта қуриш» ланъялланган эди.

Хуллас, Горбачев хукмонлигининг илк босқичида давлат сиёсати Андропов ва Черненко давридагидан жуда оз фарқ қилди. Факат битта фарқ яккол кўзга ташланарди: фикр хуррияти. Бу хуррият жуда оз эди, аммо инсонлар Совет Империясининг бутун 70 йиллик хукмонлиги давомида бу «оз хуррият»га teng ҳеч бир неъмат кўрмагандилар. Бу хурриятни, бу жуда оз хурриятни ҳар бир табака ўз мақсадлари учун, ҳар бир шахс ўз манфаати учун ишлата бошлади. Бу биз учун табиий ҳол эди. Биз, хурриятни орзу қилган совет кишилари, унинг ёлғиз битта табака ёки ёлғиз битта шахсни бўлолмаслиги хусусиятини ақлан англасак ҳам, қалбан ҳеч қабул этолмасдик. Бизнинг хурриятимиз биз учун нақадар азиз кўринса, қарши тарафнинг хуррияти бизга у қадар таҳликали кўринарди. Биз бир неъматни ўртада баҳам кўриш саодатидан

махрум қилингандик. Биз бирга баҳтли бўлишга ўрганмагандик. Биз, Совет кишилари бирга баҳтсиз бўлишга ўргангандик.

«Фикр хуррияти»дан илк ўлароқ номенклатура (бошқа нарсаларда ҳам бўлгани каби) фойдалана бошлади. Бу ўзига рақиб бўлган маъмурни йўқ қилиш, мансаб зинапоясида юксалиш мақсадида ёзилган рапорт ёки аноним хатларда намоён бўлди. (Аноним хатлар ҳам фикр хурриятининг хабарчисидир, чунки, тоталитар давлатда буни ёзиш ҳам таҳликали эди). Кичик ва ўрга макомдаги раҳбарлар бир-биридан кўрқа бошладилар, чунки, уларнинг ҳар бири «фикр хуррияти»га қурбон бўлиши мумкин эди. Бу кўрқув ҳануз Кремлга етиб бормаган бўлса ҳам, у ердаги баъзи Политбюро аъзолари «ошкоралик»нинг янгилиш тушунилишидан безовта бўла бошлаганди. Лекин бу гаройиб-»ошкоралик» шунчалар жозиб келди-ки, безовта бўлганларнинг ўзлари ҳам умумий оқимга қўшилиб кетганини билмай қолдилар.

«Фикр хуррияти» Ўзбекистондаги кадрларни Андропов режалаштирганига мувофиқ ўзгартиришда жуда кўл келди. Оддий бир шикоят, рапорт билан туман, вилоят раҳбарларини ишдан олиш мумкин бўлиб қолди. Бунга жумхурият раҳбари ҳам тўсқинлик қилолмасди, чунки, у ҳам «фикр хуррияти»дан кўрқарди.

Кадрлар факат ишдан олинмади, балки, судланиб, қамала бошладилар. Яъни, «Фикр хуррияти» Андропов замонида бошланган «тозалаш кампанияси»нинг янада тезлашувига, Москвадан юборилган терговчилар террорининг янада кучайишига ёрдам этди. Ва албаттa-ки, фикр хурриятидан биз ёзувчилар ҳам ўз насибимизни олдик. Номенклатурачи ва терговчилар даражасида бўлмаса ҳам, ўз сўзимизни иложи борича шаффофорқ айтиш даражасида фойдаландик. Зотан, бизнинг ҳам ўз дардимиз, ўз манфаатимиз бор эди. Биз на табака ва на-да шахс эди, биз дунёга келганимиз сабабини англашга тиришган, аммо бир қарорга келолмай, сарсон юрган дарвишлардик, холос. Фикр хуррияти бизни шу қадар қаттиқ туртди-ки, масалан, мен хали ҳам, ўн беш йил ўтганига қарамай, бу туртки таъсирида гарангман. Бу турткидан уйғониб, шундай деб ёзгандим:

*Тақлид этолмадим сенга, ватаним,
Сен каби бардошли бўлолмадим ҳеч.
Сапчиб турган эсам, айбситма мени,*

*Афу эт, ахир, мен ўлолмадим ҳеч.
Кечир, сапчиб турдим огир уятдан,
Тарихидан жудо бўлган халқ каби,
Келажаги қора инсониятдай,
Энг сўнгги лаҳзада турдим мен қалқиб.
Турдим, сапчиб турдим, ўзимга келдим,
Шаккок фарзандингни афу эт, Ватан,
Гўзал кафандарни эгнимдан юлдим,
Тушдим, сакраб тушдим, тилла тобутдан!*

1985 («Олис табассум сояси», 1986)

Биз ҳеч бир режасиз, ҳеч бир таёргарликсиз фикр майдонига отилгандик. Биз доим сиёсатдан нафратланган, сиёсатчиларни масхара қилган кишилар, бирдан сиёсат ҳақида кутилмаган бир жиҳдийлик ва изчилик билан мушоҳада қила бошлагандик. Биз ҳали мустақиллик ва мустақил давлат чегаралари ҳақида маколалар ёза олмасдик, аммо бу фикрни шеърда айтиш имкони бор эди:

*Сўзлар бир-бирига боқсин эркинроқ,
Яшасин, мустақил жумхуриятдай.
Бир-бирин тўлдирсан, бўлсин иттифоқ
Ҳар жойда туғилган бир хил ниятдай.
Жислашисин, жиспс этса замона зайли,
Аммо олий Белги этган ҳукм-ла
Ўртада ҳад бўлсан... шундан сўнг майли,
Жумлаи жаҳонга айлансан жумла!*

1985 («Олис табассум сояси», 1986)

Хуллас, саксон бешинчи йил баракатли ва айни пайтда оғир келди. Баракатли келди, чунки, мустамлака ватанимиз истиқболида бир нурли туйнук очилди. Оғир келди, чунки, порахўрлик ва «қўшиб ёзишга қарши кураш» баҳонасида минглаб бегуноҳ ўзбеклар қамалди, хонавайрон бўлди. Биз, саксон бешда шу бир-бирига зид икки туйғу - умид ва қайғу - орасида бориб-келдик.

НАСАБСИЗЛАР

Руслар Туркистонни ишғол қилганидан сўнг унга қарши зулмкор ва олчоқ сиёсатини кўпроқ рус бўлмаган насабсиз

маъмурлар, таги паст жосуслар ва ҳаромзода қотиллар ёрдамида амалга оширганлар. Болшевиклар бу сиёсатни айнан давом эттириди. Совет Ўзбекистонининг энг маҳрам нукталарида рус бўлмаган, аммо ўзбек ҳам бўлмаган кимлиги номаълум кимсалар жойлаштирилган эди. Шаҳарга «прописка» қилиш, иш билан таъминлаш, квартира бериш, пенсия ва бошқа ижтимоий ёрдам ишлари уларнинг кўлида эди. Улар ўзига ўхшаганларни четдан чақириб шаҳарга жойлаштириш, ерли халқни эса иложи борича шаҳардан қувиб, ишдан бўшатишга, ҳаракат қилишарди. Катта шаҳарнинг бутун моддий резервлари, уларнинг назоратида эди. Шаҳарга ижроқўм ўзбек бўлиши мумкин эди, аммо у доим наасбизларнинг ноғорасига ўйнарди.

Насабизлар инсонларимизга зулм қиласар экан, буни доим руслар номидан қилишган ва масъулиятни ўзидан соқит қилганлар. Шунинг учун ҳам улар рус хўжайиннинг буйругини русдан яхшироқ ва «сифатлироқ» бажарган. 1918 йил Кўқон муҳторияти ҳукуматини ағдариб, Кўқон шаҳри ахолисининг учда бирини қириб юборган большевик тўдаларининг ичида ўз қонхўрлиги билан ажralиб турган гурух армани дошноқлар эди. Дошноқлар ўзлари яшаб, тузини еган бу шаҳарда ҳомиладор хотинларнинг қорнини ёриб, боласини олган ва уни ҳам қатл қилганлар.

Ўзбек зиёлисининг шуурида 1985 йил Ўзбекистонда Москва номидан иш кўрган Гдлян-Иванов терговчилар гурухи ўша Кўқон қатлиомини ташкил қилишган наасбизларнинг меросхўрлари ўлароқ таҳайюл этарди. Бу гурух аъзолари - миллиати ким бўлишидан қатъий назар - ерли халққа қарши кин ва нафрати билан ажralиб турарди. 1984-1985 йиллар ичида ўнлаб эмас, юзлаб бегуноҳ кишилар Гдлян тўдасининг қурбони бўлишди. Улар пораҳўрларни йўқ қиламиз, деб оддий меҳнаткашни жазоладилар, пораҳўрлардан эса пора олдилар. Шу қадар кўп олдилар-ки, бу ўзбек миллионлари билан СССР Олий Совети депутати бўлишди, бу пуллар билан катта сиёсат саҳнасида чикишди ва бугун ҳам улар еяётган нон ўша меҳнаткаш ўзбекдан ўғирланган нондир.

Россия ўзининг бу ёлланган қотиларини хизматига яраша юксалтди: уларни миллий қаҳрамон эълон қилди.

Бу қонхўрлар босқини бир тараф, уфқда Москва йўллаган «янги раҳбарлар контингенти» пайдо бўлди. Халқ хўжалиги ва давлат идораларига Россиядан «ёрдам қўшини» оқиб кела

бошлади. Саратов ёки Тамбовда қассоблик қилиб юрган бир кимса ўзбекнинг бир шаҳрига ижроқўм, Воронежда ўғирлик қилиб, дордан қочган киссавур рус бир ўзбек туманинг прокурори қилиб тайинланиши ҳеч гап бўлмай қолди. Хукуқ органларининг деярли ҳаммаси бу «янги раҳбарлар» билан тўлдирилди. Бу «раҳбарлар» тўғридан-тўғри Москва амри билан иш кўрарди, масалан, оддий рус прокурори Ўзбекистон Марказқўм котибига бўйсунмаслиги мумкин эди. «Янги раҳбарлар» келиши билан гдлян-иванов тўдасининг иши янада осонлашди. Улар халқни биргалашиб жазолай бошладилар, уни биргалашиб талон-тарож қилишди. Насабсизлар фақат давлат идоралари ва хукуқ органларида эмас, матбуот ва ташвиқот марказларида ҳам асосий ўринларни эгаллаб олгандилар. Табиий-ки, уларнинг ҳаммаси «русча гаплашадиган ахоли» синфиға кирап ва Ўзбекистонда туғилиб-ўстганига қарамай, ўзбекча учта сўз ҳам ўрганишга ҳафсала қилмагандилар.

Русча чиқадиган «Правда Востока», «Ташкентская правда», «Вечерний Ташкент» газеталари йиллар давомида ўзбекларнинг тарихини, тилини ва маданиятини камситиш, халқнинг ғурурини синдириши учун режали равишда ташвиқот олиб боришли. Бу ташвиқот «байналминалчилик» шиори остида юритилди. Бу ташвиқот Москва истаганидан ҳам эркинроқ ва шафқатсизроқ олиб борилди, чунки, насабсизлар зулмнинг маъсулиятини ташимасдилар.

«Қайта куриш ва ошкоралик» эълон қилинганидан кейин туғилган нисбий хурриятни ўша насабсизлар матбуоти бўғиб ташлашга уринди. Уларнинг нашр органлари Горбачев сиёсатининг бошидан охиригача душмани бўлиб келди ва улар Янаев хунгасини кувонч-ла қаршилашди, унинг директивларини зудлик билан, мамнуният билан ўз газеталарида чоп қилдилар.

Насабсизлар Ўзбекистоннинг сиёсий мустақиллиги у ёқда турсин, унинг Москвадан бир сония бўлсин узилишини истамас ва буни яширмас ҳам эдилар. Булар маълум жабхада икрочи маъмур бўлибгина қолмай, айни пайтда истисносиз равишида, ҳаммаси, марказнинг рутбали ёки рутбасиз жосуслари ўлароқ хизмат қилишарди. Шу боис улардан фақат фуқаро эмас, раҳбарлар ҳам чўчиб туришарди.

Пахта далаларида факат ўзбек меҳнат қиларди. Етмиш йил давомида бирорта рус пахтакор бўлди, деган гапни мен эшигтмадим. Ёки бирорта арманининг пахта экиб, уни етиширганини, арманининг уни териб олаётганини сиз тасаввур қилоласизми?

Энг оғир меҳнатни ерли халқ қиларди, энг оз иш ҳақи ерли халққа тўланарди.

Бу ҳақиқатни айтиш ҳатто қайта куриш бошланиб, ошкоралик авжига чиққан пайтда ҳам, таҳликали эди. Айтган кишига дарров ирқчи ёки миллатчи ёрлиғи ёпиштирилар ва у секин-аста жамиятдан сиқиб чиқариларди. Ёки машина аварияси уюштирилиб, жисмонан йўқ қилинарди.

Совет тузумининг тамалидаги ғайрирус миллатларга нисбатанadolatcizlik турғунлик йилларида бир нави парда орқасида тутилган бўлса ҳам, қайта куриш келиб, уни ортиқ яшириш қийин бўлиб қолди. Тузум ўзadolatcizligini ошкора давом эттиришга мажбур бўлди.

Мен 1985 йилда ҳам шоир эдим ва бу юракни эзувчи манзарани кўраркан, қўлимда ягона куролим қалам эди. Ўша пайтларда ёзганларим шеърий санъатга, эҳтимол, алоқаси йўқ, аммо уларни ёзмаслигим ҳам мумкин эмасди, чунки бўғизга тиқилган ғазабни бўшатиш керак эди:

*Бир қўлим кўксимда турар мунтазам,
Бир қўлим раисга саломлар берар.
Ишга шўнгеб кетар қолган ўнтаси,
Қолган ўнта қўлим пахтани терар.
Қўлдан иборатdir менинг вужудим,
Қўзим - қўл, юзим - қўл, оёғим ҳам қўл,
Неки туртиб чиққан бўлса ичимдан
Бари қўл, ҳатто-ки қулогим ҳам қўл!
Тунда аён бўлди улуғ бир мақсад,
Олга кетаяпман, боқмай орқамга:
Хўжалик ерига пахтани эксам,
Мен қўл экажакман ўз томорқамга!*
1985 («Олис табассум сояси», 1986)

1986 йил. ВАТАННИНГ ҚАЙТИШИ

Агар янглишмасам, ўша саксон бешинчи йилдан бошлаб мен ўз шеърларимни одамлар хузурида ўқий бошлаганым. Авваллари ўқимасдим ёки жуда оз ўқирдим. Шеърларим жуда қисқа бўларди ва уларни ўқий бошлаган заҳот тугаб қолгани мени нокулай ахволга солар ва худди шеър тинглаётганларни масхара қилгандай бир ахволга тушардим. Кейинги шеърлар публицистик шаклга киргани учун анча узайди, бармоқ вазнида ёзилиши эса, декламация қилишни янада завқлироқ қиласарди. Лекин, аввал изоҳ қилганимдек, «долзарб» шеърлар ёзишни ҳеч удда қиполмадим. Ҳолбуки, долзарб шеърлар керак эди. Инсонлар хабарга, ўzlари ҳақдаги хабарга - ўз ватани, ўз миллати, ўз тили ҳақдаги хабарга, ўzlари билса ҳам, яна бошқасидан эшитишга муштоқ эди. Улар саксон бешнинг коронғу кечаларида «йилт» этган ёргуғ кўрса, ўша тарафга талпиниб, бир ҳамдард излашарди. Аслида улар тимирсикланиб ўз хурриятини излашарди, аммо айнан ўша хурриятни излаётганпридан ўzlари ҳам амин эмасдилар.

Махлук

*У бир маҳлук дунё боғида,
Унинг турган-битгани қайегу.
Кишин йўқ-ку, қўл-оёғида,
Лекин эркни, эркни истар у.
У бир маҳлук, юрган бир дайди,
Йўқ, йўқ юрмас, кўкларда учар.
У ўзининг нафратин ейди,
У ўзининг газабин ичар.
Шундай маҳлук, унинг ёнида
Ҳар бир аёл кўринади тул.
«Келгинди»миши ўз ватанида
Ўз уйида номаҳраммиши ул.
Бас қил, маҳлук, бас қил дедим, бас!
Музламасин юзингда қаҳр -
Бу дунёда мумкин-ку яшаши,
Ватансиз ҳам мумкин-ку, ахир!*

1985 («Олис табассум сояси», 1986)

Ватансиз яшаш ортиқ мүмкін эмас эди, буни мен ҳар қадамда күра ва сеза бошладим. Ўша йилари кенг жамоатчиликка әшигтирилған Орол фожеаси ҳам, пахта монокултураси ҳам, болалар ўлими ва ҳакозо - бутун ижтимоий ва иқтисодий муаммолар секин-аста сиёсий, секин-аста миллий муаммоларга әврила бошлади. Бу әврилиш ҳамманинг күз олдида, ошкора (Горбачевга раҳмат) давом этди. Ҳеч ким бу жараённи, бу әврилиш жараёнини тұхтатолмас, ҳеч ким бу жараён учун бирорнан айбдор санай олмас эди.

Ошкоралик бир гипноз эди, ҳамма бир-бирига караб, әнг маҳрам сўзларини айттар, нормал ҳолатда айтишдан уяладиган гапларини гипноз ҳолатида бемалол талаффуз қиласынан. Кремл мансабдорлари худди әртакдаги сөхрланған мулозимлар каби гаройиб бир рақсга туша бошлагандылар. Улар бу рақсдан тұхтай олмас, тұхтатгани дарров ишидан бўшатилар эди. Бу рақс то Янаев путчига қадар давом этди. Бу рақс тоталитар давлатнинг видо рақси эди. 1986 йил Ўзбекистон Ёзувчилар Уюшмасида «Орол қўмитаси» ташкил қилинди. Унинг бошлиғи адабиётшунос Пирмат Шермуҳаммад бўлди. Ҳозир бу ғалати қўриниши мүмкин, аммо у пайтлари ёзувчилар ҳамма соҳага аралашар эдилар. Барча иқтисодий, ижтимоий ва ҳатто майший масалалар ҳам Ёзувчилар Уюшмасида мухокама қилина бошлаганды. Уюшманинг реал ижро ҳуқуқи бўлмаса-да, у зиёлиларни - факат ёзувчилар эмас, турли маслакдаги зиёлиларни - бир ғоя атрофида жисплашишга ўргатди. Уюшмада тузилган «Орол қўмитаси» ҳукуматнинг маҳсус рухсатисиз тузилган илк жамоат ташкилоти эди. Шу маънода уни кейинроқ тузилиши керак бўлган «Бирлик» ҳалқ ҳаракатининг аждодларидан бири, деса бўларди. Ҳеч муболағасиз айтиш мүмкин-ки, Ёзувчилар уюшмаси 80-йиллар бошидан бошлаб мавжуд тузумга нисбатан танқидий қарайдиган шахс ва гурухларнинг уясига айлана бошлади. Бу хусусият давлатнинг назаридан қочмади: зотан, Ёзувчилар Уюшмаси давлат учун доимо мухим мағкура ўчоқларидан бири бўлиб келган. Қайта куриш ва ошкоралик бу мухимиятни янада оширди.

Ёзувчилар Уюшмасининг раҳбари Сарвар Азимов 1985 йил ўз вазифасидан четлатилиб, ўрнига янгиси келтирилганди. Марказқўм котиби Р. Абдуллаева қўрс ва ўзбилармон Азимов ўрнига гап тинглайдиган, ҳалим бир ёзувчини қўйганди. Аммо у

хам Абдуллаева директиваларини бажара олмади, чунки, замон ўзгарган эди, инсонлар ўзгарган эди. Инсонлар гапиришни, танқид килишни ўрганган эдилар. Бу янги ўрганган ишидан уларнинг хеч ажралгиси келмасди, чунки, очик гапириш, хеч тап тортмай гапириш жуда ҳам завқли эди. Бундан ташқари, 1985 йил май ойида ёш ёзувчилардан олинган дакки Абдуллаеванинг обўсига жиддий зарба берганди. Бу зарбадан кейин унинг «юксалиши» тўхтади ва одамлар у берган буйруқларни бажармаслик ҳам мумкин эканлигини кўра бошладилар.

Саксон олтинчи йилга келиб, Абдуллаева ўз «ҳайбати»ни тамомила йўқотди. Мағлубият инсонни кўримсиз қиласди. Котиблигининг сўнгти ойларида Абдуллаеванинг қиёфасида мағлубият ёзиглиқ эди. У, 1986 йилнинг бошлари эди чамаси, биринчи ва сўнгти марта Ёзувчилар Уюшмаси мажлисига келди. Ўз ғурурини енгид, бу ерга келганди. Бу мажлисдан олдин бошқа бир мажлис бўлиб, унда Ёзувчилар Курултойига «очик хат» ёзган қаламкашлар тақдирни муҳокама қилинганди. Уларни Ёзувчилар Союзи аъзолигидан ўчириш масаласи кун тартибиغا кўйилганди. Улар ёзган «очик хат»нинг тўла мазмуни эсимда йўқ. Ҳар ҳолда, 20-йиллар жадид ёзувчи-шоирларининг реабилитацияси талаб қилинганди. Бу «очик хат»да Сарвар Азимовнинг ишдан олинишига норозилик ҳам ифода этилганди, шекилли. Чунки, бизнинг ичимизда бир гурӯҳ ёшлар (нега, ҳалигача билмайман) Сарвар Азимовни ҳимоя қилиш ҳам миллий мужодаланинг бир қисми, деб билишарди. Ваҳолан-ки, Азимов бизнинг ўша идеалимиз - 10-йиллар жадидлар ҳаракати ва унинг намоёндаларига қарши бўлган одамлардан бири эди. Абдуллаева бу мажлисда ўзини жуда мутавозе тутди. Ёшларнинг давлатга қераклиги ва уларни асрарш, тарбиялаш лозимлигини гапирди. Ўтган мажлисда ёшларнинг Ёзувчилар Союзи аъзолигидан ўчирилмагани тўғри қарор бўлганлигига ишора қилди.

Абдуллаева ёзувчиларга муроса қўлини узатаётганди, аммо кеч бўлган эди. Ёзувчи ҳалқи марҳаматли ҳалқ, унга қўл узатганлар ҳам бўлди, аммо Абдуллаеванинг марказдаги «патрон»лари ундан аллақачон воз кечишган эди. Мағлубиятга учраган одамдан ҳамма қочади. Биринчи навбатда, бу мағлубиятга уни мажбур қилганлар қочади. Шундай ҳам бўлди: Москва ўзининг келиб-кетмиш кадрларидан энг содик ва энг ғайратли аскарини бир арман

қароқчиси қўлига топширди, жиной иш очтириди. Ва йиқилган масжидлар, инжигитлган мусулмонларнинг баддуоси шундай ижобат бўлди.

1986 йилдан бошлаб тургунлик йиллари лидерлари аввалидан қаттиқроқ танқид килина бошлади. Шароф Рашидов ва унинг хукмронлик даври газеталарда очик манфий баҳоланди. Номенклатура ичида Рашидовга яқин бўлган одамлар, ҳар хил баҳоналар билан ишдан бўшатилиб, янги раҳбарга яқин бўлганлар ишга олина бошлади. Рашидов яқинлари ундан юз ўғирсаларгина ўз мавқеини саклаб қолиши мумкин эди, ҳатто бу ҳам мумкин эмас эди. Рашидов тириклигига унга қасида бағишлаганлар у ўлгандан кейин уни қоралаб достонлар ёзди, аммо янги раҳбариятга хуш кўринолмади.

Қайта қуриш ва ошкоралик инсонларнинг гўзал фазилатлари қаторида бадбин ва чиркин табиатини ҳам ўргтага чиқарди. Мен одамлардаги иккизламачилиқ, манфаат йўлидаги риёкорлик ва ёлғонни қайта қуриш давридаги каби ёрқин - ундан олдин ҳам, кейин ҳам - кўрганим йўқ. Шунингдек, инсонлардаги яхшиликка интилиш, умидворлик, ҳамдардлик ва ўзғ ери, тили, маданияти, келажаги учун ҳар қандай фидокорликка ҳозирликни ҳам қайта қуриш даврида кўрдим. Улар етмиш йил давомида кўр бўлаётзган кўзларини уқалаб, ўз ватанининг пажмурда борлигини кўришга уринардилар. Ўзи ёрдамга муҳтож - ёрдам беришга, ўзи ҳимояга муҳтож - ҳимоя қилишга тайёр эди бу одамлар. Ҳузурида гапирав ёки шеър ўқир экан, бу содда ва кўпинча, тунд киёфалар мени мендан кўра яхшироқ тушунаётгандай туюларди. Уларнинг тундлиги тушунганини билдирамаслик учун кийилган никоб туюларди менга. Бу мистик туйғу мени доим ҳушёр тутарди. Шеър ўқир экан, ҳеч ким билан ҳизиллашмасдим, ортиқча пафосдан қочардим, ўқиш услубимни мени тинглаётган тунд юзларга ҳамоҳанг тутишга ҳаракат қиласдим. Албатта, бу механик бир йўсинда, беихтиёр юз берарди. Уларга саксон бешинчи ва саксон олтинчи йиллари ёзилган шеърларнинг истисносиз ҳаммасини ўқидим. Улардан ҳеч ким бу шеърингизни тушунгириб беринг, демади. Чунки, ҳаммасини тушунардилар. Энг нозик деб саналган киноя, энг мураккаб ҳисобланган ташбеҳлар дарҳол уларнинг мийиғида акс этар, лоқайд кўринган кўзларида тасдиқ нурини порлатарди. Бу одамлар ўзлигига қайтаётган одамлар эди. Секин-

аста, шошмасдан, огир-вазмин, ўзбекчасига қайтаётган одамлар. Ўзига қайтаётган Ватан.

ТУРКЛАР

Саксон олтининг сентябр ойида Тошкентда дунё туркололарининг конференцияси бўлиб ўтди. Унга Оврупо ва Осиё ўлкаларидан мутахассис олимлар қатнашишди. Туркиядан келган ҳайъат анча катта эди. Авваллари у ердан Ўрта Осиёга ҳеч бунақа катта «оломон» келмаганди.

Конференсия «Высоковолтный» мавзесида жойлашган Ўзбекистон Фанлар академиясининг мажлислар залида ўтди ва бир неча кун давом этди. Бир романтик турколог бор эди, Иштван Мандоки. Кўнғир Можористонли қипчоқлардан, у бизни турк ҳайъати билан таништирганди. Турклардан сўрашни ва эшигиши истаганимиз кўп нарсалар бор эди, аммо бизнинг ўгузчамиз, уларнинг ўзбекчаси чуқур мавзуларга кириш даражасида мукаммал эмасди. Турклар билан мулоқот қилишни истаган ўзбекларнинг ҳаммаси ёзувчилар эди, ўзимизнинг яқин дўстлар, аввал тилга олганим «идеалистлар» эди. Туркларни чойга таклиф қилдик. Аввал шоир Миразиз Аъзамнинг уйида, кейин меникида дастурхон ёздиқ. Бизнинг оғайнилар туркларга «ол, арокдан, нега олмаяпсан?», деб ҳайрон бўлганлари эсимда. Бизни бу одамларнинг ичкилиқка бўлган лоқайдлиги ҳайрон колдирганди. Совет кишилари дастурхонга ароқ қўймаса, уни ҳеч ким ҳурмат қилмаслигини турклар билмасди. «Ич,ич» дея меҳмонни қистамаса, меҳмондўстликка футур етишини ҳам билмасди авом турклар. Ўшанда меҳмонларнинг биридан, профессор Аҳмад Бейжон Эржуласундан «Туркчиликнинг асослари» китобини бизга жўнатишини илтимос қилгандим. Икки ой сўнгра бошқа бир турк олими Дурсун Йилдирим орқали сўралган китобни юборганди. У пайтларда бундай адабиётлар таъқиқланганди ва шу боис, бу китобнинг Тошкентга келиши ҳам бир саргузашт бўлганди. Кейин бу китобни таржима қилдик. Таржимани тезроқ битириш учун уни учга бўлиб, бир қисмини Миразиз Аъзамга, иккинчи қисмини Абдуқодир деган тарихчи йигитга топширгандим. Китоб босишига эмас, ўзимизга яқин беш-олти киши орасида ўқишига мўлжалланганди.

Туркларни кандакор Омон Азизнинг ўғлиниңг суннат тўйига олиб борганимиз эсимда. Турклар жуда завқланишганди. Улар ота юртлари хисоблаган Туркистонда тўйда ўтирганларидан мамнун эдилар. Ҳаммаси самимий, содда, дилкаш, қисқаси, туркларди.

Уларнинг ичида Нозим Ҳикмат ва Азиз Несин каби ёзувчиларни севадиганлар йўқ экан. Бизга бошқа ёзувчиларнинг исмларини айтишди, энг буюк турк шоир-ёзувчилари булар, дейишиди. Биз бу ҳақда сухбатлашолмадик, чунки, турк адабиётини яхши билмасдик. Мехмонлар эса, Нозим Ҳикматнинг Совет Иттифоқида турк ўлароқ яшаганини билмасдилар. Рус шоири Андрей Вознесенский «Литературная газета»да босилган хотирасида шундай бир воқеани эслайди: қиши эди, Нозим Ҳикмат ўпкасини шамоллатмаслик учун кўйлаги ичида кўксига газета ўраб юради... Йўлда биз кетаётган машинана милиционер тўхтатди ва узоқ вақт кўйиб юбормади. Шунда шофёр милиционерга қаратса, «Ничего не понимает, он хуже турка» деганда шофёрнинг ёнида ўтирган Нозим Ҳикмат каттиқ ғазабланганди.

Бу воқеани меҳмонларга айтиб бериш мумкин эди, аммо уларнинг йиллар давомида шаклланган мафкуравий қарашларини бир кичик ҳикоя билан ўзгартириш мумкин эмасди. Буни мезбонлик қишаётган Миразиз Аъзам ҳам, Рауф Парфи ҳам, Иброҳим Ҳаққул ҳам билиб турарди.

Турклар бизда жуда ичкин қардошлиқ туйғуси қолдирди. Қайта қуриш бошланиб, алоқаларимиз яқинлашганида, бу дўйстларни янада кўпроқ танидик.

ПЛЕНУМ

Саксон олтинчи йилнинг кун тартибига тарихни химоя қилиш, 20-йиллар адабиёти намояндаларининг меросини тиклаш, ўзбек тилига эътиборни кучайтириш (ҳали давлат тили ҳақида гап йўқ), Орол кўлинни кутқариш, болаларни меҳнатдан озод қилиш, араб алифбосини мактабларда ўқигиши каби турли-туман масалалар кўйилди. Бу масалаларнинг ҳеч бири Ёзувчилар Уюшмаси савиясидан юксакроқ бир мақомда муҳокама қилинмади. Аммо Ўзбекистон марказкўми ва КГБ тамсилчилари бизнинг мажлисларимизни дикқат билан кузатиб борар, «бошга бало бу ошкоралик»нинг яна қайси нуқталарга етиб бориши мумкинлигини чамалаб кўришарди.

Биз, «ёшлар» деб аталган ёки «жанжалкашлар» деб аталган гурух 1985 йилги «Политбюорога мактуб» давридан кейин анча ўзгарғандык. Қайта куришнинг бир йили турғунликнинг йигирма йилига тенг эди. Ичимиздаги улгайишни бутун вужуд-ла, жисмонан хис этардик.

Ёзувчилар Уюшмасидан ҳайдалиш, китоб таъқиқланиши ёки бошқа тазийклар, «ёшлар»ни ортиқ күркітголмасди. Улар ўн дақика эркин нутқ қилиш учун бир йил китобини бостиrolмай юришга ёки ҳатто Уюшмадан ҳайдалишга ҳам тайёр эдилар. Ёшларнинг бу журъати уларнинг теварагида бир сассиз ҳұрмат чамбарини яратди. Ёшлардан ижирғанған, уларнинг қилаётгани түгри эканлигини билатуриб, билмасликка олғанлар ҳам күп эди, албатта.

1986 йил октябр ойида Ёзувчилар уюшмасининг навбатдаги (ёки фавқулодда, эсимда йўқ) пленуми бўлди. Мажлисга бир қисқа нутқ тайёрлаган эдим. Унинг русча ёзилганини кўриб, дўстларимдан бирининг жон-пони чиқди. «Ўзбекча гапириш керак, сиз ўзингиз ўзбек тилининг обрўсини кўтариш кераклигини тарғиб киласизу, яна русча гапирмоқчисиз...» деди. У ҳақ эди. Унинг фикрини рад қилиш учун менда бигта ҳам аргумент йўқди. Бу қисқа нутқни йўл-йўлакай таржима қилиб, минбарга чиққунча тайёрлаб қўяман, деб ўйладим. Ва залга кириб, эртароқ жойлашиш учун фоеда турган одамларни оралаб, юқори қаватга кўтарила бошладим. Кўтаришлар экан, ёнимда сервиқор халқ ёзувчилари кўксида орденларини шалдиратиб кетаётган ветеранлар, Марказқўмнинг сип-силлиқ инструкторлари, КГБнинг қиёфасиз агентлари, маддоҳ журналистлар, хуллас, мен ардоқлаган ғояларга ким бефарқ бўлса, ҳаммаси мен билан мажлис залига, учинчи қаватга кўтаришлар эди. Мен нутқимни ўз дўстларимга ўқимоқчи эмасдим. Улар менинг нима дейишим мумкинлигини билишарди, уларга менинг деяжакларим доим маълум бўлган. Мен тайёрлраган бу қисқа нутқ менинг ёнимда ҳарсиллаб, инқиллаб юқорига кўтарилаётган мансаб ва мукофотдан бошқа ҳеч нарса, хўжайинига хушомад, кўл остидаги маъмурга ҳақоратдан бошқа ҳеч нарса билмайдиган бу зотларга ўқилиши керак эди. Мен булар билан юқорига кўтаришлар эканман, ғазабим ҳам секин-аста кўтарилиб бораради: булар айнан рус тилида тушунадилар, булар факат рус тилига топинадилар, булар факат русча нутқни жиддий қабул

қилишади, буларнинг мияларига фақат русча сўзларни санчиш мумкин, дердим ўз-ўзимни қиздириб.

Залга кириб, ўриндикка ўтирганда нутқимни русча ўқишига қарор қилгандим. Бу воқеа менинг ҳайтимдаги биринчи сиёсий тактика эди. Буни ўша пайтда англамаган эдим, энди таҳлил қиласяпман.

Зотан, нутқнинг аввалданоқ русча ёзилишида ўша тактика - гояни кичик давра эмас, кенгроқ омма ўртаида ёйиш, у билан, керак бўлса, баҳсга киришиш тактикаси ётарди. Бу хусусият ортиқ шоирнинг хусусияти эмас эди. Шоир ҳеч қачон оломонга тушунарли бўлиш учун ўз идеалларини вакътинча бўлса ҳам, четга суриб қўяолмас эди. Айниқса, у юқорида тасвирланган манфий энергия маскани бўлган оломон учун ўз тилида гапиришдан асло воз кечмаган бўларди. Воз кечса, у шоир бўлмасди.

1986 йил менинг шоирлигим шундай тугаган эди.

Саксон олтидан кейин ҳам бир неча шеърий сатрлар ёзилди, аммо улар сиёсий шеърлар эди:

Афсун

«Йўқолсин зулм!», дедик,

Зулм дарров йўқолди.

«Яшасин ҳуррият», дедик

Ҳуррият яшади.

«Йўқолсин бойлар!», дедик

Йўқолди бойлар.

«Яшасин йўқсиллар!», дедик

Яшаяпти йўқсиллар.

1987 («Орзу фуқароси», 1990)

Нутқим етти дақиқа давом этди ва зал етти дақиқа чурқ этмади. Мен нотиқ эмасдим, аммо ўзим ёзган матнни қандай ўқиши билардим. Менинг танқидим тўғридан-тўғри Пленум ҳайъатида ўтирганларга, Марказқўмга, унинг лаганбардорларига қарши қаратилганди. Нутқ 20-йиллар адабиётининг намояндалари ва уларнинг душманлари хакида эди. Душманлар Пленум ҳайъатида ўтирган бўлсалар ҳам чурқ этишмади. Улар ўз кучига шу қадар ишонгандилар. Лекин мен бундан инжилмадим. Мажлис тугаб, ташқарига чиқар эканмиз, танқидчи Озод Шарофиддинов

кўлтиғимдан олиб, «ҳали «групповщина»ни қандай ибора билан атагандингиз, жуда ҳам оригинал эди», дея кулди.

Бу ўша кунги чиқишимга билдирилган ягона «легал» муносабат эди. 1986 йилда бу ҳам оз саналмасди.

ДЕКАБР ВОҚЕАЛАРИ

1986 йил декабрда Олма-ота воқеалари рўй берди. Минглаб одамлар кўчага чиқиб, давлат кучлари билан юзма-юз тўқнаш келди. Бу жуда мухим воқеа эди. Бу одамларни кўчага чиқишига ундан ким бўлишидан қатъий назар, уларнинг талаблари нақадар ҳақли ёки ҳақсиз, бундан қатъий назар, бу одамларнинг қайси социал гурух вакили, ҳатто қайси миллатга мансублигидан қатъий назар, уларнинг норозилик билдириб кўчага чиқиши Советларнинг сўнгти 50 йил даврида юз берган энг катта ижтимоий ҳодиса эди.

Тўғри, бундай чиқишлиар кейинроқ бошқа мингақаларда пайдо бўла бошлади, аммо қозоклар совет халқи ҳам норозилик билдириб, кўчага чиқишига қодир эканлигини, бунинг учун керак бўлса, курбон беришга ҳам тайёр эканлигини биринчи бўлиб исбот қилишди. Милиция ва аскарларнинг белкураги зарбасидан жон берган ўнлаб қозоқ йигит-қизлари ҳали машрулашмаган фикр хурриятининг илк курбонлари эди.

Намойишнинг парда орқасидаги сабаблари, эҳтимол, тарихчи учун мухимдир. Аммо, яна такрорлайман, агар инсонлар кўчага чиқишига шундок ҳам, ҳеч қандай сабабсиз тайёр бўлмаганларида эди, уларни ҳеч бир сабаб, ҳатто айтиётгандаридек йўлбошли Кунаев ҳам уларни бу ишга мажбур қиломасди. Бу ёш йигит-қизлар қозоқ ҳалқининг бўғзига тиқилган бир хўрсишин эди ва у отилиб чиқди. Қайси сабаб билан чиқди, у иккинчи масала.

Афуски, биз ўзбек зиёлилари ўша синов пайтида қозоқ кардошларимизнинг ёнида туролмадик. Кимдир «бу Кунаевнинг провакацияси», деса, бирор «бу русларнинг фитнаси», деди ва кўпчилик Олма-ота воқеасини наинки химоя, балки мушоҳада қилишдан ҳам ўзини олиб қочди.

Бу ёшлар қайси шиор билан чиқса чиқсин, қайси тарафни тутиб гапирса гапирсин, улар фақат шиор кўтариб чиққандилар ва фақат гапириш учун чиққандилар.

Бундай чиқиши демократик ҳақларнинг энг ибтидоийси эди. Лекин тоталитар давлат, ўзи демократия ҳақида гапира бошлаган бўлса ҳам, демократия эмас, бор-йўғи, унинг узоқдан келган нафасини хис қўлган он, худди қутурган арслондай, ўзини ўша нафас чиқсан томонга отди.

Намойишнинг бостирилиши Қозоғистонда чуқур тушкунлик уйғотди. Кейинроқ у ерда пайдо бўлган сиёсий ташкилотларнинг маргинал ҳолатда қолиб кетиши, миллий харакатнинг уошган бир ташкилот ҳолига келолмагани ва ижтимоий фикрнинг норасида қолиб кетишида ўша тушкунликнинг катта таъсири бўлди. Аммо ҳар нарсада бир хайир бор, деганлариdek, бу фожеанинг мусбат таъсири ҳам бўлди. Масалаң, ўзбек ёшларига бу воқеа мужодаланинг алтернатив шакллари ҳам бўлиши мумкинлигини кўрсатди. Фақат бу шакллардан фойдаланиш учун муайян бир структура, шахс ёки гуруҳ иродаси билан бошқариладиган бир ташкилот лозимлиги ҳам маълум эди. Стихияли, бакир-чакир билан бошланган акция, муҳаққақ мағлубиятга учрашини ҳам ўшанда ўргангандан бўлдилар. Совет Иттифоқининг бошқа жумҳуриятлари ва дунё жамоатчилиги Қозоғистондаги намойишнинг бостирилишини тоталитар давлат ҳали бақувват эканлиги ва яна узок йиллар шундай туражагининг хабарчиси ўлароқ қабул қилди. Горбачев ё бир йил, жуда узок борса икки йил туради, кейин яна бир навбатдаги Темир қўлли Темир интизом тарафдори пайдо бўлади, деган «башоратлар» Қозоғистон воқеасидан кейин кўпроқ талаффуз этила бошлади. Бу мишишларга киноя ўлароқ ёки унинг акс-садоси каби бир шеър битган эдим. У саксон олтинчи йилнинг сўнгги шеъри эди. Бу шеър китобда «Ташбеҳсиз шеър» номида босилди.

Ленин, Сталин, Брежнев ҳақида ташбехлар

*Буюк одам инжик бўлади сал,
Бу ҳам бир фазилат албатта.
Дунёга келар у хоҳлаган маҳал
Ва хоҳлаган жумҳуриятда
Буюк одам камтар, бунақа одам,
Тугилмай ҳам турар юз йиллаб баъзан.
Тугулгудек бўлса, мабодо,
Биздан яшириниб юрар мунтазам.*

*Үша камтарлиги сабаб биргина
Беркинмас у бойлик, моли ортига,
У биздан «инсоний» беркинар,
Демак ўз соқоли ортига.
Башарти удумда бўлмаса соқол,
Буюкка етади оддий бир мўйлов,
Бизга шу мўйлов ҳам келса гар малол,
У қоши ортига беркинар дарров.
Қошни ҳам қўп кўрса ношукур давр,
Буюк одам ҳеч бўғилмайди.
Фақат камтарона қиласи сабр,
Удум эврилгунча у тугилмайди.*

1986 («Орзу фукароси», 1990)

Яхшиямки, удум эврилиб, янги диктатор туғилмади. Яхшиям-ки, ноумидларнинг мискин башоратлари тўғри чиқмади. Яхшиям-ки, тоталитар давлат биз қўрққанимиз қадар кучли, биз тахмин этганимизчалик тадбирли эмас экан. Энг қизифи, ҳали биз ўзимизни, кейинги йиллардаги ўзимизни, кейинги ойлардаги ўзимизни билмас эдик. Биз шу қиска замон ичида шу қадар ўзгарган эди-ки...

Тоталитар давлат ортиқ ўз қуллари билан сал пастроқ овозда, бир парда пастроқ овозда гаплашишга мажбур бўлган ва шундай гаплашаётган эди. Бу ўзгаришни бақир-чақирда биз сезмай қолган эдик. Бизни белкураклар билан уришлари мумкин эди, аммо бу бизнинг оғзимизни бекитишга энди камлик қиласди.

1987 йил. «ОИЛАНИ ПЛАНЛАШТИРИШ»

Ҳали қайта куришгача, Россия стратеглари 2010-йилга бориб, Совет Иттифоқида кичик миллатлар нуфузи буюк рус миллати нуфузидан ошиб кетади, бунинг тадбирини эртароқ олиш керак, дея бошлагандилар. Бу фикр юксак лавозимли раҳбарлар ва илмий марказлар доирасидан четга чиқмаган бўлса ҳам, доим парда орқасида муҳокама қилинаётган эди. Совет раҳбарлари тузумга раҳна солиши мумкин бўлган фактор ўлароқ бошда мамлакатдаги демографик мувозанатнинг бузилишини кўрадилар. Иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий факторлар у қадар аҳамиятли саналмасди.

Қайта қуриш бошқа жабхаларда бўлгани каби, Москванинг демографик сиёсати устига ёпилган парданни ҳам олиб ташлади. Руслар бу ҳақда тортинимай гапира бошлишди. 1987 йил бошларида «Известия» газетаси бир кичик сухбат эълон қилди. Сухбатда илк бор ўзбек оиласидан туғилишни камайтириш ҳақида фикр билдирилди. Шу баҳона билан Ўзбекистонда болалар ўлимни жуда кўпайгани ҳақида ҳам қистириб ўтилди.

Бу хабар аслида Ўзбекистонда «оилани планлаштириш кампаняси» амалда бошлангандан сўнг чиқканди. Жамоатчиликни уйғотмаслик учун, кампания тўғридан-тўғри давлат директивлари билан юритиш бошлаганди. Шаҳар ва район марказлари тұғриқхоналарида аллақачон амалий иш олиб борилаётган эди. Матбуот бу кампания ҳақида хабар қилиб, баҳс-мунозара бошланганида, Россиядан юзлаб ҳамширалар Турксіб йўлларига термулиб «нон шахри Тошкент»га кетиш учун ҳозирланаётгандилар. Бу гўзал ҳамширалар ўзбек дугоналарига туғишининг нақадар заарларини ўргатиш вазифаси билан келаётган эдилар. Улар рус демографик сиёсатининг аскарлари эдилар. Уларнинг қанчаси етиб келди ва қанчаси келомлади, билмайман, факат шу маълумки, агар ўзбек зиёлларни Совет давлатининг бу сиёсатига очик карши чиқмаса эди, бизнинг оила қурилишимиз ўша пайтда олган заарар, эҳтимол, янада каттароқ бўларди. Чунки, туғилишни қисқартириш фақат тұғриқхонадагина бошланиб, ўша ерда тамом бўладиган масала эмасди. Бу фақат тиббий ва ҳатто фақат демографик масала ҳам эмасди. Бу бир миллатнинг оиласига, фарзандга анъанавий муносабати масаласи, бу бир миллий зеҳният ва нияҳот, бу бир диний масала эди.

Ўзбек, оиласида фарзанд туғиларкан, уни қандай боқамиз, деб ўйламайди. Ҳеч ким «бу ортиқча оғиз», демайди, чунки, ҳамма Оллоҳнинг бу оғиз учун яратгандын ризки ҳам борлигини билади. (Бугун Ўзбекистонда одамлар очдан ўлаётган бўлса, ўз фарзандини «ортиқча оғиз», деб қўшниларига бераётган бўлса, бунинг туғилишга ҳеч қандай алоқаси йўқ. Бу одамлар ношуд давлат арбоблари юритган кўр сиёсат курбонларидир).

Қизиги шунда-ки, ўша демография масаласи муҳокама қилинаркан, рус тилида чиқадиган бутун газеталар кампаниянинг нақадар тўғри тадбир эканлиги, бечора ўзбек хотинини бола каби оғир юқдан кутқариш нақадар олийканоб иш эканини куйиб-

пишиб, илҳом билан ёзабошладилар. Насабсиз журналистлар хар тарафга чопиб «суҳбатлар» уюштиар, фалон вилоят, фалон кишлоқлик бир аёл «бола бокиш қийин иш», деди, дея репортажлар тўкиридилар.

Бу материалларнинг баъзиларини ўзбек газеталари (тепадан келган буйруқка биноан) таржима қилиб, ўз саҳифаларида босарди. Аммо ўз ташаббуси билан бирорта ўзбек газетасининг бу хусусда мақола уюштирганини эслай олмайман. Аслида, «оилани планлаштириш» дунё учун - Хитой ва Ҳиндистон каби супернуфузли ўлкаларни истисно қиласак, долзарб ва ҳассос мавзу эмас. Бу масала биз ўзбеклар учун ҳам ҳассос эмасди. Агар буни ўзимиз муҳокама қиласак, ўзимиз тортишсак, демография мавзуси биз учун ниҳоятда нормал мавзу эди. Бу - Россия тарафидан буюрилгани учун мавзу биз учун дарров ҳассослашди. Ва бу мутлақо табиий эди.

ШЕЪРИЯТ ЗИРХИ

Саксон олти ва саксон еттинчи йил мен учун адабиёт ва шеър иккинчи планга чекинди.

Узун йиллар давомида шеърият, бизнинг авлод учун миллий ўзликни ҳимоя қилиш воситаси бўлди. Шеърларда ифода қилинган ғоялар у ёқда турсин, факат ўзбек тилида ёзишнинг ўзигина ўша «ўзлиқ»ка хизмат эди. Чунки, бошқа тилда ёзиш «кимкони» ҳам бор эди. Бошқа тилда ёзиш таҳликаси бор эди. Бошқа тилда ёзиш жозибали эди, бошқа тилда ёзиш «Умумиттифоқ ўқувчисига олиб чиқади» ва ҳакозо. Ҳар ҳолда, бошқа тилда ёзиши руслар бизга жуда тарғиб қилишарди. Чунки, бу «бошқа тил» уларнинг тили эди.

Чингиз Айтматов, Олжас Сулаймонов, Фозил Искандар каби талантли ёзувчилар рус тилида ёзмаганларида «ўз адабиётларини» дунё миқёсига олиб чиқолмасдилар, дейишарди адабиётшунослар. Ўзбекистонда ҳам бу йўлдан кетишига ишқибозлар топилди. Аммо уларда на Чингизнинг на-да, Олжаснинг истеъоди бор эди. Улар ўз она тилини билмасди, аммо ўз она тилини билмаслик бошқа тилни билиш деган гап эмасди. Улардан бири русча роман ёзиш орзусида бир русча ёзадиган ёзувчи хотинга уйланган ҳам эди. Боёқиши хотин, эрининг номидан бир-икки китоб чиқарди, аммо ундан ҳеч ёзувчи чиқоролмади. Ва эри уни уч талоқ қилди.

70-йиллар охири ва 80-йилларнинг бошларида, турк жумхуриятларида руслаштириш сиёсати бир жонланиб олганди. Хусусан, бизнинг йўлбошчимиз Шароф Рашидов рус тилини «иккинчи она тили» эълон қилиб, уни ҳаётга кўпроқ тадбиқ қилиш учун қарорлар қабул қилганди. Биз «ёш авлод» бундан қаттиқ раңжигандик. Рашидовни жуда ёмон кўриб қолгандик.

Бир куни бир дўстим билан шоир Абдулла Ориповнинг уйига борганимизни эслайман. Унинг иш столи устидаги Рашидов портретини кўриб, хайратландик. Орипов «бу одам жуда улуғ одам, сизлар билмайсизлар», деди. Биз шоирдан бу «хойиннинг» портретини олиб ташлашни сўрадик. Шоир яна «сизлар билмайсизлар», деди. Биз хафа бўлиб, чиқиб кетгандик шунда. Рашидовни хозирги «мустакил подшоҳлар» билан қиёслар экан, шоир Ориповнинг «сизлар билмайсизлар», деган гапи эсимга тушади. Бошимизга Рашидовдан бешбаттари келиши мумкинлигини гапирганди гўё шоир.

Рус тили Рашидовнинг қарорисиз ҳам кирадиган жойига кириб бўлган эди. Биз бирор яхши китоб ўқимоқчи бўлсак, уни фақат русча ўқишимиз мумкин эди. Дунё хабарларини кўрмоқчи бўлсак, телевизорнинг фақат Москва каналини кўриш лозим эди.

Ўзбек зиёлиси, ўз тили ва маданияти ҳақида ўйлайдиган ўзбек зиёлиси ўз ватанининг пойтахти Тошкентда ўзини худди бегона юртдаги бир шаҳарда каби ҳис этарди. Бу чинакам бир фожеа эди. Буни ҳис қилган одамгина, унинг фожеа эканини англарди. Акс ҳолда, сиздан кулишарди, сизни маҳдудликда, бикиклиқда айлашарди.

Бу аччиқ туйғуни тахминан шундай тасвирлаш мумкин эди:

Ўзга тилда бераман мен ўз саломимни,

Ўзга тилда нонуштага қулишар таклиф.

Бу шаҳарнинг кўчасида кўр каби мени

Ўзга тилнинг уч-тўрт сўзи юрап етаклаб.

Ўзга тилда кўрсатарлар менга юлдузни,

Ўзга тилда уйготурлар мени саҳарда.

Ўз тилимни эмас, ўша уч-тўртта сўзни

Унумоқдан қўрқаман бу улкан шаҳарда.

Ватан эса менинг тушим,

Ватан - тушимдир,

Ўз тилимда гаплашаман фақат тушиимда

1981 («Олис табассум сояси», 1986)

Ўша пайтлари мендан «санъат турлари ичида энг миллийси қайси бири?», деб сўрасалар эди, мен ҳеч иккиланмай «шеър» деб жавоб берган бўлардим. Чунки, руслаштиришнинг энг интенсив даврида мени ва тенгдошларимни маданий ассимляциядан шеър санъати кутқарди.

Мақолани, насрни (роман, ҳикоя) бошқа тилда ёзиш мумкин, аммо шеърни бошқа тилда ёзиш, тўғрироғи, бошқа тилни ўрганиб, бу тилда шеър ёзиш деярли мумкин эмас. Менга дарров Олжас Сулаймоновни мисол келтиришлари мумкин, аммо рус тили Олжас учун бошқа тил эмас, балки, ягона тилдир. У рус тили етиштирган шоир, рус маданияти етиштирган мутафаккир. Шу маънода Олжас қозоқ адабиётининг эмас, қозоқларнинг фахри.

Шеър инсон қалбининг маҳсулоти, инсон ақлиниңг эмас. Балки шу хусусияти билан у ташқи (жисмоний) таъсирлардан ҳимоялангандир. Шеърниңг бу хусусияти биз учун маданий ассимиляцияга қарши бир зирҳ вазифасини ўтаганди, демокчиман.

Қайта қуришнинг иккинчи йилида мен бу зирхни бир чеккага кўйиб, мақолалар ёза бошладим. Ортиқ ассимиляция таҳликаси ўрнини ундан абадул-абад қутулиш умиди олган эди.

Илгарилари шеър ёзмасам, бир неча ой шеър ёзмай кўйсам, дарров виждан кийналарди. Худди шеър ёзиш бу дунёдаги асосий вазифадай. Худди шеър ёзмасам, инсоният бундан зарар кўрадигандай. Энди вазият ўзгарганди. Энди бу виждан кутилмагандга бошқа нарсалар учун қийнала бошлади.

Якинларда бир озодлик нафаси кезарди. Биз йиллардир шивирлашиб гаплашган гапларимизни очиқ айтиш имкони пайдо бўлганди. Йиллардир бизнинг тушишимизга кириб, безовта қилган эрк шундоқ ёнимизда, кўчада юардди. Бундай бир пайтда шеър ёзib ўтириш учун жуда ҳам босиқ, жуда мулоҳазали ва жуда ҳам шоир бўлиш керак эди. Мен на униси на буниси эдим ва кўчага отилдим. У ерда ҳаракат бор эди.

СЕНТИМЕНТАЛ ҲАЛҚЧИЛЛИК

Саксон саккизнинг бошида Ўзбекистон Компартиясининг Биринчи секретари қилиб Рафиқ Нишонов тайинланди. Бу одам

узоқ йиллар дипломатик вазифа билан чет элларда хизмат қилган, тажрибали кадр эди. Унинг бир пайтлар Рашидов билан келиша олмай, Марказга кетиб қолгани тўғрисида миш-мишлар юарди. Ҳақиқатан ҳам, Нишонов ҳокимиятга келганидан кейин Рашидовга қарши танқид кескин кучайди. Аммо бу яна ўша - коммунистик танқид эди. Бу танқид бизнинг, миллиятчи қаращдаги одамларнинг танқиди эмасди. Бу «Москвага Рашидовдан кўра, биз содиқроқмиз», қабилидаги дошномлардан иборат бир нарса эди. Ҳар ҳолда, «рашидовщина» (рашидовчилик) ибораси 1988 йил бошларида демагогларнинг жуда севиб истеъмол қиласиган иборасига айланди. Лекин Ўзбекистоннинг рашидовчиликдан муҳимроқ проблемалари бор эди.

1988 йил февралда Самарқанд вилоятиning Жумабозор қишлоғида дехқонлар бош кўтарди. Бу ўзбек дехқонларининг совет даврида, эҳтимол, биринчи исёни эди. Сабаби: ер. Улар - бир жамоа иккинчиси билан ер талашган эдилар. Уларни ажратишга борган милицияга қарши ҳам хужум қилишганди. Милиция исённи бостира олмади, ички кўшинлар ташланди. Жаңжал борган сари каттаяркан, Министрлар Совети Раиси шахсан у ерга боришига мажбур бўлди. Саксон еттинчи йили пахта монокултураси ва дехқонлар ахволи ҳақида ёзган материалларим ҳукуматнинг ғашига қаттиқ текканди. Раҳбарлар мени шоир сифатида унча билмасди, аммо мақолаларим туфайли уларга отнинг қашқасидай маълум эдим.

Жумабозор воқеасидан сўнг мени Министрлар Совети раиси Файрат Қодиров чакирди. У ҳукумат биносининг кенг деразасидан бўй-бўш Ленин майдонига қараб турарди. Мени қаршиларкан, табассум қилишга интилди, аммо зўраки чиқди: унинг юзи тимдаланган эди. Жумабозор халқи ўз ҳукуматига муносабатини шундай ифода қилганди. Мен самимий ачиндим ва қаттиқ уялдим. Худди буни менинг одамларим қилгандай хис этдим ўзимни.

- Мана бу суратларга қаранг, - деди Қодиров стол устига бир даста расмларни ёйиб ташларкан, - бу одамлар бизнинг шоирларимиз талаб қилаётгандек, пахта майдонларини қисқартиришни истаб исён қилаётганлари йўқ. Булар ерни янада кўпайтиришни талаб қилиб бизнинг ёқамиздан олишагапти. Сиз буни бир ватанпарвар сифатида билишингиз лозим. Монокултура

ҳақидаги фикрингизга қўшиламан, аммо буни халқнинг ўзи ҳам исташи керак...

Министрлар Совети Раисининг нима демоқчилигини билиб турардим. Халқнинг савияси зиёлилар талаф қилаётган ўзгаришларни қамраб олишга етмайди, демак, матбуотдаги бақириқ-чақириқларни мёёрида қилиш лозим, демоқчи эди. Мен Қодиров билан тортишиб ўтирадим, унга ҳамдардлик билдирам. Жумабозор бугун Ўзбекистоннинг тимсоли бўлмаслигини, юмшоқлик билан тушунтирган бўлдим. Яна у ёқ бу ёқдан бир оз гаплашиб, хайрлашдик.

Қодировнинг айтганлари гўё бу қулоғимдан кириб, у қулоғимдан чиққанди. Бу номенклатурачининг ўз креслосидан бошқа хеч бир дарди йўқ ва халқни мен қадар билмайди, билишини ҳам истамайди деб ўйлардим. Балки, бу тўғри тахмин эди, аммо у кўрсатган суратлар менинг тасаввуримдаги халқ образига зимдан қаттиқ зарба берганини ҳам сезиб турардим. Буни ўзимдан яширолмасдим. Ҳукумат бошлиғи кўрсатган суратлардаги инсонлар - уст-бошидаги кийимлар бўлмаса, - объективга худди ўрта асрлардан қараб турганга ўхшардилар. Эҳтимол, Қодиров тўғри гапиргандир. Эҳтимол, бизнинг халқимиз ҳали жоҳиллик босқичидан чиқмагандир ва ҳакозо скепсис хиди анқиб турган фикрлар кела бошлади бошимга. Мен ўзимни дароов тўхтатдим. Чунки, бу таҳликали эди. Бутун онгли ҳаётнинг энг гўзал идеалини миллатнинг озодлиги ўлароқ билган бир хаёлпараст учун бундай фикрлар таҳликали эди. Бу хаёлларнинг сўнгти балки биз учун демократия ҳозирча заарлидир, деган хulosага, зеҳният ўлароқ бунга тайёр эмасмиз деган фикрга, шунинг учун Россия таркибида яшаганимиз яхши бўлади, мана, фикр ҳурриятига ҳам ўрганаяпмиз ва шундай кетса, яна эллик йилдан сўнгра бир тараққиётга эришган бир миллат бўлармидик, деган хulosага олиб келарди.

Бу келинган хulosса бизнинг коммунистик раҳбарлар мантиғи билан чиқарилган хulosанинг айниси бўларди. Бу, бизнинг озодлигимиз душманларининг хulosаси бўларди.

Мен халқ ҳақидаги йиллар бўйи собитлашган тасаввуримни ўзгартиришни истамасдим. Бу хусусда хеч бир шаклда пушаймон бўлишни, хеч бир нарсадан ҳафсалам пир бўлишини хоҳламасдим. Министрлар раиси Қодиров кўрсатган суратлардаги қиёфалар бор-

йўғи оғир ҳаётдан чарчаган дәхқоннинг кўриниши, деб ўзимга далда берардим...

Бадиий ёлғон

*Бугун ҳам шоирлар гулни булбулга
Қофия қилсалар, ишонманг: ёлғон.
Чунки, бу элатда булбуллар ўлган,
Чунки, қуриб қолган гул аллақачон!
Агарда бугун ҳам шоир bemalol
Тўртта гўзал, деса, тўртта фаслни,
Ишонманг: фасллар юзидағи ол
Гулгунлик ҳусн эмас, тамгаси силнинг.
Пахтани «олтин» деб кимдир бўлса ҳақ,
Унга ҳам ишонманг қалқинг оёқча -
Чунки ҳақиқат ҳам ёлғондир мутлақ,
Агар қарши бўлса ҳақиқат халқча!*

1987 («Орзу фуқароси», 1990)

Бу шеър ўша қайта қуриш йилларидағи каминанинг ҳалқ ҳақиқати муросасиз қараши. Агар ҳақиқат ҳалққа карши бўлса, уни ҳам ёлғон санаш керак, деган радикал бир қараш. Менда бугун, шу сатрларни ёзиб ўтирган вақтда бундай бир қараш йўқ.

Ҳалқ, биз уни қанчалик севмайлиқ, ҳақиқатдан устун бўйламасди. Худди маҳлук уни Яратгандан устун бўйлмагани каби. Биз шеър ёзишни дунёнинг энг муҳим иши деб билиб, адабиётни фетишга айлантирган одамлар, сиёсатга ўтгандан кейин сиёсатни дунёда энг муҳим иш деб, ҳалқни фетишга айлантира бошлигандик. Уни доим мусбат бир борлиқ сифатида, ҳеч қачон янглишмайдиган, ҳеч қачон гуноҳ қилмайдиган ва ҳамиша, ҳар ерда ҳақли чиқадиган ҳилқат ўлароқ кўришни хоҳлардик. Ва бу хоҳишига ҳеч кимнинг ҳалақит беришини истамасдик. Ҳатто ўз идрокимизнинг ҳам, ҳатто иймонимизнинг (астағфируллоҳ) ҳам.

Бу фанатизм, балки, ўша даврда қисқа бир муддат миллий ҳаракатнинг ташкилотланишида ижобий туртки бўлиб хизмат қилган бўлиши мумкин. Аммо принципиал ўлароқ, унинг бу ҳаракатни бир ғоя сифатида улгайтирганига ишонмайман.

Бу фанатизм бизнинг қалбларнинг норасидалик белгиси эди. Бу фанатизм етарли даражада изтироб чекмаган қалбларнинг бир

тажкибаси эди. Таъбир жоиз бўлса, биз қурбонлик сўйишга ҳозир эдик, аммо «бисмиллоҳ» дейиши билмасдик. Лекин 1988 йил халқ энди оғиз очиб гапиришни ўрганаётган пайтда, энди ғафлатдан ўйғониш учун бир мастьум гўдак мисол кўзларини уқалаб тааркан, бу манзара жозибасига таслим бўлишдан бошқа чорамиз қолмаганди. Бизнинг жангари миллиятчилигимиз тамалида аслида беозор, инсоний сентиментализм ётарди. Халқни мукаддаслаштириш ҳам ўша сентиментал миллиятчиликдан озиқланар эди. Балки, айнан шу сентиментализм модерн ўзбек миллиятчилигини заарли популизмдан асрар қолгандир. Яъни, миллиятчиликнинг сустеъмолидан, унинг аксилисоний бир ҳаракатга айланиш таҳликасининг олдини олган бўлса ажаб эмас. 1988 йил ўзбек миллиятчилари 70-80 йилларда назарий ўларок тортишган масалаларининг амалий зухурини кўришга шошилаётган эдилар. Бунинг қандай шамойилда пайдо бўлиши улар учун гўё иккинчи масала эди. Аслида, бу биринчи масала бўлиши лозим эди.

Шунга қарамай, ўзбек зиёлисининг соғлом идроки миллий ўйғониш энергиясини тўғри йўналтириб, ундан демократия маърифати учун фойдалана билди. Бу энергияни уйларга ўт қўйиш учун, ўзингдан бўлмаган миллатларни қатлиом қилиш учун ҳам фойдаланиш мумкин эди. Бунга уринганлар бўлди.

Рафиқ Нишоновни Ўзбекистон Компартияси раҳбарлигидан кетишига мажбур қилган Фаргона месхет-турк воқеалари қайта куриш сиёсатини тўхтатиш учун мафия-КГБ ҳамкорлигига уюштирилган фитна эди. Ўзгандаги ўзбекларнинг киргизлар тарафидан тўп-тўп ўлдирилиши ҳам ўша маҳаллий мафия ва КГБнинг «ижоди» эди. Бу ҳар икки қалтис вазиятда ҳам ўзбек зиёлиси ўзини жуда вазмин тутди, маданиятини намойиш қилди ва кенг миқёсда оловланишга тайёр ғавғонинг олдини олди.

1988 йил. ТАШҚАРИГА САЁҲАТ

80-йилларда бошланган миллий ҳаракатнинг энг пассив бўлгаси пойтахт Тошкент эди. Бунинг икки сабаби бор эди: биринчиси, дунёдаги бутун катта шаҳарлардаги каби, Тошкент ахолиси ҳам моддиятчи ва космополит қавм эди. Улар бирорта мафкура учун моддий манфаатни таҳликага қўйишни ҳеч истамасдилар. Иккинчиси, Тошкент нуфузининг деярли ярмини

«рус тилида гаплашадиганлар» ташкил қиласында ва улар хеч қандай сиёсий фаоллик тарафдори эмасдилар. Аксинча, улар бунга қарши әдилар. Ерли халқыннан сиёсий фаоллиги уларнинг заволи бўлишидан қўрқишидан. Миллий ҳаракат ўз кучини провинсия (вилоятлар)дан олди. Вилоятлардаги аҳоли хабарлашма воситаларининг заифлигига қарамай, пойтахт ва дунёдаги воқеаларни изчилик билан кузатиб бораради. Айниқса, Фарғона водийсидаги вилоятларнинг сиёсий фаоллиги фавқулодда юксак эди. Бу фаоллик секин-аста бошқа вилоятларга ҳам ёйила борди. Масалан, Ўзбекистоннинг нисбатан пассив саналган жанубий мінтақаси Қашқадарё ва Сурхондарё, ғарбий мінтақаси Бухоро ва Хоразм 80-йиллар охирига келиб умум сиёсий жараёнга шундай кирди-ки, мустақиллик ҳаракатнинг ҳаётий томирлари бўлиб қолди. Чunksи, у пайтлари Водийдаги кучларимиз тўла тор-мор этилганди.

Ўрта мінтақа - Сирдарё, Жиззах, Самарқанд ҳам пойтахт Тошкентга нисбатан анча динамик бўлган эди.

Лекин бизнинг ишимиш Тошкент билан эди. Тошкент пойтахт эди. Бизнинг гояларимиз вилоятларда қанча олқишли масин, биз уларнинг Тошкентда тан олинишини истардик. Тошкент тан олиши учун эса, у биздан қўрқиши керак эди. гояларнинг тўғри-нотўғрилигидан ҳам кўпроқ, Тошкент бизнинг орқамиизда бир куч кўрсагина, бизга ён босиши мумкин эди.

Бизни учрашувларда, мажлисларда ва ёки бошқа жамоат марказларида юзлаб одамлар қўллаб-қувватлаётганини кўриб турар эдик. Аммо бу тарқоқ ва мажхул кувватни бир шаклга сололмагандик. Биз худди артист, одамлар эса томошабинлар каби, томошадан сўнг ҳар ким уй-уйига кириб кетаверарди. Йилдиримни тутиб, электртга айлантириш лозим эди. Халқни ташкилотлантириш пайти келганди. Аммо биз умримизда ташкилот курмаган шоир-ёзувчилар узок вақт, 88-йилнинг ўртасигача гарангсиб юрдик.

1988 йил май ойида мен Ёзувчилар Уюшмасига котиб сайландим. «Сайландим» деганим рост, чunksи, хеч ким менинг тайинламади. Эски замонлардаги каби менинг номзодим аввал Марказқўмда, кейин Ёзувчилар Секретариатида кўрилмади. Қайта куриш замони бўлгани учун сайлов бўлди ва мен сайландим. Коммунист бўлмасам ҳам.

Котиблик менга жуда катта имконият берди. Ўша боя изохлаганим сиёсий фаолликка йўналиш бериш имкониятини туғдирди. Июл ойида Болтиқбўйи жумхуриятларидан бирида... қандайдир сиёсий ҳаракат тузилаётганмиш, деган хабар келди. Мен Болтиқбўйини яхши билардим, у ерда дўстларим кўп эди. Янглишмасам, уларнинг ташкилотланиш тажрибасини ўрганиш учун ёзувчи Зоҳир Аълам бориб келганди.

Дарвоқе, курилиши керак бўлган ҳаракатнинг биринчи «ложиҳаси»ни Зоҳир Аълам билан келган Фахриддин исмли бир талаба таклиф қилганди. Менимча, номи «Эътиқод» ёки шунга ўхшаш сиёсий маъно ташимаган бир ном эди. Мен бу номнинг жуда кулгули эканини айтдим. Аслида, бирор сиёсий платформа билан ўргага чиқиш учун ҳаммамиз ҳам бир нави «талаба» эдик.

Ҳаракатга исм бериш шарафи менга насиб бўлди. Уни «Бирлик» деб атайдиган бўлдик. Бу ном билан 10-йилларнинг иккинчи ярмида бизнинг Туркистон миллиятчилари (татар ва бошқирдлар билан) бир сиёсий ташкилотни тузишганди, аммо у халқ ҳаракатига айланолмаганди. Мен «Бирлик» номининг тарихдан мерос эканини дўстларга айтмадим. «Бизни пантуркистлар деб аташади-ку», деб ўйлаб, ҳаракатга киришдан андиша қиласликлари учун айтмадим.

Ҳаракатнинг дастур лойиҳасини қораларкан, иложи борича лўнда тезислар билан белгиланган бир чорчўп ясашга ҳаракат килдим. Дастур тезисларини ҳам иложи борича «туманли»роқ, иложи борича умумийроқ ва иложи борича сиёсатдан кўра кўпроқ ижтимоий масалаларнинг ифодаси шаклида қозогза туширдим. Бу гўё ҳар эҳтимолга қарши олган «тадбир»имиз эди.

Хуллас, мен қоралаган ilk матн жуда ибтидоий эди, лекин бу ўша саксон саккизинчи йилнинг июл ойи учун нормал эди. Ташкилот тузиш ғоясини бармоқ билан санаарли кишилар биларди ва уларнинг ҳеч бири ҳеч қачон сиёсат билан шуғулланмаганди. Уларнинг ичида «энг шуғулланмагани» деб мен ўзимни хисоблардим. Аммо 1985 йилдаги Полигбюрга мактубдан тортиб, ундан кейинги кечган 3 йил давомида ёзилган бутун мақолалар мени мен ўйлаган шоирлик «чизигидан» анчагина ташқарига чиқариб кўйганлигини ҳали ўзим ҳам сезмасдим.

Бу ташқари - сиёсатнинг яланғоч майдони эди.

ШОИРЛИК МАҚОМИ

Ваҳоланки, шоирлик мен учун дунёнинг энг қулай касби эди. Ҳеч кимга, ҳеч бир идорага, ҳеч бир фирмә ёки ҳукуматга нима қилаётганинг ҳақида хисобот бермайсан. Ҳатто шеърни газетада бостириш учун, ҳатто китоб чиқариш учун ҳам бирортасига жилмайгинг келмаса, асло жилмаймайсан. Яъни, тоталитар давлатда бу шоирлиқдан ҳам мустақилроқ, эркинроқ касбни топиш мумкин эмасди.

Мен Оллоҳга шукр қилардим, ўзимни жуда омадли хис қилардим. Шу тўрт-беш қатор калимани қофиялаб, шеър қилиш қобилиятини менга бергани учун Оллоҳдан рози эдим. Тўғри, уйда баъзан нонни сувга ботириб, еб кун кўрган кунлар ҳам бўлди, хотин бола-чақа шоирлик хусусида бошқа фикрда бўлган бўлиши ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас, аммо ҳеч ким бу ҳақда шикоят қилмаганди. Ҳамма ҳаётидан мамнун эди.

«Бирлик»нинг дастур қораламасини тайёрлар экан, мен бу ҳурриятни, шахсимга берилган бу эркинликни йўкотиши арафасида турганлигимни хаёл ҳам қилолмасдим. Чунки, такаббурона «ҳамма нарса менга боғлиқ, истаган ишимни қилишим ва истаган пайтда уни қилмасдан тўхтатишим мумкин, менга ҳеч ким буйруқ беролмайди», деб ўйлардим.

Янги бир замон келганилиги, бу замон билан мен ҳам , дўстларим ҳам, бутун миллат, ҳатто бутун миллатлар ва дунё ўзгарганини сезмай қолгандим. Ёки бошқача таъбир билан айтсам, уч йилдир-ки, биз бир «қайта қуриш» деган марафонга шунчаки ҳазиллашиб, байрам спортига кўшилгандай, кўшилган эдик, аммо ҳануз «финиш»га келмагандик, чопаётгандик. Чопаркан, вақт ўтганини, вақт ўтаркан, ўзимиз ва атрофнинг ўзгариб бораётганини сезмай қолгандик. Мен ҳалигача ўтмишдаги идеаллар билан яшардим:

Мен ҳеч кимга бўйинсунмасман,

Балки, менга бўйсунар қисмат.

Мен сиз эккан жойда унмасман,

Фақат руҳга қиларман хизмат.

Мен сизларга раҳм қилмасман,

Яъни, ўзни аямасман ҳеч,

«Оқ-қора!», деб ваҳм қилмасман,

*Яъни, сочни бўямайман ҳеч.
Букилмасман қувончу гамдан,
Сўрамасман яъни нафақа,
Яъни, мен бу моддий оламда
Хур руҳ учун яшарман фақат!...*

1981 («Валфажр», 1983)

Ишонинг, мен буни шеър бўлсин деб ёзмагандим. Худди ёзилгандек яаш ва худди яшагандек ёзиш мен учун зарур максимум эди. Бундай максимумсиз шоир шеърини ёзолмайди. Бусиз шоир ўзини хурмат қиполмайди. Хурмат қиполмаса, шеър ёзиш, деярли, мумкин эмас.

Тўрт қатор шеър ёзмоқ учун менга абадият зарур эди. Уч соат сўнгра бир жойга чиқишим керак бўлса, мен бу шеърни ёзолмасдим. Балки, тўрт қаторни ёзиш учун 5 дақиқа вақт кетар, аммо ҳеч ким, ҳеч бир зарур иш тепамда калтак кўтариб, уч соатдан кейин чиқасан, дея турмаслиги керакди. Ва ҳеч бир нашриёт ёки газета менинг онгимда шууримда ўз цензурасини ерлаштираслиги лозимди. Мен ҳеч нарсадан тискинмай, хоҳлаган нарсамни ёзиш, айнан истаган нарсамни ёзишим шарт эди. Ва, ниҳоят, энг муҳими, «бутун ёзганларимда, бирорта ибора ёки сатрда ўз идеалимдан тирноқча ҳам чекинганим йўқ, ёлғонга, зулмга хизмат қилганим йўқ, бундан кейин ҳам қилмайман», деган каноат доим кўксимда туриши керак. Бу ўзимни шеър ёзишга кўндириш учун энг асосий шарт эди.

1975 йил мен Университетдан сўнгра иш ахтариб ғ. ғулом нашриётига боргандим. Шоир Омон Матжон орачи бўлиб, нашриёт директори Ҳамид Ғулом кабинетига олиб кирди ва: «Ҳамидjon aka, мана шу йигит яхши шоир, сизга садоқат билан хизмат қиласди», деганда, менинг қаттиқ жаҳлим чиққанди. Омон Матжон «шундай гапириш керак, йўли шунақа», деганди. Лекин у шоирнинг йўли шунақа эмаслигини билмасди.

Мен ишлаб-чиқариш бўлимида икки ой ишлай олдим, холос. Чунки, бирданига икки тарафга садоқат билан хизмат қилиш мумкин эмасди. Мен Кафка эмас эдим, у каби иккита ҳаёт яшай олмас эдим. У каби изтироб чекишни, у каби бу дунёни жаҳаннамга айлантиришни истамасдим. Ўзимни жуда кучли

сезардим, бўлим бошлиғи ёки нашриёт бошлиғига истаган пайтда «алвидо», деб ўз озодлигимга қовушиш даражасида кучли.

Шундай бир ўз хурриятига қул одамнинг сиёсат билан шуғулланиши мумкин эмас эди. Ҳар ҳолда, мен шундай ўйлардим. Биз ёзувчиларни халқ танийди, булардан фойдаланайлик, бир ташкилот тузайлик, одамларни жалб қиласайлик, бошлаб берсак бўлди, кейин ўзлари олиб кетишади, кейин оломонни кўриб, сиёсатчилар ҳам келишади, профессионал иш бошланади, миллатнинг уфқи очилади, деб режа қиласадим.

Қисқаси, ҳар қачонгидай, 1988 йил июл ойида ҳам ўзимни баҳтли одам хисоблардим, чунки, дунёнинг энг қулай, энг осон қасби - шоирликни ҳанузгача ўз қасбим деб ҳисоблардим ва фақат ҳозир халққа мақола керақ, шеърни, сал сукунат тушсин, кейин бошлаймиз, иншоллоҳ, деб ўйлардим. Сукунат тушмади. Бугун, бу воқеалардан ўн йил ўтди, аммо сукунат тушгани йўқ. Бу ўн йил сукунатсиз умрим бўйича шеър деб атамаса ҳам бўладиган учта матн ёзилди, холос. Лекин бу ўн йил давомида матбуот ёки бошқа жойда исмимни тилга олганлар исмимдан олдин муттасип «шоир» калимасини кўйиб, дунёнинг энг қулай ва энг хур қасби билан мени давомли тақдирладилар, Оллоҳ рози бўлсин бу одамлардан.

КОТИБЛИК

Ёзувчилар Уюшмасига котиб бўлиб сайлангандан кейин нафақат шеър, мақола ёзишга ҳам вақт қолмади.

Йўқ, мен Уюшманинг иши билан машғул бўлмадим. Уюшма раиси ёзувчи Одил Ёқубов ва яна мендан бошқа икки котиб бор эди - уюшма иши билан улар шуғулланишди, соғ бўлсинлар. Менда бюрократик тажриба йўқди ва бу тажрибани орттириш истагим ҳам жўшиб турмаганди.

Менга тушган иш Уюшмага тўп-тўп келаётган, дехқонлар, ишчилар, ўқитувчилар ва бошқа турли қасбдаги турли характердаги инсонларни қабул қилиш ва уларнинг арзи-додини тинглаш бўлди. Гдлян бошлаган террор ҳали ҳам тўхтамаган ва ҳақсизликдан халқнинг фифони кўкка чиққанди. Судга, милицияга, прокурорга, партия қўмитасига, ижроқўмга, марказқўмга бориши керак бўлган инсонлар оқиб Ёзувчилар Уюшмасига келарди. Ўғли ноҳақ қамалган оқсоқол ҳам, ишдан ноҳақ ҳайдалган ёш йигит ҳам, уйига ўғри тушган пенсионер ҳам, ҳатто мансабидан айрилган

номенклатурачи ҳам Уюшмага кела бошлагандилар. Ёзувчиларнинг катталарга сўзи ўтади, деб ўйлардилар. Ёзувчининг обрўси катта, тепадагилар ёзувчидан кўркишади, деб ўйлашарди. Бир нави тўғри ўйлашарди. Нисбий сўз эркинлиги ёзувчиларни дарров халқ орасида машҳур қилди. Бу тепадагиларнинг жигига тегса ҳам, Уюшма билан очиқ конфронтацияга боришини истамасдилар. Марказқўмнинг секретарлари, Уюшмага келиб, маъруза қилган бўлар, бу билан гўё ёзувчиларга накадар эътибор беришаётганини кўрсатган бўлишарди.

Албатта, дунёда ҳеч бир давлат ёзувчилардан биздагидай ҳадиксираласди, чунки, ҳеч бир давлатда халқ ёзувчиларга биздагидай ишонмасди. Давлат ёзувчилардан эмас, уларга эргашаётган халқдан кўркарди.

Саксон саккизинчи йил Ёзувчилар Уюшмаси халқ уйига айланди. Раис Одил Ёкубов бир-икки марта тўнгиллаб қўйди, лекин одамларни менинг чақириб келмаётганимни биларди. Бу «босқинга» сабр билан чиради аммо бошқа бир сабабдан бир оз ранжиганди: ҳар бир котибнинг мақом креслоси узра Дохий портрети осилиб турарди ва мен ишга келган биринчи кун ўз кабинетимдаги Дохий нусхасини девордан олиб, ўрнига Охунов деган рассомга буюртириб чиздирганим Абдулҳамид Сулаймон Чўлпон портретини осдим. Бу номенклатурадан олган биринчи қасосим эди. Уюшманинг котиби ҳам номенклатурага киарди, ўзининг мақом машинаси, «вертушқа» телефони, қабулхонаси ва унда секретари бўларди. Бу неъматларнинг ичидаги энг хайрлиси, «вертушқа» эди. Бу телефон тўғридан-тўғри минстрга ёки бошқа катта мансабдорга уланар эди. «Вертушқа»дан энг кўп фойдаланган йилим саксон саккизинчи йил бўлди. Шикоят билан келган халқни ўша «вертушқа»га гапиртирдим. Бу менинг номенклатурадан олган иккичи қасосим бўлди.

Учинчи қасосим - номенклатурани етиштирган компартияга кириш таклифини рад этдим. Бу Ўзбекистон Компартиясига килинган энг катта хақорат эди ва у то 1991 йил хунгадан кейин ўз-ўзини бекор қилгунга қадар мени таъқиб этди, ўшаҳақоратнинг хусурини чиқаришга уринди.

Марказқўм котиби Холмухаммедов Уюшма раисини чакириб, Уюшма Котиблигигида коммунист бўлмаган киши ўтирмаслигини айтди, Одил ака буни менга айтди, мен «ундай

бўлса коммунистни қўйинглар», дедим, харакат қилишди, аммо қўйишолмади, коммунист йўқлигидан эмас, замон ўзгарганилигидан. Уюшмада демография, экология, тарих ва давлат тили каби бир-бирига ўхшамаган масалаларнинг ҳаммаси мухокама қилина бошлади. «Шоир-шеърини ёзса, ёзувчи романини ёзса, бу халққа фойда келтиради, нима қилади ёзувчилар ўзи билмаган ишга аралашиб», дея писандада қиладиган одамлар кўпайди. Лекин ёзувчиларни қўллайдиганлар бунга нисбатан уч-тўрт баравар тезликда кўпая бошлаганди.

Уюшмада тузилган «Орол қўмитаси» жуда фаоллаши. Унинг аъзолари бирор ерга борсалар хурмат билан кутиб олишарди. Махаллий раҳбарлар ўз бўлгаларидағи экологик вазиятни «Қўмита» аъзолари билан мухокама қилишдан аввалгидек қўрқмасди.

Ёзувчилар Уюшмасининг иккига зали бор эди, ҳар иккаласида ҳам ҳар куни, ҳар соатда бирорта мажлис ёки машварат ўтаётган бўларди. Бу мажлисларда қатнашаётганларнинг саксон фойизи ёзувчиликка алоқаси йўқ одамлар, мухокама қилинаётган масалаларнинг ҳам адабиётга алоқаси йўқ эди.

Уюшмага чет элликлар ҳам тез-тез ташриф буорадиган бўлиб қолишиди. Улар бу ерга Ўзбекистоннинг на давлат, на-да бошқа жамоат ташкилотида эшлиши мумкин бўлмаган фикрларни эшлиши учун келарди. Уюшма 1988 йилга келиб, том маънода расмий тан олинмаган, аммо таъсири катта бир мухолифат марказига айланганди.

Ўша йил, октябр ойи эди чамаси, мен «Нью йорк таймс» газетасининг Москвадаги мухбирига интервью бердим. Жуда кўп нарсаларни очик сўйладим. Кейин маълум бўлишича, мазкур интервью мени фақат Уюшмадан узоклаштириш учун эмас, менга қарши жиддийроқ тадбирлар қўллаш учун баҳона вазифасини ўташи керак бўлган.

«БИРЛИК» ТАШКИЛОТИНИНГ ТАЪСИСИ

Ниҳоят, ноябр ойининг ўн биринчи куни биз, бир гурух ёзувчи ва олим, режалаганимиз ташкилотни таъсис этиш учун қўшикчи шоир Дадаҳон Ҳасаннинг уйида тўпландик. Янглишмасам, 15-17 тача киши бор эди.

Қисқа мұхокамадан кейин «Бирлик» номи остида Ўзбекистоннинг маънавий ва моддий қадриятларини асраш ҳаракати таъсис этилди, деб қарор қылдик. Менга ҳаракатни бошқариш таклиф этилди, мен рад қылдим. Ҳаракат ҳайъатида бўлиш мен учун етарли, Ёзувчилар Уюшмаси котиблиги юки ҳам бор, лекин ҳаракатни бирга юритаверамиз, дедим. Академик Тошмуҳаммедов ҳам раҳбарликни истамади. Шунда фан доктори Абдураҳим Пўлатов бошқарсин қурултойгача, деди кимдир. Кўпчилик «бу одамни яхши танимаймиз», деган баҳонада қарши чиқди. Мен Пўлатов номзодини қўлладим ва қарши чиқкан дўйстлардан унга овоз беришни илтимос қылдим.

Илтимос қылдим-у, уни ўзим ҳам унча яхши танимасдим. Уни илмий институтларда олимлар билан ўтказган сұхбатларимда бир-икки марта кўриб, эсимда қолганди. Эсимда қолганди, чунки кўп савол берарди. кейин уни, янглишмасам, Д. Ҳасаннинг уйига шоир Рауф Парфи ва Бегжон Тошмуҳаммедов олиб келишганди. Мен бу одамларга ишонардим.

Бундан ташқари, биз, ёзувчилар, ташкилотни тузиб, оёққа кўйиб, уни бизга кўра прагматик, закий олимларга топшириш керак, деган қатъий фикрда эдим. Қолаверса, Пўлатов, кибирнетика олими, ўзи ҳақида жуда чаққон ва ишчан бир киши таасуротини қолдиради. Шундай бир одам биз илтимос қилган нарсани дарров қабул қилганига хурсанд ҳам эдим. Ҳар ҳолда, ҳаракатнинг қурултойга қадар ташкилий ишларини юритишига ҳеч шубҳам йўқ эди. Баъзи радикал ошналар аввал ҳаракатга умуман коммунист олмаслик керак, деган фикрни олға суришганди. Ёзувчиларнинг кўпчилиги бу фикрни кўллади. Аммо Таъсис мажлисида дўйстлардан бири «бу Пўлатов илмий институтнинг парткоми бўлган, қандай ишлайди биз билан», деб шишигандан унга: «коммунистларни ҳаракатга олмайдиган бўлсак, ҳаракатни тузайлик деб юрган Зохир Аъламни ҳам, Дадаҳон Ҳасанни ҳам олмаслик керак эди. Бизга кейинроқ кўшилган Бегжон Тошмуҳаммад ҳам коммунист-ку», дедим.

Хуллас, Пўлатов Қурултойгача янги ташкилотнинг таъсис қўмитасига бошлиқ бўлиб сайланди. Бу воқеадан кейин Ёзувчилар Уюшмаси янада гавжумлашди. Ёзувчи Мамадали Маҳмуд ва мен Котиблигимизни сустеъмол қилиб, янги ҳаракатимиз учун Уюшманинг биринчи қаватидан бир хона ажратиб олишга

муваффақ бўлдик. Бир-икки стол, тўрт-бешта шалоги чиққан курси, бир эски машинка - ташкилотнинг бор-йўқ мулки эди, аммо хона доим фиж-фиж одамга тўла бўларди.

Айни пайтда, давлатнинг энг маҳфий органи КГБ ҳодимлари ҳам Уюшмага очиқ келиб-кета бошлишади. Улар воқеалар ривожини диққат-ла кузатишарди. Улар «Бирлик» ҳали ўша кичкина хонадан чиқмаган бир пайтда, ҳали кўпмингли митинглар бошланмасдан туриб, ўз айгоқчиларини ҳаракат ичига тиқиб ултургандилар. Эҳтимол, ўша кичик хонадаги «фиж-фиж» оломоннинг учдан бири ўша айгоқчилардан иборат эди. Бу кейин маълум бўлди. Лекин ташкилотланиш жараёни бу андиша билан тўхташи мумкин эмас эди. Халқ ташкилотланишни истарди, бу истак қаршисига ўша пайтда хеч ким, ҳатто КГБ ҳам чиқолмасди. КГБ бу ҳаракатни ичидан емириши мумкин эди, уни заифлаштириши мумкин эди. Бунинг усулларини КГБ биларди...

БИРИНЧИ МИТИНГ

«Бирлик» таъсиси қилинганига бир ой тўрт кун тўлган эди, саксон саккизинчи йилнинг 15-декабри эди. Одатдагидек, эрталаб соат 9да уйдан чиқдим. Негадир мени олиш учун Уюшмадан машина келмаганди. Яёв юриб, метрога кетдим. Орқамдан кимдир келиб тўхтатди. Бизнинг яшайдиган уйдаги кўшнимиз адабиётшунос Рахим Отаев эди. Кўлида газета, менга узатаяпти: «Айтдим-ку, ўйиннинг охири шунаقا бўлади, деб, мана ўқинг», - дея менга берди кўлидагини.

Очиб қарадим, ярим сахифадан кўпроқ жойни олган мақола (бунақасини фелетон дейишарди), номи ҳам узун: «Двайной стандарт честного Мухаммада». Яъни, «Мухаммад» мен эдим.

Рахим Отаевга «раҳмат» айтдим-да, йўлимда давом этдим. Аммо қизиқконлик, бир оз ҳаяжон устун келди, йўл-йўлакай газетани яна очдим ва юришдан тўхтамай, у ер бу ерига кўз юргуртирдим. Мақола авторлари Юрий Кружилин ва (исми эсда йўқ) Хисомов эди. Газета «Правда Востока» бўлиб, у сўнгти икки йил давомида мен қилган чиқишиларга турли маслак ва мансабдаги одамлар тилидан мақолалар уюштириб ўзича менинг «миллатчи» лигимга «зарба бериб» келаётганди. Аммо бу сўнгти зарбаси анча жиiddий эди. Газета биринчи марта мени очиқчасига нафақат миллатчилик балки ирқчиликда айблаётганди. Мухбирлар

ўз айбномасига асос қилиб менинг «Нью-йорк таймс» газетасига берган интервьюнни олишганди. «Солих» арабчада ҳалол, тўғрисўз дегани, аммо Мухаммад Солих бу ердагиларга бир хил, чет элликларга бошқа хил гапиради, унинг тиљда интернационализми аслида ёлғон, у совет миллий сиёсатини Гиммлернинг истило қилинган мамлакатларда юритган сиёсатига тенглаштиради. Аслида, М. Солихнинг ўзи иркчи, Ўзбекистонда руслар, тожиклар, туркманлар яшайди, фақат ўзбеклар эмас», дея у шоҳдан бу шоҳга сакрашганди мухбирлар. Дархондан ўтиб, метрога тушдим. Ёзувчилар Уюшмасига келдим. Вақт эрта бўлишига қарамасдан Уюшма олди гавжум эди. Тўплангандар ёзувчилар эмас, ёшлар эди. Университет ва политехника институти талабалари. Улар «Бирлик» тузилгандан бери Уюшмага келиб-кетиб туришарди. Лекин бугун жуда эрта келишганди. Буни ўйлаб тутатмасданоқ, бир-нечата қиз ва йигит менга яқинлашиб саломлашдилар ва бир қучок гулдаста узатишиди.

Мен бир оз ҳайрон бўлдим, аммо уларнинг қўлидаги «Правда Вастока» нусхаларини кўриб, ҳамма нарсани англадим. Ёшлар менинг кайфиятимни кўтариш учун зудлик билан етиб келишганди. Улар газеталарни силкитишиб, «бу билан ҳеч нарсага эришолмайди, сиз ҳеч хавотир олманг», дейишди.

Мен уларнинг айтганини қилиб, ҳеч хавотир олмадим. Мен бу мақолага ҳалқнинг муносабати ижобий бўлишига ҳеч шубҳам йўқ эди. Фақат бунга ҳукумат қандай реакция кўрсатади, буни тахмин килолмасдим. Одатда, Марказқўмнинг органи бўлмиш газетада бундай «душман»ларни фош қилувчи, сиёсий руҳдаги мақола факат марказқўм кўрсатмаси билан чиқарди. Марказқўм бу кўрсатмани бераркан, бир режаси бўлганилиги ҳеч шубҳам йўқди. Илгарилари бундай мақолага мавзу бўлган одам энг камида ишдан олинарди ва қамаларди, чунки, совет тузумининг сиёсатини фашизм билан тенглаштириш, «ўзбек ҳалқини пахта занжирбанд килиб қўйди», дейиш совет давлатига тухмат саналарди. Лекин уч йилдир-ки, қайта қуриш бошланганди ва бу давр ичida бундай мақолалар ҳеч қаерда эълон қилинмаганди. Ва табиий-ки, бундай мақолалардан кейинги «процедура»ни ҳеч ким билмасди, чунки, «тажриба» йўқди.

Менимча, ҳукумат бу мақола билан икки масалани ҳал этишни ўйлаганди. Биринчиси, мени Ёзувчилар котиблигидан

қувиш, у ердаги сиёсий об-ҳавони йўқ қилиш, ёзувчиларни ўзининг профессионал касбига даъват қилиш, «мана, кўринг шундай қилмасанглар, бошингизга Солиҳнинг куни тушади», қабилида қўрқитиш. Иккинчиси, бу менимча, энг муҳими, яқиндагина тузилган «Бирлик» ҳаракатига зарба бериш. Ҳаракатнинг идеологи ўлароқ табиий-ки ёзувчилар танилганди. Ва улардан бирини йўқ қилмоқ ҳали суяги қотмаган ташкилотни ҳам бешикдаёқ бўғиб ташлаш деган гап эди.

Лекин буни режа қилганлар бир нарсани хисобга олишмаганди. Ўша даврнинг ўзгарганини хисобга олишмаганди. «Правда Востока»да чиққан мақола ўн йил аввал босилсайди, мени ҳеч ким Уюшма олдида гулдаста билан қаршиламаган бўларди..

Мақола кутилмаган акс-садо берди. Бутун жумҳуриятдан ҳатлар ёғилиб кела бошлади. Ҳаммаси ҳеч бир истисносиз менга далда бериш учун, менинг тутган йўлим тўғри эканлигини билдириш учун ёзилган эди. Мактуб ёзганларнинг ёши, маслаги ҳар хил эди. Ҳатто Қашқадарёдан бир деҳқон бутун бир қишлоқ номидан мени қутлаш учун Тошкентга келди. Халтасида тандир кабоб ва шунга ўхшаган Қашқадарё қишлоқларининг тансик емаклари. Мен бундан жуда ҳаяжонланган эдим. Шунча йил шеър ёзиб, бу қадар иззат кўрмагандим.

«Правда Востока» мақоласи билан бигта ерли муслимонни йўқ қилмоқчи эди, аммо Оллоҳу таоло тескарисини истади: бу мақола минглаб муслимонларнинг кўзини очишга восита бўлди. Ҳукумат бундай акс-садони кутмаган эди. Агар мақолани босищдан аввал бир мақсади бўлган бўлса-да, буни амалга ошириш борасида тарафдудланиб қолганди.

Мақола чиққандан беш кун сўнг, 20-декабр, соат 11 атрофида кабинетимга секретар киз кирди ва «Ўзбекистон» меҳмонхонаси олдида одамлар митинг қилаяпти, деди. Мен дарров Мамадали Маҳмуднинг (у ҳали Уюшма котиби эди) икки кун аввал айтган гапини эсладим: Ёшлар сизни химоя қилиб митинг қилмоқчи. Химоя бўлмаса, сизни қамашлари мумкин, мен уларга билганингизни қилинг, деб айтдим, деганди.

Ҳақиқатан ҳам, меҳмонхона олдида кўп эмас, 450тacha киши, ҳаммаси талабалар эди.

«Вертушка» жиринглади. Олдим. Минстрлар Совети Раиси Файрат Қодиров экан. «Бу одамлар сизнинг одамлар эмиш,

илтимос, бориб тинчлантиринг, тарқалишсин, талаблари бўлса, ёзма ҳолда бизга топширишсин, кўриб чиқамиз», деди. Мен бу одамларнинг «меники» эмаслигини айтдим ва уларнинг талаблари нима эканлигини ҳам билмайман, деб жавоб бердим. «Ука, мен сиздан илтимос қиласяпман, бизга ёрдам қилинг, Рафиқ Нишоневич ҳозир Москвада, бу ерда вазиятни кескинлаштиришмайлик», деди.

Ғайрат Қодирович сўзларига русча қўшиб гапиргани ғашимга тегиб турган бўлса ҳам, унинг илтимосини рад қиполмадим. Қодиров ўзи одам сифатида ёмон эмас эди, кўнгли очик, содда эди.

Қодиров билан гаплашиб, ташқарига чиққанимда милиция митингчиларни «Ўзбекистон» меҳмонхонаси олдидан хайдаб, Инқилоб хиёбонига олиб киришга мувоффақ бўлганди. (Хиёбонда уларни камроқ одам кўрарди ва шов-шув ҳам камроқ бўларди). Бутун хиёбон атрофи милиционерлар «занжири» билан чирмалганди. Ҳеч кимни хиёбон ичкарисига қўйишмаётганди.

Мени танишди шекилли, дарров йўл беришда ва ҳатто милиционерлардан бигтаси овозини пасайтириб, «ака, шундай давом эттиринглар, биз ҳам Сиз тарафда», деди. Бу менинг кўнглимни тоғдай кўтарди, шу кўтаринкилик билан митингчиларнинг хузурига чиқдим.

Хиёбон ўртасида минерал сув ва музқаймок сотиладиган кичик кўшк бор эди, унинг майдончаси саҳнага айланган, саҳнада Марказзўмдан бўлим бошлиги, шахар ижроқўм раиси, ИИБ бошлиги ва ўн-бешта КГБ ходимлари туришарди. Менга микрофонни тутқазишиди. Микрофонни олиб, оломонга боқдим. Катта-кичик картон қоғозларга менинг исмимни ёзиб, «сени қўллаймиз, биз сен билан, йўқолсин зулм, Сафарян Ўзбекистондан даф бўл!» (Сафаров - «Правда Востока» редактори), каби содда шиорлар битилганди.

Мен ёшларга раҳмат айтдим. Хукумат бошлигига таклиф-талабларингизни ёзма ҳолда беринглар-да, тарқалинглар, дедим. Ёшлар «биз мақолани ёзган мухбирлар келиб, шу ерда ўзбек халқидан узр сўраши керак, чунки, улар фақат сизни эмас, ўзбек халқини ҳам камситган», дейишиди. Кимдир «буни мухокама қиласяпман, майли, мухбирларни олиб келамиз, фақат шу ерда эмас, Ёзувчилар Уюшмасида мухокама қиласяпман», деди.

Ҳокимият бу исёнчи талабаларни халқ кўзидан тезроқ йироқлаштиришни, тезроқ яширишни истарди.

Ёшлар таклифга рози бўлишди. Оломон уюшмага қараб юрди. У бизнинг залимизга сифмади, иккинчи, учинчи қават, фое ва дахлизлар ҳам одамга тўлди.

Мухбирлар Кружилин-Хисомовни дарров топиб келишди. Узр сўрашдими-йўқми, билмайман, ҳар ҳолда ёшлар уларни қаттиқ терлатишгани рост.

Мен муҳокаманинг сўнгидаги кирдим ва хукумат митингчиларга «М. Солиҳнинг «Правда Востока»га жавобини ўн кун ичида босамиз», деб ваъда берганини билдим. Бу мен учун жуда катта имконият эди. Бундай бир мақолага «айбланувчи»нинг жавоби яна ўша газетанинг ўзида босилиши совет жамияти учун фавқулодда бир ҳодиса бўлган бўларди.

Бу жавоб чиқса, биринчидан, бу ёшларнинг ғалабаси саналар ва уларнинг ўзига бўлган ишончи икки қат ортарди. Иккинчидан, бу жавоб Ҳаракатимизга кўшилишга тараддувланиб турган одамларга сўнгти туртки бўлар ва улар сафимизга кўшиларди. Учинчиси, бизнинг ҳаракатимиз бир психологик тўсиқдан ўтиб, хукумат ҳам биздан бир қадам орқага (биринчи марта!) чекинган бўларди. Мен «Правда Востока»га жавобни ўша куниёқ бошлаб, эртасига бигирдим ва газета редакциясига жўнатдим.

1989 йил. АКАДЕМИККА МАКТУБ

Саксон тўққизинчи йил январ ойининг еттисида «Совет Ўзбекистони», «Правда Востока» ва «Ташкентская правда» газеталарида менинг Кружилин-Хисомовларга жавоб мақолам босилиб чиқди. Бунинг босилиши менинг ғалабамдан кўра, кўпроқ талаба ёшларнинг ғалабаси эди. Бу ҳодиса уларнинг «Бирлик» халқ ҳаракати атрофида жисплашувини, уларнинг тарғибот ишларида эркинроқ ҳаракат қилишини таъминлади.

Менинг шахсим учун эса, бу воқеа бир муҳим босқичнинг тугалланиши эди. 1985 йил январ ойида «Совет Ўзбекистони» газетасида эълон қилинган «Гоявийлик бош мезон» мақоласидан кейин ўтган тўрт йил ичида мамлакатда шундай ўзгаришлар юз берди-ки, ўша коммунистларнинг Бош газетаси энди мен каби коммунист бўлмаган ва ўзининг миллий қаращдаги фикрларини ҳеч қачон эплаб яшираолмаган бигтасининг мақоласини босишга мажбур бўлаётганди.

Қайта қуриш ва ошкоралик сиёсати саксон тўққизнинг бошида шундай бир нуктага келди-ки, ортиқ уни орқага қайтариш ёхуд тўхтатиш у ёқда турсин, унинг тобора авж олаётган тезлигини сусайтириш ҳам мумкин эмас эди. Баъзи мутафаккирлар агар 1989да бир иҳтийол (давлат тўнгариши) юз берса эди, Совет Империясини қутқариб қолиш мумкин эди, дейишади. Аммо улар, бу иҳтийолниң ўша саксон тўққизда нега бўлмаганини ўйлашмайди. Бу иҳтийол бўла олмаган эди, шу боис империяни қутқариш ҳам имконсиз эди.

Иҳтийол саксон тўққизда тез юриб кетаётган аравани бирдан тўхтатганда юз берадиган қазо (авария) каби хавфли эди, шунинг учун у араванинг тезлиги сусайиб, одамлар қайта қуришдан ҳам совий бошлаган бир пайтда, яъни 1991 йилнинг августида юз берди. Бу иҳтийолниң мувафакиятсизлиги - бошқа бир мавзу.

Саксон тўққизга келиб, Фарб давлатлари ва дунё жамоатчилиги ҳам Совет Иттифоқида, ҳақиқатан жиддий ўзгаришлар юз берадигани ва бу жараённинг янада жиддийлашуви мумкинлигига инона бошладилар. Бу давргача дунё Совет Иттифоқидаги воқеаларни бир нави скептицизм пардаси аро кузатарди, чунки, Хрущев замонидаги бир «юмашаш»дан кейин қайгадан жонланган неосталинизм СССРда осонликча (тинч ўйл билан) бирор ижобий ўзгаришнинг юз беришига шубҳа уйғотганди.

1989 йилда СССР ва Фарб орасидаги алоқалар анча самимийлашди. Тоталитар давлат ўз қиёфасини ўзгартириш учун ўз фукароларининг чет эл саёҳатларини анча енгиллаштириди, чет эл саёҳлари ҳам илгаригидан осонроқ келиб-кета бошладилар.

Ёзувчилар Уюшмаси расмий тан олинмаган «Бирлик» харакатини бир машру ташкилот савиёсида тутиш учун тиргак эди. Менинг айри кабинетим ва секретарим бор эди, «Бирлик» харакати билан танишишга келган ерли ва ажнабий ким бўлса, ҳаммаси шу кабинетга бир учраб кетарди. Бу бир қараганда жўн кўринса ҳам, расмий мақомларга хурмат туйғуси билан ошланган одамлар учун психологик нукта-назардан жуда муҳим нарса эди. Биз чет эл муҳбирларига кўчада эмас, ўз идорамиизда интервью берардик, улар харакат ва унинг фаолияти ҳақида зарур билгиларни тўғридан-тўғри марказ фаолларидан оларди.

Январ ойида жуда қўп чет эллик газетачи ва тадқиқотчилар билан кўришдим. Уларнинг аксарияти рус матбуотида ёритилган

материалларга таяниб, Ўзбекистон ҳақида хулоса чиқарган кишилар эди. Кўпчилигини коррупция ва порахўрлик қизиқтиради, бизнинг гапира бошлаганимиз мислий масалаларни англамасди ёки англамаган бўлиб кўринишни истардилар. Чунки, улар ҳам қанчалик мустақил фикрловчи шахслар бўлмасин, ўз давлатлари идеологиясини у ёки бу қадар ташимоқда эдилар. Улар бизнинг (хозирча!) мустақиллик ҳақида сал секинроқ орзу қилишимиз тарафдори эдилар, улар қарши лагер одамлари ўлароқ, эндиғина улар истаган йўлга юра бошлаган бу баҳайбат машинанинг бирдан орқага қайтиб кетишидан жуда-жуда қўрқардилар. Бундан биз ҳам қўрқардик, аммо бу яхши кийинган, ғам-ташвишсиз (бизга шундай кўринишарди) ёқимтой гарбликлардан фарқимиз шу эди-ки, биз оҳиста орзу қиломасдик, биз бугун сўзлаш учун берилган имконни зудлик билан қўлланишга мажбур эдик. Ҳатто, «чиқарган ва рақаларни сақлаб қўйинглар, қайта қуриш тугаб, зулм қайтадан бошланганда, бу ва рақаларни кўзга суриб ўқиб юрамиз ҳали», дердик. Яъни, «қайта қуриш» «вақтингчалик кампания» деган ботиний фикр некбинлар некбини бўлган бизни ҳам доим таъқиб қиласди. Шу боис, «ётиб қолгунча отиб қол», тактикаси билан иш тутиб, истисносиз бутун жабҳаларда - иқтисоддан тортиб маорифгача, пахта монокултурасидан тортиб медицинагача, - муаммоли масалаларни ўртага қўяр, уларни ечолмаслигимизни билсак ҳам, лоақал бу ҳақда жамоат фикрини уйғотишга шошар эдик.

Давлат тили масаласи саксон тўққизинчи йил бошларининг долзарб масалаларидан бири эди. Ўша йил январ ойида ёзилган бир мактуб, мана:

Академик Эркин Юсуповга

Қадрли Эркин ака, авваллари Сиз ҳақда не гап бўлса, бари яхшилик рамзи сифатида айтиларди. Афсуски, бугунги мишишлар, хусусан, «Совет Ўзбекистони»даги «иккитиллиллик» масаласига оид мақолангиз ва телевидениедаги сўнгги чиқишингиз атрофидаги гаплар Сизнинг ҳам, ўзбек зиёлиларининг ҳам обрўсига яхии бўлмаяпти.

Сиз тил бўйича комиссия раисидирсиз. Эҳтимол, бу комиссия хуласаси жумҳурият фикри бўлиб қарор шаклига кирад. Масъулият катта. Тилимиз давлат тили бўлиши шарт. Бу «бир ҳовуч зиёлилар» истаги эмас, балки, бутун халқнинг орзу-армони.

Буни ўзингиз яхши биласиз. Бас, шундай экан, биз халқ тарафига турмасак, ким туради? Сиздан илтимос ва илтижомиз шу-ки, тилимиз билан дилимизни бир қиласилик. Бугун биз тарихий воқеа бўсағасида турган бўлишимиз мумкин. Мансаб, обрў, раҳбарлик ўтиб кетади. Аммо халқимиз, тилимиз, ватанимиз қолади. Бизни фарзандларимиз қаргаб юрмасин. Бугунги ҳисобга кўра, Ўзбекистонда 72 фойиз ўзбеклар, 13 фойиз рус тилида гапирувчилар, 4 фойиз тожиклар (қолганлари туркий халқ вакиллари) яшайдилар.

Биз ўзбек тилини билмайдиган 13 фойиз учун ўз тилимизни қурбон қололмаймиз. Агар бу фойиз 25 ёки 40 бўлса, ҳам биз ўз тилимизнинг ўз еримизда давлат тили бўлишини истаган бўлардик. Чунки, акс ҳолда, ўша Сиз доим таъкидлаётган байналминалчилик тушунчасининг бир чақалик қадри бўлмасди. Борди-ю, Сиз бошқараётган комиссия ўз вазифасини адо этолмаса ёки адо этишини хоҳламаса, жамоат ўз тилини ҳимоя қилишга тайёр. Ишонинг, у ўз ҳақ-ҳуқуқини қатъий талаб этажак, бизнинг Ёзувчилар Союзига келаётган хатлар шундан дарак бериб турибди.

Сизга соғлик тилаб, Сиздан умид қилиб, укангиз Мұхаммад Солиҳ

P.S. Тазиик ҳаммага ўтказилаяпти. Аммо бу ўзимизни оқлаш учун ҳуқуқ бермайди. Мен Сизга ўзимни яқин ўйлаб, шу гапларни ёзишига ҳаддим сизди. Йўқса, Сизнинг қимматли вақтингизни олиб ўтирмасдим, афу этинг.

12 январ 1989 йил, Тошкент.

Эркин Юсупов ўша қайта куриш даври зиёлиларининг аксариятини тамсил қилган, илмий ибора билан айтганда, «типик вакил» эди. Бу тип инсонлар нисбатан ақлли, нисбатан вижданли, нисбатан ватанпарвар, қисқаси, нисбатан яхши одамлар эди. Улар об-ҳаво яхши бўлиб, замон қатогон замони бўлмаса, юрг дардига кулоқ солиб, унга қайишар ва ўзлари эгаллаган мансаб даражасида бир ишлар қилишга уринардилар. Аммо об-ҳаво бузилиб, халқ тарафда туриш таҳликали бўп қолса, дарров унга қарши тарафдаги бирор шинам жойга ўтиб олардилар.

Мен бу хил одамларни дарров танирдим, чунки, умримнинг ярми шулар билан ўтганди. «Бирлик» харакати бошқарувининг юзда саксон фойизи шу тип инсонлардан иборат эди. Уларнинг

истисносиз ҳаммаси коммунист эдилар, аммо улар ўз жабҳаларида озми-кўпми мутахассис эдилар. Биз «коммунист» дея, ўрнига коммунист бўлмаган, аммо малакасиз инсонларни ҳаракатга тақлиф қиломасдиқ. «Бирлик»нинг таркиб топишида бу тутум туфайли мендан хафа бўлғанлар кўп бўлди. Хафа бўлғанларнинг коммунистларнинг бари-бир кун бошқа тарафга ўтиб кетиши ҳақидаги фикрлари тўғри эди. Аммо улар ўша «бир кун келгунча» ҳаракатда ишлайдиган одамлар кераклигини тан олгилари келмасди. Академик Эркин Юсупов 1986-88 йилларда хукуматга «ўгай» бўпқолганди шу боис ёзувчилар билан - норасмий мухолифат билан яқинлашган эди. Аммо янги хукумат келиб, унинг «юлдзузи» янгидан порлай бошлаган заҳот, миллий масалалар қолиб, байнаминалчиликнинг аҳамияти ҳақида куйлай бошлаганди. Юқоридаги мактуб шунга қарши ёзилганди.

ХАЛҚ ҲАРАКАТИДАГИ ИЛК ТАЖРИБАЛАР

Гарчанд 80-йиллар ўрталарида пайдо бўлган ижтимоий активлик саксон саккизинчи йилда аниқ сиёсий тус олган бўлса ҳам, «Бирлик» ҳаракати сиёсий эмас, ижтимоий либос билан саҳнага чиқди. У ўлканинг «моддий-маънавий бойликларини муҳофаза қитувчи ташкилот» сифатида танитилди. «Бирлик» сўзи сиёсий маъно таширди, унинг изоҳи эса, худди бу сўз учун сўралаётган узрга ўхшарди. Бу изоҳ ҳаракатга кўшилган оқсоқолларнинг кўшимчаси бўлғанлигидан, уни олиб ташлай олмадик.

Ном беришдаги бу иккиланиш, аслида, ҳаракат идеологиясидаги иккиланиш эди. Ҳаракат бошқарувидан ўрин олган коммунистларнинг деярли тўқсон фойизи Ўзбекистоннинг сиёсий келажаги, аникроғи, унинг сиёсий мустақиллиги ҳақида орзу қилмагандилар. Аксинча, улар бундай мустақилликка эришиш, мумкин эмас ва унга интилиш хаёлпарастлик, деб билишарди. Қолаверса, энди Совет иттифоқида қайта куриш бошланган экан, бундай мустақиллик бизга фойдадан кўра зарар олиб келиши мумкин, бизга Москва қараб турмаса бизнинг раҳбарлар дарров демократиядан воз кечиб, ўзларининг кичик диктаторликларини ўрнатиши мумкин, деган фикрда эдилар. Бу қараш ўша қайта куриш даврида жуда мода бўлган эди, чунки, бизнинг раҳбарлар ҳақиқатан ҳам мустақил бўлгандан кейин

шундай диктаторликларини қуриши муқаррар эди. Лекин бу бўлажак маҳаллий диктатура олдидағи кўркув бизнинг сиёсий харакатимиз стратегиясини ўзгартириши мумкин эмасди. Рус мустамлакасидан қтугулиш янги тузилган ташкилотнинг марказий гояси бўлмоғи шарт эди. Бу ғоя очик ифода қилинмаган тақдирда программа тезисларига зидан сингдириб юборилиши лозим эди. Ҳар ҳолда, шахсан менинг ва яна бир нечта ёзувчи оғайниларнинг нияти шундай эди. Лекин бу ният амалга ошмади. Ҳаракат программаси сиёсий конюктура изн берган доирадан ташқариға чиқолмади. Бунга фақат коммунистларни айбдор қилиб кўрсатиш ҳақсизлик бўларди. Бунда биз, ҳаракатни қурган ижодкорларнинг ҳам айби бор эди. Биз керак бўлган жасоратни кўрсатолмадик ва ҳаракат гоявий жиҳатдан майиб туғилди. Бу майиблик айникса Ҳаракатнинг ижтимоий базаси кенгайиб, мингларча одам майдонларни тўлдирганда билинди. Биз бу кенг ҳалқ оммасига лойиқ бир буюк хадаф, бир буюк мақсад кўрсатолмаган эдик.

Мен бу мулоҳазаларни ўн йил кечикиб айтгаяпман. Чунки, ўша саксон саккизда буни айтишга тайёр эмасдим. Мен ҳам дўстларим қатори умум қўтариқиликнинг асири эдим, сиёсий ҳаракатнинг табиатини ҳали билмасдим.

Бошқа тарафдан караганда, Балки Ҳаракатнинг бирданига радикал ғоя билан чиқмагани тўғри бўлгандир. балки, саксон саккизда мустақиллик гояси ўргага ташланса, бу ҳуқуматни чўчитиб юборган бўлар ва Ҳаракат туғилмай туриб, ўлимга маҳкум қилинган бўларди.

Бунинг аҳамияти борми, деган савол туғилиши мумкин. Эҳтимол, бугун бунинг аҳамияти йўқdir, аммо ўн йил аввал аҳамияти бор эди. Ҳалқ ўрнидан туриб кўчага чиққанда ва оломон деган минг бошли мавжудот қаршимизга келиб, биздан йўл кўрсатиши талаб қилганда, бизнинг бир оз саросимага тушиб қолганимизни хотирлайман. Биз, сиёсий ҳаракатни тузган одамлар, бу ҳалкнинг қайси тарафга юришини кўрсатишими керакди. Унинг кувват сифатида тақдирини белгилаш бизнинг, бир ховуч зиёлиниң зиммасига тушганди. Бу масъулиятдан саросимага тушмаслик учун бир телба бўлиш керакди.

Эҳтимол, «саросима» дея, вазиятни ортиқча бўрттирган бўлишим мумкин, аммо бир нарсага аминман-ки, ўша пайтда кўча оқимига танқидий қарай олмасак эди, бизнинг ҳаракатимиз хеч

қачон олға сиљимаган бўлар ва сиёсий жиҳатдан маргиналлигича қолиб кетаверарди.

Ҳар ҳолда, 1988-да тузилган ташкилот характеридаги энг бўртиб кўринган нарса, шубҳасиз, ғоявий иккиланиш эди, дейиш мумкин. Бу контекстда «ЭРК» партиясининг тузилишини

«Бирлик»даги ўша иккиланишни бартараф этмоқ учун қилинган ташаббус ўлароқ кўриш мантиқлидир.

ПАССИВ АКТИВ

Январ ойида СССР Ёзувчилар Союзининг Пленуми чакирилди. Бу пленум Ёзувчилар Союзи тарихида энг ҳаяжонли ва энг эҳтиросли мажлис ўлароқ тарихда қолди. Зотаң, пленум Ёзувчилар ташкилотининг сўнгти жиддий мажлиси бўлди. Кейин, худди Совет Иттифоқи каби, Ёзувчилар Иттифоқи ҳам парчаланди. Ёзувчиларнинг бу сўнгти мажлисида мен ҳам катнашдим. Ўзбекистон Ёзувчилар Уюшмаси котиби сифатида менга ҳам сўз тегди. Бу нутқ «Литературная газета»да пленум кунлари босилиб чиқди.

Бу нутқ 18 дақиқада битди ва уни томомлаб, жойимга қайтар эканман, қарсакларнинг одатдагидан узокроқ давом этаетганини илғадим. Бошқа бир пайтда бундай қарсакларнинг олқиши мажлиси қаршиши эканлигини билолмаган бўлардим. Чунки, нутқ метрополия сиёсатига ва умуман русларга очиқласига қарши рухда айтилган эди. Зал нуфузининг ярмидан қўпининг нутқни олқишлишга ҳеч бир сабаби йўқ эди. Бу нуфузининг қолган қисми ҳам авваллари бундай нутқка асло қарсак чалмаган бўларди. Аваллари бундай нутққа наинки қарсак чалиш, балки бундай нутқни гапириши мумкин бўлган кимса минбарга яқин йўлатилмасди. Минбар у ёқда турсин, бундай нутқларга қодир кимса ёзувчиликка қабул қилинмасди. Лекин шу онда менинг нутқимга қарсак чалишарди. Замон шундай ўзгарган эди.

Машварат танафусида Ўлжас Сулаймон ва озор ёзувчиси Онор келиб табриклишди. Ўзбеклардан шоир Шукрулло менинг чиқишимдан самимий хурсанд бўлди, хатто кўзига ёш олди. Мен тайёрлаган нутқда одамларга юқсан энергия интеллектуал ёки бадиий моҳиятга эга эмасди, бу соғ ижтимоий моҳиятли, ўша даврда кенг тарқалган энг юқумли энергия эди.

Саксонинчи йиллар ўртасида терговчилар Гдлян-Иванов бошчилигида ўзбекларга қарши бошланган хукукий террор биз зиёлийларни аламзада килганди. кўз ўнгимизда юзлаб гуноҳсиз инсонлар қамалиб, исканжага олинар экан, уларга ёрдам бера олмаслик туйғуси бизни қаттиқ қийнар эди.

*Мана шу кетаётган одамларга қараб,
«Мана шу кетаётган одамларга мен
Жавоб бераман!», деса эди кимдир.
Мана шу кетаётган, тинмай кетаётган
Одамларга қараб «шуларга мен жавоб бераман,
Мен жавоб бераман», десайди кимдир.
Майли бақирмасин,
Майли ҳайқирмасин, майли жар солмасин дунёга,
Майли пичирласин, лоақал, пичирласа эди.
«Мен жавоб бераман шуларга», дея.*
1985 («Олис табассум сояси» китоби, 1986)

Республика раҳбарларининг бу зўравонлик қаршисидаги қўркоқлиги, Москва буйруқ берса, ҳатто ўз онасини ҳам жаллад Гдлян қўлига топширишга тайёр компартия котибларининг саросимага тушган қиёфалари бизнинг нафратимизни янада кучайтирганди. Бу ҳам етмаганидай, ўзбекларни бошладим, дея кўкрагига уриб, Русия кенгликларига саёҳатга чиқсан армани терговчи рус аҳолиси тарафидан миллий қаҳрамон сифатида қаршиланба бошлаганди. Бу эса, бизнинг зиёлийларимиз наздида рус шовинизми ва армани-дашноқ иттифоқининг янгидан жонланиши бўлиб кўринарди. Албатта, бизнинг изтиробдан яллиғланган шууримизда Гдлян-Иванов террори керагидан ортиқ сиёсийлаштирилганди. Аслида, на Гдлян - дашноқ, на Иванов - шовинист эди. Гдлян совет терговчисининг порахўр, майший бузук ва садист типларидан бири эди, холос. Ивановнинг ҳам фамилиясидан бошқа русликка ва шовинизмiga алоқаси жуда оз эди. Бу иккалови пул ва мансаб учун ҳар қандай сиёсий ва миллий ғояни сотиб юборишга кодир, мақсади йўлида ҳар қандай тубанлиқдан тоймайдиган нусхалар эди. Қайта қуриш бир инқилоб сифатида ўзининг олдинги сафларига нафакат янги лидерларни, балки, янги ҳаромзодаларни ҳам чиқариб кўйган эди. Бу зийрак ҳаромийлар модани яхши ҳис қилардилар. Улар қайта қуриш

бошлангани захот ўзларини яратган коммунистик номенклатурадан четлашиб, янги пайдо бўлган «демократлар» қучогига отилгандилар. Зотан, беш-олти шахс (Сахаров кабилар)ни хисобга олмаганда, бу демократлар ҳам ўша коммунистик номенклатурадан тарқаган зурёдлар эди. Хуллас, яхши ва ёмон, оқ ва қора бир-бирига қоришиб, одамнинг кўзини тиндирадиган, бошини айлантирадиган бир замонда яшаш тушганди чекимизга. Кўникиш қийин эди, аммо кўника бошлаган эдик. Ғала-ғовур ичидан бизга лозим бўлган сасни, турли хил ранглар ичидан зарур бўлган рангни ва саноқсиз сўзлар ичидан керак бўлган калимани топишга ўргана бошлаган эдик.

Пленумда айтилган нутқ шу тажрибанинг маҳсули эди ва унинг шаънига чалиаётган қарсак асло ватанпарварлик учун мукофот эмас, профессионал адо этилган бир иш учун кўрсатилган ҳурмат эди, бор-йўғи. Ватанпарварлик учун эса, наинки руслар, ўзимизнинг ўзбеклардан ҳам бир олқиши кутаётган эмасдим, тўғрироғи, кутиш даражасида содда эмасдим. Кутмаганим тўғри бўлибди, чунки, Ўзбекистон раҳбарлари Москвада қилинган нутқни Тошкентда мухокама қилиб, зудлик билан Партия активини чақиришга ва унда каминани сазойи этишга қарор қилган эканлар. Менинг Москвадан қайтишимни сабрсизлик билан кутаётган бу Актив «Ўзбекистон доим рус оға билан бирга бўлган ва бундан кейин ҳам бирга бўлаверади» тезисини яна бир бор тасдиқлаш учун бел боғлаганди. Каминанинг нутқида айтилган «Марказнинг колониал сиёсати» ҳақидаги фикрлар актив тарафидан зудлик билан чил-парчин қилиниши ва бунинг тескариси исбот қилиниши лозим эди. Мутелик туйғуси бизнинг коммунистларнинг қонига шу қадар сингиб кетган эди-ки, улар саксон тўққизинчи йилда ҳам бу эски дунёнинг ортиқ ўзгарганини, энди, шу онда Оғанинг ўз қуллари садоқатини текширишга ҳам вақти қолмаганини англай олмагандилар.

Актив Совет Ўзбекистони Олий Совети биносининг кичик мажлислар залида тўпланди. Нотиқларнинг ҳаммаси ўз соҳасидаги проблемаларни гапириб, орасида менинг «Литературная газета»да босилган нутқимга муносабат билдира бошладилар. Айниқса, Москванинг ўзбеклардан пахтани жуда паст нархда олаётгани ҳақидаги фикр бизнинг раҳбарларни қаттиқ ранжитганди. Бунинг аксини исбот қилиш учун нотиқлар турли ракамлар келтиришди ва

мени минбарга чақиришди. Мен ҳамма гапни нутқимда айтганимни, Активга айтадиган махсус гапим йўқлигини, агар саволлар бўлса, унга жавоб беришим мумкинлигини изоҳ этдим. «Сиз Чор Россияси даврида пахтанинг нархи бугунгидан баланд эди, деган фактни қаердан олдингиз», деб сўрашди. 1898 йил чиқкан

«Туркестанские ведомости» газетасидан олдим, дея жавоб бердим. Активдан бошқа савол чиқмади. Актив фавқулодда пассив эди. Яъни, у менинг иддаоларимда жон борлигини англарди, наинки англарди, балки, Москванинг қабохатини мендан ўн карра яхшироқ биларди, аммо унга қарши чиқиш мумкинлигини ўйлашдан ҳам кўркарди. Мажлис факат хўжакўрсинга, сўзма-сўз айтганда, Москвадаги Хўжанинг кўриши учун чақирилганди. Аммо, юқорида деганимдек, Хўжанинг кўришга ҳам вақти қолмаганди. Хўжа янги сайловларга тайёрланаётганди.

Бу янги сайлов коммунистик тузумни модернлаштириш учун хизмат қилиши лозим эди. Сайлов бир либерал шароитда ўтиши, унда янги зехниятдаги коммунистлар ғалаба қилишини таъминлаш зарур эди. Аммо бу янги зехниятдаги инсонлар (кейинроқ юз бергани каби) асло коммунистик тамалларни портлатадиган даражада янги бўлмасликлари шарт эди. Тез ривожланаётган воқеалар занъжирида бу мувозанатни топиш 1989 йил бошида унчалик осон эмасди. Москвадаги Ислоҳотчининг бутун закоси ўша мувозанатни топишга йўналтирилган эди.

Советлар қуролланиш мусобақаларида енгилганини англагандилар ва бу пойгани тўхтатиб, паритетга эришмок учун социализмнинг инсоний юзи ҳақида гапира бошлагандилар. Сахаров каби диссидентларнинг озодликка чиқарилиши, матбуотдаги ошкоралик, кадрларнинг янгиланиши, жумҳуриятларга тазиикнинг озайтирилиши - ҳаммаси Совет Империяси юзидаги ёвуз чизгиларни юмшатиш учун олинган тадбирлар эди. Социализм ва капитализмнинг ёнма-ён яшashi мумкинлигини исбот қилиш ва Гарбнинг душманлигини минимал савияга индириш лозим эди. Бу режа, аслида, нафақат Политбюорода, балки, совет халқининг авангарди саналмиш рус зиёлилари ичида, ҳатто унинг мухолиф қисмида ҳам мамнуният билан қаршиланган эди. Совет Иттифоқида ҳеч бир ижтимоий

қатlam - жумладан, хурриятсевар рус зиёлилари ҳам - кейинроқ юз берган Буюк Парчаланишни ҳеч қачон истамаган эдилар.

Шунингдек, ҳеч ким, ҳеч бир шахс, ҳатто Сахаров каби хурриятчи ҳам Совет жумхуриятларининг мустақиллеклари учун курашгани сабабли сургун қилинмаганди. Совет Иттифоқидаги бутун мухолиф фикрли кучлар - хоҳ хукумат ичида, хоҳ унинг ташқарисида бўлсин - охир оқибатда социализм ва капитализмни ярашириш учун кўлланилган кўнгилли ташаббусчилар бўлиб қолаверди. Бу бир тақид эмас, олқиши ҳам эмас, бу ўша пайтда зухур этган воқеаликнинг ҳақиқатга энг яқин кўриниши, менимча.

Ислоҳотчи Горбачевнинг янги стратегиясида муҳим ўрин тутган Олий Советга сайлов халқ тарафидан мисли кўрилмаган бир таважҷуҳ билан қаршиланди. Совет ҳокимиюти даврида биринчи марта сайловда муқобил номзод кўрсатиш имкони туғилганди. Аниқроғи, номзодликка номзод кўрсатиш имкони беришганди. Бу дегани, сайлов комиссиясининг рўйхатига кириш учун ҳам маҳсус сайлов ўтказилар ва унда танланган шахсларгина ҳақиқий номзод саналар ва уларнинг номлари расмий номзод сифатида эълон қилинарди. Табиийки, бундай элак номенклатура учун ўз одамларини сайлашнинг воз кечимайдиган усули эди. Номенклатура бундан максимал равишда фойдаланди ва 1989 йил Совет Иттифоқи Олий Советига сайловда анча-мунча ангисовет шуурли шахсиятлар ўша элақдан ўтолмадилар. Лекин ҳатто сайловнинг шундай адолатсиз кўриниши ҳам 1989 йилги совет кишиси учун буюк янгилик эди. Чунки, у ҳаётида биринчи марта муқобил номзод кўрсатадиган ғароийб сайловда иштирок этиши мумкин эди. Мен Москвадан қайтганда ўзбек зиёлилари орасида ҳам ҳаяжонли бир талош кўрдим. Улар ҳам худди Болтиқ бўйидаги лотиш ва эстонлар каби, Хазар денгизи соҳили сокинлари озарий ва тркманлар каби, Кораденгизли гуржу ва кишимликлар ва ёки Туронзамин кенгликларида от чоптирган қозоқлар каби кўзларини Шимолга - дунёнинг олтидан бирини эгаллаган Императорликнинг пойтахти томонга тикиб, бир мўжиза куттмоқда эдилар. Аммо улар кўз тиккан макон умид қилинган мўъжизани ўз ихтиёри билан кўрсатмаяжагини бу одамлар яхши билишарди. Шунинг учун ҳам улар ҳаётида яна биринчи марта «мустақил ҳаракат қилиш мумкинми, ажобо?», деган саволни ўз олдиларига кўйгандилар. Тўғрироғи, кўяётган эдилар. Ўзлари ҳам билмаган ҳолда, худди

ойкезарлар каби, ярим уйғоқ, ярим уйқуда, бу дами ўткир саволни ўз олдилариға қўя бошлаган эдилар.

Мен ҳали Москвада экан, Талабалар шаҳарчасидаги бир гурух ёшлар менинг номзодимни депутатликка кўйиш учун ташаббус мажлиси ўтказишибди. Самимий айтганда, менда депутат бўлиш каби бир ҳирс йўқ эди. Талабаларнинг ташаббусини фақат уларни янги қурилган «Бирлик» харакатига мустаҳкамроқ боялаш учун рад қилмадим. Бошқа тарафдан, менга ўхшаган фикри ва нияти оп-очик шахснинг номенклатура тарафидан қабул этилмаяжаги олдиндан маълум эди. Аммо сайлов кампанияси бизга ўз ғояларимизни айтиш учун бир минбар, бир фурсат бўлиши мумкин эди. Ва бундан фойдаланишга карор қилдим. Хуллас, талабаларнинг истаги билан менга бегона бўлган сайлов деган ҳодисани шоирнинг суқунатли деразасидан эмас, бевосигта яқинидан кузатмоққа бошладим. Табиатан хонанишин бир одам, оломондан доим қочган бир кимса, узун нутқлардан нафратланган бир ғайринотик кутилмаганда хонасини тарқ этиб, ёқимсиз оломоннинг қоқ ўртасида нутқлар ота бошлишини тасаввур қила оласизми? Мен тасаввур қила оламан, чунки мен ўшанақа одам ҳолига тушгандим. Бундан мени ортиқ ҳеч ким ва ҳеч нарса ҳатто шеърият ҳам кутқариб қоломас эди. Лекин 1989 йилнинг бошида мен бундай деб ўйламасдим. бу ҳодисаларнинг ўткинчи эканлигига ва тез кунларга яна ўзимнинг хонанишин ҳаётимга қайтиб келишимга мутлақо амин эдим. Бу қатъий ишонч ва сиёсатни мансимаслик туйғуси мени сиёсат гирдобига телбаларча отилишга ундан асосий сабаблар эди.

Мен ўзимга шу қадар ишонар эдим-ки, хаёлимда бир яхши нашриётда чиқариш учун икки жилд асарлар тўпламимни режалар эдим. Сиёсатни эса, шу қадар мансимас эдим-ки, унинг коидаларига зид амал қилиш менинг севимли услугим эди. Зотан, 1989 йилгача миллий масалаларга бағишиланиб ёзилган бутун мақолаларим ҳам «сиёсат бўлсин», деб эмас, сиёсат бўлмасин, деб ёзилганди. Сиёсат бўлсин, деб фақат ёлғончилар ва мунофиқлар ёзарди, менинг наздимда.

«Мансимаслик энергияси» шу қадар кучли бўлган-ки, бугун ўша гирдобга тушганимга ўн йил тўляяпти, ҳали ҳам ўша энергиянинг таъсири кетгани йўқ. Мен ҳанузгача оломонга ёлғон ваъдалар бермай туриб ҳам унинг хурматини қозониш

мумкинлигига ишонища давом этмоқдаман. Гарчанд, сиёсатда ёлғон гапириш мубоҳ эканлигини менга тушунтирган яхши ниятли ошноларимнинг кўпгина башоратлари тўғри чиқсан бўлса-да, мен сиёсий жамоа тарафидан тасдиқланган барча стандартларни «оёқости» қилища давом этмоқдаман. Чунки, эркин ва хур қадам босишни истаган ҳар қандай инсон қаерга қадам босса боссин, у албатта, ўша стандартларга оёқ босишга мажбурдир. Ўша 1989 йил сайлов кампанияси даврида ҳам мен ақлли одамларнинг маслаҳатини тинглай олмадим. Улар менга бу кампанияда танқид наштарини рашидовчилик оқибатларига қаратишни маслаҳат бергандилар, мен наштарни антирашидовчиликка қаратдим. Рашидов менинг қариндошим эмасди, фақат уни тепкилаш, ҳақорат қилиш мода бўлгани мени иргантиради.

Яқиндагина Рашидовнинг соясига салом бериб, унга топиниб юрган кимсалар энди ўзини унга қарши курашган қаҳрамон сифатида вааз ўқиётганини кўриб, ҳайратдан тилим тутилгани учун ҳам Рашидовни танқид қилишдан ор қўлдим. Ақлли дўстларим менинг атрофга рашидовчи кўриниб қолишмдан кўрқардилар, мен эса, шер ўлгандан кейин, унинг лошига сияётган ўша «қаҳрамонлар»га ўхшаб қолишдан кўрқаётган эдим.

“НОМЗОДЛИККА” НОМЗОД

1989 йилнинг феврал ойида, Тошкентда, Ўрдадаги Агропром биноси залида «номзодликка номзод сайлаш конференцияси бўлиб ўтди». Биз Собир Рахимов тумани миллий округидан тўрт ёки беш киши кўрсатилган эдик. Бу номзодларнинг биттаси, депутатликка ўтиши аввалдан белгилангани, бир қурилиш трестининг началниги эди, унинг исми эсимда йўқ. Навбатдаги номзод Москвада чиқадиган «Советская культура» газетасининг мухбири Вилор Ниёзметов, яна биттаси Тошкент Университетида ўқитувчилик қиласидаги Марат Зоҳидов деган одам эди.

Бизни сайлайдиган 350 киши Тошкент шаҳар Собир Рахимов туманидан хукумат тарафидан танланган делегатлар эди. Улар «конференция» олдидан кимга овоз бериш кераклиги ҳақида инструктаж олгандилар.

Ҳар бир «номзодликка номзод»нинг иккита ишончли вакили бўларди. Менинг шундай вакилларим ТОШДУ математика

факултети ўқитувчилари Шухрат Исматуллаев билан Абдуманноб Пўлатов эди.

Яна мажлисда номзодликка номзодни танитиш ва ташвиқ қилиш учун иккига одам гапириши мумкин эди. Мени ёқлаб Ёзувчилар Уюшмаси раиси Одил Ёкубов ва шоир Омон Матжон гапиришлари лозим эди. Иккалови ҳам эҳтиёткорликни удум қилишган мардумлар эди ва Солиҳ депутат сайланса, ватанга бундан қандай фойда бўлиши мумкинлигини исбот қилиша олмади. Улар, асосан, номзодликка номзод кўрсатиш хурриятини берган қайта қуришга ҳамд қилишди.

Жасорат ҳали ҳам русларда эди. Уларнинг лидерлари Владимир Анишчев Марказқўмда 2-котиб, Борис Сатин Тошкент шаҳар партия Кўмитасининг 1-котиби эдилар ва кўлларидағи қизил байроқ ҳамон ҳилпираб турарди. Улар каминанинг номзоди ўтмаслиги учун кенг жабхада кураш бошлагандилар. Агросаноат залида тўпланган сайловчиларни ўшалар танлаб юборганди. Бу сайловчилардан бигтаси туриб, «Биз биламиз, Мұҳаммад Солиҳ «Бирлик»ни ташкил қылган одам, унинг идеологи, кўпмиллатли ўлкамизда у депутат бўлиши мумкинми?» деди. Мен: «Бирлик» раҳбари эмасман», дедим ва бу ҳаракатнинг русларга қарши эмаслигини тушунтирдим.

Гапларим самимий чиқмади. Шунга қарамай, залда ўтирган 350 тача кишидан 100 тага яқини менинг депутат бўлишимга рози бўлиб, қўл кўтаришди. Бу-ҳокимият тайёrlаган оломондан кутиш мумкин бўлган энг юксак ракам эди. Бу юзтacha киши ўз бошлиқларининг адолатсиз буйруғига қарши чиқсан қаҳрамонлар эди. 1989 йил январ ойида бизнинг жамиятимиз шу қадар олға кетганди.

Лекин барibir номенклатура енгди. Сайланишга номзод бўлиб ўша қурилиш трестининг бошлиғи сайланди. Унга қарши ҳукуматнинг бошқа бир номзоди - Марат Зохидов сайловда ракиб ролини ўйнайдиган бўлди. Сайлов жуда кўтаринки руҳда ўтди. Бизнинг тарафдорларимиз кўпчилик эди. Улар ўзлари кўрсатган номзодлар сайловга кўйилмагани учун дарғазаб эдилар. Номенклатура кўйган номзодларга қарши жон-жаҳди билан ташвиқот юритиши. Оқибатда, қурилиш қурилиш трести бошлиғи ҳам, унинг «ракиби» Марат ҳам керакли овоз ололмади. Иккалови ҳам иккинчи турга қолиши. Иккинчи турда, қанча овоз олса

олсин, энг кўп овоз олган номзод «ютган» ҳисобланарди. Ва табиий-ки, қурилиш трести бошлиғи «ютиб чиқди».

1989 йил феврал ойида бўлиб ўтган бу сайлов Совет Иттифоқининг биринчи ва охирги демократик сайлови эди. Бу сайловни Farb давлатлари стандартлари билан, албатта, тенглаштириш мумкин эмасди. Аммо бу ярим юмалоқ сайловни Советлар учун бемалол «демократик» деса бўларди. Ва тасаввур қилинг, шу ярим демократик сайлов Совет империясини йўқ қилишга етди. Империянинг метиндан ишланган асоссларига уришган ҳалокатли зарбалар ўша 89-да сайланган милятвакиллари тарафидан келди.

СОВЕТ ПАРЛАМЕНТИ ВА САХАРОВ

«Парламент» сўзи биз совет кишилари учун янги сўз эди. Бу калимани сиёсий адабиётда кўп учратгандик, аммо ўзимизнинг кундалик ҳаётимизга хеч тадбиқ қилиб кўрмагандик. Чунки, у бизнинг ҳаётимизда йўқ эди. Бизнинг ҳаётимизда Совет Иттифоқининг Олий Совети бор эди. Бу Советга ҳар беш йилда сайланадиган қовоғи солик, қориндор бир неча минг раҳбар ва раҳбарчалар бор эди. Ва ҳар беш йилда бир марта сайлов участкаларига бориб, ўша ўзимиз танимаган, умримизда бирор марта кўрмаган одамларга овоз берадиган биз, ҳокисор совет инсонлари бор эдик.

«Парламент» сўзини 89-йил сайловларидан кейин қўллана бошладик. Оғзимизни тўлдириб, кўксимизни кериб, илҳом билан «парламентнинг янаги сессияси қачон?», «парламентда бу масала қўйилдими?», «парламентга мактуб ёзайлик», дея энди гапиришга ўргангандан гўдак каби сайдай бошлагандик».

Совет Парламентини шартли равишда уч гурухга бўлиш мумкин эди. Биринчи гурух Компартиянинг марказий ва маҳаллий раҳбарларидан, иккинчи гурух профсоюз ёки бошқа жамоат ташкилотларининг бошликларидан, учинчи гурух либерал қарашдаги зиёлилардан таркиб топганди. Зиёлилар биринчи сессиядаёқ - кичик гурух бўлишига қарамасдан - Парламентнинг моторига айланышди. Улар ўзларини дарров «демократ» деб атай бошладилар. Бу атама ҳам худди «парламент» каби қулоққа ёқимли эштилилар, хазинадан янги чиқсан банкнот каби хушўй ҳид таратарди.

Аслида, бу «демократлар»ни ҳам учта гурухга бўлиш мумкин эди. Биринчи гурух - совет номенклатураси неъматларидан доим баҳраманд бўлиб келган, сиёсий конкітурани хис қилиш истеъдоди туфайли «мустақил фикрловчи киши», деб ном олган зийрак кишилар гурухи (Собчак). Иккинчи гурух - рус миллиятчилари, улар Горбачев даврида совет раҳбарларини ишёқмасликда, рус ҳалқига қайишмасликда айблаб, ўзига хос муҳолифат ролини ўйнагандилар (Распутин, Белов). Учинчи гурух - Совет тузуми яратган буқаламунлар, ўз манфаати йўлида онасини ҳам сотишга тайёр валъадизинолар гурухи (Гдлян-Иванов).

Парламентда яна хеч бир гурухга кирмаган Андрей Сахаров бор эди. Бу одам Парламентдаги ягона идеалист эди. Уни бир муддат турли гурухлар ўз манфаатлари йўлида ўз манфаатлари йўлида кўлланишиди, аммо у аксарий чиқишиларида истиқомат(ориентир)дан адашмади. Агар бугун Россияда демократия бир оз ривожланган бўлса, собиқ совет жумҳуриятларида эрк тушунчаси озгина илдиз отган бўлса, бунда қайта куриш рухсати билан бир сонияда демократ бўлиб қолган миллионлар эмас, қайта куришдан анча олдин хур фикри учун сургунларни яшаган ўша кекса одам, Андрей Дмитриевич Сахаровнинг хизмати бор.

Бу худди муҳоробадаги нисбатга ўхшайди. Минг киши душманга қарши ҳужумга ўтар экан, улардан ўнтасигина чиндан ҳам ҳужумга ўтаётган, колган 990 таси эса, уларга эргашаётган бўлади. Бу ўнтанинг бошида ҳам биттаси бор-ку, агар у бўлмаса, бу ўнта аскар ҳам ҳужумга қалқмас, балки, ўша 990 тага қўшилиб, мудофаа ҳандақларида бир оз мизғиб, бир оз узоқдаги вафоли ёрни хаёл қилишни афзал кўрган бўларди.

Сахаров ўша ноёб «битта»лардан эди. Уни ҳужумга илҳомлантирган орқасида турган минг аскар эмасди, истиқболда кўраётган идеали эди. Агар бу минг киши ҳужумга қалқмаса, у битта ўзи қалқсан бўларди. 70-йилларда «битта ўзи қалқсан» учун уни телбага чиқаришгаиди, нонкўр, ватан хоили деб эълон қилгандилар. Горбачев уни Горкий шаҳридан сургундан чақириб олиб, Қайта Куришнинг сўнгги фазасини бошлатганини билмаган эди. Аслида, Сахаровнинг қайтиши Горбачевнинг яхши ниятидан кўра, кўпроқ СССРнинг Ғарб билан яқинлашиш стратегиясининг бир қисми эди. Сахаров буни билар ва Олий Совет минбаридан

нутқ сўйлаётиб, ўзини бирордан карздор хис қилмасди, ўз фикрларини ғоят эркин айтгарди. Аммо Олий Совет депутатлари бундай эркинликка ҳанузгача кўникмаган эдилар. Сахаров нутқ қилар экан, Африка чангальзорларидағи қабилалар филни чохга тушириш учун «ғулу-ғулу» дея бақиришгани каби бақираётганлар эркинликдан нафратланган кимсалар эди.

Халигача ёдимдан кетмайди, бир ӯзбек аёли чиққанди минбарга. Фамилияси Казакова эди. Сахаровни айблар экан, үйғлаб юборганди. Сахаровга ачинганидан эмас, ўзининг ҳақлигидан, ҳақлик туйғусидан жазавага тушшиб, үйғлаб юборганди шўрлик аёл.

Парламентнинг юзда тўқсони ўша «ҳақлик туйғуси» билан лиммо - лим тўлган одамлардан таркиб топганди. Улар жондан азиз коммунизмларига раҳна соглан ким бўлса бўлсин, парчалаб ташлашга ҳозир эдилар ва мардумни бу «линч»дан Давлат бошида турган «СиАйЭй агенти Горбачев» салобати асрар турарди ҳозирча. 89-йил бошида Горбачев ҳали ҳам салобатини йўқотмаганди. Хотини Раиса ҳақида ҳар хил гийбат, фиску-фасод бошланган бўлса-да, ўзини очик танқид килишдан чекиниб туришарди. Идеология котиби Егор Лигачев бошчилигига бир мухолифат сулдори (силуэти) кўрина бошлаганди, аммо бу мухолифат тўғридан-тўғри Горбачевга эмас, унинг атрофидаги «тиргак»ларига, ғоявий йўлдошларига йўналтирилганди. Лигачев ғоявий котиб бўлса ҳам, Горбачевнинг йўлдоши эмасди. Эски коммунист лидерларнинг типик нусхаси эди: шовинист, атеист, диктатор.

Совет парламенти 70 йил давомида диққинафас мухитда яшаган ҳалқ учун бир томоша, бир байрам бўлди. Одамлар сессия бошланадиган кун, ўтмишда футбол матчига чопгани каби, телевизорга қараб чопишарди. Машинада, поездда кетаётганлар транзиторларини бураб, Москва тўлқинларини излай бошлашар эди. Рус газеталари 89-йилга келиб мисли кўрилмаган оммавийликка эришди. Тиражи 1 миллиондан ошмаган газета «кatta газета» ҳисобланмайдиган бўлди. Матбуот ходимлари, репортёрлар, ҳатто операторлар шахс даражасига юксалдилар, энди уларнинг ўзидан интервю олишадиган бўлишди. Чунки, оммавий ахборот воситалари буюк кувватга, ҳалқ фикрини шакллантириш куролига айланганди. Ҳалқ фикри эса, «шаклланишга» жуда мойил эди, шаклланишни узоқ йиллардан бери орзу қилиб турганди.

Халқнинг бу чанқоқлиги ва кўз тиндирувчи эҳтиросидан фойдаланган жуда кўп коммунистлар бир думалаб демократ бўлиб олишди. Минбарга ёпишиб, кеча айтган нутқига тамоман қарама-қарши нұқтаи-назарни шхом билан ҳайқира бошлидилар. Бу манзарани кузатган бетараф одамларга Егор Лигачев каби ўзғоясига содиқ коммунистлар, бу буқаламунлардан афзалроқ кўринарди. Чунки буқаламунлар эртага вазият ўзгарса, бир думалаб яна коммунист ёки фашист бўлиб қолиши муқаррар эди. Коммунист бўлганда ҳам Лигачевдан ашаддийроқ коммунист, фашист бўлганда Жириновскийдан таҳликалироқ фашист бўлган бўлишарди. Факат 89-йилнинг баҳорида булар Сахаровдан демократроқ бир вазиятда эдилар.

Бу барча инқилобларга хос хусусият эди. Қайта қуриш бир инқилоб эди, унинг лойка сувида турли даррандалар пайдо бўлиши, эволюцияга учраши, ассимиляция бўлиши ёки тамоман йўқ бўлиб кетиши табиий жараён эди.

Буқаламунлардан нафратланиш мумкин эди, аммо уларни жараёндан юлиб олиб, четга иткитишнинг иложи йўқ эди. Биз бу ҳақиқатни у пайтлар англамасдик. Биз халққа қаттиқ ишондик. Унинг ақлу-фаросатига, оку-корани таниш истеъодига хеч шубҳамиз йўқди. Минбардан гапирилаётган гап ёлғонми, ҳақиқатми, ўзи ажрим қилиб олади, деб ўйлардик. Лекин ундан эмас экан. Халқ шундай бир ҳилқат экан-ки, ким унинг ҳузурига келиб, уни бир оз мақтаса, унга эргашадиган, хеч курса 10-15 киши муқаррар равишда топилаверар экан. 10-15 та ўша нутқ отаётган одам савиясига мос келадиган киши. Бу одамлар ўша сафсатабоздан бошқа бир нотик чиқиб, дунёнинг энг ақлли нуткини қиласа ҳам, унга эргашмасдилар. Чунки, бу нутқни идрок қиломасдилар. Уларга уларнинг савиясидаги, уларга қон-қондош бўлган бир нотик лозим эди, бу ҳам ўша бизнинг нафратимизни қўзғайдиган сафсатабоз, буқаламун бўларди.

Балки, демократия дегани шудир?

Россиядаги собиқ КГБ агентлари шу демократик йўл билан партия қуриб, унга раҳбар сайландилар. Ўзбекистонда қизил коммунистлар шундай демократик сафсата билан «Бирлик» харакатини эгаллашди. Ҳақиқий гоя соҳиби бўлган шахслар эса, бу санксияли жасорат қаршисида уятдан букчайиб қоладилар. Андрей Дмитриевич Сахаровнинг Парламент минбарига қараб

юраётганини совет ТВлари олиб боксангиз, у ерда сиз бир қаҳрамонни эмас, демократик жазавага тушган оломон аро букчайиб кетаётган ёп-ёлғиз одамни кўрасиз.

Сахаров 70-йилларда тоталитар режимига қарши чиқар экан, қанчалик ёлғиз бўлса, 89-йилда янги дўраган демократлар орасида ҳам шунчалик ёлғиз эди.

МАРКАЗҚЎМНИНГ ИЛТИФОТИ

1989-йил февралда Ўзбекистон Олий Советининг анчагина депутати Совет Иттифоқи Олий Советига сайланди ва ўзбек ҳукумати бўшаган ўринларга сайлов зълон қилди. Одатдагидай, бўлажак сайлов тўла маҳаллий ҳокимият назорати остида ўтиши аниқ эди. Москва бу сайловларнинг қайта қуриш руҳида, демократик руҳда ўтишига таъсир қила олмас, у ўзининг ички муаммоларига ғарқ бўлган эди.

Ўзбекистон ҳукумати одатдагидек, сайланиши лозим бўлган депутатларнинг рўйхатини тузди. Бу рўйхатга каминанинг ҳам номини киритишган эди. Менинг ҳали бу «сюрприз»дан хабарим йўқ эди.

Бир куни эрталаб Ёзувчилар уюшмасининг Компартия котиби Иброҳим Раҳим мени юзида сирли бир табассум билан қаршилади.

- Ҳозир Одил Ёқубов келади, бирга Марказқўмга чиқамиз, - деди жилмайиб.

- Тинчлик эканми ўзи? - дедим мен.

Яхши хабар, яхши хабар, - деди янада сирлироқ қилиб Иброҳим Раҳим.

Бир оз сўнгра Одил Ёқубов келди ва унинг машинасида учовлон Марказқўмга жўнадик. Йўлда Одил Ёқубов ҳам сирли жилмайиб борди.

Марказқўмга кириб, 6-қаватга кўтарилидик. Ўзбекистон Компартияси Биринчи Секретари Рафиқ Нишоновнинг рус ёрдамчиси қаршилади ва хеч куттирмай, кабинетга бошлади.

Кабинетда - тўрда Рафиқ Нишонов, унинг столига перпендикуляр қўйилган столнинг сўл тарафида Марказқўмнинг 2 - котиби Владимир Анишчев, 3 - котиби Мутал Холмуҳаммедов

ўтиришарди. Бизни қаршиларкан, учаласи ҳам ўрнидан туриб саломлашдилар.

Биз, учта ёзувчи «перпендикуляр» столнинг ўнг тарафига ўтиридик. Нишонов ҳам сирли жилмаярди. Унга тақлид қилиб, Анишчев ҳам кулимсирагандек бўлар, аммо бу ҳаракати зўраки чиққанидан асабийлашгани сезилиб турарди. Лекин Холмухаммедов учинчι котиб сифатида жилмайиш санъатини яхши эгаллаганди.

- Яхшимисизлар? - деди Нишонов креслосига ясланааркан ва жавоб кутмай, русчага ўтди, - Мухаммад Солих, қалай, сайловлар билан чарчамадингизми?

Нишонов бизнинг СССР Олий Советига сайлов можаромизни яқиндан кузатиб борганди. Иккинчи котиб Анишчев ва Тошкент шаҳар котиби Сатинларнинг сайловда менга тўсик бўлиш учун кўп ғайрат сарфлаганларини ҳам биларди.

- Раҳмат, - дедим мен, - мен чарчайдиган бирон иш бўлгани йўқ...

- Ҳа, биламан, сиз эмас, сизнинг одамларингиз чарчашибди, - деди Нишонов, - биз тарафорларингиз кўплигидан хурсандмиз, сиз Иттифоқ Олий Советига сайланишингиз мумкин эди, аммо сизнинг тарғиботчиларингиз... Нишонов мен учун ташвиқот қилган дўстларнинг фаолиятини танқид қилди. Уларнинг сайлов тактикаси хато бўлганлигини айтди. Мен кулиб кўяқолдим.

- Аммо биз сизни республика Олий Кенгаши депутати сифатида кўришни истар эдик, - деди Нишонов ва Одил Ёкубовга юзланди, - А, Одил Ёкубович, мана, Киров округида бир бўш жой бор, марҳамат, Мухаммад Солих учун барча зарур хужжатларни хозирлаб, кампанияни бошланг, вақт оз қолди...

Одил Ёкубов ёзувчилар номидан «Марказқўмга ва шахсан Рафиқ Нишоновичга» раҳмат айтди. Ёзувчилар Уюшмасига кўрсатилаётган «оталарча ғамхўрлик» учун миннатдор эканликларини изҳор этди. Уюшма котибига Республика депутати бўлиш фахр эканини ва шунга ўхшаган алланималар деди. Кейин менга қаради.

Мен ҳам Одил Ёкубовга тақлид қилиб, бир неча ташаккур сўзи айтдим. Рисоладагидек чиқмади. Буни ҳамма сезди. Ичимдаги гапни айтолмагандим. Лекин бир неча сония сўнгра у гап чиқди:

- Менинг депутат бўлиш ниятим йўқ, - дедим мен, - мабодо бўлганида ҳам, мен депутатликка Компартия Марказқўми тарафидан эмас, ҳалқ тарафидан кўрсатилишимни афзал кўрган бўлардим. Ўртага жимлик чўқди. Уни Одил Ёқубов бузмоқчи эди, факат Рафиқ Нишонов ундан олдинрок:

- Азизим, депутатлик йўлда ётмайди, - деди.

- Мен ҳам йўлда ётганим йўқ, - дедим мен.

Жавоб автоматик равишда, хеч ўйланмасдан берилган жавоб эди. Бу билан Рафиқ Нишоновни ҳафа қилмоқчи эмас эдим. Бу инжиклик ёки олифталик ҳам эмасди. Совет Иттифоқи Олий Советига сайлов пайтидаги хукуматнинг қилган адолатсизликларига қарши кўрсатилган бир реаксия эди. Ўзимни ҳақиқатдан ҳам «йўлда ётмаганлар»дан ҳисоблар ва бундай номенклатура ўйинларини ўзимга ҳақорат деб билардим.

Менинг жавобимдан сўнгра Рафиқ Нишонов қип-қизил бўлди. Одил Ёқубов ҳам озгина хижолат чекди. Холмухаммедов ҳам. Анишчев, факат унинг юз ифодаси ўзгармаганди.

- Рафиқ Нишонович, - деди Одил Ёқубов, - биз бу масалани муҳокама қиласиз, ўйлайман-ки, ҳаммаси жойида бўлади...

- Ҳа, Одил Яқубович, - деди Нишонов ва ўрнидан турди.

Ҳамма ўрнидан турди.

Нишонов столни айланиб ўтиб, ёнимизга келди. Юзига дипломат табассуми ёйилганди. Менинг тирсагимдан тутиб, Одил Ёқубовга юзланди:

- Одил ака, илтимос, уни тинчлантиринг («угомоните»), ва тезда ҳужжатларни тайёрланг, - деди дўстона оҳангда Нишонов.

- Албатта, албатта, - деди Одил Ёқубов.

Рафиқ Нишонов кабинетидан ҳаммамиз табассум билан чиқдик. Йўлда Одил ака менинг хато қилганимни айтди. Депутатликни қабул қилишим керақ, акс ҳолда, Уюшмага тазиик бошланиши мумкин, деди. Иброҳим Раҳим ҳам кўп йиллик коммунист сифатида фойдали маслаҳатлар сўйлади. Аммо мен депутатликни қабул қилолмаслигимни айтиб, узр сўрадим.

ИЛК ҒАРБЛИК СИЁСИЙ АРБОБ

Илгарилари Совет Иттифоқига келган ғарблик сиёсатчилар Москвада қабул қилиниб, Москвадан орқасига қайтариб

юборилаверарди. Ўрта Осиё ва Кавказ ўлкаларига келса ҳам, турист сифатидагина келар ва ёнларида доим москвалик рафокатчилар (кузатувчилар) бўларди. Гарбликлар провинсиал ўлка раҳбарлари билан ҳеч қандай сиёсий мулоқатда бўлишмасди. Провинсиал раҳбарлар худди отел мудирлари каби меҳмонни кутиб олиш, унга зиёфат бериш ва яхшилаб кузатиб қўйиш вазифасини бажарадилар, холос.

Горбачевнинг совет «жумхуриятлари»ни дунёга суверен давлат қилиб кўрсатиш тактикаси шарофати билан чет эллик сиёsatчилаr тўғридан-тўғри бу жумхуриятларга кела бошлади, у ерларда нафакат хукумат, балки, жамоат ташкилотлари билан ҳам учраша бошладилар. Шундай меҳмонларнинг Ўзбекистонга келгандаридан бигтаси Америкалик сенатор Билл Брэдли эди.

Саксон тўққизнинг баҳори эди. Сенатор Ўзбекистон Марказқўмида қабул қилингандан сўнг зиёлилар билан ҳам учрашиб, сухбатлашиши истади. Унга хукумат тарафидан «учрашувга номзодлар» рўйхати тузилган экан, уни қабул қилмай, ўзининг хукумат тарафдорлари ва ўзга фикрли шахслар «миқдори» мувозанатланган рўйхатини берибди. Бу рўйхатга Ўзбекистон Фанлар Академияси Президенти Салоҳиддинов, вице-президенти Эркин Юсупов, СССР депутати Раъно Убайдуллаева ва ёзувчилар Уюшмасидан камина ёзилган экан.

Гўё Академия Президенти Салоҳиддинов ва депутат Раъно Убайдуллаева хукумат тарафидан бўлса, биз Эркин Юсупов билан ўзга фикрлиларни тамсил қилаётгандик. Аввал эслатилганидек, Эркин Юсупов 1986 йилларда бир «қора рўйхат»га тушиб олган ва яна оқланганди.Faқат унинг «Советская культура» газетасида босилган танқид суви юритилган мақоласи жамоатчиликнинг эсида қолган ва Юсупов ўшандан бери «диссидент» хирқасини эгнидан ечмаганди. Академия Президенти тоза қонли коммунист олим эди. Унинг маслакдоши - Раъно Убайдуллаева, янглишмасам, кимёгар - каминанинг демография ҳақида ёзган мақолаларига «илмий асосда зарба бериб», хукуматнинг назарига тушган ва СССР депутати бўлгандик. Сенатор билан учрашувда у билан ёнма-ён ўтиришга тўғри келди ва мен бу хушбичим аёлда ҳеч рақиб кўрмадим. Унинг менга қарши ёзганларидан жаҳлим чиққанини эслаб, хижолатлик туйдим. Сенатор Билл Брэдли узун бўйли йигит эди. Ўтмишда баскетбол ўйнаган экан. Америка шунаقا хуррият дунёси,

аникроғи, хурлар дунёси. Баскетболчиликдан чарчасанг, сенаторлик қилишинг мумкин. Актёрликдан зерикиб, Президентлик кил. Ҳеч ким «баскетболингни ўйна, сиёсатга аралашиб нима қиласан», демайди. Ёки «манавини қара, кечагина иккинчи сорт бир кинода ўйнаб юрарди, энди арбоб бўлиб қолибди», деб пичинг қилмайди. Чунки, одамларда паст комплекс (ёки пасткашлиқ комплекси) йўқ, бўлса ҳам бизнинг сотсиалистик қитъаларда каби, нормадан ошиқ эмас. Бизнинг қитъада ҳамма бир-бирига ҳasad қиласди, ҳамма бир-бирининг бир-биридан баттар бўлишини орзу қиласди. Ваҳший атеизм, инсонлар маймундан тарқаган, улардан фақат пасткашлиқ кутиш мумкин, деган ақидани мияларга сингдириб юборганди. Бу назариянинг ҳаётйлиги психоанализ шайдолари ва фрейдизм ташвиқотчилари тарафидан бот-бот «исботланиб» турди. 80-йилларга келиб, Совет Иттифоқи Роналд Рейган айтганидек, бир «ёмонлик салтанати»га айланганди. Эҳтимол, Рейган бу иборасига сиёсий маъно юклаган бўлиши мумкин, аммо биз уни кўпроқ ижтимоий-психологик метафора ўлароқ қабул қилгандик. Балки, сенатор ўз Президентининг ўша метафораси таъсирида бизни саросимага солган бир савол берди.

- Сизлар худога ишонасизларми?, - деди у бирдан.

Савол сухбатнинг табиий оқимини тўхтатиб қўйди. Таржимон саволни ҳеч нарсага ўрамай, яланғоч таржима қилди. Юзимиздаги тараддуд ифодасини кўриб, таржимасини гўё дипломатикроқ қилиб, яна такрорлади:

- Агар айбга буюрмасангизлар, сенатор бу саволга алоҳида алоҳида жавоб беришингизни илтимос қиляпти... Аммо биз «айбга буюриб» бўлгандик. Ҳар ҳолда, мен америкаликнинг бу америкачасига саволга тутишидан дарров энсам қотди. Худди мактаб ўқувчилари каби «алоҳида-алоҳида» жавоб берар эмишмиз. Америкалик бўлсанг, ўзингга, хур бўлсанг, ўзингга, деган фикр кечди миямдан. Бу фикр бошқалардан ҳам кечган бўлиши керак. Чунки, биз ҳаммамиз совет одамлари эдик. Нафсониятимиз ҳам бир-бирига ўхшац, совет кишисининг нафсонияти эди. Лекин биз ўзбек ҳам эдик, ўзбекда «мехмон отангдан улуг», деган бир «реаксион» мақол бор, унга амал қилиб, меҳмоннинг саволларига бир-бир жавоб бера бошлагандик.

- Мен математикман, - деди Академия Президенти салобат билан, - худога ишониш ишмга тўғри келмайди. Раъно

Убайдуллаева ҳам илм одами бўлгани учун Академия Президентидан фарқли жавоб бермади. Эркин Юсупов «фарқли жавоб» беришга уринди, аммо жавоб бир оз кулгули чиқди.

- Менинг бувим намоз ўқиган, - деди Академиянинг вице-президенти. Ва шунга ўхшаган бир неча жумла айтди.

Менинг жавобим ҳам тайёр эди. Шу бизни сўроққа тутаётган бетакаллуп мөхмонга «худога ишониш шахсий иш, бу хусусда баёнот бериш ярамайди», демоқчи эдим. Аммо Оллохга эътиқоди йўқлигини айтаркан, Академия Президенти юзидағи викор, Убайдуллаевадаги маъсумлик ва Эркин Юсуповнинг қизариб-бўзариши мени чилладан чиқарганди. Ўз қабиладошларимга нафрат юксала бошлаганди бўғзимда. Ва тайёрлаган жавобимни ўзгартириб:

- Ишониш мумкин бўлган факат худо бор, - дедим. Сенатор ўзи эшитишни истаган жавобни олганди. Аммо бу менинг ёнимда ўтирган қабиладошларимга берилган жавоб эканини соддадил сенатор билмасди.

Учрашув тугагандан сўнг Эркин Юсупов мени ўз машинасига таклиф қилди. «Йўлимиз бир, сизни Уюшмага ташлаб қетаман», деди. Миндим.

- Аслида, сиз тўғри гапирдингиз, - деди йўлда Эркин Юсупов, - мен ҳам худога ишонаман, демоқчийдим, орқамиизда қаторлашиб ўтирган тўртга КГБидан ҳайқдим...

Юсупов содда одам эди, ўз заифлигини тан олаётганди. Унга чукур курмат туйдим. Кейин у:

- Сизлар шоирсиз, ҳар нарсани айтаверишингиз мумкин, - деб қўшиб қўйди.

Бу - авом орасида «шоирлар дарвиш, оғзига келганини айтаверади», деган калтабин тушунчага асосланган баҳо эди. Шундай олим кишининг авомларча фалсафасидан маъюс тордим.

ҚУРУЛТОЙ

Май ойининг охирида «Бирлик» ҳаракатининг биринчи қурултойини ўтказадиган бўлдик. Унинг низоми ва дастури лойиҳаларини тасдиқлаш, раҳбарлик тизимларини сайлаш қурултой кун тартибига қўйилганди. Анчагина нуфузли олим мутахассисларни янги курилаётган ташкилотга жалб этгандик.

Ниятимиз кучли интеллектуал ядрога эга бўлган, кенг платформали, турли ижтимоий гурухларни бирлаштирган бир халқ ҳаракати тузиш эди. Шундай ташкилот тузиш учун вакт ҳам, имконият ҳам, одам ҳам бор эди.

Курултойни Ёзувчилар Уюшмаси залида ўтказадиган бўлдик Марказкўмнинг биринчи котиби Рафиқ Нишонов қурултойга қаршилик қилмади. Албатта, Нишонов қайта қуриш тарафдори эмасди, аммо унинг душмани ҳам эмасди. Замон унга боқмаса, у замонга боқадиган дипломат киши эди. Замон «перестройка» замони бўлиб, «Бирлик» каби ташкилотлар ҳар республикада битта-яримта пайдо бўла бошлаган эди.

Рафиқ Нишонов биз кўрган раҳбарлар ичида энг либерали эди. Буни 86-89 йилларда билмагандик. Бу йилларда уни аёвсиз танқид қиласардик. Ҳатто уни баъзи дўстларимиз бир гуржи филмида Берияни жонлантирган Варлам исмли бир садистга ўхшатгандилар. Бу, албатта, ҳақсизлик эди. Биз, қайта қуриш шаробидан сархуш шоввозлар ҳақиқий садистни ҳали кўрмаган эдик. Ҳали мустақил Ўзбекистонга бир неча йил бор эди.

Хозирча кўчада бақириб-чакириб юргандик. Бақириб-чакиришга изн берилганди, бақириб-чакираётгандик. Тилимизни давлат тили қиласиз, дея шиорлар кўтаришга рухсат беринганди, бу шиорларни кўтараётгандик. «Бирлик» қурултойини ўтказаётгандик. Биз мухолифат эдик. Қайта қуриш манглайнин силаган, сургун қилинмаган, ертўлага ташланмаган, исканжага солинмаган, ўлим қоплари кийдирилмаган, баданида сигарет ўчирилмаган ва бедарак йўқолмаган, сип-силиқ маданий бир мухолифат. Қаҳрамон бўлиш осон эди. Ва биз ёпласига қаҳрамон эдик.

29 майда ўтган Қурултой шундай кўтаринки руҳда ўтди. Ҳаракатга раҳбарлик қилишни таклиф этишди, рад қилдим. Уюшмадаги вазифам жорий босқич учун ҳаракатдаги мақомдан муҳим эди. Ҳаракатдаги мақом Уюшманинг маневр майдонини торайтириб кўяр ва давлат идораларига босим ўтказиш қобилиятини заифлаштирган бўларди.

Мен раҳбарликка яна Абдураҳим Пўлатовни тавсия қилдим, номзоди қаршиликсиз қабул қилинди. Ҳаракатнинг Марказий Кенгаши аъзолари ва ҳакозолар тасдиқланди. Қурултой байрам кайфиятида якунланди.

ҚУЛУПНАЙ ҒАВФОСИ

1989 йил 3 июн куни тушдан кейин марказқұмдан хабар келди. Идеология котиби Холмухаммедов зудлик билан келиб-кетишимни сұрабди. Телефон қылдым, котиб хонасида эмасди. Секретари «ўзлари шу ердалар, сизни кутишшайпти, келсангиз яхши бўларди» деди. Етиб бордим.

Холмухаммедов безовта эди. «Сизнинг одамларингиз Марғилонда жаңжал чиқарыбди, бир неча уйга ўт кўйишибди, ўлганлар бор,» деди у. Мен «бизнинг одамларимиз ким?» деб сўрагандим, Холмухаммедов «ташкилот тузибсизлар-ку, ўшалардан,» деб жавоб берди.

Мен «бизнинг одамлар» бирорнинг уйига ўт кўядиган даражада жоҳил эмаслигини айтдим. Балки, шундайдир, аммо месҳат турклари билан ўзбеклар ўртасида низо чиқибди, бу жаңжални тўхтатишимиш керак, сизнинг ёрдамингиз лозим, деди идеология котиби. Мен ёрдамга ҳозирлигимни билдиридим. Тайёрланниб турсангиз, сизни уйдан олишади, деди котиб ва биз хайирлашдик. Марказқұмнинг араваси оқшом соат 10 ларда келди. Ҳаво майдонига жўнадик. Ҳукумат чиқадиган дарвозага олиб келишди. Мендан бошқа яна 6-7та киши бор эди. Бирортасини танимасдим. Ҳаммаси рус эди. Бирга учоққа чиқдик. Учоқ пластик қалқон кийган ва «калашников»лар-ла қуролланган аскарлар билан тўла эди. Биз бирга учоққа кирган кишилар билан олдингги каторларга ўтиридик. Учоқ ҳавога кўтарилганда танишдик, КГБдан эканлар. Йўл бўйи ҳазил-мутойиба қилиб кетишиди. Ҳеч кимда мотамсаролик йўқди...

Фарғонага соат ўнбир яримларда кўндиқ. Воқеадан кейин ёзилган бир мақолада ўша тун шундай шундай тасвирланган экан: «Соат тунги ўниккида Фарғона кўналғасидан Марғилонга йўл олдик. Бу кичик шаҳарчага кириб борар эканмиз, дастлаб йўл чеккасидаги ловвуллаб ёнаётган уйлар кўринди. Кейин ўёқ-буёқка чопаётган милитсионерлар пайдо бўлди. Биз то шаҳар кўмитасига (шаҳар партия кўмитаси) етгунча шу манзара давом этди. Шаҳар кўмитасида бир зум тўхтаб, жаңжал ўчоги Тошлоққа жўнадик. У ерга кириб келганимизда хунрезлик авжига чиққанди. Аёллар ва болаларнинг фарёди, ёнаётган хонадонлар алансаси, ўқ товушлари ва миршаб ходимлар юзидағи саросима вазиятнинг нихоятда оғирлигини кўрсатиб турарди...»

Аскарлар Марғилон ва Тошлоқ кўчаларини тўлдирганди. Фаргона водийсидаги ички ишлар қўшинларининг асосий кучлари шу ерга ташланганди. Лекин тартибсизликлар Наманганга, Кўконга ёйла бошлаганда Марказий ва маҳаллий ҳокимият бу кўникмаган воқеалар олдида ожиз эканликларини кўрсатиб кўйди. Аскарлар милтиқларини кўтариб туришарди, аммо душман «позитсиясини» кўролмасдилар. Кичик-кичик номаълум гурухлар яшин тезлигида пайдо бўлиб, яна уйларга ўт кўяр, одамларни ўлдирад ва тор кўчаларда гойиб бўларди. Бу партизан тактикаси эди.

Ҳокимият ҳеч нарсага ҳоким эмасди.

Марказқўмдан бўлим бошлиғи Шаҳобиддин Зиёмов, инструктор Содик Сафоев, Марғилон шахар раҳбарларидан Мамадалиева (исми эсимда йўқ) нима килишини билмасдилар.

Воқеаларнинг иккинчи куни Москвадан Рафиқ Нишонов етиб келди. Ёнида Тошкентдан ички ишлар вазири Рахимов, Компартиянинг Фаргона вилояти биринчи секретари Йўлдошев ва КГБ раҳбарларидан бир-нечта киши бор эди.

Нишонов ССРР Олий Совети сессиясини ташлаб келганди. Фаргона воқеалари бошланган кун сессия минбаридан «унчалик муҳим воқеа эмас, Косонсой бозорида қулупнай устидан жанжал чиқибди» дея баёнот берган ва маломатга қолганди.

Нишонов 30 дақиқалик мажлис ўтказди. Вазият таҳлил этилди, вазифалар тақсим килинди. Марғилон темирйўл вокзалининг олдидаги майдонда 2 мингтacha одам тўпланган, уларнинг талаблари бор эмиш, ҳукуматдан вакил истаётган эмишлар, шунга Сиз борсангиз, деб мендан илтимос килилди. Мен ҳукумат номидан жавоб бермайман, дедим. Ёниингизда ички ишлар вазири бўлади, конкрет бир нарса бўлса, у жавоб беради, сиз оломонни тинчлантиришга ёрдам беринг, дейишди. «Хўп» дедим.

Машинада ички ишлар вазири, Ўзбекистон Комсомоли раҳбари Азиз ва мен машинага ўтириб, вокзалга жўнадик. Вокзалга боргунча учта аскарий кордондан ўтишга тўғри келди. Шахар ҳокимияти ва Тошкентдан келган юксак мартабали меҳмонлар агресив оломондан шундай муҳофаза килинганди. Оломон ҳақиқатан агресив эди. Худди курашга шайланган полvonлардай, яrim белигача ялонгочланиб олган ёш шоввозлар қўлларида калтак, болта ва яна алланималарни кўтариб олишганди.

Ичларидан бигтаси (кўроши эди, чамаси) бизни қаршилади ва кутилмаган ҳурмат кўрсатиб, оломонга деди:

- Мана, Муҳаммад Солиҳ акамиз кептилар, ҳозир сизга гапирмоқчилар, - деди. Оломон, калтак ёки ўроқларини кўлтиғига олиб, қаарсак чалиб юборса бўладими! Бу мен учун хайрли ишорат эмасди. Мен билан бирга келган генерал ва комсомол йўлбошчиси «бу оломон Солиҳнинг одамлари экан» деган фикрга келиши муқаррар эди. Бу қарсаклар гўё бир кун аввал Холмуҳаммедов айтган «сизнинг одамларингиз» деган дашномни тасдиқлаётганди.

Мен тишими қисиб, юзимга табассум ёйишга харакат қилдим. Ва бир неча жумла билан оломонга мурожаат этдим. Кўлимга берилган карнай бузукроқ экан, аммо одамлар гапимни тушунди. Талабларингизни ёзма ҳолда беринглар, бунинг учун учта вакил ажратинглар, дедим. Шундай қилишди.

Яrim соатдан кейин бу талабларни оломонга ўқиб, тасдиқлатгандан сўнгра, оломон:

- Генерал гапирсин, генерал! - дея ҳайқира бошлади. Генерал, - ички ишлар вазири, - гапирадиган ҳолда эмасди. Шўрлик русча тарбия олган кадрларимиздан эди. Кўринишидан камга, мутавозе одам эди, ўзбекча гапиролмасди. «Илтимос, ўзингиз бир нарса айтиб юборинг уларга,» деди шивирлаб генерал.

- Ҳозир сиз берган талабларни муҳокама қилиб, қайтиб келамиз, генерал кейин гапиради, - дедим оломонга.

- Ҳозир гапирсин, нега қочаяпти! - деб бакирди кимдир.

Бу бир фитначи чакириқ эди. Оломон устимизга ёпирилди.

Бу одамлар нима қилаётганини билишмасди. Йишлил давомида тазийк остида тутилган инсектинклар жилови бир оз бўшатилганди. Бир аламзадалик бор эди, бунинг нима эканлиги ва кимга қарши эканлигини ҳам аламзада одамлар яхши англаб етмагандилар. Масҳат турклари сабаблардан бигтаси эди холос. Бу ҳам муҳтамалан, КГБ тарафидан уюштирилган «сабаб» эди.

Аслида, бу узоқ йишлил давомида ҳақ-хукуклари топталган одамларнинг сўқир қасоси эди. Қон тўкиш, уйларга ўт қўйиш истаги уларнинг шуури остида етилган заҳарли мева эди.

Марғилон темирийўл вокзали майдонида бизни ўраб олган оломон ўша заҳарли мева хидидан маст бўлган кишилар эди.

Бунинг на миллат масаласига, на демократия на да мустақилликка алоқаси бор эди. Генерал бебош оломонга яхши ўлжা бўлиб кўринди шекили, бизнинг машина тарафга ўтишимизга йўл беришмади. Мен боя гаплашганимиз «кўрбошини» балаңд овоз билан чақирдим. «Кўрбоши» тез пайдо бўлди, унга «мана шу ҳукумат одамларига бир нарса бўлса сен жавоб берасан», дедим. Ислом оломон ичидан бу ёш йигит конкретлик истарди, биз уни топғандик. Акс ҳолда, оломон ичидан сирғалиб, 30 метр нарида турган машинага етиб боролмаган бўлардик, балки. Биз ҳукумат «штаби»га етиб келганда, ҳамма енгил нафас олди. Воеалар гоҳ оловланиб, гоҳ сўниб бир ҳафта давом этди. Қўёнда ва Намангандаги кўплаб одамлар ҳисбга олинди, Оломон ўқка тутилди, бир неча киши ҳалок бўлди. Ғавғонинг сўнгги босқичида месҳет туркларининг кўпчилик қисми Фарғонадан эвакуация қилиниб бўлганди. Бу биз ўзбек зиёлилари учун, айниқса, турк қавмларининг бир-бирига яқинлашуви зарурлигини тарғиб этаётган зиёлилар учун уятли бир ҳол эди. Бизнинг юксак сўзларимиз оломонга етиб бормаганди ва бу оломонни биз эмас, пухта тайёрланган маҳфий хизмат ходимлари ва пулдор мафия йўналтираётгани маълум бўлиб қолганди. Бошқа тарафдан, Фарғона жанжали, бир маҳаллий ҳокимиёт, Тошкент мустасно, ҳалқнинг оммавий қўзғолишлари қаршисида фавқулоддада ночор эканлигини ошкор қилди. Айниқса, бу органларнинг бошида турган катта-кичик мансабдорлар ва ҳукумат аъзолари ўзларининг бутун иқтидорсизлигини намойиш қилди. Ҳукуматдан ҳеч бир киши, министрдан тортиб Марказқўмнинг биринчи секретаригача, ҳалқ олдига чиқиб, икки жумлани boglab, гапиролмасди. Нотиқ бўлмагани сабабли эмас, ҳалқ билан унсияти, самимияти бўлмаганидан. Булар ҳаммаси ойна раҳида етишган ўсимликлар каби, кабинетларда вояга етган бюрократлар эди. Булар айнан бюрократлар эдилар ва ҳеч қачон сиёsatчи бўлмагандилар.

Сиёsat билан шуғулланиш ҳаққи Москвага берилганди. Сиёsat ҳақида гаплашадиган, сиёsatни яратадиган ва сиёsatни юритадиган ҳам москваликлар эди. «Қардош республикалар»нинг раҳбарлари фақат ижрочи бюрократ мақомида эдилар. Ўрга Осиёда Беҳбудий (Усмон Хўжа ва Файзулла Хўжалар авлоди)дан кейин сиёsatчилар етишмаганди. Тўғрироғи, етиштирилмаганди. «Етишишга» ингилган-ларнинг боши кесилганди. Ва шу тахлит Ўзбекистон ССРнинг биринчи Президенти Йўлдош Охунбобоевдан

тортиб, Ўзбекистон КП биринчи секретари Ислом Каримовгача ўтган бутун ўзбек раҳбарлари ҳеч қачон сиёsat билан шуғулланмаган, Москвадан келган буйруқларни бажарганлар, холос. Ислом Каримов бу хусусиятни ҳокимиятга илк келган кунлари очиқ тан олиб, «мен иқтисодчиман, сиёsatчи эмасман,» дерди.

Сал кейинроқ эса, бу формулани ўзгартириб «аввал иқтисод, кейин сиёsat,» дейдиган бўлди. Яна бир неча йилдан сўнг, сиёsatни анча-мунча ўрганди шекили, оғзидан «сиёsat фоҳишаликдир» каби ҳикматлар тўкила бошлади.

Бугун юз фойиз сиёsatчи бўлганига шубҳа йўқ, чунки, атрофига ҳайқириб «сиёsatни бизга ишониб топширдингизми, энди аралашманг, ўз ишингизни қилинг, сиёsatни биз қиласлик,» демоқда.

ЯНГИ СЕКРЕТАР

Фаргона воқеаси Рафиқ Нишоновнинг раҳбарликдан кетиши билан битди. Халқ орасида тарқалган миш-мишларга кўра, Фаргона воқеалари Нишоновнинг Москвага олинишига асосий сабаб эди. Менимча, асосий сабаб бошқа эди. Саксон тўққизнинг баҳорига келиб, Горбачев атрофида муҳолифларнинг сассиз чамбари анча торайиб колганди. У ўзига четдан салафлар ахтара бошлаганди. Нишонов ўша салаф сифатида СССР Олий Совети Раиси ўринбосарлигига олинганди. Бу вазифада у Горбачевга садоқат билан хизмат қилди.

Нишоновнинг ўрнига ҳеч ким танимаган бир шахс тайинланди. Бу одам компартиянинг Қашқадарё вилояти биринчи секретари Ислом Каримов эди. Илгари Давлат план кўмитасида ишлаган, келиб чиқиши самарқандлик, детдомда тарбияланган, мутахассислиги экономист... Янги раҳбарнинг муҳтасар таржимаи холи шу эди.

Уюшмага менинг қўшним, ёзувчи Евгений Березиков келди. Каримовни танимайсанми, - деб сўради. Танимайман, дедим. Нисбатан ёш, яхши нарсалар кутса бўлади, деди Березиков.

Унинг гапига ишонгим келди. Кўпчилик каби мен ҳам Нишоновнинг Ўзбекистонда Қайта Қуришга тўсиқ бўляяпти деб

ўйлардим. Унинг ўрнига келган «нисбатан ёш» раҳбардан шубҳа эмас, умид қилиш биз учун қулайроқ эди.

Янги раҳбар ишга келар-келмас, биринчи бўлиб ёзувчилар билан алоқа қуришга қарор қилгани маълум бўлди. Бу тактикані тушуниш мумкин эди. Ўзбекистонда янгиланиш ҳаракатининг маркази ҳам Ёзувчилар Уюшмаси эди. «Бирлик» ташкилоти шу Уюшма аъзолари базасида қурилган ва у ҳозирча мустақил ҳаракатга кодир эмасди.

Июн ойининг охирлари эди тахминан, мени Марказқўмга чакиришаётганини айтишди. Янги раҳбар танишмоқчи экан.

Раҳбарнинг хузурига кираётиб, бир неча ой аввал бу кабинетда Рафик Нишонов билан ўтган сұхбатни эсладим. Дунё ҳақиқатан ҳам фоний эди. Янги раҳбар Ислом Каримов илк қарашда самимий одамга ўхшаб кўринарди. Унинг гапларидаги чапанича оҳанг, эски раҳбарлардаги совуқ, ҳайкалчасига салобатдан фарқли бир инсонийлик ташир эди гўё.

- Сизнинг ёзган мақолаларингизни биламан, - деди у кўзларини йилтиллатиб, - энди, мана, бирга ишлаймиз.

Каримов интернатда рус тилида ўқиган ва рус урф-одатлари мухитида етишган одам эди. Бу турмуш тарзи унинг ўзбекчасида айнан акс этарди. Русча ўйлаб, ўзбекча гапираварди. Талаффузи нуқсонли эди, русларга ўхшаб «к» товушини «к» деб талаффуз этарди. Талаффузини Ўзбекистон Президенти бўлиб сайлангандан сўнг ҳам тузатолмади. Бир гал Олий Кенгаш сессиясида «Марказга қарам бўлиб қолдик,» демокчи бўлиб, «қарам бўлиб қолдик,» деганда анча қулги бўлганди. Каримов билан биринчи учрашувимизда менда ижобий таасурот қолди. Буни Уюшмадаги котибларга ва «Бирлик» ҳаракатидаги дўстларга билдиридим. Ўзбек тилини давлат тили мақомига кўтариш масаласини хукumat савијасида мухокама қилиш имкони туғилганди. Янги раҳбарга Ёзувчилар Уюшмаси котиби ўлароқ бир мактуб ёзиб, давлат тили мавзусининг актуал масала эканини тушунтирдим. Бошқа бир баҳона билан учрашганимизда, Каримов тил бўйича ишлаётган Комиссия ўз хulosаларини Олий Кенгашга төзроқ топширсинг, у ерда мен давлат тили тоғясини кўллайман, деди. Аммо ундай бўлмади. Каримов давлат тили масаласини кўтариб, Москвага қарши таваккалчилик қиласидаган даражада миллатпарвар эмасди.

Каримов «Бирлик» ташкилоти фаолиятига ҳам қутылмаганда либерал ёндошди. Керак бўлса, расман регистрация киласиз, деб юборди. Биз бундан жуда ҳаволарга учдик. Ҳаракатнинг низомини берган эдик, дарров «Ёш ленинчи» газетасида босиши. Ҳаракат программасини ҳам газетага бериш учун матн устида таҳрир ишларини бошлиб юбордик. «Бирлик»даги йигитлар Ҳаракатнинг байроғи, герби ҳакида тортишаётгандилар, мен бу нарсаларни тортишмасликларини илтимос қилдим. Мухими ҳаракат Программаси халқ орасида қўп тиражда тарқалади, агар ҳукумат байроқ, герб каби символикаларга қарши чиқса, бундан ҳозирча воз кечиб туриш мумкинлигини тушунтиридим. Бу фикрни қўпчилик қўллаб-қувватлади, аммо бир-неча киши буни ҳукуматга ён босиш, муросасозлик деб баҳолади. Бўлмаса, билганингни қилинглар дедим.

Мен «Бирлик» ҳаракатида ҳайъат аъзоси эдим, аммо ташкилотнинг қурултойидан кейин унинг фаолиятига деярли аралашолмай қўйгандим. Мен ҳали ҳам ёзувчилар бир сиёсий ташкилот тузиб, халқа топширсин, кейин адабиётига қайтсин, деган фикрдайдим. Қаламкаш оғайниларим ҳам шундай фикрда эдилар. Факат, аввал айтилганидек, биз, қалам ахли, сиёсат ботқоғига аллақачон чўкиб бўлганимиз ва у ердан Қутулиш учун анча вақт керак бўлажагини у пайтда билмасдик.

ҚОЧИШ ОРЗУСИ

«Бирлик» Программасининг матбуотда босилиш эҳтимоли турли хил қучларни турли йўналишларда ҳаракатга келтирди. Чунки, бундай бир ҳужжатнинг жумхуриятда эълон қилиниши Коммунистик Партия каби ягона, гегемон қувват қарисига бир алтернатив, майли, зайиф бўлсин, аммо бир муқобил қувват чиқди, деган гап эди. Янада мухими, Программанинг газетада чоп қилиниши бу янги қувватнинг жумхурият жамоатчилиги тарафидан тан олинганини кўрсатган бўларди. Бундан қаттиқ безовта бўлган КГБ ўз айғоқчиларини ишга солиб, «Бирлик» ичida иғвонинг ilk уруғларини соча бошлиди. Программани бостириш учун матндан жузий нарсалардан воз кечишига ундан гурух дарров ҳукумат билан «келишганлик»да айбланди. У пайтларда шундай бир иқлим мавжуд эди-ки, бирорни кўрсатиб «шу одам ҳукумат билан келишди» дейилса, бас, ким бўлса бўлсин, у дарров

миллий даъвонинг душманига айланарди. Август ойининг ўртаси эди, янгишмасам. Программа мунокашаси давом этайдан. Яширмайман, бу сафсатабозликдан асабийлашгандим. «Бирлик»даги дўстлардан, мени бу ғавгога аралаштирунглар, ўзларингиз бир қарорга келинглар, дея илтимос қилгандим. Барibir, аралаштиришди. «Бирлик» раҳбариятидан ёзувчилар Аҳмад Аъзам ва Зоҳир Аълам келиб, ташкилот раҳбарини вақтинча алмаштириб туриш керак, Программа босилиб, харакат оёққа тургандан кейин яна ўз вазифасини давом эттиради, акс ҳолда, Программа ҳам босилмайди, ташкилот ҳам тарқалиб кетиши хавфи бор, қўпчилик олимлар харакатни тарк этаяпти бу одам (Пўлатов) сабабли, вақтинча «Бирлик»ка Эркин Вохидов раҳбарлик қилсин, деган фикрни айтишди.

Уларнинг фикри менга мантиқли кўринди. Пўлатов ватанпарвар зиёлларимиздан, умум иш зиён кўрмаслиги учун раҳбарликдан бир муддат воз кечиб туришига хеч шубҳам йўқ эди. Пўлатов билан гаплашдим. Агар сизлар шунга қарор қилган бўлсанглар, майли, деди. Ҳеч эътиroz билдирамди. Мен бошланаётган ғавғонинг бундай осон бартараф қилинганидан жуда севиндим. Аммо эртароқ севинган эканман. Пўлатов менинг кабинетимдан тушиб кетганидан яrim соат ўтар-ўтмас, шоира Гулчеҳра Нуруллаева кириб келди. Самимий, сертуйгу инсон Гулчеҳра Нуруллаева мени кинояли сўзлар воситасида ҳукumat билан келишиб, Пўлатовни «Бирлик»дан узоқлаштиришга урунаётганликда айблади. Бу мени ҳайратлантириди. Гулчеҳра Нуруллаева менинг ҳукumat билан, наинки, қайта қуриш даврида, энг оғир замонларда ҳам келишмаганимни биларди.

Гулчеҳра Нуруллаевадан кейин шоир Жамол Камол отилиб кирди. У ҳам мени муросасозликда айблади. Унинг бу воқеадан икки йил ўтар-ўтмас режим маддохига айланишини у пайт тасаввур қилмагандим. Кейин шоир Шукрулло ташриф буюрди. У ҳам сертуйгу одам, кўзларида ёш, Каримов каби одамлар билан муроса қилиш яхши эмаслигини айтди. Ўшанда бу шоирнинг бир неча йил сўнгра Каримов кўлидан «Қаҳрамон» ордени олиши мумкинлигини ўйламагандим.

Мен бу дўстларга ўзимни оқлаб ўтирмадим. Агар мен хиёнат қилган бўлсам, демак «Бирлик» деган ташкилот тугабди, дея фижиндим.

Пўлатовнинг кимлигини биринчи марта кўраётгандим. Бу шахс самимий одам эмасди, икки юзли эди. Энг кўрқинчлиси, ёлғончи эди. Ўша куни уйга изтиробичида қайтдим.

Изтироб ҳали ҳам ўлмаган кибрдан келаётган эди. Ўлиш қаёқда, сўнгти йилларнинг жўшқинлиги билан янада кучайган кибрдан.

Биз саксон бешнинг январида йиқилаётган масжидлар ва хўрланаётган она тилимиз химояси учун эшикма-эшик юриб, имзо тиланаётган пайтда мени хиёнатда айبلاغан бу одамлар қаерда эди, дерди кибрид.

Имзо қўймаслик учун, қўрқоқларча турли баҳоналар ўйлаб чикармаганмидилар, дерди яна нафсим.

Мен, албатта, тухматга колгандим. Аммо сиёсатга кирган одамнинг тухматга доим тайёр туриши кераклигини у пайтда билмасдим. Сен ўз ватанингни севасан, наҳотки буни одамлар кўрмаяпти, дердим ўз ўзимга.

Наҳотки, сенинг йиллар давомида ардоқлаганинг хуррият фояси бир кунда ўз дини ва худосини ўзгартирган коммунист шаллақиларнинг ҳаёсиз сафсатасига айланса? Бир неча йил аввал энг яқин дўстларингтагина айта олган қимматли фикрларингни бу коммунист зурёди бугун очик, баралла ҳаммага айтгаяпти-ку, сенинг ундан нима фаркинг бор, сенинг хурриятпарварлигинг, ватанпарварлигинг ўша коммунистницидан нимаси билан фарқ қиласди? Бу шўртак саволлар, балки, қизғанчлик оқибати эди. Ҳа, бу бир қизғанчлик эди. Фоя қизғанчлиги, кудсият қизғанчлиги.

Бир одам қалб кучи, фикр нурини харж қилиб, тирикчилигини таҳликага кўйиб, бир нарса орқасидан қувса-ю унга, ниҳоят, етишса, иккинччиси бу нарсани, - ҳеч бир харажатсиз, боз устига, унга ҳеч эҳтиёжи бўлмаган ҳолда, - қўлга киритса, биринчи одамда пайдо бўладиган қизғанчлик.

Бу мен учун яхши ҳолат эмасди. Бу ҳолатда ўзимни жуда хузурсиз сезардим. Бу ҳолатда ўзимга бўлган ишонч мўртлашиб, руҳий дармонсизлик ҳис этардим. Аммо бу хатонинг ўша қизғанчлик ва кибрдан келаётганини у пайтлар мушоҳада этмасдим. Буни кейинроқ англай бошладим. Бу билим тухмат, иғво, фийбат ва ифтiro тўрт тарафдан устимга ёғила бошлаган сургунлик йилларимда пайдо бўлди. Бу билим худди лазер нури

каби узоқ йиллар яллигланиб, битавермаган изтироб ярасини бир онда күйдиріб битирди. Ва қалбга хузур инди, фарогат инди.

Аммо саксон тұққизнинг ёзида бу хузур, у фарогат тушимга ҳам кирмасди. Мен ишнинг осон томонини үйлай бошлагандым. Ишнинг осон томони бу сассиқ сиёсатдан тезроқ узоқлашиб, шеъриятнинг сокин гүшасига чекінмак эди. Күпопрөк айтганда, бу бир қочиш орзуси эди. Бундай орзу мен учун янги эмас эди. Саксон биринчи йилда шундай орзу қылған эканман:

*Аёлу эркак күй измида,
Хаммаси тушмоқда зикр,
Мени-чи кузатар зимдан
«Қочиши керак» деган фикр.
Расадхонага ўхшар айвон,
Чиқаман, юлдузлар ўткыр.
Бошимда айланар ҳамон
«Қочиши керак» деган фикр.
Үйқу дори бўлса, косани
Бўшатаман, сўнар тафаккур,
Ёнимда тўлғонар нозанин,
Бошимда яна ўша фикр!
На қиласай, бир фикр кечди,
Бир фикр «ялт» этди, на ҳайрат,
Менинг имконимдай кичик,
Қочишининг ўзидай баҳайбат!*

1981 («Олис табассум сояси» 1986)

Аммо шеърдаги орзу турғунлик хавосидан зерикиб, ҳуррият диёрига саёхат қилиш орзуси эди. Бугунги орзу эса, ҳуррият келиб, унинг химояси учунмужодала бошланаркан, пайдо бўлган машаққатлардан қочиш орзуси эди. Бу хақиқатни менинг нафсониятим қабул қилишни истамасди.

Адабиёт узоқ йиллар давомида кўпчилик қатори мен учун ҳам ҳерметик бир қўргон вазифасини ўтаганди. Адабиёт Совет тузумидаги энг «чекланган масъулиятли ширкат» эди. Ва унинг раҳбари ҳам, ишчиси ҳам ўзим эдим. Сиёсат бу шинам системани парча-парча қилиб, мени янги ҳаёт бошлашга мажбурлаётганди. Саксон тұққизнинг ёзида бу шинам система деярли парчаланиб

бўлган бўлса-да, мен уни таъмирлаш мумкин, деган хомхаёл билан яшаётгандим. Шу боис, «Бирлик»да чиққан жанжал мени бир тарафдан кийнаса, иккинчи тарафдан шинамлик қўмсаган нафс учун айни муддао бўлганди. Сен кўлингдан келганини қилдинг, у ёғини бошқалар қилин, дерди у. Ташкилот тузилди, халқ келаяпти, бориб шеърингни ёз. Эрталабдан кечгача жағингни чарчатиб, коммунистлар билан тенг бўлиб ўтирма, абадият учун ишла, ўлганингдан сўнг одамлар ўқийдиган беш-олти шеър ёз, дерди ақдли нафсим.

Мен «Бирлик»дан чиқишга карор қилдим ва буни дўстларга билдиридим. Улар буни ижобий қабул қилишмади.

Ташкилотнинг ўзаги саналмиш ёзувчилар Пўлатовнинг провакатив ҳаракатидан каттиқ ғазаблангандилар, уни ташкилотдан узоқлаштириш керак, деган фикр уларда кун сайн собиглашиб бораради. Пўлатовнинг «Бирлик»ни миллатчилар эгаллаб олайпти, деган янги иғвоси жараённи янада тузлашириди. У пайтда «булар миллатчи бўлса, миллатчиларнинг душмани Каримов билан қандай тил бириктиридилар,» деган савол ҳеч кимнинг хаёлига келмади. Сентябр ойида «Бирлик»нинг Марказий Кенгаши чакирилди. Мен мажлис бошланишида катнашиб, Пўлатовни ташкилотдан узоқлаштириш керак бўлса, бу беш дақиқалик иш, буни катта воқеага айлантирганлар, деган мазмунда гапиридим. Биттаси чиқиб, Пўлатовнинг нега заарли эканини исбот қилишга мўлжалланган нутқни ўқиб берди. Нутқ шу кадар савијасиз ёзилганди-ки, буни тинглаган Кенгаш кўзида Пўлатов фасодчи эмас, балки,adolatcizlikka учраган шўрлик бўлиб кўринди.

«Бирлик» ҳаракатининг Самарқанд вилояти бўлими раиси Алибой Йўляхшиев ўзининг «Бирлик» ҳақида мен билган ҳақиқатлар» деган кигобида шундай деб хотирлайди: «МК йиғилишини истаган биродарлар мажлисга А. Пўлатов ҳақида бир хат тайёрлаган эканлар. Энг аввал у хат мажлисга ўқиб эшигтирилди. Хатни Тошкент Политехника институти доценти Каримов (унинг исми ёдимда йўқ) ўқиб берди. Аммо хат, уни тузганларга тўла зарар келтирди. Оқибат шу бўлди-ки, хатда ёлғонлар, тухматлар жуда кўп бўлганидан, унда келтирилган А. Пўлатовнинг ҳақиқий салбий хусусиятлари эътибордан четда қолиб кетди. Мажлис аҳли «жабрдийда»ни ҳимоя қилишга ўтиб

кетди. Улар хатни М. Солиқ ва унинг тарафдорлари таёрган, улар ҳукумат тарафига ўтиб кетишмоқда», деган фикрни олға суреб, А. Пўлатовни жиддий қўллай бошлаши. Биз, Самарқанддан келишган МК аъзолари ҳам хатни тўла маъкулламадик, яъни, А. Пўлатовни қўлладик. Дархақиқат, хат ниҳоятда бемаза тузилганди. Хатто М. Солиқ ўшандада мажлис минбарига чиқиб, бу «мазмунсиз» хатдан хабари йўқлигини тан олишга мажбур бўлганди».

Бундан илҳомланган Пўлатов битта рус ишчисини минбарга чиқариб, унинг тили билан «Бирлик»ни миллатчилар эгаллаб олайти, деган коммунистчасига огоҳлантиришини қилди. Бу жуда вақтида қилинганд мудоҳала эди. Ғала-ғовур бошланди, жараён назоратдан чиқди. Замон қайта куриш замони эди. Одамларда жаңжал иштиёки барқ уриб турган замон. Баҳс, мунозара қиласидаган, муштлашадиган замон. Душман кўринавермаса, душманни яратадиган замон эди замон.

Мен мажлисни эрта тарк этдим. Назаримда, шеъриятнинг сокин гўшасига қайтишнинг айни пайти эди. Ғала-ғовурдан фойдаланиб, бу асабий инсонлар сафидан сирғалиб чиқиш имкони пайдо бўлганди. Аммо бундан фойдаланиш осон эмасди.

Бу асабий оломон мендан чинакамига шубҳалана бошлаганди. Йўляхшиев ўз китобида бу шубҳани шундай тасвирлайди: «Демак, хат тайёрланаётганидан М. Солиқ хабарсиз бўлиши мумкин эмасди. Тўғри, М. Солиқ хатни кўрмаган, ўқимаган бўлиши мумкин. Унга факат оғзаки ёки телефонда хат ҳақида хабар қилишган бўлишлари мумкин. Солиқ ва унинг тарафдорлари А. Пўлатов ҳақида ўз фактида тўғри хulosага келишган ва бирор сиёсий ўйин йўли билан А. Пўлатовни «Бирлик»дан четлаштириш учун хатни ташкил этишни ўйлаб топган бўлишлари мумкин. Аммо бу иш, бу яхши ўйламай ташланган қадам Ҳаракатга ўрни тўлмас зарар, А. Пўлатов шахсига эса «шуҳрат» келтирди. А. Пўлатовнинг шахсий камчиликлари узоқ вақт ниқобда қолишига сабаб бўлди.»

Йўляхшиев менинг «хат тайёрлаб бирорни чиқаришга» муҳтож бўлмаганимни билмайди. Агар муҳтож бўлганда ҳам, бундай аҳмокона хатни ҳеч қачон ўқитмаган бўлардим. Йўляхшиев айтган «М. Солиқ тарафдорлари» ҳам у пайтда (89-йил октябрида) йўқ эди. У пайтда «Бирлик» аъзоларининг ҳаммаси «менинг тарафдорим» эди. Кейин Йўляхшиев бу воқеани «ўрни тўлмас

зарар» деб баҳолайди. Бу воқеа сиёсий жараённинг янги фазаси эди, холос. Бу ҳақда ҳали мухусус айгаман. Йўляхшиев яна шундай дейди: «Биз вилоят ташкилотлари Ҳаракатнинг МК ва унинг ҳайъати таркибида чиққан ихтилофни чуқур таҳлил қиломадик. «Пўлатовчи»лар ҳам «Солиҳчи»лар ҳам у икки шахснинг шахсий муносабатларига мос ҳаракат қилишга интилдиқ, холос. Уларнинг орасида кўпроқ шахсий манбаатлар ётгани ёки ётиши мумкинлиги ҳакида ўйлаб кўрмадик,» деб ёзади Йўляхшиев.

Йўляхшиев ўша мажлисга қатнашган кўпчилик каби жанжални Муҳаммад Солиҳ бошлаб берди, деб ўйлади. Ваҳоланки, «Бирлик»нинг Низоми газетада босилиб, Программаси ҳакида тортишув чиққанга қадар мен Пўлатовнинг энг самимий ҳимоячиси эдим. Унинг ҳаракатга кириб, раҳбарликка сайланишида ҳам асосий сабабчилардан эдим. Ва табиийки бу жанжални бошлаган ҳам мен эмасдим. Фақат жанжал давомида Пўлатов хусусида менинг фикрим кескин ўзгарганди, у Ҳаракатдан қанча тез узоқлаштирилса шунча яхши бўлади, деб ўйлай бошлагандим.

Бу одамнинг «узоқлаштириш»га ўша пайтда қарши бўлган Йўляхшиев йиллар ўтиб, шундай хулосага келди:

«Курултойдан кейин ҳам ҳаракатда бошланган бўлинши хасталиги сусаймади. Ҳукумат эса, бундан усталик билан фойдаланди. У замондаги тушунча ва хулосаларга биноан, биз, самарқандликлар ҳам кўпроқ M. Солиҳ тарафдорларини қораладик. Шу билан бир қаторда биз A. Пўлатов ва унинг Тошкент гуруҳини яхши тушунмасдан, кўпроқ уларнинг сўзларига қараб иши тутдик. Биз советкишилари «уч юзли» (сўзда, амалда, кўнгилда) эканлигимиз у юзларнинг қайси бири қаерда кўринишини «Бирлик» шафагида яхши ажратма олмасдик.... Сўнгги тарих, айниқса муҳожирлик даври жуда яхши исбот этди-ки, A. Пўлатов ва унинг атрофида ўралашиб юрган бир гуруҳ сиёсатдан миллий шуур ва миллий қадриятдан узоқ, фақат шахсий манбаат учун алгов-далговлардан фойдаланиб, моддий аҳволни ўнглаб олишини кўзда тутган пасткаш кишилар экан. Улар «Бирлик»ни сиёсий ташкилот сифатида камолатга етказиш учун эмас, балки, унинг ичида доим ихтилофлар келиб чиқадиган вазият пайдо қилиб, у вазиятда ўзини «Бирлик» ҳимоячилари қилиб кўрсатишга уста эканлигини кеч тушундик. Аммо бундан ўн йил бурун A. Пўлатов ва

унинг гурухи ўз шахсий фойдалари учун Ҳаракат ичидаги атайлаб гөвголар яратшишиб, ўзларини жабрдийда қилиб кўрсатиш нинг уddасидан чиқабилишиди.»

Бу жанжалли мажлис ва унинг атрофидаги гаплар устида бу қадар узоқ тўхталганимнинг боиси шу-ки, «Бирлик»даги манфаатдор бир гурух мени ҳаракатнинг парчаланишига асосий сабабчи, дея узоқ йиллар давомида айблади, ёлғонлар тўқиди. Мен бунга маҳсус ўлароқ ҳеч қачон жавоб бермадим, халқимизнинг фахму-фарасотига ишондим, оку қорани ўзи ажратиб олади, дедим. Аммо бу китобни ёзар экан, мени «Бирлик»дан чиқиб, бошқа бир сиёсий партия қуришга олиб келган можоролар силсиласида бу жанжалли боқеа ҳақида узил-кесил фикр айтиш мажбуриятидайдим. Факат бунда холис бўлиш учун узил-кесил жавобни воқеаларда бевосита иштирок этган ва у даврда менга қарши позитсияда турган шахс сўзлари билан беришни таржих этдим.» Бирлик»даги бўлиниш сабабчиси ва жаңжал қайноғи ўлароқ бизни кўрсатгандарга биродаримиз Йўляхшиев эътирофларининг давоми шундай:

“Ҳаракатнинг 2-Курултойидан сўнг кўп ўтмай унинг навбатдаги Курултойи вақти ҳам етишиб қолди. Чунки, «Бирлик» Низомига мувофиқ ҳар йили унинг Курултойи ўтказилиши лозим эди. Аммо 1989 йил ноябридан 1990 йил май ойига қадар «Бирлик»да бўлиниш орқага қайтмас шакл олди. М. Солиҳ ва унинг тарафдорлари Ҳаракат фаолиятида қатнашишдан тўла бош тортдилар. Улар А. Пўлатов билан алоқани узиш шаклини ўзларини «Бирлик»дан четга олиш, деб хисобладилар. Натижада, 1990 йил 26-27 майда «Бирлик»нинг 3-Курултойи М. Солиҳ ва унинг гурухи иштирокисиз чакирилди. Курултой Ҳаракат МКнинг хисоботини тинглади, Низомга баъзи ўзгартиришлар киритди, Дастурнинг янги таҳрири қабул қилинди. Энди «Бирлик» халқ ҳаракати МКни тўртта раисдош эмас, учта раисдош бошқарадиган бўлди”.

«Бирлик»нинг 3-Курултойи А. Пўлатовни уч раисдошдан бири қилиб сайлади. Аммо уни сайлаш тортишувларга сабаб бўлди ҳатто Курултойда А. Пўлатов сайланмай қоладиган вазият майдонга келди. Курултойнинг ташкилий масала қисми жанжалга айланиб кетадиган бўлди. Мажлисда ташкилий масала

кўрилаётганда уни деярли бошқариш мумкин бўлмай қолди. Натижада, мажлисни бошқариш бир мунча вақт қўлдан-қўлга ўтиб турди. Чунки, мажлиса тўла тартибсизлик бошланганди. Ана шундай - минут сайн мажлис раиси алмашиб турган бир вақтда самарқандлик делегат Б. Намозов ҳам мажлисни бошқаришга уруниб кўрди. Чунки, истаган журъатли киши ўзи минбарга чиқиб мажлисга раислик қила бошлаши мумкин бўлиб қолганди. Б. Намозов минбарда мажлис раислигини олиб бораётган бир замонда залдан А. Пўлатов ва унинг ёнида ўтирганлар ўзаро сухбатларида Б. Намозовни КГБ одами, деб шивир-шивир бошлашди. Чунки, Б. Намозов мажлисда А. Пўлатовчиларга қарши тарафга бироз ён босмоқда эди. Пўлатов ва унинг ёнида ўтирганлар шивир-шивири ҳаммага эшитилгани йўқ, албатта. Чунки, залда шов-шув баланд эди. Аммо А. Пўлатовга яқин ўтирган Олим Каримов уни жуда яхши эшитди. Олим ака Каримов у сўз айнан кимнинг оғзидан чиққанини аниқ билади. Шивир-шивирни сезган мажлис раиси Б. Намозов, мажлисни тарқ этиб, залдан чиқиб кета бошлади. Мен дархол минбарга чиқиб Самарқанд делегацияси Қурултойни ташлаб кетади, деб эълон қилдим. Шу замон Олим Каримов югуриб бориб Баротни шартта кучоклаб олди ва унга ялиниб, ундан залга қайтишни илтимос қилди. Минбарга чиқиб мажлис номидан Б. Намозов ва самарқандлик делегатлардан содир бўлган нокулайлик ва қўполлик учун узр сўради. Олим Каримов узрини қабул қилдик, унга кўра биз залда қолишни лозим топдик. Ана шу воқеадан сўнгра мен Дадаҳон Ҳасановдан мажлисни бошқаришни илтимос қилдим. Дадаҳон ака зўрма-зўраки минбарга чиқиб, мажлисни бошқаришга ҳаракат қилиб кўрди, бўлмади. Шундан кейин мажлисни бошқаришни ўзим кўлга олдим ва бир неча кескин сўзлар сўзладим, ундан сўнг танаффус эълон этдим. Танаффусда тортишаётган тарафлар билан бир қатор фикрлар алмашдим.

Хуллас, танаффусдан сўнг мажлис ахлини бир мунча тартибга келтириш мумкин бўлди. Ташкилий масалани натижага етказишга эриша олдим. Оқибат, А. Пўлатов раисдошлардан бири бўлиб сайланди. Ҳозир, ўша воқеалардан қариб ўн йил сўнгра, мазкур сатрлар ёзилаётган замон, 1999 йилнинг феврал ойида энг авал ўзимни ўзим сўкаман. Бошқа бир қатор «Бирлик»чи дўстлар ҳам менинг ўша фаолиятимни кейинги вақтларда тез-тез юзимга солишадилар. А. Пўлатовнинг раисдошликка қайта келишида мени бош гуноҳкор хисоблайдилар...

Ниҳоят Ҳаракатнинг 5-Қурултойи 1992 йилнинг 23-24 май кунлари Тошкентгда ўтказилди. Қурултойда доимий, ҳамиша кўриладиган масалалар караб чиқилди, яъни, ийлилк хисобот, Низомга ўзгартиришлар ва Дастурнинг янги таҳрири кўриб чиқилди ва шуларга мос қарорлар қабул этилди. Ниҳоят, яна ташкилий масала, бу сафар ҳам тортишув билан ўтди. Қурултойда қатнашаётган кўқонлик делегатлар ва тошкентлик делегатларнинг бир қисми «Бирлик» МК раисдошлигига А. Пўлатов номзоди кўйилишига каттиқ қарши чиқишидилар. Оқибатда, ўз вақтида «Бирлик» ташкил этган митингларни, Фарғона, Кўқон, Ўш воқеаларини кинога туширган кино операторимиз Абдулазиз Махмудов Ҳаракат ичидаги Марказчилар фракциясини тузганини эълон этди. А. Махмудов гурухи, Кўқонлик делегатлар ва яна бошқа бир қатор делегатлар А. Пўлатов номзодига қарши овоз бердилар. Натижада, А. Пўлатов озгина фарқ билан сайланди.»

САЁХАТНИНГ ҲИКМАТИ

Саксон тўққизнинг нояброда СССР Ёзувчилар Союзи йўлланмаси билан Финляндияга кетдим. Гурухда рус шоирлари Белла Ахмадулини, Алексей Паршчиков, яна бир шоира ва бир танқидчи бор эди. Бу саёҳат мен учун Совет адиблари билан бирлиқда сўнгги саёҳат бўлди.

Иссиқ Тошкентдан сўнгра совуқ Хельсинки асабларимни юмшатди. Фин шоири эски дўстимиз Юкка Маллинен бизга ҳамроҳ бўлди ва ўз халқининг маданияти билан таништириди.

Сафарда Белла Ахмадулини яқинроқ танидим. Бу аёл 60-йилларда ёқ Совет Иттифоқида шуҳрат чўйкисига чиқкан ва саксон тўққизда ҳам дунёга ўша юксаклиқдан боқиб турарди. Топ-тоза шоир эди. Илк карашда бу хонимнинг очиқ кўнгиллиги ўйинга ўхшаб кўринарди, аммо вакт ўтган сари унинг самимияти ҳар қандай шубҳани эритиб юборарди. Турмуш ўртоғи Борис ундан шикоят киласарди, аммо уни инжитажак энг кичик ҳаракатга дарров қаршилик кўрсатар, бу дарвеш хотинни ҳимоя киласарди. Бу ичкин вафодорлик мени туйғулантирганди.

Алексей Паршчиков янги рус шеъриятининг намояндаси эди. Ўша пайларда донги чиқкан Иван Жданов ва Александр Еременко билан бир тақимда саналарди. Булар адабий номенклатурадан узок бўлгандек, унга гўё муҳолиф саналган Евтушенко каби либерал

шоир-публитсистлардан ҳам узок турдилар. Улар ўзларини «тоза шеърият» яратаяпмиз, деб тасаввур қилишарди. Ўзи ҳақидаги тасаввурлардан илхомланишарди. Улар ҳаммаси самимий ва истеъдодли эдилар. Финляндия шаҳарларида айланиб мушоира қиларканмиз, мен ўз шеърларимдан анчагина узоклашганимни хис этдим. Уларни ўқиркан, илгаригидай завқланмасдим. Шу боис, учрашувларда қисқа гапиришга, кўпроқ дўстларимнинг чиқишиларини эшитишга ҳаракат қилдим.

Бир қишлоққа борганимиз эсимда. У ерда монастр меҳмонхонасида тунагандик. Биз Алексей Паршиков билан сафар программаси тугамасдан Москвага қайтиб келдик. Москвада шеъриятдан асар ҳам йўқ эди. Ҳамма сиёsat ҳақида гапиришарди. Ҳатто шоирлар ҳам. Шуни кўркув ичида кўрдим-ки, мен қайтиб боришини орзу қилаётганим у сокин гўша ортиқ бу Советлар дунёсида йўқ эди. Овруполиклар таъбир қилган у «фил суягидан ишланган минора,» илхом парисининг гўшангаси, шеърият маскани қайта куриш нагоралари чиқарган шовқин тўлқинларидан бир антик меъморлик обидаси каби кулаб тушганди. Бор-йўғи бир неча йил аввал сирли кўринган шоирларда ортиқ хеч бир сирлилик қолмаганди. Илгарилари шоир чўнгагида бир чака йўқ, ЦДЛ (Центральный дом литераторов) барларида ўтирас экан, тевараги шомон мистигизми билан ўралган бўларди. Энди эса, ўтирган шоирнинг нафақат киссасида пул, теварагидаги мистик ўртуқ ҳам ғойиб бўлганди. Бу ғаройиб ҳодиса азим шаҳар Москванинг ҳам шакли-шамойилида айнан такрорланарди. У ҳам салобатини йўқотганди. Либоси ўғирланган қиролича каби аянчли эди.

Албатта, бу ғаройибликтининг қайта куришга алоқаси йўқди, балки қайта куриш бу ғаройиб ҳодисанинг маҳсули эди. Бу ғаройиблик инсонлар, мамлакатлар, жамиятлар ва уларда кечадиган тарихга ҳоким бўлган мутлок бир кучнинг биз ожиз бандаларига кўрсатган сехри эди. Агар бу куч лозим кўрса, бутун дунё, бутун коинот худди ўша ЦДЛда ўтирган шоир каби бир сонияда марҳамиятсиз қолган бўларди.

Москвадан Тошкентга учар экан, менда Финляндия сафаридан аввалги оптимизм йўқди.

Тошкентдан ҳам файз кетганди. Фақат мен буни сиёsat билан бўлиб, сезмагандим, кўрмагандим, бош кўтариб, атрофга қарашга

вақт тополмагандим. Энди билардим-ки, Тошкент ҳам худди Москва каби, ҳатто ундан ҳам баттарроқ эди.

Оллоху Таолоҳ бизга хурриятнинг бир учини кўрсатганди. Биз ундан одам каби фойдалана олмагандик. Биримиз бу хурриятдан маст бўлиб, кўчага чиқдик, иккинчимиз унинг соясида тахтга ўтиридик, учинчимиз уни рад этиб, эски замонларни қўмсадик.

Ва Яратган ҳар кимга лойиқ бўлган мақомини берди: хурриятдан сархушларни осий қилди, ундан фойдаланиб тахтга чиққанларни золим айлади, уни рад этгандарни эски мақомига, қулликка жўнатди.

Бу уч маҳлукдан ҳеч бирида бир-бирига марҳамат йўқди. Осиyllар бутун кучи билан золимларни, золимлар бор қуввати билан осиyllарни, куллар бутун нафрати билан ҳар иккаласини лаънатлай бошлагандилар. Ўзбекистондаги тузум ўша қайта куриш даврида ёқсан лаънат тошлари устига иншо этилгандир. Бу зулм иншооти бизнинг қалбларимизга марҳамат инган кун йиқилажакдир. Коидаси шудир, бошқа йўли йўқдир. Бошқа йўли бўлса ҳам, у йўл янгишдир. Чунки, бир зулмни иккинчи зулмга алмаштириш билан ҳеч нарса ўзгармайди. Ғоя - зулмдан воз кечиш бўлмоғи керак. Зулм ўрнига марҳамат ерлашмоғи керак. Тўғри йўл дегани шу.

ҚОЧИШ

Тошкентга келиб, «Бирлик» Қурултойининг ўтгани ва у ерда ташкилотнинг янги раҳбарияти сайланганидан хабар топдим. Мени ташкилот фаолиятида янгидан иштирок этишга ундадилар. Мен рад этдим. Рад этиб, тўғри қилганимни бугун англаяпман.

Саксон тўққизнинг охири ва тўқсонинчи йилларнинг бошига келиб, Совет Иттифоқидаги сиёсий вазият янги фазага кирганди. Биз буни ўша пайтда идрок этмагандик, албатта.

Бир шахс, бир гуруҳ ёки бир ҳалқ муайян нуқтада кутилмаган бир ҳаракат қиларкан, бу ишқ қарашда мантиқсиз ва гайри-ихтиёрий кўринса-да, кейинроқ унинг ҳайратланарли даражада мантиқли ва прагматик экани маълум бўлади. Саксон саккизинчи йилда Совет Иттифоқи жумҳуриятларида «Народный фронт», «Халқ жабхаси», «Халқ ҳаракати» номлари остида

тузилган барча миллий ташкилотлар 90-йил бошларида ўз структураларини ўзгартиришга мажбур бўлдилар. Юзага келган янги сиёсий вазиятда бу стихияли дунёга келган мўрт ташкилотлар ўзининг лаёқтосизлигини кўрсата бошлаганди. Мобиш, интизомли, аниқ мақсадга йўналтирилган, қатъий иерархияли ташкилот давр талабига айланганди. Шунинг учун ҳам Болтиқбўйида, Русияда, Кавказда «Народный фронтлар» парчаланиб, сиёсий партияларга айлана бошлаганди. Бу нормал сиёсий жараён эди. Лекин биз каби узун йиллар мустамлакада қолиб, хуррият парчаси тушган мазлум халқлардан «нормал сиёсий жараён»ни дарров англашни талаб қилиш мумкин эмасди. «Бирлик» ҳаракати етмиш йил мустамлакадан сўнг халқнинг ўзи таъсис этган илк сиёсий ташкилот эди. Жунбушга келган халқ учун бу ташкилотни месимаслик, унинг ўзини месимаслик деган гап эди. Бу ташкилот сафига қўшилиш шараф, ундан чиқиш эса, хиёнат саналадиган бўлиб қолганди. Шундай бўлиб қолганини 89-нинг охирида мен билмасдим. Мен ҳали ҳам индивидуал хурриятнинг измида эдим. Ҳали ҳам истаган жойимга бориб, истамаган жойимга бормайман ва боришига мени ҳеч ким, ҳеч нарса мажбур қилолмайди, деб ўйлардим.

Ҳали умумнинг хурриятини яхши танимасдим. Бу хуррият ўзига хос, деспотик бир хуррият эди. Мен буни «Бирлик»дан чиққанимни эълон қилганда хис этдим.

Финляндиядан қайтиб, «Бирлик»дан чиққанимни эълон қилдим. Дўстларга қўлимдан келганини бажарганим ва ортиғига кучим етмаслигини айтдим. Ташкилот менсиз ҳам юраверади, балки, тезроқ юрабошлайди, дедим. Улар эътиroz билдиришмади. Аммо Ёзувчиilar Уюшмасига келаётган халқ «Бирлик»дан кетишимни яхши қабул қиласди. Эътиrozлар борган сари кучайди. Мен бунга эътибор бермадим. Финляндия сафаридан аввал миямда программалашган шеъриятга қочиш фикри мени ҳамон жазб доирасида тутиб турарди.

«Фил суюгидан ишланган минора» йиқилган бўлса, ўзим янги минора тиклайман, деб ўйлардим. Ўйлаганим бўлмади. Минораларни тиклаш замони ҳали келмаганди. Минораларни йиқиши даври давом этаётганди.

Менинг «Бирлик»дан айрилишим умумнинг нафсониятига тегди. Умум мени ортиқ ўзининг бир қисми деб биларди. Умум

жунбушга келганды, мен ҳам жазавага тушмоғим шарт эди. Умум бақириган пайтда мен ҳам жим турмаслигим керакди. Умум қашқа отса, менинг хўмрайиб ўтиришим асло мумкин эмасди. Умум турса туриб, ўтирса ўтироғим, ўл деса, ўлиб, яша деса, яшамоғим керак эди.

Мен бундай режимда яшай олмасдим. Менда нафас олиш ритми умумнинг ритмига мос келмасди. Одамларнинг тазиикى, яхши ниятда қилинаётган бўлса-да, мени «Бирлик»дан янада узоқлаштириди.

Тўқсонинчи йилни «Бирлик»сиз кутиб олдим. Қаршимда яшалмаган бир босқич, ёзилмаган бир сахифа турар эди. Уни қандай яшаш, унга нимани ёзиш менинг ишими, бошқа ҳеч кимнинг иши эмасди. Ҳархолда, мен шундай хаёл килардим.

1990 йил. ЯНГИ ТАШКИЛОТ

Янги йилда орзу қилганимдек, «шеърият диёри»да гизлана олмадим. Орзу қилмаганимдек, яна ўша сиёsat остонаядан кетмай турарди.

Ёзувчилар Уюшмасига келаётган халқ миқдори ўша-ўша, омманинг фаоллиги ҳали ҳам юксакди. Бир илмий институт ходимлари билан учрашувда сиёсий мустақиллик ҳақида гапиргандим. Мавзу мен кутган даражада таважжуҳ кўрмади. Аммо икки-уч кун ўтмай, бу фикр ўз доирасини кенгайтиргани маълум бўлди. Олимлардан бир-иккитаси келиб, бирга бу фикрни муноқаша қилишга урундиқ.

Сиёсий мустақиллик ғояси ёзувчилар орасида доим тортишилган ғоя эди, аммо халқ олдида чиқиб гапирilmagan эди. «Бирлик»ни тузатиб ҳам, бу ғояни ҳаракат дастурига киритишни ўйламагандик. Чунки, киритишнинг ҳеч имкони йўқди, тўғрироғи, вақти келмаганди.

Тўқсонинчи йилнинг январ ойида бир неча киши Ёзувчилар Уюшмасида ўтириб, бунинг вақти келганини бир-биримизга айтдиқ. Мустақиллик ғоясини сиёсий платформага қўйиб, халқ олдига чиқаришнинг вақти келганди.

Балки бу ғоя Совет мустамлакасида нисбатан оз яшаган Болтиқ жумхуриятлари учун радикал ғоя эмасди, аммо 135 йил рус истибодди остида эзилган ўзбеклар учун мустақиллик ғояси 1980-

йиллар охирида радикал саналарди. Шу ғоя билан чикадиган бир сиёсий партия тузиш қарорига келдик. Бу қарорга келгандар яна уч-түртта киши эди. Худди «Бирлик»ни тузган пайтдагидай уч-түртта хаёлпараст янги можоро остонасида парвойи-фалак турардик. Менга янги бир ҳаяжон хужум қилганди.

Ҳаётим бўйи тасвир этганим муболага, лоф, оврупocha айтганда «типербола» ҳозир амалий бир хужжатга айланиси арафасида турарди.

Бор йўғи тўрт йил аввал, саксон олтинчи йилда бу ғоя бир ташбех эди, холос:

Тилчининг дегани

«Эрк» сўзи

Отаси эмасмикан «эркак» сўзининг?

Шундай бўлиши мумкин

Фақат ўтган замонларда.

«Эрк» сўзида балки,

Умуман маъно йўқдир,

«Эрк» сўзи шунчаки

Ўлаётган аскарнинг бўғзидан чиққан

«Ҳиқ»қиллашидир?

Шундай бўлиши мумкин,

Фақат афғон томонларда.

Биз учун эса,

Эринчоқ одам тўқиган сўздай туюлар у,

шунчалар қисқа:

Эрк.

1986 («Орзу фуқароси», 1990)

Биз эринчоқ ўзбеклар, нихоят, бу сўзни ошкора талаффуз қилишга журъат қилгандик. Янги ташкилотни «Эрк» деб атайдиган бўлдик. Бу ном фақат шеърларда зикр қилинган ғоя эмас, балки, 20 аср бошида Русия ва Туркистон жадидлари тузган сиёсий ташкилотнинг ҳам исми эди. Худди «Бирлик» каби «Эрк» ҳам маълум маънода жадидлар ҳаракатини давом эттиришга бўлган ружу натижаси эди.

Фақат баъзи оғайниларимиз «Эрк»нинг бирданига сиёсий партия деб эълон қилинишига этиroz билдиришди. «Ҳаракат» бўлсин, кейинроқ «партия» деб атаймиз деган фикр ўргага ташланди. Бу коммунистик партияning ўзига ракиб чиқишига таҳаммул қила олмаслиги билан изоҳланди. Фикр мантиқли кўринди ва апрел ойигача «Эрк» халққа ҳаракат деб танитилди.

«Эрк»нинг тузилиш жараёни оғрикли кечди. «Бирлик»даги дўстлар буни бирданига қабул қила олмади. Пўлатов ва унинг бир-иккита яқини мени «Бирлик»ни парчалаганлиқда айблаб, ташвиқот машинасини ишга солиб юборишганди.

Энг содиқ бўлғанлар, мени узоқ йиллар таниган оғайниларимиз ҳам шубҳа домига тушгандилар. Улар мендан шубхаланишарди. Бу мени ғазаблантиради. Худди мендан шубха қилиш мумкин эмасдай ғазабланардим. Соддалик шу қадар эди.

«Эрк»нинг тузилиш жараёни фақат бизни эмас, хукумат шовозни ҳам ҳаяжонлантирганди. Хукумат, Худо ёрлақиб, бизни қўллайдиган бир ташкилот курилса, дея қўлларини ишқаб, енгларини шимариб турарди. «Эрк»нинг тузилиш босқичида, ҳатто кейин ҳам, то апрел ойигача, ташкилотнинг таъсис Курултойига қадар хукумат ўз умидидан воз кечмаганди. Хукуматда бу умидни туғдирган нарса «Эрк» дастури лойихасида унинг конструктив мухолифат бўлажаги ҳақидаги баёнот эди.

Шу умид билан, 1990 йил феврал ойида ўтган Олий Кенгашга сайловларда менинг номзодим кўрсатилар экан, хукумат қаршилик қилмади.

Аксинча, Компартиянинг Тошкент шаҳар секретари Адҳам Фозилбеков менга «номзодингизни Талабалар шаҳарчасидан эмас, Профессорлар шаҳарчасидан кўрсатинг, ғала-ғовур камроқ бўлади, биз ҳам қаршилик қилмаймиз,» деб ваъда берди. Ва, ҳақикатан ҳам қаршилик қилишмади. Бу Компартиянинг менга кўрсатган биринчи ва сўнгти толеранси эди.

СОКИН САЙЛОВ

Бу сайлов Ислом Каримов режимидағи илк ва сўнгти нисбатан демократик сайлов бўлғанди. Аммо биз у пайтда «бу сайлов демократиянинг бошланиши, хали камчилиги кўп, янаги сайловларда демократия янада кўпроқ бўлади,» деб режа қиласардик.

Адҳам Фозилбеков маслаҳат қилганидек, номзодим Профессорлар шаҳарчасидан кўрсатилди. Бу округдан яна иккига киши номзодини кўрсатган ёки кўрсатмоқчи экани маълум бўлди. Бири Ўзбекистоннинг собиқ коммунист раҳбари Мухиддинов, иккинчиси Тошкент Университети ўқитувчиси Мухтор Шапсанов эди. Мен Хоразмга, ота-онамни зиёрат қилишга кетгандим. Тошкентдан телефон қилишди, Мухиддинов экан. У бизнинг округдан ўз номзодини қайтариб олаётганини айтди. Буни жумҳурият келажаги учун, сиз учун қилаяпман, деди. Мухиддинов кўпни кўрган дипломат, сиёsatчи эди. Унинг илтифоти ва илик гаплари учун ташаккуримни билдиридим.

Тошкентга келганимдан кейин Мухтор Шапсановнинг ҳам ўз номзодини қайтариб олганини эшигдим.

Округда 89 фойиз ерли халқ, 11 фойиз рус тилида гаплашувчи аҳоли бор эди. Бу рақам сайлов натижаларида айнан акс этди. 89 фойиз «ҳа», 10 фойиз «қарши» овоз олдим. Анишчев ва Сатинларнинг менга қарши пропагандаси рус аҳолиси ичida ҳали ҳам устивор эди.

Олий Кенгашнинг 1990 йил вужудга келган таркиби Совет Ўзбекистони учун яп-янги воқеа бўлди. Сайланган депутатларнинг нақд 5 фойизи коммунист бўлмаган одамлардан ташкил топганди. Бу акл бовар қилмас прогресс эди. Ўтмишда коммунист бўлмаган ҳеч бир кимса депутат бўлиш у ёқда турсин, бу ҳақда орзу ҳам килолмасди.

Албатта, хукumat ҳар бир округда вилоят раҳбарлари ва ўзига яқин одамларни кўрсатишга интилди, аммо уларга муқобил номзод қўйилишига ҳам қаршилик кўрсата олмади.

Кўрсатса ҳам бу қаршилик ҳамма ерда муваффақиятли чиқмаганди. Олий Кенгашнинг биринчи мажлиси март ойининг бошида ўтди. Мен бу йигинда қатнаша олмадим. Март ойининг бошида Москвадаги АҚШ элчиси Мэтлокнинг таклифи билан 4 кишилик гурух ичida Америкага бир ойлик сафарга чиқдим.

АМЕРИКА

Сафар программаси бир ойга мўлжалланганди. Унга, асосан, Америка этнографияси ва у ерлардаги миллий қавмларнинг турмуш тарзи билан танишув режа қилинганди. Балки, бундай бир

программа даражасида Ўрта Осиёдан чақирилаётган илк киши эдим. Тұғриғи, шундай программага қатнашишга изн берилған илк одам. Чунки, Совет Иттифоки ўз фуқароларини миллий қавмлар ахволи билан қызықиши, уни мұхомамалар қилиш даражасида әркін етиштирганди. Бундай мұхомамалар ёзилмаган қонун билан таъқиқланғанди. Faқат қайта куриш туфайли бошқалари қатори бу таъқиқ хам бузила бошлаганди. Менинг 80-йилларда демография ва тил ҳақида ёзған мақолаларим Farb советологларига таниш эди. АҚШ сафари рўйхатига ҳам шу боис тушиб қолған бўлсам керак. Ҳамроҳларим Москвадаги КПСС институтидан бир фан доктори, СССР ҳалқ депутати бўлған бир гуржи олим ва яна бир этнограф, фан доктори хоним бор эди.

Программа Американинг пойтахти Вашингтон билан танишишдан бошланди. Бизнинг делегациямиз Америка Информация Маркази тарафидан даъват қилингани учун расмий ҳисобланар ва шунга кўра, матбуот ҳам бу тадбирни ёритиш учун огоҳ қилинган эди.

Шу баҳона билан «Америка овози» радиосининг ўзбек шўйбаси бошлиғи Абдулла Чифатой биз турган меҳмонхонани топиб келди. Бу Америкада дуч келганим биринчи ўзбек мухожири эди. Жуда севиндим.

Вашингтонда узоқ қолмадик, ўлқанинг энг шимолий минтақаси Сиэтл шаҳрига учдик. Сиэтл март ойида совук эди. Провинсияга чиқиб бир-икки хинду қабилалари йўлбошчилари ва хиндуларнинг яшаш тарзи ва урф-одатлари билан танишдик. Албатта, уларнинг яшаш тарзи бошқа америкаликларнидан хеч фарқ қиласди. Фарқи улар яшайдиган жой шаҳар саналмасди. Кўллар, ўрмонлар бор эди. Ҳатто бир майдонда қазилма бойлик ҳам борлигини ва бу хиндуларнинг миллий бойлиги эканлиги, унга федерал ҳукумат тегина олмаслиги ҳақида гапиришди. Лекин насли қирилиб битирилган бу ноёб қавмни энди бундай бойлик билан алдаш қийин эди. Чунки, хиндулар бу бойликни қазиб ололмасди, қазиб олса-да ишлата олмасди. Бунга уларнинг пули ҳам, ишчи кучи ҳам йўқ эди.

Америка хиндуларга баъзи ҳақлар бериб, ўтмишдаги уларга қилинган геноцид учун кечирим сўраётган эди гўё. Аммо бу кечиримни қабул қиласидиган ҳалқ йўқ эди. У ер, бу ерда ўзининг хинду эканини таъкидлаб, этник кимлигини жамоатга

таништиришга уринаётган гурухлар хиндуликни декоратив шаклда тақдим қилаолардилар. Уларнинг ҳиндулигидан фақат буғдойранг вужуди ва қора соchlари қолганди. Зеҳнларида эса, аллақачон ўз ҳокимииятни йўқотганди. Сиэтлда биз турган меҳмонхонага бир турк қизи келди. Аспирант турколог экан, ўзбекчани ўрганаётган экан. Ислим Дилак Элчин, романтик, туркчи бир қиз экан. Ўзбекистондаги сиёсий, ижтимоий ва маданий хаётдан анча хабардор эди. Унга менинг бу ердалигимни Олмонияда яшайдиган ўзбек муҳожири, тарихчи олим Боймирза Ҳайит айтибди. Дилакхоним менга Сиэтлни томоша қилдирди. Ўша куни Боймирза Ҳайитнинг ўзи ҳам телефон қилди. Сизнинг ижодингиз ва сўнгги йилларда ёзган ишларингиз билан яхши танишман, деди. Яқинда юрагим амалиёт қилинганди, агар бир ҳафта ичида ўзимни яхши ҳис қиласам, Америкага Сизни кўришга келаман, гаплашадиган гапларимиз кўп, деди.

Қайта қуришнинг сўнгти босқичида чет элларда яшаётган ўзбек муҳожирларида «Туркистоннинг кутулиши»га умид туғилганди. Улар имконлари доирасида Ўзбекистондан келган хабарларни таҳлил қилар, ватан тақдирни билан қизиқишарди.

Боймирза Ҳайит ўзбек муҳожирлари ичида актив фаолият кўрсатган кишишардан бири эди. Иккинчи жаҳон урушида олмонларга асир тушиб, «Туркистон легиони»да рус армиясига қарши жангларда қатнашган бу ўзбек зиёлиси туркистонлик сиёсий арбоб Мустафо Чўқайнинг сафдоши Вали Қаюмхон билан бирга фаолиятга бошлаганди. Боймирза Ҳайит урушдан кейин Олмонияда қолиб, у ерда уйланганди. Эллигинчи ва олтмишинчи йиллар орасида катор жамиятлар тузиб, Туркистон масаласини дунё жамоатчилигига англатишга урунган фидоий одам.

Сиэтлдан сўнгра, янглишмасам, Чикаго минтақасидаги испан тилли аҳоли лидерлари билан учрашгандик. У ерда эски дўстим Индианалик турколог олим Девин Дэвисни тасодифан учратиб қолдим. Бирга қаҳва ичдик, 80-йилларни эсладик. Орадан бор-йўғи олти йил ўтганди, аммо бу қисқа оралиқ абадият каби кўринарди. Бу қисқа вақт ичида Совет Иттифоқида катта воқеалар юз берганди.

Кейин Луизана, сўнгра Сан-Антонио ва яна бир неча штатда сафар программасини адо этдик. Тўсатдан ёғилган таасуротлар бироз чарчатди. Ню-Йорк программаси бошланганда мутасаддилардан

қолган бир хафтада менга ижозат беришларини сўрадим, «йўқ» дейишмади ва мен Ню Йоркда жойлашган ўзбеклар ёнига кетдим.

У ерда «Туркистон» жамиятининг раиси Невмат Бегиш кутиб олди. Бир неча ўзбек хонадонида меҳмон бўлдим. Ҳаммаси самимий қаршиладилар. Ўзбекистон ҳакида кўп сўрадилар, кўп сұхбатлашдик. Туркиядан Аҳад Андикон деган йигит етиб келди. Уни танимас эдим. Туркияда ҳам «Туркистон» жамияти бор экан, унинг раиси экан. Ўзи жарроҳ, аммо сиёсат билан қизиқаркан.

Икки кун сўнгра Олмониядан Боймирза Ҳайит учиб келди. Ёши олтмишдан ошганига қарамай, бакувват эди. Факат юрак амалиётидан сўнгра тўққиз соат учоқда ўтириш осон иш эмасди. Оёклари шишиб кетганди. Мен шунча заҳматнинг кераги йўқ эди, дедим. Э, қизиксиз, сизларни яна қачон кўрамиз, деди кулиб бу аскар одам. Боймирза ака билан беш кун давомида мириқиб сұхбатлашдик. Миллий масала бўйича қарашларимиз деярли бир хил эди. Унинг китобларини ўқимагандим, аммо унга қарши Совет матбуотида босилган қораловчи мақолаларни ўқигандим. Ню-Йоркда, аср бошида «Босмачилар ҳаракати» номи билан машхур бўлган миллий озодлик ҳаракати лидерлари Шермуҳаммадбек (Кўршермат)нинг авлодлари билан ҳам учрашдим.

Кейин Боймирза Ҳайит, Аҳад Андикон ва мен Вашингтонга кетдик. Бизга Ню-Йоркдаги «Туркистон» жамиятининг эски раиси Абдулла Хўжа ҳамроҳлик қилди. Абдулла Туркистон даъвоси билан етишган ёшлардан эди. Самимий инсон, Ню-Йоркда экан, унинг уйида қолгандим.

Вашингтонда Совет пропагандасининг яна бир салбий қаҳрамони Рўзи Назар билан кўришдим. У саксон иккинчи йилда «Литературная газета»да чиққан бир мақолада Рим папасига сиққасд ташкилотчиларидан бири ўлароқ тасвиrlанганди.

Рўзи Назар ҳам Боймирза Ҳайит каби «Туркистон легиони» мансубларидан, олмон хонимга уйланган, сўнгра АҚШга келиб, Пентагоннинг тадқиқот бўлимида, дипломатик вазифаларда ишлаган киши. Кўпни кўрган ва жуда кўп нарсани билган одам. Сұхбатларимиз жуда мароқли бўлди.

Америкадаги ўзбек диаспораси биз ўйлагандай катта эмас экан. Кичик гурухлар ҳолида Вашингтон атрофлари, Ню-Йорк теваракларига жойлашганди. Ўзбек зеҳниятидаги катта шахарлардан тискиниш хусусияти бу ердаги муҳожирлар

турмушида ҳам маълум даражада акс этганди. Кўпчилиги метрополларнинг теварагидан бошпана топғандилар. Ҳар бир ўзбек уйи олдида ёки орқасида кичик боғчаси бўлишини истайди, америкалик ўзбеклар бу стандартга ҳам уйғун яшашга ингилганлари кўриниб туради. Хоналарда қўйилган хонтахта, унда дастурхон безаш услуби ва ерда тўшалган кўрпачалар аждодлари, турли сабабларга билан ўз юргидан айрилган бу одамларнинг инстинктив равишда этник ўзлигини муҳофаза этаётганига ишоради.

Факат, афсуски, бизга теккан касал, бу ерда ҳам ўзаро жипслик йўқ эди. Бошқа миллий гурухлар каби ташкилотланиш, жамоатчиликда ўз ўрнини топишга рағбат суст эди. Аммо буни айтишга мен ҳақли эмасдим, уларнинг меҳмони эдим, холос.

Барибир, уларнинг ёнидан хурсандчилик билан айрилдим. Ҳаммаси яхши ниятли, ўз ватанларини соғинган, унга яхшилик тилаган инсонлар эди. Менинг «Бирлиқ»дан чиққанимни эшитгандилар. «Эрк»нинг Ўзбекистон мустақиллиги учун курашажагини айтгандим, жуда қувонишиди. Жўнаб кетарканман, «Эрк» учун компьютер, факс ва нусха кўчириш машинаси ҳадя этишиди. Бу ускуналар харакатимиз тарғиботига кўл келди...

ЯНГИ ТОШКЕНТ

Тошкентда бир ой бўлмагандим, учоқдан инар экан, шаҳарда ўзгариш ҳавосини ҳис этдим. Баъзи мингақаларда масҳат туркларига қарши провакациялар уюштирилиб, вазият таранглашиб турган бўлса-да, умумнинг руҳияти яхши эди. Ҳамма янги Олий Кенгашнинг биринчи сессияси ҳақида гапиришарди. «Москвада Собчак чиққан бўлса, бизда Мурод Жўраев бор, жасур қизимиз Тойiba Тўлаганова бор,» дердилар оғиз тўлдириб. Мен жуда севиндим. Бутун андишаларга қарамай, ишимиз ниҳоят ўнгидан келибди-да, дедим кўнглимда. Агар Олий Кенгашда ҳукуматни очиқ танқид қилишга қадар миллатвакиллари бўлса, демак, бу сайлов бекорга кетмабди. Демак, мамлакатнинг кутилиши яқин, дея орзу қила бошлади кўнгил.

Ёзувчилар Уюшмасига келдим, у ерда ҳам харакатли бир хаёт жўш уради. «Эрк»нинг илк газетасини олиб келишиди. Машинкада босилиб, А-4 ҳажмдаги қоғозга босилган ваарақ шаклидаги бир нарса. Аммо унда «Эрк»нинг мустақиллик ҳақидаги

илк муждалари ўша ибтидоий «газета»да босилганди. Одамлар илк даъфа ўз юртларининг мустақиллигини шиор қилган бир ташкилотни иншо қилиш учун тўпланиб турадилар. Бир романтик туйғу ҳоким эди. Уни таърифлаш учун ўша 90-йилларнинг найсон (апрел) ойи бошларида Ёзувчилар Уюшмасининг кичик мажлислар залида тортишаётган шоир-ёзувчилар кўзидағи ўтни кўриш лозим бўларди.

11 найсон (апрел) 1990 йил «Эрк» ҳаракатининг таъсис қўмитаси бу ҳаракатни «Эрк» Демократик Партияси деб аташга қарор қилди. Таъсис Қўмитаси «Эрк» Демократик партиясининг Биринчи Курултойини 30 найсонда ўтказишни белгилади.

Таъсис Қўмитаси мажлисига қўмита аъзоларидан ташқари ҳам одамлар кирганди. Оломон каттайиб, залга сифмади, кўплар оёқда туришди. Кўтаринки рух, келажакка ишонч барқ уради юзлардан. Бу мажлисда шу тубандаги нутқни ўқидим:

Бу тонг эмас, шом шафақлариридир. Биз Кунчикарга эмас, Кунботарга қараб турибмиз. Зотан, коммунизм қуёши ҳам бир пайтлар - нотабиий бир йўсинда - Кунботардан кўтарилиганди. Лекин у ботар экан, ўзининг табиий йўлини танлади.

Италия, Олмония, Руминия, Полония, Югославия, Чехословакия ва бошқа Оврупо мамлакатларидағи кескин сиёсий ўзгаришлар ботаётган коммунизм қуёшининг шафақлариридир.

Коммунизм доҳийси Карл Маркс «Инсон ўз ўтмиши билан жилмайиб видолашади,» деган экан. Агар коммунистлар бу шом шафақларига қараб, жилмайишга куч топсалар, ҳақиқатни тан олган бўладилар.

Ҳақиқат бир қадар тан олинаяпти ҳам. Масалан, Италия коммунистлари ўз партияси номини ўзгартирдилар. Булғористон ҳам шу йўлдан кетди. Руминия коммунизм гоясидан бутунлай воз кечди. Чехословакия, шарқий Олмония коммунистлари саросимада ва ҳоказо. Коммунизмни фаол ҳимоя қилаётган мамлакатлар унчалик кўп эмас. Фарбда - Албания, шарқда - Хитой ва Шимолий Курия, Лотин Америкасида - Куба. Лекин уларнинг орқасида буюк бир давлат - Советлар Иттифоқи бор. Бугун Кубанинг раҳбари Фидел Кастро Совет Иттифоқидаги янги сиёсатни танқид қилаётган бўлса ҳам, Хитой «биз бошқа йўлдан борамиз,» деб турган бўлса ҳам, Албания Москов тарафидан келаётган садоларни эшитмаслик учун қулогини бекитаётган бўлса ҳам, улар батамом

советларга сұянади. Улар коммунизм гоясина ҳаётта бириңчи бор тадбиқ этгандын мамлекатдаги сиёсий структура турлы хил маданиятта эга бўлган турли халқлар ҳаётига мислсиз даражада оригинал боғланганлигини ва бу тутунни ечиш Овруподаги каби осон кечмаслигини яхши биладилар.

Улар яна, Совет Иттилоғида сиёсат саҳненің қиқаёттган кучлар - халқ ҳаракатлари ва турли партиялар ўзини ўнглаб олгунча, КПСС вақтдан ютиши ва ўз-ўзини чиндан ҳам қайта қуриб улгuriшига ишонадилар. Дарҳақиқат, ишончга маълум асослар бор. Бириңидан, янги сиёсий уюшмалар тузилиш жиҳатидан КПССГа нисбатан анчагина мўрт ва кураш тажрибалари деярли йўқ. Қанчалик бюрократик бўлмасин, КПССнинг йиллар давомида шаклланган иш услуби мавжуд ва бу услубга ҳам бирор бир янги партия эга эмас. Шунинг учун ҳам янги жорий этилган сиёсий программалар, асосан, жамиятни демократлаштиришга қаратилган ва улардаги сиёсий ҳокимиятга дахлдорлик фақат яна ўша ҳоким табака - КПСС аъзолари орқали ўз ифодасини топмоқда. Болтиқбўйи ва бошқа мингақалардаги сиёсий ҳаракатларнинг раҳбарлари аксар коммунистлар эканлиги бунинг мисолидир.

Коммунистлар ким ўзи?

Улар бир алоҳида ирқ эмас. Улар биз билан ёнма-ён яшаёттан яқинларимиз, оталаримиз, акаларимиз, опаларимиз, ука ва сингилларимиздир. Лекин улар уйдан чиқиб, давлат хизматчисига, зиёлига, дехқонга айланадилар. Яна нарироқ бориб, давлат деб аталган баҳайбат машинанинг кичик, аммо зарур музватларига айланадилар. Улар ишга тушар экан, имтиёзли ижтимоий қатлам - ҳоким синғфа айланадилар. Ҳокимлик мақоми фақат сиёсий дастак билан эмас, балки, иқтисодий рағбат билан ҳам мустаҳкамлангандир. Бу мақом давлат идоралари, жамоат ташкилотларидан, оиласидан, муносабатларгача ўз таъсирини ўтказишга кодир.

Бугунги коммунист шахс ким?

Коммунистларнинг аксарияти турмушсевар, нисбатан иродали, ҳокимиятга интилувчи ва бу интилишидан уялмайдиган, ҳаётта кураш деб қарайдиган хушёр кишилардир. Улар идеалга (улкуга) ишонмайдилар. Шу жумладан, уларни ўз паноҳига олган коммунизм идеалига ҳам шубҳа билан қарайдилар. Бир сўз билан айтсан, коммунистлар материалистлардир - улар хар бир нарсани

қўл билан ушлаб кўрмаса, ишонмайдилар. Албатта, айнан шу маънода улар ҳақиқий марксчилардир.

Қолаверса, улар ижтимоий ҳаётни ниҳоятда сезгирилик билан кузатадилар ва иқлимга мослашув қобилияти уларда ўткир. Бугун фирмка билетини ташлаётганларга қараб, «нега бу ишни Брежнев даврида қилмадинг?», деб дашном берадилар. Менимча, бу ўринсиз дашном. Ҳар ҳолда, бир неча минг коммунистнинг фирмка билетини улоқтириши бутун бошли компартияниң ўз номидан воз кечишлари олдида хеч гап эмас. «Иклимни ўзгартира олмасанг, иқлимга мослаш.» Бу ҳақиқатни коммунистлар ёддан билишади.

Советлар курултойининг дастлабки босқичида мухолифат томонидан киритилган радикал таклифлар бугун коммунистларнинг программасидан жой олди. Улар ҳалқ ҳаракатлари ва янги тузилган сиёсий уюшмаларнинг эртага қандай талаф билан чиқишини олдиндан кўришга интилоқдалар ва таъбир билан айтганда, «қиҷидиган жойни бир аввал қашиб кўйиш»га уннамоқдалар.

Хуллас, коммунистлар бугун ҳам ижтимоий-сиёсий ҳаётга энг фаол кучлардан бири бўлиб қолмоқда.

Тўғри, кўп жойларда коммунистлар сайловда ютқаздилар, аммо ютқазса ҳам, кўпинча ўз сафдошларига - коммунистларга ютқаздилар. Улар ҳокимиятдаги айрим позитсияларни бой беришмоқда, аммо кетаётib, ўз курсисини кечаги сафдошларига - бугунги мухолифатчиларга - яна ўша коммунистларга топшириб кетаятилар. Қайта қуриш сиёсати коммунистлар ташаббусидан, аммо унга фаол қаршилик кўрсатадилар ҳам коммунистлардир. Факат бошловчилар эмас, бошланганни тутатишга уринаётганлар ҳам жиддий кучлардир. Совет Иттифоқи Конституциясидан VI-модданинг олиб ташланиши ҳам, кўппартиявийлик тузумга ҳайриҳолик ҳам коммунистларнинг ўз кучига бўлган ишончидандир.

Бу куч Совет Иттифоқида КПССнинг ҳокимлик муддатини бироз чўзишда ҳал қилувчи рол ўйнаши шубҳасиз. Аммо бунга ҳалал берадиган биринчи ва энг хавфли фактор - иқтисодий зилзиладир. Бунинг олдини олиш учун жорий этилаётган эркин олди-сотди сиёсатини ҳаётга тинч йўл билан тадбиқ этилишини таъминлаш зарур. Бу тадбирнинг давоми ўлароқ, ўз ҳаражатини

көплайдиган колхоз-савхозларнинг ер ва сувини шахсларга абадий бўлиб бермоқ лозим ва ҳоказо.

КПССнинг олдида турган иккинчи тўсиқ, маълумки, миллий масаладир. Қайта қуриш сиёсатини бошлаб берганлар иқтисодий муаммо ҳал қилинса, миллий зиддиятлар сусайишини тўғри таҳмин этадилар, аммо ўша иқтисодни йўлга кўйиш учун КПСС жумхуриятларга миллий хукуқлар бериш мажбуриятида қолади. Чунки, биронта жумхурият ўз ери, ўз бойлиги, ўз хукуқи, яъни, миллий хукуқларига эга бўлмай туриб, иқтисодий мустақил бўлолмайдилар. Ва демак, эркин олди-сотди сиёсати, иқтисодий мустақиллик ўзининг мантиқий давомини - сиёсий мустақиллик эктиёжини туғдиради. Бу ҳолат КПСС стратегиясида кўрсатилмагандир.

КПСС Иттифоқда ўзининг ҳокимлик муддатини чўзиши истар экан, (бунга шубҳа йўқ) бугунги сиёсатни федаратсион эмас, конфедаратсион давлат тузиш учун йўналтиришга мажбурдир.

Тан олиш керак, коммунизм күёши ботаяти. Уни партиялар ушлаб қололмайди. Зотан, коммунистларнинг фаоллиги ҳам коммунизм гоясини ҳимоя қилишга эмас, ҳокимиятда ўз мавкеини сақлаб қолишга қаратилган. Таъбир билан айтсан, коммунизм гояси бир худо бўлса, компартиялар бир дин эди. Худо кетди, дин қолди. Эътиқод сўнди, намоз давом этаяти. Лекин бу намоз - шом намозидир. Албатта, бу бошқа партиялар фаолияти учун майдон тўла очик, деган гап эмас. Янги партиялар ўз гояларининг ҳаётий эканини амалда исбот қила оладими, ҳалқни ўзига эргаштира оладими - гап шунда. Бунинг учун вақт керак. Бу вақт кимнинг фойдасига ишлайжагини яна ўша вақт кўрсатади.

Бу нутқдан кейин яна бир неча киши сўз олди. Ҳаммаси бу янги ташкилотни қуришга қатъий қарорли эдилар. Аммо бу ишнинг осон бўлмаяжагини билганлар ҳам бор эди. Биринчидан, орамизда ҳеч ким сиёсий партия «тузиб» кўрмаганди. Ягона партия КПСС бор эди, у ҳам Ленин тарафидан тузилганди. Иккинчидан, муҳолиф фикрловчи қатламнинг аксарияти «Бирлик» характерига қўшилиб бўлганди, уларни янги ташкилотга жалб қилиш қийин эди. Қолаверса, «Бирлик» ичидаги иғвочи гурух «Эрк» хукumatга сотилган деган ташвиқотни авж олдириб юборганди.

Хуллас, «Эрк» тап-такир чўлда қурилиши лозим эди. Бизда на тажриба, на маблағ ва на-да «ишчи кучи» бор эди. Бизда гоядан

бошқа ҳеч нарса йўқди. Мустақиллик ғоясидан бошқа. Бу ғоянинг халқ тарафидан кўллаб-куватланадими, йўқми, уни ҳам билмасдик. Биз, худди «Бирлик» куришишида бўлгани каби, акл билан эмас, интиутив зако билан йўлга чиққандик. Йўлимиз тўғри эканлигига ишонч бор эди, қатъиятли эдик. Бу сифатлар бизга кимсасиз сахрода мустақиллик байроғини кўтариш жасоратини берганди.

*Ҳар бир сонияда юз бор тирилган,
Юз бор сўроқланган шапнатдай диёр,
Сенми ҳали ўша кўкка интилган,
Сенми қоронгуда ахтарган зиё,
Фаровон ҳаётдан ношукур бандা,
Нон эмас, Эрк ҳақда ўйлаган сенми?
Ёмон отли бўлиб ҳаммага бунда
Яна ҳамма ҳақда ўйлаган сенми?
Сенми, тутуб қолган Адл қамчисин,
Сенми ҳақ жазога халақит берган?
Сенми, нишон олган қўзёш томчисин,
Сенми, ҳали ўша тақаббур мерган?
Сенми, ҳамон бўйинсунмаган бўйин,
Қакраган лабларнинг ол қаҳри сенми?
Куллар саҳросида кўтариб қуюн,
Ҳеч не кўрмагандай лол даҳрий сенми?
Соқчи уйқуда деб умидла боқсан,
Қочишни кўзлаган сенми пиёда,
Бу оғир занжирни шалдиратмоқча,
Журъат этган сенми жим-жит дунёда,
А-ҳа, сенми? 1985 («Олис табассум сояси,» 1986)*

Бу шеър ёзилгандан кейин беш йил ўтганди ва ортиқ сахро «қуллар саҳроси» эмасди. Оёқдаги занжирларимиз шаракларди, аммо биз энди бундан кўркмасдик. Соқчи уйғониб бўлганди, аммо ҳеч нарса қиломасди. Ҳаммага ёмонотлиқ бўлсак ҳам, ҳаммани ўйлашга жазм қилгандик.

Тўқсон иккинчи йилнинг ўнбиринчи найсонида тўпланган «Эрк»чилардаги бу жўшқинлик ўша кун орамиздаги

коммунистларни фирмка билетларини улоқтиришга мажбур қилди. Ҳатто эҳтиёткор шоир Эркин Воҳидов ҳам бу мажлисдан илҳомланиб, «Фирка билетимни отганим бўлсин,» деган шеър ёзганди.. аммо фирмка билетини отмаганди. Ҳар эҳтимолга қарши, уни яна бир ярим йил, то Янаев хунгасигача асраганди.

Аслида, Эркин Воҳидовнинг бошқа коммунист-зиёлilarдан мустасонлиги йўқ эди. Аксинча, уни ўзбек коммунист-ёзувчиларининг типик вакили дейиш мумкин эди. Фақат шоирлиги, касбининг ўзига хослиги уни бошқа коммунистларга нисбатан либералроқ шамойилда кўрсатарди. Қайта қуриш бошланганида бу тиғдаги одамлар ёпласига ҳалқ ҳаракатига қўшилди ва ҳаракатнинг муҳим парчасига айланди. Бизнинг коммунистлар билан муросамиз уларнинг ўша миллий ҳаракатга қўшган хиссаси учун кўрсатган илтифотдан бошқа нарса эмасди.

Коммунист раҳбарлар билан муносабатда ҳам уларнинг миллий масалага накадар ҳайриҳоҳлиги биз учун асосий мезон бўлди. Табиий, уларнинг, деярли ҳаммаси бу масалага жорий сиёсий конюктура доирасида ёндошар, вазият уларнинг фойдасига бўлса, миллиятчи бўлишар, зарарига бўлса, дарров душманга айланишарди. Лекин Оллоҳнинг бизга берган матоҳи, хом-ашёси шу эди. Шу хом-ашё билан ишлаб-чиқаришни йўлга қўйиш лозим эди. Масала, бу коммунист раҳбариётни дўстга айлантира олмасак, лоақал уни душманга айлантирумаслиқда эди. Ундан келиши мумкин бўлган зарарни минимумга индириб, диққатни ҳалқнинг тезроқ уйғонишини таъминлайдиган ишларга қаратиш эди. Бу тактика 90-йилда жуда аскотди. «Эрк» ташкилоти ўз гояси билан мавжуд тузум илдизига болта ураётганини кўрган раҳбарлар бунга, тишларини гижирлатиб бўлса-да, чидаб турдилар.

Албатта, бунда Совет Иттифоқида давом этаётган эркинлик руҳининг таъсири бор эди, аммо Ўзбекистон Русия эмас, Тошкент ҳам Москва эмасди. Биз сиёсатимизни шу реал воқелик устига қуришга интилдик. Бу ўз самарасини берди. «Эрк» қисқа вақт ичида жиддий талофат кўрмасдаң, оёққа турди, ҳалқ орасида танилди. Сахро одам яшайдиган маконга айлана бошлаганди.

«ЭРК»НИНГ БИРИНЧИ ҚУРУЛТОЙИ

1990 йилнинг 30-найсонида, «Билим жамияти»нинг конференция залида «Эрк»нинг 1- Курултойи очилди. Курултойда

200 атрофида делегат ва маҳаллий, марказий матбуот вакиллари қатнашди. Тошкент телевидениеси, ҳатто Москванинг «Время» программасидан мухбирлар келиб, бизни ҳайратга солишиди. Йигинимизга қўсатилган бу таважжух сабабларини Қурултойдан кейин ўргандик. «Эрк»нинг программаси тезисларини ва кириш нутқини мен ўқигандим. Бошқа маъruzачилар чиқиб гапиришиди. Ташкилотнинг раҳбар органлари сайланди. Партия раислигига номзод кўрсатилдим. Бир неча қарши овоз чиқди, аксарият кўллади ва «Эрк» партияси раиси сайландид.

«Эрк» 20 йиллардаги жадидлар ҳаракатидан кейин пайдо бўлган биринчи миллий партия эди. Қайта қуриш даврида пайдо бўлган «норасмий» ташкилотларнинг «байналминалчиллик», «социализмнинг инсоний юзи» каби риторикасидан воз кечиб, мақсадини ошкора ўртага қўйган илк ташкилот эди. Бу фарқ, Қурултойдан кейин, айниқса, яққол кўринди.

Қурултойнинг эртаси куни ўзбек матбуоти ҳам Москвадаги матбуот ҳам Қурултой ҳақида лом-мим демади. Телевидение мухбирлари олган суратлар, газетачилар ёзган хабарларнинг бирортаси чиқмади. Воеани ёритиш шахсан И.Каримов тарафидан таъкидлангани маълум бўлди. Мен Марказкўм бўлим мудири Шаҳобиддин Зиёмовга телефон қилиб, нега шундай қилинганини сўрадим. У бундан масъуль эмаслигини, бу масаланинг юқорироқ мақомда кўрилганига ишора қилди. Яна бир неча қундан сўнг «Эрк» газетасининг (тўғрироги, варақасининг) сўнгги сонида босилган «аксисловет» фикрлар учун Тошкент шаҳар прокурори менга чақирув қозози юборди. Депутатлик даҳлсизлигим бор эди гўё, аммо барибир прокурор чақираётганди. Демак, даҳлсизликка даҳл қилишга қодир бир шахс тарафидан юборилганди бу. Мен эркчишлар билан маслаҳатлашиб, боришга қарор қилдим. Прокурор «кечирасиз, сизни чақиришга мажбур бўлдик, чиқарган варақаларингиз хукуматимизга ёқмаяпти,» деб очиқ гапни айтди. Мен қайта қуриш даврида миллий масалаларнинг факат бизда эмас, кўпчилик жумхуриятларда очиқ ўртага қўйила бошлаганини тушунтирдим. Норозилиги бўлса, Каримовнинг ўзи айтсин, мени Олий Кенгашда истаган пайтда кўриши мумкин, дедим.

Аммо Каримов «кўришни» у қадар истаётгани йўқди. Масалани хукуқ органлари воситасида, очиқ бўлмаса-да, сезиларли тазийқ ёрдамида ҳал қилишни ўйлаётганди. Депутатни прокурор

чакириши маълум маънода ҳақорат эди. Депутат бўлдинг, аммо «норасмий» лигингча қолдинг, демоқчи бўларди бу билан Каримов. «Эрк» Курултойи унинг хафсаласини тамоман «пир» қилганди. «Эрк»нинг конструктив мухолифат тезиси ҳеч бир шаклда «хукумат тарафдори» деган маънони бермаслиги Курултойда ўқилган нутқ ва холосавий хужжатлардан кўриниб туарди. Айнан шу сабабли, Курултой ҳақида матбуотда бир кичик хабар ҳам чиқмади, матбуот вакилларининг саси ўчирилди.

«Эрк» тимсолида Ўзбекистон Компартиясига қарши илк сиёсий ракиб пайдо бўлганди, Компартия бошида эса, Ислом Каримов туарди. Унинг рақибга ҳам, ракобатга ҳам ҳеч тоқати йўқ эди. Аммо унинг бу хусусияти 90-йилда очиқ кўринмасди. Мен бу одамни яхши танимасдим, кўпчилик қатори ундан хайирли ташабbusлар кутаётгандим.

Ўша пайтдаги сиёсий режимга бўлган мендаги муносабатнинг холис гувоҳлари бўлган иккита америкаликнинг 90-йилда чоп этилган китобидан бир неча жумла келтираман: «Муҳаммад Солих Ўзбекистоннинг Биринчи Секретари Ислом Каримов ҳақида шундай дейди: У анча демократик қарашларни баён этди, биз умидлимиз. Қараб кўрамиз. Биз факат умид қилишимиз мумкин, умиддан бошқа ҳеч нарса йўқ.» (Nadia Diuk & Andrian Karatnysky, «The Hidded Nation», 1990, page 174)

ОЛМОНИЯ

90-йилга келиб, Хитой деворидан кейин, энг узун девор бўлган Берлин девори йиқилди. Берлин деворининг йиқилиши Дунё геополитикасининг яқин келажакда кескин ўзгаришидан дарак берарди. Икки Олмониянинг бирлашуви Фарб учун бир принцип, бир ҳадаф холига келганди. Иккинчи жаҳон урушидан кейин Оврупо халқарида олмон ирқига қарши пайдо бўлган кин ва нафрат, Совук Уруш даврида русларга томон йўнала бошлаганди. АҚШ Президенти Роналд Рейганинг 80-йиллар бошида Совет Иттифокини «Ёмонлик Салтанати» дея радикал услубда коралагаи Фарбнинг ҳам қарашини ифодаларди.

Лекин Қайта куриш бошланиб, Берлин девори йиқилар экан, бу Фарб ва Шарқ ўртасидаги муносабатларнинг янада шаффофланажагидан мужда эди. Совет кишилари учун Фарб ўлкаларига бориб келиш, у ердаги одамлар билан алоқа куриш

нисбатан осонлашди. Май ойининг бошида менга Франкфуртдан бир таклифнома келди. Оврупо Турк-Ислом Бирлиги (АТИБ) деган ташкилотдан экан. Курултой тайёрлашган эканлар, шунга меҳмон сифатида таклиф қилишибди. Бу ташкилотни ҳеч қаочон эшитмагандим, кейин билсам миллий-диний жамият экан. Аңжуманга борадиган бўлдим. Ҳар эҳтимолга карши, Тошкентга билдирамасдан, тўғри Москвага бордим, у ердан виза олиб, Франкфуртга учдим. У ерда мезбон ташкилотнинг раҳбари Сардор Чалабий қаршилади. Туркча яхши ўқирдим, аммо яхши гаплашолмасдим. Лекин бир-неча соатдан сўнгра секин-секин тилга кирдим. Сардор Чалабий улкучи бўзқуртлар (бўзбўрилар)дан экан. 84-йил Рим папасига суиқасд тайёрлашда қатнашган, деган гумон билан тўрт йил Рим турмасида ўтириб чиққан экан. Ҳақиқатан ҳам, 1982 йил «Литературная газета»да Рим папасига суиқасдда гумон қилинаётганлар ичida Чалабийнинг ҳам отини ўқиганимни эсладим. Газетада яна икки кишининг исми тилга олинганди: Рўзи Назар, Анвар Олтойли. Буларнинг ҳар икколовининг ҳам келиб чиқиши ўзбек эканлигини мен Америкада ўргангандим. Бу инсонлар Туркияning 70-йиллардаги энг кучли сиёсий ташкилоти бўлмиш «Миллиятчи Ҳаракат партияси»нинг ёш қаноти вакиллари эди. Улар 80-чи йил юз берган ҳарбий тўнгаришдан кейин бошланган репрессияда қора рўйхатга тушгандилар. Туркияга қайтиб келишлари мумкин эмасди. Олмонияда колиб, ҳар хил жамиятлар қуриб, Туркия ичидаги сиёсий вазиятни ўзларича мутаассир этишга ҳаракат қилишмоқда эди. Турклар уюшқоқ бир халқ. Олмониядаги нуфузи 2 миллион, олмон экономикасидаги сармояси 80 миллиард марк, 30 мингдан ошиқ бой ишбилиармон бор. Олтмишинчи йилларда Олмонияга қора ишчи бўлиб кетган туркнинг боласи бугун олмон интеллектуал дунёсига кириб бормоқда. Турк диаспораси ўзининг миллий, маданий эҳтиёжларини бир демократик ўлка имкониятлари даражасида қондириб, Оврупо маданиятига интеграция бўлиш арафасида. Аммо интеграция ассимляцияга асосланмасмикин, деган кўркув ҳам бор. Масалан, Олмонияда турк тилида мактаб йўқ. Олмон мактабларининг бошланғич синфларида турк тили ўқитилади, аммо бу чекланган таълим олмон тилида тотал хабарлашма соясида йўқ бўлиб кетади. Турклар бундан бир оз хавотирда. Бу таълим бўшлигини маълум маънода сивил (фуқоровий) ташкилотларнинг ташаббуси билан очилган таълим

курслари тўлдиради. Бу ташкилотларга маданий, ижтимоий ва диний йўналишдаги жамият ва вақфлар киради.

Сардор Чалабий бошчилик қилган АТИБнинг Олмония ичидағи фаолияти, асосан, диний ва миллий қадриятларнинг тарғиботига каратилганди. Мен АТИБ Курултойидан икки кун аввал келгандим. Эртаси куни меҳмонхонага Анвар Олтойли келди. У ҳам Франкфуртда яшар экан. Шаҳарни айланишга чиқдик. Нон чиқарадиган кичик нонвойхонаси бор экан, кўрсатди. Ўзбекистонга бориб келганини айтди. Госкомиздат раиси Убайдуллоҳ Абдураззоқовни танир экан. Курултойга кичик нутқ тайёрладим. Ярим ўғуз, ярим ўзбек шевасида бир нутқ. Анвар Олтойлига ўқиб бердим, бўладими, десам, бўлади, деди. Халқ тушунадими, десам, тушунади, деди.

Курултой Франкфуртнинг катта спорт залларидан бирида бўлди. Бир неча минг одам бор эди. Татаристондан, Афғонистондан, Булғористондан ва яна бошқа юртлардан меҳмонлар чақирилган экан. Бу машваратга Кёлн шаҳридан Боймирза Ҳайит, Саудия Арабистонидан Зухриддин Туркистоний, Мюнхендан Темур Ҳўжа ҳамкелишгандилар. Кўришиб, кучоқлашдик.

Темур Ҳўжани «Озодлик» радиосининг ходими сифатида билар ва хурмат қиласадим, аммо ҳеч қачон кўришмагандим. Унинг 20-йилда қурилган Бухоро жумхуриятигининг раиси Усмон Ҳўжанинг ўғли эканини ҳам ўша ерда ўргандим. Шунингдек, Туркияда танилган туркчи-миллиятчилардан Соди Сомунжиўғли ва Ойвоз Гўқдамир билан ҳам ўша Курултойда танишдик.

Нутқим ҳақиқатан ҳам тушунарли чиқди, шекилли, Курултой қатнашчилари чапак чалдилар. Балки, меҳмон бўлганим учун илтифот кўрсатгандилар. Мени ўз нутқимдан кўра умримда кўрмаган одамларнинг нутклари кўпроқ қизиқтира бошлиганди. Тўғрироги, уларнинг нуткларидағи пафоснинг юксаклиги, улардаги гаройиб илҳом ва самимий артистизм мени ҳайратга солганди. Гарчанд, артиситлик ва самимийлик бир-бирига зид тушунчалар бўлса-да, туркларнинг минбардаги нутқ сўйлаш услубини шу бир-бирига қарши сўзлар билан ифодаламоқ мумкин. Энг мунқайган турк ҳам минбарга чиқса, дарров оташин нотикқа айланар, кўзларида ўт, кўлларида йилдирим чақнай бошлиарди.

Курултой тугагандан сўнг Темур Хўжа билан Мюнхенга кетдик. Эртаси куни узоқ йиллар давомида «темир парда» орқасидан бир томонга хуррият гояларини совурган машҳур радиостанцияга бордик. Бу “Озодлик” радиоси эди. Уни менинг интим радиом десам ҳам бўларди. Чунки, 70-80 йилларда яшириниб эшитадиганимиз радио шу «Озодлик» эди.

Ўзбек ва рус редакцияларида Ўзбекистон ҳакида билги бердим, журналистлар билан сұхбатлашдим. Бу «СИАнинг агентлари» нормал инсонлар экан. У ерда менга 1987 йилда ўз фикри билан ёрдам берган Энн Шихи исмли журналист-тадқиқотчи билан ҳам кўришдим. Русларнинг Ўзбекистонда туғилишни камайтириш кампаниясига қарши бир мақоламда «буржуазия олимий» Шихи хонимнинг дискриминация ҳақидаги фикрини ишлатиб, бошим балога қолганди. Аммо фикр «буржуазия»ники бўлгани учун кечиришганди.

Олмонияда бир ҳафтача қолдим ва бир нарса диққатимни тортди: бу ўлканинг шаҳарлари бизнинг Совет Иттифоқидаги шаҳарларга нисбатан ҳайратланаали даражада сокин эди. Бу сокинлик шаҳар аҳолисининг юзларида ҳам акс этарди. Кейинроқ бу хусусиятнинг фақат Олмония эмас, Гарбнинг бутун шаҳарлари ва уларда яшаган одамларига хос эканини кўрдим. Бизнинг эса, шаҳарларимиз каби қиёфаларимизда ҳам бир нотинчлик, бир шовқин-сурон, бир безовталик бор эди. Совет кишиси, миллатидан қатъий назар, Гарб ўлкаларидан бирига келса, уни катта оломон ичидан дарров топиб олса бўларди. Нотинч юзи уни доим фош қилиб турарди. Бу нотинчлик тоталитар давлатнинг ўз фуқаролари юзига урган тамғаси эди.

ЎШ ВОҚЕАЛАРИ

Фарғонадиги турк-масҳатларга қарши зўравонликдан рошпа - роса бир йил ўтгач, 1990 йил июн ойининг бошида, Қирғизистон худудида жойлашган ўзбекларнинг вилояти Ўшда бу жанжалнинг қирғиз варианти айнан тақрорланди. Фигиннинг КГБ тарафидан Фарғона воқеаларининг бир йиллигига маҳсус тўёна сифатида тайёрланганинг ҳеч шубҳам йўқ. Албатта, яна ўша маҳаллий мафия ва маҳаллий жаллодлар ёрдамида тайёрланди.

Қирғиз каллакесарлари ўзбек каллакесарларидан ҳам шафқатсизроқ чиқди... Ўшда, Ўзганда ёш-қари, хотин-халаж демай

зўрлади, ўлдирди, ўт қўйди. Бу хусусда «Бирлик» харакати аъзоси, кинооператор Абдулазиз Махмудов олган видеокўринишлар одамни даҳшатга солади. Ташкилотимиз Ўш, Ўзгандаги кирғинни тўхтатиши талаб қилиб бир гурух фаолини Қирғизистонга, иккинчисини Москвага жўнатди. Тошкентда Ўш-Ўзгандан қочиб келган қочқинларга бошпана, кийим-кечак ва ҳакозо билан ёрдам уюштирища иштирок этди. Фарғона бўлими фаоллари Андикон ва Ўш чегарасида тўпланган мингларча дарғазаб ўзбекларни Ўшга бостириб боришининг олдини олишда ёрдамлашдилар.

Жанжалнинг учунчи куни Тошкентга маҳсус учокда Чингиз Айтматов келди. Биз билан маслаҳатлашмоқчи экан, аэропортда, хукумат салонида учрашдик. Бош министр Мирсаидов, ёзувчи Одил Ёқубов бор эди. Суҳбат қовушмади. Чингиз Айтматов кирғизларнинг килаётган ишларидан каттиқ уялаётгани кўриниб турарди. Ёзувчилар Уюшмаси Раиси Одил Ёқубов билан биргаликда кирғиз телевидениесидан чикиб, иккала халқка мурожаат қилишадиган бўлишди. Бундан ҳам яхшироқ маслаҳат топилмади.

Ўш-Ўзган фожеаси ўзбеклар ва кирғизлар ўртасидаги қардошликка катта футур етказди. КГБнинг СССРни сақлаб қолиш учун қилган бу иғволари билан мақсадига етолмаган бўлса-да, бизнинг халқларимизга мустақил давлат куриш даврида зарур бўлган дўстликнинг заифлашувида бу иғвонинг катта таъсири бор. Бугун Қирғизистонда ўзбек миңтақаларида кирғиз раҳбарларини тайинлашга интилиш, кирғиз бўлгаларида ўзбекларни ишга олмаслик тамойиллари совет даври иғволарининг мевасидир.

МУСТАҚИЛЛИК ДЕКЛАРАЦИЯСИ

Май ва июн ойларида янги курилган «Эрк» партиясининг жойлардаги тизимларини тузиш билан машғул бўлдик. Ташкилотнинг ижтимоий тамалидаги ўзак, худди «Бирлик»да бўлгани каби, зиёлилар эди. Шаҳарларда адабиёт, санъат ва илм ахли, қишлоқларда эса ўқитувчилар ташкилотни харакатга келтирувчи куч эди. Май ойининг охирида «Эрк» аъзолигига қабул қилинган одамлар сони, янглишмасам 5 мингдан ошган эди. Норасмий ташкилотлар ичida аъзоларга партия билетлари тахсис қилиш, уларнинг адреси, иш жойи ва ҳокозо ишга тааллуқли билгиларни қайд этишни илк ўлароқ «Эрк» удумга киритди. Бу -

ташкилотнинг маълум система ичида ҳаракат қилишини таъминлар ва ҳар бир қарори учун масъулитини оширади. Ақидамиз бўйича, лидер оломон орқасидан эмас, оломон лидер орқасидан юрмоғи лозим эди. «Эрк» мухолифат ўлароқ оломонга лидерлик қилиш иддаоси билан майдонга чиқсан экан, у оломоннинг инстинктлари билан иш кўролмайди. У ўз программасида қабул қилинган гояни қатъийлик билан ўзига эргашган инсонлар зехнига тадбик этмоғи лозим. Мухолифат - халқнинг шикояти ва дод-фарёди эмас, халқнинг шижаоти ва сиёсий иродаси бўлмоғи керак. Булар «Эрк» ташкилотининг яшаш тамойиллари эди. Бизбуларни сўйлар экан, халқнинг бу сўзларни ҳазм қилиш ёки қиласлигини ўйламасдик. Унинг демократияга тайёр ёки тайёр эмаслиги ҳам бизни кам қизиктиради. Социологик сўров ўтказишга на фурсат, на имкон бор эди, биз, аввал айтилганидек, ингуйтив шаклда атак-чечак олға силжир эдик.

«Бирлик»даги тотал эркинликдан сўнгра «Эрк»нинг жорий этгани нисбий интизом унинг ижтимоий базасини кенгайтиришга хизмат қилди. «Эрк» тузилган пайтда «бу ҳам навбатдаги норасмий» дея бурун жийирган давлат идоралари секин-аста унга нисбатан юмшай бошлади, баъзи бюрократлар, яширинча, бу норасмий ташкилот аъзолигига ўтдилар. Олий Кенгашда ҳам «Эрк» тарафдорлари пайдо бўлди.

Бу факторларни хисобга олган ҳолда, ташкилот Ўзбекистоннинг «Мустақиллик декларацияси»ни тайёрлаб, Олий Кенгашнинг 20 июнда бўладиган навбатдаги сессиясига тақдим этиш ва уни сессия кун тартибига қўйиш учун фаолият бошлашга қарор қилди.

Декларацияни «Эрк» котиби Отаназар Ориф тайёрлади. Матнинг илк қораламасида биз Farb давлатлари тарихларида ўқганимиз «мустақиллик декларация»ларининг ҳиди келиб турарди, биз бир оз таҳрир қилиб, «миллий заминга» мослаган бўлдик. Аммо «Ўзбекистон» калимасидан бошқа бутун сўз ва иборалар яна байналминал сиёсатда қабул қилинган терминалогия доирасидан чиқолмаганимиз эсимда. Матн қисқа тезислардан тузилиб, бир сахифага жо бўлди.

Декларацияни Олий Кенгашга олиб борар экан, мен унинг қабул қилинишига, тўғриси, ишона олмаган эдим. Умр бўйи халқ ва озодлик сўзларини мукаддаслаштирган кимса, «халқ тўлқинидир,

халқ деңгиздир, халқ күчдир,» дея атрофдагиларни ишонтиришга уринган одам, бу сўзларга ўзим ишонмаётган эдим. «Халқ қорни тўйса бўлди, унга озодлик шарт эмас,» деган коммунистик ташвиқот менинг ишончимни ҳам маълум даражада заҳарлаганди. Хужжатни «Ошкоралик Кўмитаси» бошлиғи Эркин Воҳидовга бердим ва кейин бу билан ҳеч машғул бўлмадим. Сессияга уч кун қолганди, уч кун ичида Олий Кенгащдаги бутун Кўмиталар бу хужжат билан, норасмий бўлса-да, танишиб ултурганди. Сессия кун тартибини бир кун аввал белгилаётган Ҳайъат «Декларация»ни кун тартибига киригмади. Аммо депутатлар ўз ораларида бу хужжатни қўллайдиганларнинг рўйхатини таза бошлагандилар. Янглишмасам, 170 га яқин миллатвакили «Декларация»ни Сессия кун тартибига кўйишга чорлаб, Олий Кенгаш ҳайъатига таклиф киригди. Сессия 20 июн куни ўз ишини бошлади. Декларация матни кўпайтирилиб, бутун депутатларга тарқатилганди. Бунда Ошкоралик Кўмитаси депутатлари ва яна бошка ташаббускорларнинг хизмати катта бўлди.

170та миллатвакилининг Декларацияни кун тартибига киритиш таклифи қабул қилинди.

Бу катта воқеа эди. Декларация овоз ололмаса ҳам, унинг овозга қўйилиши катта воқеа эди. У пайтлар, дориломон пайтлар, Олий Кенгашда кўтарилиган масалалар телевидениида қайчиланиб бўлса-да, халққа қўрсатиларди. Бу гоя пропагандаси учун жуда муҳим эди. Декларацияни Олий Кенгашга тақдим қиларкан, кутилган максимум манфаат ҳам шу эди. Биз ундан ортиғига умид қилмагандик, аммо ундан ортиғи юз берди.

20 июн 1990 йил Тошкентда, Ўзбекистон Олий Кенгаши Сессиясида Ўзбекистоннинг Мустақиллик Декларацияси кўпчилик овоз билан қабул этилди. У пайтларда электроник хисоблама йўқ эди, кўл кўтариш усули билан овоз бериларди. Шу туфайли ҳатто руслар ҳам Ўзбекистон мустақиллиги учун овоз бериб юборди. Ёнида ўтирган ўзбеклардан андиша қилгани учун ёки улар овоз бермаса ҳам декларация ўтишини билгандари учун овоз беришди. Кенгаш раиси Йўлдошев Декларациянинг қабул қилинганини эълон қилганда депутатлар ўрнидан туриб, узоқ давом этган қарсаклар билан ўзларини ўзлари олқишиладилар. Ўзбекистон Компартиясининг биринчи Секретари Ислом Каримов Декларацияни қабул қиласлиқ учун харакат қилиб кўрди, аммо

миллатвакилларининг важоҳатини кўриб, очик қарши чиқишига журъат қилмади. Декларация муҳокамаси пайгида Каримов ўз ўринбосари Шукрулло Мирсаидовни минбарга чиқариб, унинг воситасида Декларацияни танқид қилди. Мирсаидов Декларация матнини ҳавода силкитиб, «бу бир парча қофоз» дея залга мурожаат қилганда, миллатвакиллари қаттиқ реакция кўрсатишиди. Вазиятнинг тахмин қилинганидан мураккаброқ эканини тушунган ҳукумат Декларацияни овозга кўйишга мажбур бўлди ва лекин унинг қабул қилинишини ҳукумат ҳам кутмаганди.

Шунда Декларациянинг баъзи жузъий таҳрирталаб ерлари бор, деган баҳонада Таҳрир комиссияси тузилди. Таҳрирдан кейин, сўнгги қабул қилинган вариант Кенгашга ўқиб берилиши келишилди. Таҳрир комиссияси аъзолари «таҳрир» қилиш учун кулис орқасига ўтишди. Сессия бошқа масалаларни кўришда давом этди. Вақт ўтаётганди, аммо «таҳрирчи»лар ҳануз чиқишимаганди. Мен бир оз безовта бўлдим. Ҳукумат ҳужжатни ўзларича таҳрир қилиб, Кенгашга ўқимай, эртасига эълон қилиши мумкин эди. Шуларни ўйларкан, кулис орқасига чақиришди. Бордим. Кичик залда Шукрулло Мирсаидов билан Ефимов (Ўзбекистон Компартиясининг иккичи секретари) ўтиришарди. Олдларида Деларация матни. Сал нарироқда икки-учта депутат гаплашиб туришарди. Эркин Воҳидов билан Нурали Қобил экан.

Шукрулло Мирсаидов Декларация матни хақида фикримни сўради. Кенгашга тақдим қилинган вариант бизни қониқтиришини айтдим. Бўлмаса, шуни бирга таҳрир қиласлик дея, матнни менга узатди. Янги илова қилинган сўз ва иборалар ҳужжат мазмунини деярли ўзгартирганди, аммо унга бир жумла илова қилинган эди-ки, мухолифат буни ҳеч қабул қишлоғасди. Матн сўнгиди: «Ўзбекистан свои отношение с другими республиками будет строить на основе Союзного Договора», деб ёзилганди.

Ўша даврда Совет ҳукумати Империянинг парчаланиш ҳавфини сезиб, республикаларга баъзи ҳукуклар бериш тактикасини ишга соглан ва «Союзный Договор» деган гояни ўйлаб чиқарганди. Бу амалда ўша эски иттифоқ статусини сақлаб қоладиган бир Шартнома бўлиши керак эди.

Мен бир миллатвакили сифатида ҳам, мухолифат вакили сифатида ҳам сўнгти жумлани ҳужжатга киритишга каршиман, дедим. Декларация Олий Кенгаш тарафидан қабул қилинди, уни

ўзгартришга ҳаққингиз йўқ, дедим. Нуқта, вергули бўлиши мумкин, аммо мазмунини ўзгартришга ҳеч кимнинг, Каримовнинг хам ҳақки йўқ, дедим.

Ўша пайтда, худди эштиб тургандай, Каримовнинг ўзи пайдо бўлди. Кулиб, ёнимизга келди.

- Яна жанжал қилаяпсизми, - деди илжайиб.

Матн шундай ўзгартриладиган бўлса, ҳозир залга кириб, ҳалқ вакилларининг тасдиқлаган ҳужжати ўзгартрилаяпти, деб эълон қилишга мажбур бўламан, дедим.

- Хўп, шу жумлани олиб ташласа хурсанд бўласизми, ахир? - деди Каримов.

- Фақат мен эмас, ҳалқ хурсанд бўлади, - дедим.

- Шуни ҳал қилинглар, - деди у Мирсаидовга ва Кенгаш залига чиқиб кетди.

Каримов кетгандан кейин Мирсаидов юзида сўроқ ифодаси билан Ефимовга қаради. Ефимов агар «Союзный Договор» ҳужжатга киритилмаса, катта жанжал бўлади, деди. Мирсаидов икки ўтнинг орасида қолганди. Бу кишининг табиати юмшоқ, аммо керак бўлса, чапанилик ҳам қилиб юборадиган одати бор эди. Аммо Декларациядаги Ефимовнинг «ижоди» бўлган сўнгти жумлани олиб ташлаш учун фақат чапаниликнинг ўзи етмаслиги кўриниб турарди.

Матн устида тортишаркан, Ефимов овозини баландлатиб гапира бошлади. Мен унга қўпол қилиб, «бу ишга, яхшиси, аралашманг», дедим. Хўп, бўпти, деди Ефимов ва тўрсайиб ўрнидан турди.

Мирсаидов ён босиб турганди, Ефимов кетгандан кейин «нимани олсангиз олинг», деб матнни узатди. Матндағи сўнгти жумланинг устига чизиб, унга қайтардим. Машинкага бераверамиз, деди ва бир йигитни чақириб, матнни унга топширди. Ўша пайт залнинг бурчагида жойлашган телефондан Ефимовнинг Москвага телефон қилаётганини кўрдик. У баланд овозда, балки, атай бизни эшитсин деб, марказга шикоят қиласарди. «Вы не представляете, что здесь творится», дерди у Москвадаги шефларини уйғотишга ҳаракат қилиб.

«Шеф»лар-ку уйғонганди, аммо кеч уйғонишганди. Ўзбекистонда қабул қилинган «Мустақиллик Декларацияси»

Москва учун янгилик эмасди. Баҳорда шундай бир «Декларация»ни Литва жумхурияти ҳам эълон қилганди. Гап, Мирсаидов айтгандай, қабул қилинган «бир парча қоғоз»да эмас, балки, балки бу «қоғоз»ни қабул қилган мишлатвакиллари, ҳалқ иродаси маҳсули бўлмиш бу хужжатни нақадар ҳимоя қила олишида эди.

1991 йил март ойида Совет Иттифокини сақлаб қолиш учун ўтказилган Референдумдан Ўзбекистон раҳбари Ислом Каримовнинг бу «халқ иродаси»ни бир чақага олмаслиги маълум бўлганди. Ҳалқ сайлаган мишлатвакиллари ҳам ўzlари қабул қилган Мустақиллик Декларациясини ҳимоя қилаолмагандилар.

Совет Иттифоки йиқилиб, Ўзбекистон мустақил бўлишга мажбур бўлганидан кейин, Ислом Каримовнинг лаганбардорлари «ҳатто ўша 20 июн Декларацияси ҳам, Каримов истамаса, қабул қилинмасди,» дейишади. Ҳолбуки, Декларацияни Каримов қабул қилмади, Декларацияга овоз берилаётганда у Кенгаш залига кирмади, ташқарида қочиб юрди. Кейин, Декларация деярли бир овоздан қабул қилинганидан саросимага тушган Каримов, буни Ўзбекистон матбуоти, радио-телевидениесидан эълон қилишни таъкидади. Ўзи Мирсаидов билан Фарғона водийсига кетди.

Декларация қабул қилинган куни, 20 июн саот саккизда мен уйда ўтириб, Ўзбекистон ТВсидан бу муҳим воқеа тўғрисида хабар кутдим. Москва киска хабар берди, аммо Тошкент бермади.

Мирсаидовга телефон қилдим. Унинг Каримов билан Фарғонага кетишганини, у ердан Қирғизистонга ўтишажагини айтдилар. Тошкент Компартия бўлими котиби Адҳам Фозилбековни машинасидаги телефон орқали топдим. (Фозилбеков у пайтларда хукуматга энг яқин одамлардан эди).

Олий Кенгашда қабул қилинган хужжат хақида хабар йўқлигига у ҳам ҳайрон бўлганини айтди. Мен унга «илтимос, Каримовга етказинг, агар Декларация эртага матбуотда эълон қилинмаса, биз Тошкент марказида кўпмингкишилик митинг уюштирамиз», дедим. Фозилбеков бу гапни Каримовга етказажагини айтди.

Саот ўнларда телефон жиринглади. Мирсаидов экан. Илтимос, шовқин қилмай туринглар, бу абраҳ Ефимовнинг иши бўлса керак, ҳаммасини ҳал қиласиз, деди ва, мана, Ислом аканинг ўзи гаплашмоқчи, деб, трубкани Каримовга берди. Каримов, биз

эртага кечкурун қайтаяпмиз, батафсил гаплашамиз бу масалани, деди. Гаплашадиган ҳеч гап йўқ, бутун дунё кўрди, Олий Кенгаш Ўзбекистоннинг Мустақиллик декларациясини қабул қилди, бу хақда Москва хабар берди, бизниклар эса жим, дедим. Эртага эрталаб хабар чиқмаса, биз кўчага чиқамиз, дея тахдидни такрорладим. Каримов эртага тушдан кейин телевидениеда хабар берилажагини ваъда қилди. Нега «тушдан кейин»лигини англамадим. Балки, Каримов Москвадан кетган хабарнинг реакциясини кутиб, шунга кўра харакат қилишни ўйлаган бўлиши мумкин.

Ҳар ҳолда, 21 июн куни тушдан кейин Олий Кенгаш қабул қилган Ўзбекистон Мустақиллиги Декларацияси муҳокамаси ва унга овоз бериш жараёни ёзиб олинган телевизион кўрсатувини ТВ намойиш қила бошлади.

Лекин матбуотда икки кун кечикиб чиқкан Декларациянинг номи «Декларация о независимости Узбекистана» ўрнига «Декларация о суверенитете Узбекистана,» деб хоинларча ўзгартирилганди. Зотан, СССР конституциясида барча совет жумхуриятлари шундок ҳам «суверен» ҳисобланардилар.

Лекин ўзбек халқи ўзи танлаган вакиллари воситасида 1990 йил 20 куни Ўзбекистоннинг мустақиллик Декларациясини қабул қилганди. Декларация мазмунини ўзгартириб, уни «бир парча қозоз»га айлантирганлар тарих олдида кечириб бўлмас жиноят ишладилар.

ЯНГИ КОНСТИТУЦИЯ ХАЁЛИ

Ўзлари тайёрлаган Мустақиллик Декларациясининг Олий Кенгашда қабул қилиниши «Эрк»чиларни қанчалик севингирган бўлса, унинг бузилган ҳолда эълон қилиниши шунчалик қайгулантириди. Ҳукумат жамоатчилик тазиқидан кўрқиб, бу сиёсий хужжатни эълон қилган бўлса-да, унинг халқ орасидаги тарғиботини қатъян таъкиқлади. Олий Кенгашнинг 20 июн сессиясидан кейин биронта расмий йиғилишда бу хужжат тилга олинмади.

Бизнинг Мустақиллик Декларацияси асосида Янги Конституция тайёрлаш ва қабул қилиш ҳақидаги таклифимизни Каримов ҳукумати жавобсиз қолдирди. Шунга қарамай, «Эрк»

партияси Ўзбекистоннинг Янги Конституцияси лойиҳасини ишлашда давом этди.

Ўзбекистон Компартияси секретари Каримов эса, Янги Конституция эмас, ўз партиясининг халқ ичидаги таъсирини кучайтириш орзулари билан яшарди. «Правда Востока» газетасининг 16. 08. 1990 йил сонида босилган ЎзКП Пленуми резолюциясида шундай дейилади: «Пленумнинг асосий вазифаси халқ оммаси орасида сиёсий ва мафкуравий таъсирни ошириш ва халқ онгига марксча-ленинча таълимотнинг ижодий интерпретацияси шаклини беришдир.»

Каримов 20 июн куни Олий Кенгаш залидан қочган пайтда, унинг иккинчи секретари Ефимов Москвага шикоят телефони қилаётганди. Бу манзара «марксча-ленинча таълимот»нинг Ўзбекистондан даф бўлиши учун фақат Ефимовлар эмас, Каримовлар ҳам, унинг атрофидағи бутун коммунист ялоқхўрлар ҳам даф бўлиши кераклигини кўрсатиб турарди.

Аммо биз бу манзаранинг маъносини йиллар сўнгра англадик. Биз, коммунистлар ўзгариши мумкин, деб умид қилгандик. Мана, Москвада ўзгарайти-ку, деб ўйлардик. Аммо ўйлагандек бўлмади. Бизникилар Москвадагиларга ўхшамас эканлар, лойи пишиқ жойдан олинган экан, хеч ўзгаришмади, аксинча яна-да коммунистроқ бўлдилар. Коммунистликни Сталиндан ҳам ўтказдилар.

Декларация можаросидан кейин баъзи «Эрк»чилар хукуматга тазиик воситаси бўлган намойиш ва митингларни янгидан жонлантириш заруратини сўйлай бошладилар.

Оммавий йигинлар босими билан Олий Кенгашда биз истаган ҳужжатларнинг қабул қилинишига эришиш фикрини олга сурдилар. Аммо намойишчилар бир марта калтаклангандан сўнг, иккинчи йигинга биринчи йигинга чиққан одамнинг ярми ҳам келмасди. Буни «Бирлик» даврида тажриба қилиб кўргандик.

Одамлар митингга байрам ва шанликка келгандай келишини истардилар. Одамлар митингга келиб, калтак ейишни, ҳақорат эшигишини истамасдилар. Буни истамаслик уларнинг фуқаровий ҳақлари эди. Аммо уларнинг кўнглидагидек митингларни Оврупода ўтказиш мумкин эди. Бу ер эса, Ўзбекистон эди. Бу ерда намойишчи калтак ва ҳақоратга тайёр бўлиб келиши лозим эди. Ҳатто бу намойишчи аёл бўлса-да, ҳатто бола бўлса ҳам.

Дунёнинг ҳеч бир ерида намойишлар Тошкентда ўтгани каби осоишта ва маданий ўтмаган, аммо ҳеч бир ерда бу маданий намойишчилар Тошкентдаги каби ваҳшиёна калтакланмаганди.

Бу вазият «Эрк»чиларни шундай хуносага олиб келди: агар намойишчилар сони ҳокимиятнинг калтагидан кейин янада кўпайса, намойиш ташкил қилишда давом этиш керак. Аксинча, бу сон озайса, намойишни тўхтатиш керак, чунки, одамлар у пайтда факат намойиш эмас, мишлий ҳаракатнинг бошқа тадбирларидан ҳам ҳуркадиган бўлиб қолишиади. Масала - ҳокимият урса-да, кирса-да майдонда туроладиган, урган сари озайиб эмас, кўпайиб борадиган динамик оломон масаласи эди.

Шу мулоҳазалар асосида митинг ва намойишлар вақтинча ўтказилмаслигига келишилди. Олий Кенгашнинг октябр ойига мўлжалланган сессиясига баъзи қонун лойиҳаларининг алтернативларини тайёрлаш ва энг муҳими, Конституция лойиҳасини тезрок битириб, бирор бир матбуот органига бериш хақида партия қарор қабул қлди.

ДИНИЙ ГУРУХЛАР

Тўқсонинчи йилга келиб, совет даврида жуда тор доирада фаолият кўрсатган диний гурухлар ҳам жонланиб қолди. Улар ўз табиати билан коммунистик тузумнинг ашаддий душмани эдилар ва бошқа ижтимоий гурухлардан фарқли ўлароқ шўролар ҳокимиятининг инсоний йўнда ислоҳ бўлишига ишонмасдилар. Бу тоифадаги диндорлар Совет мактабида 8-синфгача ўқиган, аммо диний илмни системали эгаллаган кишилар эди. Улар 60-йиллардан то 80 йиллар охиригача ёш болаларга яширин равища Кўръони Каримни ўргатиб, ислом динини Ўзбекистонда яшатишига муваффақ бўлгандилар. Аммо ҳеч қачон сиёсатга аралашмаган, бирор сиёсий гурухга ҳайриҳоҳлик билдиришмаганди. 89-90 йилларда миллиятичи ҳаракатлар уларни ҳам журъатлантириди ва айри-айри фаолият кўрсатган кичик гурухлар бирор мулла атрофида уюша бошладилар ва дарров конкрет фаолиятга ўтдилар. 1989 йил бошида Тошкентдаги мадраса муаллими бўлмиш Мухаммадсадик Мухаммадюсуф атрофида тўпланган гурух ўша пайтдаги Ўрта Осиё Диний Бошкармаси бошлиги муфтый Бобохонни «ағдариб» ўрнига Мухаммадюсуфни кўйдилар. Бу диний ҳаракатнинг биринчи ғалабаси эди. Диндорлар митинг,

намойиш йўли билан, улар ёмон кўрганлари ўша «демократик» услуг билин ҳам «адолатнинг тантана қилиши»га сабачи бўлиши мўмкин эканлигини кўрдилар. Бу бошқа гурухларни ҳам ишҳомлантириди, уларнинг ташкилотланиш жараёни икки карра тезлашди. 90-йилларнинг охирида Ўзбекистонда ўз программасини эълон қилишга тайёр камида учта гурух мавжуд эди. Улар жамиятда фуқаровий ташаббусларнинг аҳамиятини хис қила бошлагандилар, демократия тиргакларидан бўлган институтлар - вақф, жамият, тўгарак ва партияларнинг легал заминда давлат сиёсатига таъсир қилиши мумкинлигига қаноат ҳосил қилгандилар. Бу жуда муҳим ижтимоий воеа эди. Аммо ҳукумат буни англамади. Ҳали сиёсий ҳаракатлар муаммосини ечишга улгурмай, диний жабҳанинг пайдо бўлиши ҳукуматни чинакамига қўрқитиб кўйди. Унинг икки жабҳада урушишга на кучи, на имкони бор эди. Шунинг учун буларни, жабҳага айланмасдан олдин, бир-бир йўқ қилиш режасини тузга бошлаганди.

Аслида, 90-йилда диний ҳаракатларни ўлка ижтимоий ҳаётига соғлом бир шаклда интеграция қилиш имкони пайдо бўлган эди. Аммо ҳукумат ўзининг калтабин сиёсати билан уларни бутун ҳақларидан жудо қилди, радикализм ботқоги томон хайдади. 2000 йилга келиб Ўзбекистонда ва Марказий Осиёда пайдо бўлган истиқорсизликнинг бош сабаби Ўзбекистондаги режим юритган ўн йиллик сиёсат эканини жуда кўпчилик билмайди.

Кейинроқ, 93-94 йилларда пайдо бўлган «ваҳобий»лар атамаси, аслида, 90-йил Ўзбекистон КГБси тарафидан халқ ичига сиздирилган тушунча эди. 90-91 йилларда «ваҳобий»лар ватани деб иддао қилинган Саудия Арабистонидан ўзини диндор деб атаган, аммо динга алоқаси бўлмаган, пулдор майшатпарастлар Ўзбекистонга келиб бизнинг муллаларимизга акл ўргатишга интилгани бор гап. Ўзбек - диндор миллат, фалончи Маккадан келибди, деса, унинг этагини ўпадиган одати бор. Лекин минг уч юз йил шариат ва суннатга боғлиқ яшаган халқнинг бир йилда «ваҳобий»га айланиши мумкинми? Бунга ишонган ё ахмоқ ёки мунофик. Ҳукуматни, албатта, ахмоқ дейиш қийин. Аммо уни иккичи сифат билан сифатлантирисан, унга ҳақорат бўлмайди. Ўзбекистон ҳукумати «ваҳобий» калимасини шу қадар удумга киритди-ки, бугун бу уйдирма калима бутун коммунист диктаторларнинг оғзидан тушмайди. Ҳатто демократ саналган

Елцин, унинг меросхўри Путин ҳам «ваҳобий» билан ётиб, «ваҳобий» билан тура бошладилар. Бу сўз Ғарб дунёсида мода бўлган «террорист», «фундаменталист» тушунчалари билан рақобатлашадиган даражага келди. Ўзбекистон Президентининг ўз мамлакатида, Русия раҳбарларининг Чеченистонда қилган тажовузкорликлари «ваҳобий» калимаси билан оқланди.

«Ваҳобий» шунаقا гаройиб топилма бўлди. Уни 1990 йилда Ўзбекистоннинг «шонли» КГБси топди.

Ўзбекистондаги диний гурухларнинг аксарий қисми 1992 йилдан бошлаб қайтадан «ер ости» фаолиятига ўтди. Кичик бир қисми сиёсийлашди, Хизби-ут Тахрир деб аталган ташкилот реал заминдан узоклашиб, баъзи араб ўлкаларида мода бўлган «халифаликни тиклаш» фоясини тарғиб кила бошладилар. Баъзилари қўлига қурол олиб, жиҳодга шайланмоқдалар. Уларнинг баъзиларида аламзадалик, ўзидан бошқани «кофир» деб аташга мойиллик бор. Агрессиянинг бу кўриниши Ўзбекистон ҳукуматининг ўз халқига кўрсатаётган атеистик хуружининг айнан акс тасвирлариdir.

Мен 80-90 йилларда Ўзбекистондаги мавжуд диний гурухларнинг етакчиларини яқиндан таниганман. Улар билан муносабатимиз доим очиқ ва самимий бўлган. Маълум тушунча соҳиби сифатида бир-биримиздан ўрганадиган нарсамиз кўп эди. Ҳеч ким бир-бирини жоҳилликда айбламас, ўз билганини маданий бир шаклда изоҳлар, тортишаркан, ҳеч ким ҳаддидан ошмасди. Шундай сухбатларимизда кўп иштирок этган биродарлардан Аловуддин Мансурни хурмат билан эслайман.

Балки, Ўрга Осиё диний лидерлари ичida номенклатура, мансаб ва сарой ўйинларига энг оз аралашган, тўғрироғи, ҳеч аралашмаган бир одам. Илми чукур, лисони тоза ва фикри қотиб колмаган замонавий мулла. Диний гурухлар шундай зехниятдаги шахслар атрофида ташкилотланса, бундан кўркиш эмас, қувониши керак. Тўғри йўлда бирлашган кучдан жамиятга факат фойда келиши мумкин.

90-йил охирида сиёсийлашган диний гурухлардан баъзилари «ислом давлати» ва «халифалик»ни асос кутқарувчи куч эканини гапира бошладилар. Бу дунё учун оригинал фоя бўлмаса-да, биз каби тушунчаларини эркин айтишга эндигина ўрганаётган жамият учун оригинал эди. Бошқа тарафдан «ислом давлати» ва

«халифалик» хақида гапираётган одамлар на исломни, на-да давлатни билишарди. Улар Осиё ва Африка қитъаларида ўзларини «ислом жумхурияти» деб атаган ўлкалар хақида жўн ва чекланган тасавурларига суюнган ҳолда мушоҳада килишарди.

Пайти келган экан, бу хусусда бир неча сўз айтмоқ истайман: биринчидан, «исломий давлат» термини нотўғри термин. Чунки, давлат исломий ёки насроний бўлолмайди. Давлат бир воситадир, бошқарув воситаси. Давлат бир механизм, инсонлар фойдаланадиган бир тизим, янада қўполлаштиурсак, бир иншоот. Иншоот ҳеч қачон исломий бўлолмайди.

Лекин бу иншоотни бошқарган, бу иншоотда яшаган одамлар муслимон бўлишлари мумкин. Давлат раҳбарлари исломий бўлишлари мумкин. Худди шунингдек, Куръони-Каримни «бу бизнинг Конституциямиз» дейиш ҳам Куръони-Каримни камситиш, уни инсонлар яратган маҳлуққа тенглаштиришдир. Куръони-Карим маъно эътибори-ла наинки бир давлат, бир жамият, ҳатто ер юзидағи бутун давлатлар, балки, бутун Коинот муаммоларини қамраган мисли йўқ, илоҳий китобдир. Айни пайтда Куръони Карим Оллоҳнинг бирлигини таниган инсонлар учун индирилгандир.

Бу китоб муслимларнинг, яъни, Оллоҳга таслим бўлганларнинг китобидир. Инсон зоти яратган давлатда эса, Оллоҳга июнганлар қаторида, июнмаганлар ҳам яшайдилар. Уларни муслимон килиш ёки қилмаслик Оллоҳнинг ихтиёридадир. Бир муслимон раҳбар, муслимон ҳукумат, муслимон халқ ичида ғайримуслим бўлган одамлар ҳам яшашлари мумкин. Марҳаматли Оллоҳ катида уларнинг ҳам ҳақ-хукуқлари бор. Бу ҳақ-хукуқларни муслимонлар бошқарган давлатнинг поимол қилишга ҳаққи йўқ. Муслимонлар хукуки билан баробар ғайримуслим хукуқлари ҳам давлат тарафидан муҳофаза қилинмоғи шарт. Куръонда мусулмонга фарз қилинган нарсаларни ғайримуслимдан талаб қилишнинг иложи йўқ.

Демак, давлат фақат муслимон эмас, ғайримуслимни ҳам қамрайдиган Конституция чиқариши керак. Бу ҳолда, давлат Конституциясини Куръонга тенглаштириш нафақат маънавий, балки ҳукукий жиҳатдан ҳам нотўғри бўлади.

Лекин давлат ўз қонунларини Куръони Каримда кўрсатилган мукаммал инсон бўлиш мезонларига асосланиб тайёрлаши мумкин.

Фақат бу қонунлар хеч қачон шариат бўлмагани каби, бу қонунлар жамғармаси асло Қуръони Карим бўлолмайди.

Ҳалифалик ҳакида бир оғиз сўз. Бу ғояни ташвиқ қилишга ингилаётганлар ҳам Хулофаи-рашидиндан сўнгра (тўрт ҳалифа - Ҳазрати Абубақр, Умар, Усмон, Али радиоллоҳу анҳәлардан кейин) Пайғамбаримиз башорат қилғанларидек, муслимонларни ҳалифалар эмас, маликлар (подшоҳлар) бошқаришини билишмайдиганга ўхшайди. Кейин ўзини «ҳалифа» эълон қилғанлар қайси подшоҳ кучли бўлса, ўшанинг номига хутба ўқиганини ҳам билишмайди... Ҳалифалик қуришдан аввал, шу ўзимизнинг қишлоқдаги учта мулланинг бошини бир ерга келтиришни, кейин кенгроқ миқёсда, туман миқёсида муслимонларнинг ҳамжамиятини сақлаш, кейин куч ва умр етса, вилоят ва ҳатто Ўзбекистондаги мўъминлар бирлигини ўйласақ, ҳам ўзимизга ҳам бошқаларга яхшилик қилган бўлар ва балки, шу билан Оллоҳу таолонинг розилигини қозонган бўлардик.

БЕРЛИН ДЕВОРИ ВА ТУРКИЙ БИРЛИК ФОЯСИ

Гарбга очилишни истаган, унинг неъматларидан фойдаланиб - аммо унинг мафкуравий тузогига тушмай - коммунизм сари чопишни мўлжаллаган Совет давлати 90-йилга келиб ортиқ чопаолмаслигини англади. Берлин деворининг йиқилиши Советлар орзу қилган «очилиш»дан ошиб тушди. Горбачевнинг «прораб»лари Берлин деворидан кичкина тешик очиб Евроосиёнинг «ҳаста одами» СССРга бир-нечча култум тоза ҳаво (хуррият) юттироқчи эди, девор тамоман қулақ тушди. Тоза ҳаво шу қадар кучли босим билан оқа бошлади-ки, ҳастанинг заифлашган ўпкалари уни кўтаролмади.

Дунёнинг янги геополитикаси ўша йиқилган девор чизигидан бошланди. У йиқилгандан сўнг фақат икки Берлин кўшилмади, балки икки Оврупо - Шарқий ва Фарбий - бирлашдилар. Бу, албатта, аҳамиятини бирдан қамраш қийин бўлган буюк тарихий силжишлардан бири эди. Ўзбекистонда бу воқеа омма ичида у қадар акс-садо уйғотмаган бўлса-да, зиёлилар дунёнинг ортиқ ўзгаргани, уни ўзгаришдан тўхтатиш қийин бўлажагини хис этишганди. Шу боис 20 июнда қабул қилинган Мустақиллик декларацияси хукумат тарафидан бойкот қилинса-да, бу ғоя тарафдорлари тушкунликка тушмадилар, аксинча, ажиб бир

некбинлик ила, нафақат Ўзбекистон, балки, бутун Туркистонни «озод этиш»ни хаёл қила бошладилар. Ҳатто «Туркистон» номи билан бир халқ ҳаракати ташкил қилишди, «Туркистон» деб номланган кичик газета чиқара бошлашди. Улар ҳам, айтиш мумкин-ки, Марказий Осиёнинг бўлинган халқлари ўртасида тикланмиш «девор»ларни йиқмоқ учун бел шимарган эдилар. Бу жуда олийжаноб мақсад эди, аммо унга эришмоқ учун мужодала компонентлари - лидер, маблағ, ташкилотчилик - этишмагани сабабли ҳаракат ривожланмади. Бундай бир ҳаракат Ўзбекистонда оёққа турган тақдирда ҳам унинг бошқа туркий жумҳуриятларда муваффақият қозониши осон бўлмасди. Чунки, бу жумҳуриятлардаги маҳаллийчи зехният Ўзбекистондагидан кучлироқ эди. Умумтурк манфаатлари, бирлик ғоялари ўзбек зиёлилари орасида тортишилгани каби, у ўлкаларнинг мунавварлари ўртасида мунокаша қилинмаганди. Қолаверса, қозоқ, қирғиз, тоҷик, туркман ҳам ўзбеклардан келиши мумкин бўлган «акалик» иддаосидан доим чўчид туришарди.

«Туркистон бирлиги» гоясининг 90-йилда режаланмаганингига яна бир мухим сабаб, минтақа зиёлилари ҳали бошқа зўраки Бирликдан, Советлар Бирлигидан кутулиш йўлларини ўйлаб туришарди. Ўз энергиясини рус ҳегемониясига қарши тузилган миллиятчи ҳаракатларга бераётгандилар.

«Туркий бирлик» гояси Совет Иттифоқи йиқилиб, туркий жумҳуриятлар мустакил бўлгандан сўнг сиёсий адабиётдан ғойиб бўлди. Чунки, уни ташиган инсонлар сиёсатдан узоқлаштирилди. Баъзилари қамалди, баъзилари сургун қилинди. Уларнинг ўрнида «Туркистон умум уйимиз» қабилидаги сохта шиор пайдо бўлди. Ўзбекистон раҳбари Ислом Каримов бу шиорни кўрсатаркан, бир тарафдан ўзбек зиёлиларининг олқишини олмоқ истаган бўлса, иккинчи тарафдан, қардош ўлкаларга ғоя берган йўлбошли увонини олишни орзу қилганди. Аммо на униси, на бунисига эришди. Чунки, қилаётган амали бу қардош ўлкаларни камситиш, ўзига қарам қилишга интилиш, қўрқитиш ва ҳакозо аёғёрча ҳаракатлардан иборат эди.

«Туркистон бирлиги» мафкураси, Ўзбекистонда демократик режим ўрнатилса, хурфиксалик ва инсон ҳаqlари тикланса, янгидан жонланиши мумкин.

УММАТЧИЛИК

89-90 йилларда Ўзбекистонда умматчи гурухлар ҳам пайдо бўлди. Улар коммунистлар ҳам, демократлар ҳам, милятиччи демократлар ҳам бир гўр, мамлакатни умматчи мафкура бошқариши керак, деган ғояни олға суро бошладилар. Бу янги ғоя эмасди. Рус истилосига қадар Туркистон худудида жойлашган учта давлат - Кўкон хонлиги, Бухоро амирилиги ва Хива хонлиги умматчилик мафкураси билан идора этиб келинган ва бу ижтимоий қайфият 20-аср бошида ҳам ўзгартмаганди. Милятиччилик Гарбда пайдо бўлган модерн мафкура бўлиб, Осиё худудларига ҳали кирмаганди.

Ленин бошчилигидаги давлат тўнгаришидан кейин Туркистон халқарида мустамлакадан қтулиш умиди пайдо бўлганди. 1919 йилда Туркистонга юксак мартарабали бир мусоифир ташриф буюрди. У Москвада Владимир Ленин билан кўришиб, унинг тавсияси билан Туркистонга келганди. Туркистонда октябр иҳтиоли ғояларини устивор қилишда маҳаллий халққа ёрдам бермоқ учун келганди. Ҳар холда, Тошкентдаги рус идорасига келган хабар шу мазмунда эди. Аммо мусоифирнинг мақсади бошқа эканлиги кўп ўтмай маълум бўлиб бўлди. У Туркистонда турк қавмларининг бирлашиб, рус бўйинтуруғидан қтулишини истаган бир хаёлпараст эди. Исми Анвар Пошшо, ўзи Турк Султонинг күёви, Турк армиясининг собиқ Бошқўмондони, руслар билан бўлган Сарикамиш тўқнашувида тактик хатога йўл қўйиб, мингларча турк аскарининг совукдан ўлиб кетишига сабабчи бўлганди. Кейин Туркияни тарқ этиб доим хаёлида кўрган Туркистон йўлига тушганди.

Анвар Пошшо аввал Тошкентга, кейин Бухорога боради, у ерда ўзини «ёш бухороликлар» деб атаган сиёсий гуруҳ билан яқинлашади, Бухоронинг бўлажак Бош вазири Усмон Хўжа билан танишади. Бирга милятий қтулиш харакати режасини тузадилар. Анвар Пошшога Туркистонда русларга қарши тарқоқ курашаётган куролли гурухларни битта байроқ остида тўплаб, кўмондонлик қилиш топширилади.

Анвар Пошшо Туркияда аср бошида пайдо бўлган «ёш турклар» харакатининг лидери пантуркчи Исмоил Гаспирали ғояларини Туркистонда амалиётда синаб кўришга интилган илк сиёсий арбрлардан бўлди. Аммо Туркистон халқи, бир ховуч

зиёли мустасно, Гаспирали ғояларини қабул қилишга тайёр эмасди. Анвар Пошшо тарқоқ гурухларни бирлаштиришда «уммат фактори»нинг аҳамиятини хис этди ва байроғини уммат байроғига айлантирги.

Бу тактика турк генералининг ташаббусларини бир муддат муваффақ қилган бўлса-да, Туркистондаги гурухларни бирлаштириш учун фақат умматчилик шиорининг ўзи камлик қилишини кўрди. «Босмачи» деб аталган бу гурухлар жангнинг энг масъул пайтида «сен ўзбексан, сен қипчоқсан, сен лақайсан, сен қирғизсан», деб ишнинг белига тепар ва мухораба натижасини йўқка чиқаради. Бу реал воқелик турк генералини қаттиқ изтиробга солгани шубҳасиздир. Анвар Пошшо ҳам, қавмчи «босмачилар» ҳам Туркистон мустақиллиги учун шахид бўлдилар, Оллоҳ уларга раҳмат қилган бўлсин. Туркистон қавмларининг бирлиги масаласи ҳам «Босмачилар ҳаракати»дан кейин тарих коронгиликларига кўмилди.

Лекин 70 йил сўнгра, Советларда бошланган Қайта қуриш йилларида бу ғоя яна ўртага чиқди. Бу сафар Туркистон бирлиги ғоясининг иккита либоси бор эди. Биттаси - туркчилик, иккичиси - умматчилик. Ҳар иккаласи ҳам «бирлашишда» ўзининг бошқасига қараганда эффективроқ эканини иддао қиласди. Албатта, 90-йилларда туркчилик ва умматчилик тарафдорлари жиддий программа билан жамоатчилик қаршисига чиқиш даражасида уюшган эмасдилар. Туркистон бирлиги ғоясидан воз кечмаган идеалистлар ғоянинг халқ орасида устивор бўлиши учун йиллар лозимлигини кўришди. Яна қайта қуриш даври туркчилик ва умматчилик синтезини ифодалайдиган янги мафкура заруратини ўртага кўйди. Бундай сингез сунъий, волонтиристик усуслар билан, сиёsat лабораториясида яратиладиган нарса эмас, ижтимоий-сиёсий онгдаги силжишлар натижасида пайдо бўладиган нарса эди.

1991 йил. РЕФЕРЕНДУМ

90-йилда бир нечта жумхуриятнинг ўз мустақилликларини эълон қилиши Совет ҳокимиятини чинакамига довдиратиб кўйди. 91-йил январда Бокудаги намойишчиларнинг танклар билан мажақланиши, Болтиқбўйи ўлкаларида Совет кўшинларининг аҳолига хуружлари, Горбачев режимининг мамлакатни

парчаланишдан қутқарып қолиш учун қилған астойдил уринишлари эди. Бу уринишларнинг самараасизлигини күрган Москва вазиятни хукукий йўл билан ҳал қилишга уринди. 91-йил март референдуми шу мақсад билан ўтказилди. Референдумда ҳалқ «Совет Иттифокининг сақланиб қолишига тарафдормиз» деган битта саволга «ҳа» ёки «йўқ» деб жавоб бериши лозим эди.

Ўзбекистон раҳбарлари 90-йилда қабул қилинган «Ўзбекистон Мустақиллиги Декларацияси»ни унугиб, ўз ҳалқини Москванинг янги тузогига тушириш учун тайёргарликни бошлаб юборишиганди. Ўшанда «Бу демократлар мустақиллик, деб бизни жарга судраяпти, биз Иттифоқсиз қандай яшаймиз?» деган хитоблар бугун ўзларига «Мустақиллик қаҳрамони» ордени тақиб олган юргбошилар оғиздан тўқилганди.

Референдум биз, мустақиллик тарафдорлари учун хайирли ишорат эмасди. Референдумда «ҳа» овозини берганлар устунлик қилиб, Ўзбекистон яна Совет Иттифоқи таркибида ўз ўрнига ўтиrsa, Москва ўз сиёсатини янада қаттиқлаштириб, қайта куриш принципларидан воз кечиши мумкин эди.

Ҳар ҳолда, биз шундай деб ўйлардик. Ва Референдум натижаларига таъсир қилиш учун «Эрк» ташкилоти миёсида ҳаракатга кечдик. Шу ўналишда бирга ишлаш учун «Бирлик» ҳаракати масъуллари билан ҳам кўришдим. Бу 89-йилдан кейин «Бирлик»ка қилған илк зиёратим эди.

Ҳаракат раҳбарларига мамлакат тақдири ҳал бўлаётган шу пайтларда гина-кудуратни бир четга қўйиб, бирга ишлашимиз кераклиги айтдим. Улар яхши қабул қилишди. Икки ташкилот номидан ҳалққа чақириқ тайёрладик.

Аммо бир-неча кун сўнгра, доим бўлгани каби, яна фитна чиқди. Буни чиқарганлар кимлигини билмасдим, билишни ҳам истамасдим. «Эрк» Ҳайъатини чақириб, янги чақириқ тайёрладик, қўпайтириб, вилоятларга тарқата бошладик. Вақт оз қолганди, бизнинг имконларимиз жуда чекланганди, тарғибот-ташвиқот ишлари ниҳоятда ибтидоий усусларда олиб борилди ва Референдумдан биз хавотир олган натижага чиқди: ўзбек ҳалқи Ислом Каримов бошчилигига Ўзбекистоннинг Совет Иттифоқида колишини истаб овоз берди. Бу биз учун кутилган, қаттиқ зарба эди... Референдумдан сўнгра Горбачев мухолифлари анча жонланиб қолди. Референдум уларнинг тилини узайтирди, совет

халқи, Болтиқбүйі жумхуриятлари мустасно, Иттифоқига яна бир марта ўз «садоқатини» намойиш қылғанди.

Аммо аввал ҳам әзтироф қилинганидек, Совет Иттифоқи тепасида Парчаланиш рухи кезиңде давом этмоқдайди. Бу рух ҳеч бир сиёсий иродага, ҳеч бир халққа (ҳатто эңг буюк халққа) бўйинсунмасди. Совет Иттифоқининг умри тарихан битганди ва ўша рух унинг жонини олгани келганди. Совет Иттифоқини ортиқ ҳеч ким, қудратли Совет Армияси, ундан-да қудратлироқ КГБ ҳам кутқариб қололмасди.

ХУНТА

1991 йил 19 август куни Совет Империяси фанатиклари бу давлатни сақлаб қолиши учун сўнгти марта чирпиниб кўрди. Қудратли Совет Армияси ва КГБси бирлашиб, давлат тўнгариши эълон қилишди. Аммо тўнтарувчилар тўнгарар эканлар, кутилмагандага кўллари қалтирай бошлади. Совет Империясининг жонини олишга келган ўша Рух тўнтарувчиларнинг қўлларини қалтиратадиганди. Москва кўчаларига чиқкан танклар ҳам, фалаж бўлган қўнғизлар каби, буюрилган жойга юра олмадилар. Бу фалаж қўнғизлар устига чиқиб, хунтага қарши нутқ сўйлаганлар кейин рус халқининг миллий қаҳрамонига айланисиди.

Мен 19 август куни эрталаб Ёзувчилар Уюшмасига келганимда фавқулодда ҳаракатлиликни кўриб, бир оз ҳайрон бўлдим. Янгиликни биринчи дуч келган кутубхоначи Лола опадан эшигдим:

- Москвада «переворот» бўлибди, - деди у.

Қайта қуриш даврида попуги пасайиб қолган коммунист-ёзувчилардан бири ёнимдан ўтиб кетаётиб, «ниҳоят тартиб ўрнатиладиган бўлди,» деди баланд овоз билан.

Тез «Эрк» партияси Ҳайъатини чақирдик. Ҳайъат аъзоларининг ҳаммаси Хунтага қарши норозилик билдириш тарафдори бўлди. Йўқотадиган нарсамиз йўқ, аллақачон КГБ бизни таъкибга олди, деди Ҳайъат аъзолари. Ётиб қолгунча отиб қолишимиз керак, дедилар.

Тушга яқин Хунтага қарши манифест матни тайёр бўлди. Ўша заҳотиёқ «Озодлик» ва «Озод Европа» радиоларига ўқиб берилди. Айни пайтда, «Эрк» газетасининг тайёрланаётган сони

биринчи сахифасига материаллар ўрнига партиянинг Хунтага қарши баёнати ва халққа мурожаатини қўйиб, тез чоп килдик. 19 август куни кечкурун «Эрк»чилар, одатдагидек, Ёзувчилар Уюшмасида тўшланмади. Ҳамма уй-уйига тарқади. Ғалати бир кутиш бошланди. Москвадаги демократларни хибсга олиш бошланса, бизда ҳам айни харакат такрорланиши муқаррар эди. Буни ҳеч ким бир-бирига айтмаганди, аммо ҳар ким ичида бунга тайёргарлик кўраётганди.

Бу ваҳима эмасди. Вазиятнинг қалтислиги шундок кўриниб турарди. Москвада асаби нозик баъзи таниқли демократлар 19 август синовига дош беролмай, Америкага қочишганини бир неча кундан кейин эшигдик. Бизнинг «Бирлик»нинг баъзи раҳбарлари ҳам 19 август куни Қирғизистонга «шошилинч сафарга» кетгани кейин маълум бўлди.

Ўша куни оқшом «Эрк» хайъати аъзоси бухоролик йигит Тошпўлат Йўлдошев менга телефон қилди. Хунтанинг келажаги борми-йўқми, телемуҳокама қилдик. Йўлдошевнинг фикрича, Хунтанинг келажаги йўқ эди. Йўлдошев, совет системасини ичдан танирди. Бир неча йил дипломатик вазифаларда чет элларда ишлаган тажрибали маъмур эди. Унинг башороти тўғри чиқди, Хунта уч кунга бормади.

Аммо шу уч кун Ўзбекистон тепасида турган раҳбарларнинг нақадар принсипсиз шахслар эканини фош қилишга етди. Хунта тўнгариш эълон қилган куни Дехли сафаридан қайтаётган Ўзбекистон Компартиясининг биринчи секретари Каримов самолёт бортидан Хунта бошлиги Янаевга табрик телеграммаси жўнатди. Ўзбекистонда Каримовнинг ўрнига қолган Бош вазир Мирсаидов Хунта фармойишларини ўзбек газеталарида бажонидил чоп қилиб берди. Чоп қилибгина қолмай, бу фармойишларни амалда ижро эта бошлади. Бу фармойишлар республика Прокурори, шаҳар ва вилоят Прокурорларига жўнатилиб, бу асосда харакат қилишга, тўғрироғи, амр келган заҳоти репрессия машинасини юргизиб юборишга тайёр туриш буорилди.

«Эрк» партиясининг аввалдан режалаштирилган Курултойи 21 август куни ўтиши керак эди. Тошкент шаҳар Ижрокўми бу Курултойни ўтказиши ГКЧП (Хунта) фармойишларига кўра мумкин эмаслигини бизга расмий хат билан билдиргани эсимда.

20 август куни Хунтага қарши баёнотимиз босилган «Эрк» газетасидан бир нечта нусхасини олиб, Олий Кенгашга бордим. Бир неча депутатга тарқатдим. Кейин Олий Кенгаш Раиси Йўлдошев қабулхонасига кирдим. У ерда ҳам саросима ҳоким эди. Йўлдошев кабинетида йўқ эди. Бу кабинет тўрида осилиб турадиган Горбачев портрети ҳам худди Йўлдошевнинг ўзидай гойиб бўлганди. «Эрк»нинг бир нусхасини Йўлдошевга шахсан беринг, деб унинг секретарига узатдим. Аслида, фақат Йўлдошев эмас, Ўзбекистоннинг бутун раҳбарлари ўз кабинетларидағи Горбачевнинг портретини 19 август куни олиб ташлашган эдилар. Бу халқ «йўлбошчилари» Брежнев замонидаги қуллик бўйнгуругини такрор киймоқ учун бўйинларини эгиб, кутиб туришарди. Шу куни кечқурун, яъни, 20 августда Ислом Каримов Компартия активи билан Олий Кенгаш Президиуми аъзоларини тўплаб, мажлис ўтказди. Бу мажлисда Ўзбекистонда ГКЧП ташкил қилишга эҳтиёж йўқ, чунки, биз шундок ҳам фавқулодда ҳолатда яшаяпмиз, тартиб-интизом бизда кучли, деган қарорга келишди. Бу Совет Иттифоқида Хунтага бўлган энг «оригинал» муносабат деб топилди. Бу очиқчасига мунофиқона муносабат эди.

Хунта фармойишларини Кирғизистон ўз газеталарида чоп этмади. Кирғизистон раҳбари Акаев, Хунтага расмий норозилик билдириди. Биз унинг жасоратидан фаҳр туйдик. Чунки, у ўзимизнинг туркистонлик лидер эди. Ўзбекистон раҳбарлари ҳам тарихнинг бурилиш нукталарида шундай матонатли бўлишини орзу қилардик. Биз мухолифат бўлиб, Каримовни қаттиқ танқид қисак ҳам, у бизнинг ўлкамизнинг раҳбари эди. Унинг дунё миқёсида обрўсизланишини бир ватанпарвар сифатида ҳеч истамасдик.

19 август, афсуски, бизнинг раҳбарларга обрў келтирмади. Хунтанинг мағлубияти эса, уларни ўз ореинтацияларини яна бир марта 180 даражага ўзгартиришга мажбур қилди. Бу янада аянчлироқ манзара эди.

БИР ҲОВУЧ ҲАЛҚ

Ўзбекистонда 19 август синовидан юзи оқ чиққан ягона сиёсий ташкилот «Эрк» партияси бўлди ва биз бундан ғуур тутардик. Мустақиллик гоясини шу «бир ҳовуч» эркчилар шиор қилиб кўтарганди, уни ҳимоя қилиш пайти келганда, майдонда яна ўша «бир ҳовуч» эркчилар қолди. Агар Хунтанинг умри уч кун

эканлиги аввалдан маълум бўлсайди, унга ҳамма қарши чиқарди, лекин бу маълум эмасди. Унга қарши чиқишига журъат қилган одамлар ҳам озчилик эди. Бу одамлар нафақат Тошкентда, балки, Империя пойтахти Москвада ҳам, Совет Иттифоқининг бошқа шаҳарларида ҳам озчилик эди. Нима бўлар экан, деб кутиб турган миллионларга нисбатан оз эди. Балки, хунга келиб, қорнимиз тўяр, деб умид қилаётган моддиятчиларга нисбатан оз эди. Хуррият душманларига нисбатан, тоталитар давлат мухлислари, айғоқчилар, шовинистлар ва ҳатто лаганбардорларга нисбатан ҳам озчилик эди хунгага қарши чиқканлар. Яна бир тошбех айтсақ, «бир ҳовуч» эди қарши чиқканлар. Лекин бутун дунё газеталари Москвадаги давлат тўнгаришига ҳалқ қарши чиқди, деб ёзди. Биз ҳам шундай, деб ёздик. Хунта енгилганини кўрган камтар кўпчилик ҳам ўша озчилик ҳақида «ҳалқ» деб гапира бошлади. Ҳалқ қарши чиқди, ҳалқ ғалаба қилиди, ҳалқ жасорат кўрсатди.

Яъни, бир ҳовуч озчилик - ҳалқ бўлди-кўйди.

Бир ҳовуч ҳалқ.

Бу уч сўздан иборат ибора менинг озодлик ҳақида ёзган сўнгги шеърим эди.

ҲАССОС МАВЗУ - МУСТАҚИЛЛИК

Биз «Эрқ» Курултойини зудлик билан ўтказишга қарор қилдик. Саросимада турган ҳукumatни бир қаттиқ туртиб қўйиш зарур эди. Ўзбекистоннинг Совет Иттифоқидан чиқиши учун бундан кулайроқ фурсат ҳеч қачон келмаяжагини ҳамма тушуниб турарди. Аммо «Бирлик» ҳаракатининг маълум раҳбарлари «агар Совет Иттифоқидан чиқиса, Каримов Марказнинг жазосидан қутулиб қолади, Москва Каримовни ишдан олсин, мустакил кейинрок бўлайлик» қабилида гап-сўз бошладилар.

Тўғри, Иттифоқдан чиқиши Ислом Каримовни хунгани қўллагани учун келиши муқаррар бўлган жазодан кутқаради. Биз майли, қутқарсиң, дедик. Майли, Каримов қутулсин, Ўзбекистон мустакил бўлса етар, дедик. Чунки, мустакиллик фақат Каримовни эмас, бутун Ўзбекистонни, бутун ҳалқни Империя жазосидан кутқаради. Агар Каримов ёки бошқаси бизга ўн йил зулм қилиб, унинг ўлимини тилаб турган бўлсак-да, ҳалқимизнинг мустамлакадан кутилиши золимнинг жазосидан қутулишига

бөглиқ бўлиб қолса, биз ҳеч иккиланмай золимнинг кутулиши учун овоз берган бўлардик.

«Эрк» партияси хукумат билан бир марта муроса қилган бўлса, факат шу мустақиллик йўлида муроса қилган бўлиши мумкин. Хукуматнинг адолатсизлиги, найранглари ва ҳатто зулмига қўз юмган бўлиши мумкин. Чунки, у пайтда халқнинг мустамлакадан озод бўлиши масаласи биз учун ҳамма нарсадан, ҳатто демократиядан, ҳатто биз учун доим мўътабар бўлган шахс эркинлигидан ҳам олдин келарди. Бу бир ҳақиқатдир. Ундан ҳеч бир эркчи бугун юз ўғирмоқчи эмас.

Биздаги бу ҳассосиятни у пайтдагина эмас, бугун ҳам, англамаганлар бор. Бизга хайриҳоҳ, бизни севган дўстларимиз орасида ҳам бу нозикликни бошқача таҳлил қилганлар бор.

Москва Пенклуби лутф қилиб, 50-ёшга тўлганим муносабати билан дўстларни тўплаб, бир сухбат уюштирган экан, унинг видеотасвирини менга юборишиди, соғ бўлсинлар. Бу сухбатда менинг жуда хурмат қилганим жамоат арбоби, Хелсинки Инсон Ҳаклари Федератсииси Президенти Людмила Алексеева 90-йиллар Ўзбекистонини хотирлар экан, «Бирлик»нинг аввал демократия, кейин мустақиллик, «Эрк»нинг эса, аввал мустақиллик, кейин демократия, шиорини олға сургандарини эслади. «Энди, Муҳаммад Солих ўз хатосини тушуниб, қаттиқ афсус чекаётгандир, мустақиллик деб сургун бўлди, қариндош-уруглари камалди, ҳақиқатан ҳам, революцияни идеалистлар қилиб, мевасини абрахлар ейди,» дэя менга ҳамдардлик билдириди Людмила Михайловна. Албатта, бу ҳамдардлик учун миннатдорчилигим чексиздир. Людмила Михайловна самимий инсон, гапирав экан, шунчаки гап бўлсин деб эмас, куюниб гапираётганди. Факат мен, у тахмин қилаётгани каби 90-йилларда мустақиллик тарафдори бўлганимга асло афсусланмаётганимни билмасди. Бунинг сабабини ҳалқи узоқ вақт мустамлакада яшаган одам тушунади. Ҳалқи узоқ вақт мустамлакачи бўлган одам қийинроқ тушунади. Шунинг учун Людмила Михайловнани мен тушунаман.

Людмила Михайловна каби, ўзбек зиёлилар ичида ҳам («Бирлик»ни айтдим) Русиядан айрилиш фойдадан кўра зарар келтиради, деган фикрда бўлганлар оз эмасди. Озгина демократия келсин, бир неча йил кутайлиқ, мустақиллик қочиб кетмайди, деган дўстларни кўп учратгандик.

«Бирлик»даги баъзи ақлилар бизни узокни кўрмаслика айблаб, мустақил бўлсак, Каримов ўз хонлигини ўрнатиб олади, дея кўркитишарди. Камина бўлажак хонлик ҳақида 90-йил Олий Кенгаш сессиясишарининг бирида гапиргандим. Биз иккита зулм остида яшаяпмиз, бири Москва, иккинчиси маҳаллий ҳокимият зулми. Лекин мустақиллик йўлида маҳаллий ҳукуматни кўллашимиз мумкин. Аввал зулмнинг каттаси - Москвадан озод бўлайлик, кейин ўзимизнинг маҳаллий зулмга қарши курашаверамиз, деганимда Ислом Каримов Олий Кенгаш президиумида кулиб ўтирганди.

Биз мустақилликни унга эришгандан кейин олам гулистон бўлади, деб ҳимоя қилганимиз йўқ эди. Мустақилликни бигта партия, бигта авлод, бир давр учун шиор қилмагандик, уни бутун халқ учун, бутун даврлар учун, абадият учун истаганимиз сабабли шиор қилгандик. Мавзунинг биз учун бўлган ҳассосиятини яна қандай тушунтириш мумкин?

20-йиллар Туркистонида «Босмачилар ҳаракати» деб аталган миллий ҳаракатдан сўнг Ўзбекистон мустақиллиги тоғисини илк кўтарган ва демократик усуслар билан дунёга қабул қилдирган ягона сиёсий ҳаракат «Эрк» ҳаракати эди. Бунга ўлкамизнинг сўнг йигирма йиллик ёзилмаган тарихи гувоҳдир.

«ЭРК» ҚУРУЛТОЙИ

Қурултойга рухсат тез келди. Хунганинг мағлубиятидан кейин мулзам бўлган ҳукумат «хоҳлаган жойини беринглар», деб амр қилибди ва Тошкент шаҳар Ижроқўми бизга Жумхурият радиоси ёнида курилган ҳашаматли «Бизнесцентр»нинг замонавий жиҳозланган залини берди.

Қурултой 25 август куни эрталаб соат 10да бошланди. Зал лиқ тўла эди. Одамларнинг кайфи чоғ эди. Байрам ҳавоси бор эди. Қурултойда шу нутқни ўқидим:

«Хурматли дўстлар, тарихда шундай даврлар бўлади-ки, унинг соати йилларга, иили асрларга тенг келади. Бу ҳақиқат шу кунгача биз учун бир образ, китобий таъбир эди. Бугун бу нарса бизнинг кўз ўнгимизда турибди. Биз шу буюк воқеанинг шоҳиди бўлдик. 19 августда содир бўлган давлат тўнтиариши ва унга қарши кўтарилган мардонавор халқ ҳаракати бу ҳақиқатни намойши этди. Қайта қурии деб номланган олти йиллик тарихий

жараённинг 19 августгача бўлган қисми бир давр бўлса, ундан кейинги ўтган олти кун мутлақо бошқа бир даврдир. Бу инқилоб шу қадар тез юз берди-ки, уни ҳамон ақлга сиздира олмаяпмиз. Чунки, ўша таҳликали уч кун ичидаги боз ўтган демократик йўлнинг масофаси қайта қуриши кечган олти йиллик масофадан каттароқдир. Ба бу икки инқилобнинг принсибал фарқи шунда-ки, биринчи инқилоб тенадан бошланган бўлса, иккинчи инқилобнинг ижодкори халқнинг ўзи бўлди.

Худди шунингдек, олти йил ичидаги митингларда қатнашган халқдан 19 августда кўчага чиққан халқ мутлақо фарқ қиласарди. Бу халқ шу кунгача мавжуд тузумни танқид қилиб келган бўлса, энди бу тузумни бутунлай алмашибирини талаб қила бошлиди. Аввал милиитсия тўқмоғига қарши турган бўлса, бу сафар танкларга қарши, бир сўз билан айтганда, ўлим билан юзма-юз турди. Жамиятдаги бу динамизм Совет Иттифоқи деб аталган мамлакат тарихини кескин бурилишларга олиб келди.

Лекин шуни ҳам унумаслик керак-ки, 19 августда ўлимга рўпара турган бу халқни ўша қайта қуриши тайёрлади. Бугун демократия галабасидан бошимиз айланиб, «қайта қуриши ва Горбачевни Елтсин қутқарди, Совет Иттифоқини Русия қутқарди», демокдамиз. Чиндан холос этган нарса ўша «боши берк кўчага кириб қолган қайта қуриши» эди. Шу маънода, Горбачев ўзини ўзи қутқарди, шу маънода, ўз-ўзининг ҳалоскори бўлди Шу маънода, қайта қуриши асло боши берк кўчага киргани йўқ, аксинча, у бугун ўзининг буюк галабасини нишонлаяпти. Қайта қуриши ҳеч қачон бугунгидай юксакликка кўтарилмаган эди. Мухолифлар «халқ оч-ялангоч, жиноятчилик кучаймоқда, иқтисодий бўйрон чуқурлашмоқда, сенинг демократиянг нима беради?» дега савол бермоқдалар. Тўғри, халқ оч. Лекин бунга демократиянинг нима алоқаси бор? Тўғри, жиноятчилик кучаймоқда. Лекин демократияда нима айб? Тўғри, иқтисодий бўйрон чуқурлашмоқда, уни демократия чуқурлашибидими? Аксинча, бу фожеалар демократия ҳамон тўсиқка учраётганидан, ҳамон қўруқ сўз бўлиб қолаётганидан, сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ҳаётимизга сингиб кетмаётганидан эмасми?

Шуниси қизиқ-ки, давлат тўнтаришини ташкил этган ҳарбий-партиявий хунта ҳам айнан ўша халқнинг очлигини, иқтисодий бўйроннинг чуқурлигини рўкач қилиб майдонга чиқди. У

бир ҳафта ичида ахволни тубдан ўзгартиришга вайда берди. Бунинг далили сифатида Москвадаги дўконларда узоқ кутилган озиқ-овқат пайдо бўлди. Агар хунта яна ўн беш кун яшаса, бу неъматлар бошқа шаҳарлар дўконларида ҳам пайдо бўлар эди. Бунга шубҳа йўқ. Лекин халқ алданмади. У нон эмас, озодликни танлади. Чунки, бухалқ ҳатто нон ҳам озодлик ўрнини босишга қодир эмаслигини англаған халқ эди. Мен халқ деганда, рус халқини назарда тутаятман. Бу ҳақиқатни тан олиш керак. Зотан, хунтанинг йўлини тўсган асосий куч - москваликлар ва Русия ҳукумати бўлди.

Хунта ўз режаларини эълон қилгандан сўнг, баъзи жумҳуриятларда иккиланиши яққол кўзга ташланди. Нафақат жумҳуриятлар, балки, чет давлатларининг деярли ҳаммаси дастлабки соатларда берган маълумотларида хунтага қарши бирон гап айттолмади. Фақат халқнинг қўзғолганини кўриб, унга суюнган Русия ҳукуматининг журъатини кўриб, иккиланганлар қарори қатъйлаша бошлади. Фақат шундан кейингина улар рус халқини қўллай бошлади. Бундан келиб чиқадиган сабоқ шуки, фақат халқнинг ўзигина ўзини қутқариши мумкин. Агар халқ уйғонмаса, чет эл ҳам, унинг иқтисодий ёрдами ҳам унга најсом бўла олмас экан.

Яна бир сабоқ бор. Буниси маънавий сабоқдир. Хунта даврида иккиланган жумҳуриятлар ҳам эришилган ғалабадан баҳраманд бўлажаклар. Худога шукр. Аммо биз шуни унутмаслигимиз керак-ки, ҳеч қачон ҳеч бир халқ бошқа бир халқ кураши эвазига озод бўлмаган. Агар бўлса ҳам, бу озодлик унга татимаслиги аниқ. Чунки, бу совға қилинган озодликни ҳимоя қиласидиган халқ бўлиши керак. Акс ҳолда, бундай озодлик қанча тез қўлга киритилган бўлса, шунча тез йўқотилиши муқаррар. Ҳеч ким танк олдига ётиб, Конституцияни муҳофаза этмайди, чунки, халқ Конституция нима эканлигини билмайди. Ҳеч ким «демократия учун» дея ўққа кўкрак тутмайди, чунки, халқ нонни озодликдан устун қўяди. Ҳеч ким президентни ҳимоя қилиб кўчага чиқмайди, чунки, бу халқни кўчага чиқшишга ўргатишмаган. Хуллас, совға қилинган озодликни фақат ўша совға қилган халқина ҳимоя этишига қодир. Ҳали «ҳимоя қиласан,» деб кеп қолмаса яхшийди. Бу аччиқ ҳақиқат ва унга тик қарай билишимиз керак. Ва айни шу

сабаб, «Эрк» партиясининг биринчи вазифаси - халқни уйготишадир. Бусиз мустақиллик бугунгидай қозғолаверади.

Халқлар устида уч күн осилиб турган таҳлика Ўзбекистонга қандай таъсир қилди? Биз ўзимизни қандай тутдик? Эҳтимол... Хуллас, «эҳтимол»лар кўп. Шахсан мен бу таҳликали кунларда кўрганим - бир лавҳани ҳеч унумолмайман. Йигирманчи август қуни ҳукуматимиз ташкил қўлган мажлисда Шайхов ва Ўразаев деган депутатлар чиқиб, хунтанинг бошлиги ҳақида «ўртоқ Янаев ҳам айтдилар. Ўзбекистонга қўшин киритишга ҳожат ийӯқ экан,» деганларида, ер ёрилиб, ерга кирмадим. Чунки, бу вазиятда «қўшин кирмагани» биз учун шараф эмас эди. Чунки, бу қўшин қонунни ҳимоя қилиши эмас эмас, қонунни топташ учун кирап эди. Бу қўшин демократияни тиклаш учун эмас, уни ийӯқ қилиши учун кирап эди. Айтмоқчиманки, шубҳасиз, зиёлилардан бўлган ва шубҳасиз, ўзларини инсонпарвар санаган бу одамларнинг фаросати шу бўлса, ўқимаган, далада умр бўйи кетмон чопаётган дехқондан - халқимизнинг қарийб саксон фойизини ташкил қулувчи оммадан хафа бўлишга ҳаққимиз ийӯқ.

«Эрк» тутган позитсиясига келсак, бу ҳаммангизга маълум, Демократик партия ўлароқ, «Эрк» биринчи куниёқ бу машъум тўнтаришига ўз муносабатини билдириди. Унинг хунтага қарши Баёоноти ва Елсинга мадад телеграммаси шу куниёқ дунёга тарқалди. Маҳаллий матбуотда эълон қилиши имкони бўлмаганидан, бу ҳужжатларчэт эл радиостансияларидан, хусусан, «Свобода» ва «Свободная Европа»лардан ўқиб эшиштирилди.

Бу тарихий воқеадан учта холоса чиқади:

1. Мавжуд система қанчалик демократияга интилмасин, жамият учун хавфли бўлган ва уни ўн ийллар ортга улоқтириб ташлашга қодир механизмни ўзида сақлаб келаяти. Горбачев давлат тўнтарилишигача учта кеманинг бошини тутиб келди: КПСС раҳбари, Президент ва Бош қўмонардонлик вазифалари. Шу учта кучни қўлга олиши учун хунтанинг битта одамни - Горбачевни четлаштириши кифоя қилди. Бир-нечча соат ичида улкан бир мамлакат реал хавф остида қолди. Демак, токи ҳуқуқий давлат тузилмас экан, ҳокимиётлар қатъий ажратилмас экан, давлат тўнтарилиши хавфи тураверади.

2. Ҳар қандай «суверен давлат» деб аталган субъетнинг ўзини ҳимоя қиласидиган армияси бўлиши шарт. Акс ҳолда, бу «суверенлик» соҳтадир. Буни Россия ҳукумати хунта хуружқилаётган кунларда чуқур тушунди. Буни Ўзбекистон ҳукумати ҳам тушунмоги лозим.

3. Биз тўла мустақил бўлмас эканмиз, фақат иқтиносидий эмас, сиёсий ҳам мустақил бўлмас эканмиз, ҳеч қандай «янгилсанган федератсия» бизга најсом бўлолмайди. Чунки, бу система ҳамон бир шахс иродасига боғлиқ бўлган система бўлиб қоляпти. Бугун Елсин бор, Горбачев бор. Лекин эртага Янаев келмаслигига ҳеч ким кафолат беролмайди. Кафолат - халқимизнинг тўла мустақиллигиdir.

Бу ҳақиқатни сўнгги икки кун ичида Совет Иттифоқида юз берган воқеалар исбот қилиб турибди.

Давлат тўнтаришидан кейин мамлакатдаги сиёсий вазият янада шиддатлироқ ўзгара бошлиди: КПСС сиёсий партия сифатида парчаланди. Мустақилликка ўтиши даври кечётган иккита болтиқбўйи жумҳуриятлари - Эстония ва Латвия ўзларининг тўла мустақиллигини эълон қилдилар.

Кеча Украина парламенти ҳам бу жумҳуриятнинг тўла мустақиллигини эълон қилди. Маълумки, тузилаётган «Иттифоқ шартномаси» асосан учта славян жумҳуриятлари - Россия, Украина, Белорусия ва Ўрта Осиё жумҳуриятлари билан Қозогистон ўрталарида тузилиши мўлжаланаётган эди. Бу субъектлар ичида энг нуфузлиси - Украина Иттифоқдан чиқиб кетар экан, «Иттифоқ Шартномаси» аввалги моҳиятини сақлаб қололмайди.

Бу воқеа шу кунгача «Шартнома»нинг марказий субъектларидан бири бўлиб турган Россиянинг ҳам позитсиясини ўзгартириши муқаррар. Бу ерда иккита вариантни таҳмин қилиш мумкин. Биринчиси: Россия, агар «Шартнома» тарафдори бўлса, аввал сўраётган имтиёзларини янада кенгайтишига ҳаракат қиласи ва бунга эришади ҳам. Бу ҳолда бугунги Марказ ўзининг марказлигини бутунлай йўқотади ва Россия Марказга айланади.

Бу янги вазият мустақилликка интилаётган Ўрта Осиё жумҳуриятларининг шу кунгача олиб бораётган сиёсатини кескин ўзгартиришини тақазо этади: улар ўз жумҳуриятларининг ҳам тўла мустақиллигини эълон қилишлари ёки янги тузилган

марказлашган бир давлатнинг бўлаклари сифатида қолишига мажбур бўла жасалар. Иккинчи вариант: Русия ҳам Иттифоқдан чиқиб, ўзининг тўла мустақиллигини эълон қилиши мумкин.

Бу ҳолда Иттифоқ ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Биз зудлик билан Ўзбекистон олий Кенгашининг фавқулодда сессиясини чақирилишини талаб қиласмиш. Унда бугунги сиёсий вазият очиқ таҳлил этилиши лозим.

Ўзбекистоннинг тўла мустақилликдан бошقا йўли йўқ. Бугунги тарихий имконни қўлдан бой берма слизимиз керак».

ҲУКУМАТНИНГ МУСТАҚИЛЛИГИ

Олий Кенгаш «Эрк» партияси Курултойидан беш кун кейин 30 августда Фавқулодда сессиясини чақириб Ўзбекистон мустақиллигини иккинчи марта эълон қилиди. Ҳукумат биринчи марта мустақилликни эълон қилиб, ўзи бойкот қилган бўлса, бунисини эълон қиласар экан, Москванинг бойкот қилишидан қўрқиб турарди.

30 августда эълон қилинган Мустақиллик ҳукуматнинг мустақиллиги эди. Ҳам тўғри, ҳам кўчма маънода. Ҳукумат Москвадан мустақил бўлаётганди. Халқ бир йил аввал, тўқсонинчи йил 20 июня ўз мустақиллигини эълон қилганди. 30 августда ҳукумат мустақиллик эълон қилганда, миллатвакиллари миқ этмади. Чапак чалиш у ёқда турсин, овоз чиқармади. Шунда шўрлик президент «нега чапак чалмаяпсизлар?», дея хайқирди залга қараб. Бир-икки чапак янгради. Аммо кўпчилик қайсарларча жим колаверди. Бундай сукунат дунёнинг мустақиллик эълон қилган бирон бир Парламентида бўлмаган бўлса керак. Миллатвакиллари ҳукуматнинг мустақиллигидан қўрқишаётганди. Илгари бирор адолатсизлик бўлса, оға русга мурожаат қилишарди, энди кимга мурожаат қиласмиш, деб ўйлаётганди шўрлик халқ вакиллари. Улар адолатсизликни йўқ қилиш учун оғага қарам бўлиш янада қўрқинчлироқ эканини сезишмасди. Чунки, қарам бўлиб ўргангандилар. Адолатсизликни йўқ қилиш учун курашиб мумкинлигини эса, хаёлига ҳам келтирмасдилар. Кураш улар учун бегона сўз эди. Улар ўтирган ўрнидан туриб, раҳбарга шу гапингиз адолатсиз бўлди, деб ҳеч қачон айтмагандилар. Бунга жасорат қилганларни «телба» деб айтгардилар. Бу 500та халқ вакилининг тўқсон фойизи номенклатура қаноти остидан чиқсан жонзодлар

эди. Улар болалигига автоматик равища октябрят, ўсмирилигига пионер, балоғатта етгиб комсомол бўлган ва дарров коммунист бўлиш учун навбатга турган сип-силиқ инсончалар эди. Улар ўзлари эгаллаган ҳеч бир мақомга сиёсий мужодола билан келмагандилар. Улар ўзидан юкорида турганинг оёғи остига елкасини қўйиб, секин-аста тепага кўтарилишганди. Шу боис, уларнинг ҳеч бири сиёсатчи эмасди, уларнинг сиёсат хақида бирорта мустақил фикри йўқди, сиёсий вазиятда карор олишни билмасдилар, довдираф қолишарди. Шу маънода «норасмий» деб ном олган мухолифат ташкилотларининг ўрта савиядаги бир аъзоси бу сипо кийинган жаноблардан кўпроқ сиёсатчи эди. Чунки, у ўзи ишонган нарса учун кураша олар, адолатсизликка қаршилик кўрсата биларди.

Тўқсон биринчи йил 30-августда бу мишлиятвакиллари Каримовнинг зулмидан қўркиб, мустақилликдан ҳам воз кечиб туришга тайёр эдилар. Уларнинг мустақиллик эълон қилинганидаги сукути шу мутеликнинг ифодаси эди. Уларда 90-йилги шаҳд йўқ эди. 90-йилда улар Каримовни диктатор бўлиб олади, деб ўйламагандилар. Шунинг учун Июн Декларацияси олқишилар билан қабул қилинганди.

Албатта, Мустақилликни олқишиламаган халқ вакиллари унинг учун юз фойиз овоз бердилар. Мустақиллик куни қилиб 1-сентябр белгиланди. Тўғриси, бу байрам менинг ҳам қўнглимни ёритмади. Умумруҳ мутаассир этди, балки. Ёки мустақиллик учун ажратилган севинч заҳирасини тўқсонинчи йилда керагидан ортиқроқ сарфлаб қўйдимми, билмайман. Ҳар ҳолда, бу воқеанинг нақадар аҳамиятли эканини хис қилган ҳолда, баҳтиёрик туйғуси лозим бўлганидек жўш урмади.

«ЭРК» - РАСМИЙ ПАРТИЯ

5-сентябр куни «Эрк» партияси Адлия вазири томонидан расмий партия сифатида рўйхатга олинди. Яна бир неча кундан сўнг «Бирлик» харакати ҳам расман рўйхатдан ўтди. Бу, албатта, мухолифатнинг ўлкада ташкилотланиши учун катта имконият яратарди. «Эрк»чилар йўлларга тушдилар. Бутун жумхурият миқёсида ташкилотнинг бўлимлари тузилди, аввал тузилганлари мустаҳкамланди. Халқ ташкилотимизга мислсиз таважжух

кўрсатди. 91-йил октябрига келиб, аъзоларимиз сони 50 минг атрофида эди.

Мен Президент Ислом Каримов билан бир-неча марта учрашиб, мухолифатнинг янги қурилаётган давлат учун нақадар аҳамиятли эканини англатишга интилдим. Айни фикрларни Олий Кенгаш сессияларида ҳам давомли тилга келтирдим. Каримовга ҳар хил вариангларда доим бир нарсани тақорладим: бизнинг ташкилотимиз учун давлат мустақиллиги ҳар нарсанинг устида бўлган. Бугунги боскичда ҳам шундай. Русия ўзига келмасдан олдин бу мустақилликни мустаҳкамлаб олишга шошилишимиз керак, давлатни чинакамига мустақил қиласидан иқтисодий ва сиёсий тадбирлар олинмоғи керак, бу ишлар қилинса, биз бир мухолифат ташкилоти сифатида сизнинг ҳукуматни кўллашга ҳозирмиз. Бизга на мансаб, на шуҳрат лозим, биз шу Оллоҳ ато қилган ҳурриятимизни сақлаб қола олсак, биз учун етарлидир. Факат сиз ҳам бизга лутф қилинг-да, мухолифат танқидини душманлик сифатида қабул қиласанг, мухолифат ҳукуматни танқид қилиш учун яратилган бир механизм, бутун дунёда шундай..

Мен гапирав экан, бир одам иккинчисига умум манфаат ҳақида гапиргани каби, ўйин қилмасдан, самимий гапирадим. Факат бу гапларни самимий эшигтан Президент, мен Олий Кенгаш минбаридан чиқиб, ҳукуматни танқид қилганим заҳот, дарров тўнини тескари кийиб оларди. Биз буни ўзаро гаплашдик-ку, нега яна минбардан гапиради, дея жигибийрони чиқарди. Муаммоси бўлса, менга ими-жимида айтсин, мен ҳал қиласман-ку, деб хафа бўларди. Аммо мен бу муаммоларнинг «ими-жимида» ҳал бўлишини истамасдим. Бу муаммолар Президентнинг кайфий буйруқлари билан эмас, қонун асосида ечилишини орзу қилардим. Ўлкадаги ахвол бигта кишининг кайфиятига қараб ўзгариб туриши - мамлакатни қоунсизликка судрайди, деб ўйлардим.

Албатта, менинг орзуларим эрта пишган орзулар эди. Мендаги оптимизм коммунистларни баҳолашда панд берди, аммо уни ўзгартириш менинг ихтиёримда эмасди. Мен орзу қилишга ва орзуларни имкон бор жойда тилга келтиришга маҳкум эдим. Талашиб-тортишиб «Эрк» партиясининг ойда бир марта 30 дақиқалик телевизион программаси учун Каримовдан рухсат ундиридим. Аммо бу программа сентябр-октябр ойида икки марта эфирга чиқди ва таъкиқланди. Президент ўз саҳоватига чидолмади.

«Эрк»чилар шу икки ойнинг олтмиш минутида ёқимсиз гапларни шу қадар кўп гапириб ташладилар-ки, бу 60 минут ҳукуматга 60 кун каби кўриниб кетди ва программа таъкиқланди.

Яна тарғиботимизнинг асос минбари «Эрк» газетаси бўлиб қолди. Бу ҳам оз эмас эди. Газета расмий рўйхатдан ўтгандан сўнгра тиражи бирдан юксалди. Бир марта 100 мингга чиқди. Босмахона мудирлари «Эрк»дан ортиқча бир неча минг босиб, ўзлари сотиб «бизнес» қилабошлагани маълум бўлди. Биз бунга индамадик. «Эрк» халқ ўргасида тарқалса, бўлди деб хисобладик. Чунки, алтернатив матбуот аҳоли учун ўша йили купонга берилаётган ёғ ва шакар каби муҳим эди.

91-йилда Марказий «Эрк» газетаси билан бир қаторда яна тўртта вилоят газетасини чиқара бошладик. Бу газеталар ўз минтақаларида тез обрў қозонди. Одамлар ортиқ коммунистларнинг матбуотига эмас, бизнинг газеталарга ўз дардини айта бошлади. Бу қиска, бир йил ҳам давом этмаган матбуот эркинлиги ҳукумат писанд қилмаётган аҳолининг плорализмга етарли даражада тайёр эканлигини кўрсатди.

ДЕМОКРАТИК ИҲТИЛОЛ

Олий Кенгашнинг навбатдаги сессияси октябр ойида бўлиши керак эди. Мен бир иш билан Москвага кетгандим, сессиядан бир кун аввал қайтиб келдим. Ўша кечқурун бир депутат ошномаиздан телефон келди:

- Эртага жангта тайёрмисиз? - деб сўради у.
- Албатта, тайёрман, - дедим.

Депутатнинг саволида бир ғайритабиийлик кўрмадим. Мен ҳар бир сессияда ҳукуматни танқид қиласадим, танқид қилинадиган нарса шу қадар кўп эди-ки, бирор «жангта тайёрмисиз», деб сўрашининг ҳам кераги йўқди. Эртасига Олий Кенгаш залига кирдим. Депутатлар гурух-гурух бўлиб қах-қах отишар, нималарнидир одатдагидан қизикроқ, сирлироқ муҳокама қилишарди. Сессия иш бошлади. Биринчи бўлиб, Алижон Кўчқоров деган депутатга сўз берилди. У кутилмаганда Президентни танқид қиласади. Қайсиидир фармонни нотўғри чиқарганлиқда айблади. Унинг чиқиши мени севинтириди. Ниҳоят, тил кирди Парламентга, дея севиндим.

Кўчкоровдан кейин сўзни Тошкент шаҳар Куйбишев тумани ижроқўми раиси Шуҳрат Нусратов олди. Бу йигит ҳеч қачон сессияларда гапирмасди. Биринчи сўз беришганини кўриб, бирор бир эълони бўлса керак, деб ўйладим. Лекин у ҳаммани ҳайратга солди (кейин ҳаммани ҳайратга солмагани маълум бўлди). Минбарга келиб русчалаб тахминан шундай деди:

- Президент Конституцияга хилоф иш тутаяпти, бунга фалон-фалон воқеаларни мисол келтириш мумкин. Конституцион Суд Раиси Ўрозаев қаерга карайапти, биз унинг миллати ўзбек эмаслигига қарамай, уни сайлагандик...

Нусратов 5 дақиқа давомида Президент Каримовни шундай танқид қилди-ки, унинг бу журъати менда бир оз шубҳа уйғотди. Ундан кейин чиқкан яна бир депутат айни шиддатла Каримовга ташланди. Бу одам ҳам аввал қочадиган жойини тайинлаб қўймасдан бундай «жасорат»га кодир эмасди. Бу одамлар ўтган мажлисларда мен минбарга чиқиб, Президентни танқид қила бошлаган заҳот ер тепиб, «бўлди энди!» дея бақирган, Каримовга лаганбардорлик қилган одамлар эди.

Уларнинг 180 даража ўзгарганида мутлақо бир синоат бор эди, аммо буни ўйлаб охирига етмасдан, минбарга мени таклиф қилишиди. Сўз олиш учун навбатга ёзилгандим, аммо навбат бунчалик тез келишини кутмагандим. Ҳар холда, нутқим тайёр эди, минбарга чиқдим. Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида мухолифат вакилларига бўлаётган тазийклар ҳақида, хукуматнинг бу воқеаларни жўрттага билмаганга олаётгани ва Каримовнинг буюргисиз бундай тазийқ ўтказила олмаяжаги ҳақида ёзилганди нутқ.

Гапимни бошламасдан олдин мендан аввал чиқсан депутатларни танқид қилишни ўрганаётганлиги билан табриклидим. Аммо уларнинг самимиятига ишонмайман, дедим. Кечагина президентни танқид қилганларга «бўлди, етар», деб ер тепган одамлар қанчалик носамимий бўлган эсалар, бугун ўзлари Президентни танқид қилганда ҳам шунчалик носамимийдирлар, дедим. Ва ўз нутқимни ўқий бошладим. Нутқ бигди, бориб жойимга ўтиредим. Олқиши ҳам, қарғиш ҳам йўқ, зал жим-жит эди.

Кейин бир нечта депутат Мирсаидов гапирсин, деб бақира бошлади. Шукрулло Мирсаидов ўша пайтда Вице-президент эди. Аввалинни Президент Каримов билан жуда қалин эдилар, 91-йил

ўрталарига келиб, оралари бузилганди. Каримов уни Бош министрликдан олиб, Вице-президентлик лавозимига ўтказганди. Бунга исён қилган Мирсаидов депутатлардан бир қисмини Каримовга қарши тайёрлаб, унинг ўрнини эгаллашни режа қилганди. Олий Кенгаш раиси Мирзаолим Иброҳимов ҳам бу ишнинг ичида эди, шунинг учун ҳам сессияда сўз олганлар маълум тартиб билан чиқиб гапира бошлагандилар. Менинг бу ишдан мутглақо хабарим йўқ эди. Сессиядан бир кун олдин менга «жангта тайёрмисиз,» деб сўраганларида бу саволнинг бир парол эканини билмасдим. Мен чиқиб Президентни танқид қилдим, аммо мендан олдин чиккан одамларни ҳам носамимийликда айблаб қўйгандим. Бу ихтиолчиларга кутилмаган чиқиш бўлди. Улар мендан кўмак кутишганди, мен буни билмагандим. «Мирсаидов гапирсин!» деб бақираётган депутатларнинг важоҳатидан вазиятнинг анчагина жиддий эканини сездим. Президиумда ўтирган Ислом Каримовнинг юзи оқариб кетгани шундек кўриниб турарди. Каримовни Президент қишиб сайлаган Олий Кенгаш эди, уни бу лавозимдан олиш ҳам жорий қонун бўйича Олий кенгаш депутатларининг қўлида эди. Агар «Мирсаидов»чилар ўз ишларига янада пухтароқ тайёрланишганида ва улар эргашган лидер жасоратлироқ ҳаракат қилганида, эҳтимол, ютиб чиқишарди. Чунки, Олий Кенгаш депутатларининг аксарий қисми Каримовни ёқтирумасди. Лекин Мирсаидов депутатларнинг талаби билан минбарга чиқиб, уларнинг ҳафсаласини пир қилди:

- Илтимос, мени тинч қўйинглар, менга ҳеч нарса керак эмас, тиз чўкиб яшагандан, тик туриб ўлган яхши... ва ҳакозо гапларни айтди.

Режа бўйича, Мирсаидов программ нутқини сўйлагандан кейин министрлар Убайдуллоҳ Абдураззоқов, Алихон Отажонов каби яна тўрт мансабдор шахс Каримовнинг ўз лавозимига лаёқатсизлигини исбот қилиши ва Олий Кенгаш уни вазифасидан четлаштириши керак эди. Бу ҳақиқатан ҳам яхши тузилган план эди. Аммо Мирсаидов ўйинни охиригича ўйнай олмади. У шундай камтарлик билан четга чиқиб турай, депутатлар мени мажбурлаб тахтга ўтқазишади, деб ўйлаганди, балки.

Аммо тахтга даъво қилаётган лидернинг ўзи бу иш учун таваккал қилмаса, унинг орқасида турғанлар нега таваккал қиссин? Мирсаидов минбардан камтарона узоқлашганидан кейин ҳеч ким

сўз сўрамади. Залнинг шашти қайтганди. Буни сезган Каримов ўзига келиб, қарши хужумга ўтди....

Олий Кенгашнинг 1991 йил октябр сессияси Каримовни демократик йўл билан ҳокимиятдан узоклаштиришнинг сўнгги имкони эди. Бундан бўёғи, америкалик тадқиқотчи профессор Марта Олкотт айтганидек, Каримов ва Ниёзов кабилар фақат сарой тўнгариши оқибатида ҳокимиятдан кетишлари мумкин.

ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИ

Ўзбекистон Мустақил бўлгандан кейин ўзининг мустақил Президентни сайлаши керак эди. Октябр исёнидан кейин эҳтиёткорликни оширган Каримов сайловдан олдин Олий Кенгашдаги муҳолифларни бартараф килмаса-да, бетараф қилишга киришди. Октябрда минбарга чиқиб, ўзига ташланган биттасини маслаҳатчи қилиб ёнига олди, бошқасига каттароқ лавозим берди ва ҳокозо йўллар билан «мирсаидовчи» гурухни тинчтди.

Ноябрда Олий Кенгашнинг Фавқулодда сессияси чакирилиб, декабр ойига Президентлик сайловлари белгиланди. Бизнинг гурух сайловларни 1992 йилда ўтказилишини талаб қилди. Лекин Каримовнинг тазиёки остида Кенгаш сайловларни 1991 йилнинг 29-декабрига тайинлади.

«Эрк» партияси сайловда қатнашиш қарорини аввалдан олганди. Фақат биз сайловларни 1992 йилга кўчиришга умид қилгандик, бўлмади.

Мен Олий Кенгашда «Эрк» партиясининг сайловларда қатнашиш қарорини эълон қилдим. Бу эълон ҳукуматга совуқ сув сепгандек таъсир қилди. Ўша куниёқ уйга одам юборишиди. Хозирча партияни мустаҳкамлаб олиши кераклиги, бу қийин даврда ҳукуматга келиш обрўни тушириши муқаррар эканлиги ҳақида «фойдали маслаҳатлар» берилди. Бу одамнинг айтган гаплари, асосан, тўғри эди, аммо бу тўғри гапдан кўзланган ният - »Эрк» ташкилотини Каримовнинг қаршиисига чиқармаслик эди. Мен бу одамга раҳмат айтдим, ташкилот сайловда қатнашиш қарорини олган, у билан маслаҳатлашай, балки қарорини ўзгартирас, дедим. Одам қувониб чиқиб кетди.

Эртасига саройдан, адабиётчилардан чиқкан бир маслаҳатчи қўнғироқ қилиб:

- Тўғри қарор қабул қилибсизлар, - деди.
- Нима қарор, сайловда қатнашишми? - деб сўрадим.
- Йўқ, қатнашмаслик қарори, - деди маслаҳатчи, - кўрасиз, бунинг фойдаси кўп бўлади ҳали..!
- Номзодни рўйхатдан ўтказайлик, қайтиб олиш хақида гапириш ҳали эрта, - дедим маслаҳатчига.
- Сизни тушундим, - деди, севинч билан бечора.

Аммо у мени тушунмаганди. У менинг «қайтиб олиш хақида гапириш эрта» деганимни қайтиб олади, деб ўйлаганди. Агар бу тасодифий сўз тузилиши бўлмасайди, балки, менинг номзодим хеч қачон рўйхатга олинмасди. Албатта, «Эрк» партияси машру, расмий ташкилот эди, у сайловда қатнашиши учун тарафдорлар имзоси ҳам талаб қилинмасди, партия пленумида сайловга номзод кўрсатилса, бас, сайлов комиссияси бу номзодни регистрация қилишга, конун бўйича мажбур эди. Аммо Ўзбекистонда конун Президентнинг чўнгтагида бўлгани учун, у истаган нарса қонуний, истамагани ноконуний, деб топилаверарди. Демак, «Эрк»нинг сайловларда қатнашувини Президентга боғлиқ бўлган қонун билан эмас, ўз иродамизга боғлиқ тадбир билан кафолатлаб қўйишимиш керак эди. Ва биз буни кафолатладик. Энди Каримов то сайлов кунига қадар «Эрк» ўз номзодини эртага қайтариб олади, деб умид килаверсин, дедик.

Албатта, «Эрк»чиларнинг энг хаёлпаристи ҳам сайловда ғалаба қиласиз, деган орзудан йироқ эди. Биринчидан, тарғибот учун ташкилотнинг пул-маблағи йўқди. Давлат ҳар бир номзодга ажратадиган маблагни бир баҳона топиб «Эрк»ка бермаслиги мумкин эди. Айнан шундай бўлди. Иккинчидан, овоз бериш қутиларини назорат қилишга «Эрк»чиларни йўлатмасликлари мумкин эди. Айнан шундай бўлди. Учинчидан, сайлов натижалари сохталаштирилиши мумкин эди, бу ҳам худди шундай бўлди.

Лекин биз сайловда қатнашишга қарорли эдик. Бутун бу бизнинг фойдамизга бўлмаган нарсалар ичида битта фойда бор эди. Сайлов бизга ҳалқ билан юзма-юз учрашиш, унинг дардини тинглаб, бу асосда «чоралар программаси» тайёрлаш, айни пайтда партия гояларини тарғиб этиб, унинг ижтимоий базасини кенгайтириш имконини яратарди.

Сайлов кампанияси бошланган бўлса-да, мен ўн кун давомида Тошкентдан чиқолмадим. Сайлов комиссияси менга ишончли вакил бўлган одамларни тасдиқламай, ўзининг илк тазиикларини бошлаганди ва 10 куним ўшанақа бюрократик тўсиқлар билан «курашга» кетди.

Ниҳоят, кўрдим-ки, буларни енгиш қийин, ишончли вакиллардан воз кечиб, Самарқандга кетдим. Каримовнинг ватанидан бошладим «кориш»ни.

Вилоят театри залида сайловчилар билан учрашдим. Одамларнинг кайфияти яхши эди. Сўзлаган нутқум яхши акс-садо берди. Савол-жавоблар самимий бўлди. Мажлисни бошқараётган Самарқанд вилоят раҳбари хам ўзини вазмин тутди. Президентдан кўркиб, мажлис руҳини ўзгартиришга ҳаракат қилмади. Бу холат эсимда қолди, чунки, кейин ўтказилган барча учрашувларда вилоят раҳбарлари худди игна устида ўтиргандай ўтирилар. Одамлар менинг деганларимга қарсак чаларкан, раҳбар шўрликлар кўлларини қаергадир яшириб, Президентга ўз садоқатини изҳор қилишга мажбур бўлгандилар. Учрашувларнинг бирортаси, қисқа хабарлар мустасно, на радио, на-да телевидениеда берилиди. Зотан, учрашувлар хам вилоят марказларида бўлди, яrim-юмалоқ қилиб ўтказилди. Сал чеккароқда ташкил қилинганлари ҳокимият тарафидан зўрлаб тарқатиб юборилди. Ёки учрашув залларининг поли бўялиб, сайловчилар ичкарига кўйилмади. Ёки электрни ўчириб кўйдилар, сув бостирилар, ремонт қилдилар. Ёки сайловчиларга Мухаммад Солих фалон жойда учрашув ўтказади, деб тўртта адрес беришди, бу тўртта адресга одамлар бориб, президентликка номзод келмагандан кейин, қарғаб-қарғаб тарқалдилар. Ишқилиб, қизиқ ҳангомалар бўлди бу сайловда.

Сайлов кампаниясининг ўрталарида Саройдан Шаҳобиддин Зиёмов келди. У билан сұхбатлашдик. Нияти маълум бўлди. Номзодимни қайтариб олиш учун илҳомлантиримоқчи, аммо очиқ таклиф қилишдан чўчиди. 12-декабрда президент бошчилигига 10 кишилик давлат аркони Туркияга кетаётиди, юқори савияда қабул бўлади, Ислом ака (Каримов) Сизни шу ҳайъатга ўн биринчи бўлиб кўшилишингизни истаяпти. Учоқда сайлов масаласида келишиб оласизлар, деди. Мен ўйлаб кўраман, дедим. Аммо Сарой шу қадар шошилган эди-ки, дипломатик паспортимга Москвадан виза кўйдириб, уйга ташлаб кетишибди.

11-декабр куни Зиёмов телефон қилиб, «Эртага кетаяпсиз, унутманг яна,» деб қулди. Мен «эртага кетмайман, чунки, ишим кўп экан,» дедим. Нима ишингиз бўлса, Оқсоқолга айтасиз, иштимос, бизни уялтираманг, деди Зиёмов. Мен қатъй бормаслигимни айтиб, уни уялтирадиган қилдим. Бошқа чора йўқ эди. Буёғига Саройни умидлантиришда давом этиш мумкин эмасди. Очик кураш, тенгсиз, аммо машру курашнинг пайти келганди. Энди Президент менинг номзодимни ҳеч бир баҳона билан рўйхатдан ўчира олмасди. Чунки, ўзи телевизорга чикиб, алтернатив номзоднинг борлигини тан олган, уни «менинг рақибим,» дейиш ўрнига «менинг душманим» деб, ҳаммани лол қолдирганди. Ортиқ «Эрк» партиясининг ҳеч бир имконият ва тайёргарликсиз давлатнинг бутун моддий имкониятлари ва ташкилотларига ҳоким бўлган коммунистлар партиясига қарши майдон ўқиганини бутун дунё эшитганди. Бу ишни тўхтатиб бўлмасди. Қирқ кунлик сайлов кампаниясида менга бир марта телевидениеда чиқишига имкон бердилар. Ўнбеш дақика гапирдим. Унинг уч дақиқасини Президентга ҳақорат қилинган деб, қайчилашди. Лекин менинг кайфим чоғ эди. Коммунистик партиянинг ичи бўш, иродасиз бир маҳлуқ эканини кўргандим. Озгина имкон, озгина тайёргарлик ва озгина ғайрат билан бу маҳлуқнинг оёғини осмондан келтириш мумкинлигини кўргандим. Сайловдан олдин биринчи сабоқ шу бўлди.

Иккинчи сабоқ - биз ўз кучимизнинг нимада эканлигини ўргангандик. Бизнинг кучимиз тўғрилиқда, ҳалоллиқда ва биз ташиган гояларнинг самимиятида эди. Бизнинг кучимиз анъанавий сиёsatни рад этиб, ҳалқнинг дардлари билан чинакамига ўртоқлашганимизда эди. Бир сўз билан айтганда, бизнинг Кучимиз коммунистларга ўхшамаганимизда эди.

Сайловда 12.7 фойиз овоз олдим, бундан на хурсанд, на хафа бўлдим. Натижалар сохталаштирилганининг исботи сифатида йигитлар бир неча ҳалта сохта бюллетенни ҳалққа намойиш қилимоқчи эдилар, тўхтатдик. Чунки, сайловдан кейинги босқич ташкилот учун жуда муҳим эди. Сайлов ҳалққа бизга нисбатан фавқулодда кучли таважжух уйғотди, бу юксак тўлқинни қочирмаслигимиз шарт эди. Унинг устига миниб, денгизга томон очилишимиз зарур эди. Майда нарсаларга чалғимаслик керак эди. Хукуматнинг қўшимча ғазаби бизга қўшимча юк бўларди, холос.

Хисобли харакат қилишга мажбур эдик. Шу мулоҳаза билан сайловнинг сохталаштирилгани ҳақида кўп ҳам шовқин қилмадик. Сайловдан кейин сайловни кузатган сенатор Де Кенсини бошчилигидаги ҳайъат партия марказий биносига келиб, биз билан фикр алмашди... Уларнинг гап-сўзидан неокоммунистик Ўзбекистон учун шундай «сайлов» ҳам ёмон нарса эмас, қабилидаги қараш сезилиб турарди. Умуман, 1991 сайловларига барча Ғарб ўлкалари биз кутгандек талабчанлик билан ёндошмади. Энди мустакилликка эришган ўлка, дарров демократия талаб қиласвермайлик, бир неча йилдан кейин, секин-аста демоқратлашар, деган умид билан шундай қилинди. Аммо бир неча йил ўтиб, аҳволнинг бешбаттар бўлишини, ҳокимиятини мустаҳкамлаган коммунист лидернинг аввал зоҳир бўлмаган атавистик майлари юз кўрсатиб, ўлка ахолисини сталинча қатағонга дучор қилажагини ҳеч ким билмасди. Сайлов деб аталган бу томошадан менинг эсимда қолган бир ёркин манзара - бу менинг Фаргона водийсидаги ишончли вакилим, ҳофиз Дадаҳон Ҳасаннинг қайсиdir қишлоқда, бир уйнинг деворига суюниб турган сурати. Бу уйнинг олдида, қишида, декабр ойида, биз ўзимизнинг юпун кийинган, камбагал, бечора сайловчиларимиз билан учрашаётгандик. Дадаҳон Ҳасан деворга суюниб тураркан, унга сўз беришганда, дарров жонланиб, ҳозиргина юзини қоплаб турган тундлик ғойиб бўлар, кўзлари чақнаб, овози янграб, кимга овоз бериш кераклиги ҳақида кўйлай бошларди. Сўзини тугатганда эса, юзига яна тундлик ёйилар, худди ҳозирги оташин нутқни у гапирмагандай, нигоҳини узоққа эмас, ўз ички дунёсига қадаб, деворга суюнганча қотиб қолаверарди.

Бу иррационал манзара 1991 йил сайлов кампаниясидан кўнгилни ёритадиган ягона хотира бўлиб қолди.

16 ЯНВАР

Соат кечкурун тахминан саккиз эди. Шоир Омон Матжоннинг уйида бир-икки дўст билан меҳмонда эдик. Дастурхон ёзилиб, чой қўйилганди, телефон жиринглади ва мени чақиришаётганини айтиши.

- Ассалому-алайкум, - деди, русча талаффуз билан таниш овоз, - сиз билан Ислом Абдуғаниевич гаплашмоқчи, телефонни уласам бўладими?

- Уланг, - дедим.

- Яхшимисиз, - деди президент ва қисқа ҳол-ахвол сўрашгандан кейин:

- Бу одамларингизга айтиб қўйинг, тўс-тўполон қилишмасин, бошқаларга ҳам ўзларига ҳам зарар беради аммо, - деди ўпкали оҳанг билан президент.

- Қайси одамлар, мен тушунмадим, - дедим мен.

- Эшитганингиз йўқми, ВУЗгородокда талабалар сизнинг номингизни плакатга ёзиб, намойиш қилишаяпти, милисага хужум қилишди, қаттикроқ чора кўришга тўғри келди, агар яна давом эттирсалар, ёмон бўлади лекин айтиб қўяй... Мен бу воқеаларни биринчи марта эшигаётгандим. Талабалар билан ишлаётган бўлим ҳам менга намойиш ҳакида ҳеч нарса демаганди. Аммо Президентнинг овозидаги таҳдид оҳангি менга ёқмади, жавобим дағалроқ чиқди:

- Кечирасиз-у, бутун кўчага чиққанлардан мен масъул бўлолмайман, биз агар намойиш қилмоқчи бўлсак, ижроқўмга ариза берган бўлардиқ, - дедим.

- Илтимос, шуни тинч йўл билан ҳал қилайлик, бизга ёрдам беринг, қон тўкилмасин, - деди Каримов, - ҳозирча уларни изоляция қилдиқ, аммо эртага яна кўтарилиши хавфи бор...

Президентнинг «қон тўкилмасин» дегани воқеанинг анча жиддий эканлигидан дарак берарди. У пайтда қоннинг аллақачон тўкилгани ва уни хаспўшлаш учун президент менга ва бошқаларга телефон қилаётганини, албатта, билмасдим. Бизникларга телефон клиб вазиятни аниқладим. Жанжал ошхонада чиқибди. Ноннинг баҳоси ошганинга норозилик билдириб, бир гурух кўчада тўплангач, милиса уни тарқатмоқчи бўлган, лекин оломон каттаяверган. Кечқурунга қараб талабалар намойиши сиёсий тус олган, шиорлар ҳукуматнинг ғазабини қўзғаган ва «омон»чилар талабаларга ўт очган, оқибатда иккита талаба шаҳид тушиб, ўнларча киши ярадор бўлган. Лекин талабалар исёни давом этган. Шаҳарча тун бўйи милиса кордони билан ўраб турилган.

Эрталаб «Эрк» партиясининг котиби Абдулҳай Абдурахмоновни ёнимга олиб Талабалар шаҳарчасига жўнадик. Соат ўнлар чамаси эди, талабалар шаҳарчаси ичидан ўтган марказий кўча одамга тўла эди. Йўл четида тикланган панжара устига чиқиб олган икки-учта кишидан бигтаси «бирлиқ»чи

Абдуманноп Пўлатов эди, у талабаларга карата нимадир деб гапираётганди. Мени ҳам шу «панжара-минбар»га таклиф этишди.

«Минбар»дан оломонга кечаси шаҳид бўлгандар учун таъзия изҳор қилдим. Шикоятларини тингладим. Талабалар ҳисбга олинган бир гурӯҳ сафдошларининг кўйиб юборилишини талаб қилдилар. Биз «омон»чилар қароргоҳига бордик. У ерда Тошкент шаҳар ҳокими Адҳам Фозилбеков ва Жумхурият Прокурори Мустафоев бор эдилар. Талабаларнинг талабини айтдим. Улар қабул қилишди, факат оломонни тинчлантириш керак, дедилар. Мен, сизлар бу ерда бекиниб ўтирангизлар тинчланмайди, талабаларнинг муаммоларини ўз оғизларидан эшигинг ва чора кўринг, дедим. Биз борамиз-у, факат талабалар агресив, кеча иккита одам ўлдирилди, жанжал яна бошланмаса, деб кўрқаяпмиз, деди Фозилбеков. Мен талабаларнинг ёнига бордим ва уларга ҳокимият вакилларини олиб келаман, факат ур-кир қилмайсизлар, дедим. Оломон «хўп» деди. Фозилбеков, Жумхурият Прокурори Мустафоев, Абдуманноп Пўлатов навбатма-навбат гапира бошладилар. Биз, нотиклар, хали ҳам ўша «панжара-минбар»да омонат туриб дарахт шоҳларидан ушлаб, нутқ қилардик. Манзара кулгили эди. Тўладан келган Прокурор «минбар»га зўрға пишиллаб чиққанди, оғзидан чиққан ҳар сўз минбардан кулаш хавфини туғдирап ва шу боис овозини секин чиқаради. Пастанда турган ёшлар эса «қаттиқроқ гапиринг,» дея бақиришарди. Фозилбеков ҳам Прокурор ҳам шляпаларини энсасига суришган, терлаган манглайларидан буғ кўтарилади.

Намойишчилар ерда ўтириб тинглашаётганди. Ўтирган одам тикка турган одамдан сокинроқ бўлади, деб ўйлардик ва қайта қуриш йилларида ўтказилган йигинларнинг аксариятида бу усулни кўллагандик.

Мулоқот яхши кетаётганди, ҳокимият вакилларининг ваъдалари оломонни анча тинчлантириди. Бу оломон ичидағи провакаторларга ёқмади. Мен аниқ кўрдим, бошига қимматбоҳо савсар телпак кийган 40 ёшлар чамасидаги бир кимса биз томонга худди ҳазиллашаётгандай, юзида табассум, кичик бир тош отиб юборди. Бир неча сония сўнгра худди шундай кичик тошча иккинчи бир нуктадан отилди, кейин учинчи, тўртинчи ва борган сари бу тошлар каттая борди.

- Бизнинг йигитларни ўлдиришга шу Мустафоев буйруқ берди! - деди бир ваҳший овоз.

Оломон оёққа қалқди. Тошлар ёмғир каби ёга бошлади. Ёнимда турган нотиқлар ўзларини таппа-таппа ерга ташлаб жуфткани рослашди. Оломон тош отишни тўхтатиб бизга томон югурга бошлади. Менинг ўнг оёғимга тош тегиб ғазабим жунбушга келганди.

- Бас қилинг, ҳайвонлар!, - дея бақирганимни билмай қолдим. Бу сўкинч худди қамчи каби таъсир қилди, оломон тўхтади. Аммо 50-60 киши қочаётган нотиқларни кувалаб бораётганини кўрдим.

Оломонни қайтадан ўтиритирдик. Талабаларга «сизлар жаңжал қилмаймиз, деб сўз бердингизлар, аммо аҳдингизга вафо қилмадингизлар,» дедим. Тўғри, тўғри, ичимизда иғвогарлар бор эди, дея бақиришди ёшлар.

Оломон ғалати бир ҳилқат. Ичида иғвогар борлигини билади, унинг нияти ёмонлигини билади, аммо у иғвосини бошласа, оломонжон бу иғвога учеб, бузишга, синдиришга, майиб қилишга, ҳатто ўлидиришгача бориши мумкин. Албатта, талабалардан иккитасини ўлдирган ҳокимият ўз жазосини тортиши керакди. Аммо оломоннинг линч қилишни истаётгани - на Фозилбеков, на Мустафоев буни ҳақ этганди. Жазони ҳақ этган давлат эди, давлат эса, битта одам эди. У одам 1991 йилги президентлик сайловларидан кейин ўз халқи билан учрашишни бас қилганди. Ва ортиқ ҳеч қачон учрашмаяжак эди. Эртаси куни «Комсомольская правда» газетаси 17 январ ҳакида «бирлик»чилар маълумотига таяниб ёзилган бир мақола чоп этди. Мақола «студенты забросали камнями недавнего своего кумира Мухаммада Салиха,» дея хабар берарди. Бу «Бирлик» харакатидаги «Эрк» мухолифларининг илк дезинформацияларидан бири эди. Кейинроқ бу кичик гурух мухолифликни янада ашаддий аламзадалик билан юритажагини, режим четда қолиб, бутун фаолиятини «Эрк» ва каминага қарши соxта хабар тарқатишга қаратишини ҳеч ким тасаввур қилмаганди.

ТАФТИШ ГУРУХИ

16-17 январ воқеаларининг сабабларини ва иккита талабанинг ўлдирилишида айборларни аниқлаш учун Олий Кенгашда тафтиш комиссияси туздик. Бир неча кун шу иш билан машғул бўлдим ва кўрдим-ки, талабаларга ўқ отиш буйругини ким

берганини бу тафтиш комиссияси ҳеч қачон айтолмайди. Чунки, буйруқ берган одам Ўзбекистон президенти И.Каримов эди. Мен тафтиш комиссияси Раисига ҳақиқатни халққа айтишларинг керак, акс ҳолда, сизларнинг қотил ҳукумат билан тил бирингирганингиз ҳақида дунёга билдирамиз, дедим.

Бу таҳдидга жавобан, бир неча кун сўнгра, президент Каримов ҳукумат активида чиқиб «16-январ воқеаларида «Эрк» ва «Бирлик»нинг ҳеч қандай роли йўқ,» деб баёонот берди. Бу мени тинч кўйсаларинг, сизларга ҳам айб кўймайман, дегани эди. Лекин «Эрк» газетаси талабалар шаҳарчасидаги қотилликнинг бош сабабчиси давлатнинг энг юқори лавозимида ўтирган киши эканлигини ёзди. Цензор Эркин Комилов билан катта жаңжал бўлди.

Газета номери кечика бошлади ва мақола цензорнинг истаганидай босилди. Матбуот вакилларини чақириб мен тафтиш комиссиясининг кўзбўямачилик учун тузилганини эълон қилдим ва комиссия таркибидан чиққанимни билдирам. Бу ҳукумат билан очиқ конфронтацияга ташланган биринчи қадам бўлди.

Феврал ойида ҳукумат бизнинг ташкилотга қарши ёппасига ҳужумга ўтди. Вилоят газеталаримизнинг бир нечтасини ёпди. Партия аъзоларига очиқча тазийк ўтказилиб, уларни ҳар хил баҳоналар билан ишдан, ўқищдан хайдай бошлади. Бор йўғи олтиетти ой (1991 август - 1992 январ) ўз фикрини эркин айтиб кўксига шамол теккан халқ энди совет давридан ҳам баттар бир давр бўсағасида турарди.

1992 йил. ЖИПСЛАШУВ

Умумидрок янги туғилаётган шайтанатнинг муҳтамал агрессиясини тасаввур қилди, шекишли, дарров жипслашув сигналини берди. Ўзбекистонда қайта қуриш даврида тузилган истисносиз бутун норасмий ташкилот раҳбарлари «Эрк» партияси биносида тўпланиб, бирлашув қарорига бордилар.

Март ойида «Эрк», «Бирлик», «Туркистон», «Тўмарис», «Демократик ислоҳотлар ҳаракати» ва «Ёш олимлар уюшмаси» бир бўлиб «Ўзбекистон Демократик Форуми» тузилганини эълон қилишди. Форумга фақат ташкилотлар эмас, шахслар ҳам аъзо бўлишлари мумкин эди. Олий Кенгашдан 15 га яқин миллатвакили Форумга кирди.

Собиқ бош Вазир Шукрулло Мирсаидов ҳам шулар ичида эди. «Эрк» партияси Форумга параллел равища 20 дан ошиқ иқтисодчи олимни тўплаб, уларга Ўзбекистоннинг иқтисодий жуғрофиясини яратиш ва ўлкани бўхрондан чиқариш Дастурини ишлаб чиқаришни топшириди. Олимлар бу вазифани бажонидил қабул қилиб, илҳом билан иш бошладилар. Олимлар гурухи ўлка маорифи ва илмида ўрни бўлган фан докторлари ва номзодларидан таркиб топганди.

Бу инсонлар бир оғиз илиқ сўзимизга «лаббай» деб келган, ватанга факат чиройли сўзлар билан эмас, амалда хизмат қилишга бел боғлаган фидоий кишилар эди. Бугун уларни катта миннатдорчилик туйгуси билан эслайман. Уларга бизнинг ташкилот на мансаб, на пул ва на-да обрў олиб берарди.

Аксинча, бу инсонлар бизнинг қароргоҳга тириклигини, мансабини хавфга қўйиб, ҳукуматнинг ғазабига учраш эҳтимолини кўзга олиб, келишганди. Баъзи тушкун кайфиятли муҳолифатчилар «зиёлилардан умид йўқлиги” ҳақида ёзғира бошлагандан доим мен уларга ўша 1992-да тузилган иқтисодчилар форумини хотирлатаман.

Иқтисодчилар «Эрк» партиясининг мажлис залида бор-йўги уч марта тўплана олди, аммо шунинг ўзигина ҳукуматни иқтисод мавзусида бу ташабbusни айнан тақрорлашга мажбур қилди. Ҳукумат Бош вазирликда иқтисодчиларни тўплаб «Эрк» партиясининг нафақат ғоясини ўзлаштириди, балки, бу гурухни аташда ҳам «Эрк»ка тақлид қилди. Айни пайтда бизнинг гурухга тазийик ўтказа бошлади. «Эрк» алтернатив ҳукумат тузатганмиш, деган миш-мишлар илк дъафа ўша кунлари чиқарилди.

Ҳукумат бизга муқобил тузилган иқтисодчилар гурухини телевидение орқали бот-бот намойиш қилиб турди. «Эрк» гурухига тазийиқни борган сари ошира борди. Ниҳоят, ҳар эҳтимолга қарши, гурух аъзоларининг хавфсизлигини ўйлаб, йигилишларни вақтинча тўхтатгандик, ҳукумат ҳам ўз гурухини намойиш қилишдан тўхтади.

Кейин эшилсақ, бу гурух ҳеч бир жиддий нарса устида ишламаган, ҳеч қандай программа ҳам ҳозирламаган экан. Энг ажабланарлиси, «Эрк» гурухи ўз мажлисларини тўхтатгандан сўнг ҳукумат гурухи ҳам тарқатилиб юборилган.

Бу ғаройиб воқеанинг сирини бугун хам англамайман. Мақсад бизнинг гуруҳ фаолиятини тўхтатиш бўлса, буни одатдагидек тазиик-таъкиб билан тўхтатса бўларди-ку, зотан, шундай тўхтатилди хам. «Муқобил гуруҳ» тузишга зарурат бор эдими?

АҚШ ДАВЛАТ СЕКРЕТАРИ ТАШРИФИ

Март ойининг бошларида АҚШ Давлат Секретари Жеймс Бейкер Ўзбекистонга келди. Преизидент Каримов билан учрашгандан кейин «Эрк» ва «Бирлик» раҳбарлари билан кўришди. Учрашув Дўрмондаги ҳукумат резиденциясида ўтди. Бейкер учрашувда яна бир марта ўтган Президентлик сайловлари хусусида фикримизни сўради. Сайловнинг холис ўтмагани биз тарафдан баён қилинди. «Бирлик»чилар ўз номзодларининг сайловда кўрсатилмаганини айтиб, шикоят қилишди.

Сайловда номзод кўрсатиш учун ўзлари тўплаган бир неча минг одам имзосини Давлат Секретарига етказишига ваъда бердилар. Бейкернинг Ўзбекистонга ташрифи ва мухолифат билан учрашуви дунёning ягона супер кучи бўлиб қолган давлатнинг Марказий Осиёга жиддий эътибор бераётгани ва у ердаги режимлардан демократия ва инсон ҳақларини устивор тамоиллар сифатида талаб этажагига ишора эди.

1992-йилда мустақил ҳукмронлик туйғусидан сархуш ўзбек Президенти ўз юртининг иқтисодий жиҳатдан оёққа туриб, истиқлонини мустаҳкамлашда Гарб ва АҚШнинг таъсир миқёсини тахмин қилаолмасди. У дунёни худди минатюра расмларида гидек перспективсиз кўрарди, Ўзбекистон меники, истасам эшигини ёпаман, истасам очаман, «нима менга Америка?», дерди ўз ҳамشاҳари шоир Ҳамид Олимжонга ўхшаб.

Бейкернинг ташрифи 16-январдан кейин мухолифатга қарши кучайган тазиикларни бир оз юмшатди. АҚШ Давлат Секретари Каримовни мухолифат билан ишлашга очиқча даъват қилди. Умуман, АҚШ жумҳуриятчилар иқтидори Марказий Осиёда янги пайдо бўлган диктаторларга нисбатан анча «жумҳуриятчи»роқ муносабатда бўлганди.

1995 йил мен Вашингтонда Жеймс Бейкерни зиёрат қилиб, сұхбатлашгандим. «Хеч нарса ўзгаргани йўқми?», деб сўради у кулиб. «Йўқ, баттар бўлди», дедим.

ДЕМОКРАТИК КУЧЛАР ФОРУМИ

Март ойининг охирида янги ташкил қилинган «Ўзбекистон Демократик Кучлари Форуми»нинг биринчи мажлисини ўтказдик. Мухолифатдаги ташкилотлар 89-йилдан бери илк даъфа бир шамсия остида тўпланаётгандилар. Мажлисда ўлкадаги сиёсий вазият хусусида шундай маъруза қилдим:

«Бугунги йигитлишимизни Демократик кучларнинг анжумани деб атадик. Бу ном албатта шартли бир номдир. Бу номни бемалол мухолифатдаги кучлар анжумани, деб ҳам атаси мумкин. Чунки, бугун бизнинг жумҳуриятда ҳар қандай демократик гурӯҳ фақат мухолифатда бўлиши мумкин.

Биз Ўзбекистон БМТга аъзо бўлиб, Хелсинки Шартномаси ва бошқа ҳалқаро ҳужжатларга имзо чекканидан бошимиз осмонга етди. Аммо аччиқ бўлса ҳам тан олиши керак-ки, бу тарихий воқеалардан сўнг демократияга қарши хуруж авж олишини барча демократлар ботинан билар эди.

Бу хуруждан нолиётганлар «бу қандай сиёсат, ишим битди, эшагим лойдан ўтди, сиёсатими?», дея ҳайқирмоқдалар. Улар «Бирлашган Миллатлар ташкилоти Ўзбекистонни демократик давлат бўлгани учун эмас, аксинча, демократик бўлмагани учун, ундаги демократик жараёнга тезроқ туртки берииш учун ўз сафида қўйди,» дейдилар.

Бу нормал бир мантиқдир. Бу мантиқ шу қадар нормалдор-ки, у фақат нормал бир жамиятда қабул қилинishi ва англаниши мумкин. Бизнинг жамиятимиз нормалми?

Мен шу ҳақда гапирмоқчиман ва нутқимни «қайта қуриши» деган қўхна тушунчадан бошламоқчиман.

Қайта қуриши даврида сиёсатшунослигимиз янги атамалар билан бойиди. Буларнинг энг кўп тарқалгани «демократия» ва «ошкоралик»дан ташқари, «тоталитар тузум», «коммунистик режим» ёки «диктаторлик бошқаруви» кабилардир. Шуни айтиши керак-ки, бу атамалар бугун Русия ва болтиқбўйи давлатлари учун эскиргандир. Бу атамалар бизда кўпроқ қўлланилади. Ўзини радикал деб санаган кишилар жумҳуриятдаги номлайдилар. Янги ҳукуматни «неокоммунистик» дея, президентни эса «яккаҳоким,» деб атайдилар. Бир қарашибда, бу атамалар ўз ўрнида ишлатилаётгандай туюлади. Чунки, жумҳуриятда демократик принциплар ҳақиқатан ҳам қарор топгани йўқ. Чунки, бозор

иқтисодиёти ва хусусий мулкчилликка муносабат ҳам эскича. Чунки, бошқарув усуллари ҳам, давлат тизимлари ва унда ўтирган одамлар ҳам эскидир. Ва ниҳоят, Президент чиндан ҳам барча ҳокимиятни ўз қўлида марказлаштиришига мойиллик кўрсатмоқда. Тоталитар тузум дегани шу эмасми, дея хитоб қиласди радикаллар. Яккаҳокимлик шу-да, дея ҳайқиради улар.

Тузумни танқид қиласар экан, уни «тоталитар» дея Лекин вазият чуқурроқ таҳлил этилса, мавжуд тузум ҳам, янги номенклатура ҳам, давлат бошлиги ҳам аввалгиларидан мутлақо фарқлидирлар. «Тоталитар тузум» атамасини олайлик. Бу атама бизнинг турмушишимизни асло белгилай олмайди, чунки, тоталитар тузум, биринчи навбатда, мустаҳкам ҳокимият деганидир. Бундай ҳокимият бугун сабиқ Иттифоқнинг бирорта жумҳуриятидан, шунингдек, бизнинг жумҳуриятимизда ҳам йўқдир. Шу маънода, бирорта жумҳурият иккинчи жумҳуриятдан ўзиб кетганий ўй ва улар бирор бир нарсада тенг бўлсалар, айнан шу ҳокимиятсизликда тенгдирлар. Март ойида Москов кўчаларида қизил байроқларини қиличдай сермаб, шўролар иттифоқини тиклашга чорлаган коммунистлар худди ўша мустаҳкам ҳокимиятни талаб қилган эдилар.

Иккинчидан, тоталитар давлат структуралари ягона мафкура доирасида ягона сиёсий мақсад сари йўналтирилади. Бугун бизда ягона мафкура йўқ.

Тоталитар тузум мафкураси бизнинг ҳаётимизда шу қадар катта ўрин өгаллаган эдики, у йиқилгандан сўнг пайдо бўлган бўшилиқни тўлдириши учун фақат «демократия» ва «бозор иқтисодиёти»нинг ўзигина камлик қиласди. Бу бўшилиқни ҳатто диний ёки миллий мафкура ҳам тўлдира олмаяпти.

Шунингдек, сиёсий мақсадимиз ҳам туманлидир. Бугун демократик давлат яратамиз, дея эълон қиларкан, биз кеча, коммунизм қурамиз, деган хаёлнарасларга ўхшаб қолаяпмиз, чунки, бундай давлатни қуриши учун ҳеч қандай кафолат йўқ.

Уичидан, тоталитар тузум давлатни бошқариша омманинг қўрқувига сужнади. Бундай қўрқувни яратиш учун кучли ҳокимият бизда йўқигини айтдик, демак, бугун бизда қўрқув ҳам йўқ. Пораҳўрликнинг очиқдан-очиқ авж олаётгани, коррупция ва жинояятчиликнинг юқори lab бораётгани, давлат тизимларидаги ошкора саботаж ҳеч ким ҳеч нарсадан қўрқаслигини билдиради.

Саналган факторлардан кўриниб турибди-ки, мавжуд тузумни тоталитар деб атас мумкин эмас.

Демак, бу тузум тенасида турган Президентни ҳам «якка ҳоким» дейишга асос йўқ. Чунки, у қўл остига жамланаётган ҳокимииятларнинг бирортаси (қонун чиқарувчи, ижроия ва адлия ҳокимииятлари) ўз функциясини бажараётганий йўқ. Агар бажаргандарида эди, юқорида айтилган ҳужуқсизлик, пораҳўрлик, коррупсия, жинояятчиликка жилов топилган бўларди.

Президент демократик принципларни топтаётган бўлса, бунга ҳам ажабланишинг кераги йўқ, чунки, бу принципларга Президент каби Олий Кенгаш ҳам, суд, прокуратура ва оддий фуқаро ҳам амал қўлмайди, яъни, қонунсизлик ва ҳокимииятсизлик олдида Президентдан тортиб, оддий фуқарогача ҳамма тенгдир. Март оидаги Москов кўчаларига чиқсан коммунистлар ана шу ҳокимииятсизликни баҳона қилиб, тоталитар тузумни ҳимоя қилган эдилар. Бизнинг жумҳурияти мизда ҳам турғунлик йилларини созинаётганлар сонмингта ва бу сөгинчни хунта ҳукмрон бўлган кунлари жуда кўплар ошкор кўрсатди. Агар вазият ўзгармаса, бу гуруҳларнинг тарафдорлари кўпайиб боражсак, чунки, одамларнинг кўпчилиги тоталитар ёки демократик ҳокимиият йўқлигидан эмас, умуман бирон бир ҳокимиядан йўқлигидан норози бўлмоқдалар. Улар коммунистик мафкурадан безиб бўлганлар, аммо, қандай бўлмасин, бирон мафкурасиз яшашга ҳам рози эмаслар. Ва ниҳоят, улар ўз фуқаросига иқтисодий ва сиёсий кафолат бершига қодир бўлган бир тузум истайдилар. Лекин бундай тузум собиқ Иттилоқ жумҳуриятларининг бирортасида йўқдир.

Бўлмаса, қандай тузум бор? Қизиги шунда-ки, ҳеч қандай тузум йўқ. Шу сабаб, шўрлик сиёсатчиларимиз чет эллик мухбирларнинг «қандай тузум бўлади?» деган саволига жавоб тополмайдилар. Шу боис, биз «Хитой модели»дан «Америка модели»га, «Америка модели»дан «Курия модели»га сакраймиз, қўним тополмаймиз. Ҳа, биз бугун шундай бир тарихий босқичга келиб тўхтадик-ки, бу босқични «тузумсиз тузум» деб атас мумкин ва бу атама қайта қуриши яратган энг сўнгги атама бўлса, ажаб эмас.

Бундай вазиятда мухолифатнинг ҳам роли ўзгаради. Мухолифат бугун маълум бир тузумга эмас, мавжуд

түзумсизликка қарши турған күчдир. У түзумни ўзгартириши учун әмас, янги түзум пайдо қилиши курашига шайланмоқда. Ва биз талаб қилаётганды Конституция бу курашынинг биринчи ва мухим босқичи бўлажак. Бугунги сиёсий вазият ҳақида «Эрк» партияси мисолида қисқача ахборот бермоқчиман.

Сайлор ўтгандан кейин «Эрк»ка тазиик икки баробар кучайди. Газетамиз ёпиши арафасида турибди. Сензура назорати кун сайин шафқатсиз бўлиб бормоқда. Газетанинг 11-сони вақтида чиқмай қолди. Бунга техник сабабларни кўрсатаётган бўлсалар ҳам, аслида, бу муҳолифат нашрига расмий муносабатни билдиради, яъни, ҳукуматимиз жумҳуриятда муҳолифат мавжудлигига ҳеч кўнника олмаяпти. Газетанинг оппозитсион нашр эканлиги ва бу нашрда ҳукуматга танқид айтилиши табиий бир ҳол эканлигини ҳеч англаб ололмаяптилар. Сензура ҳукуматга танқидни бевосита Президентга ҳақорат сифатида қабул қилмоқда. Партия ўз қараашларини ўзининг нашрида ҳам билдираолмас экан, кўппартиявилик соҳта бир шиордир.

Вилоятларда партия бўлимларига ўтказилаётган тазииклар ҳам борган сари ортмоқда. Битта Қашқадарё мисолида айтсак, у ердаги нафақат «Эрк» аъзолари, балки, бу партияга хайриҳоҳ одамлар ҳам таъқиб қилиниб, ишдан бўшатилмоқда. Шу йил бошида вилоятдаги «Эрк» бўлими котиби ҳеч бир сабабсиз ҳисбса олинди. Яқинда ўша вилоятнинг У. Юсупов туманига партия мажлисига борган эдим. Бутун районни милитсия билан ўраб олиб, қатагон қилдилар. Мажлисга келаётган одамларни қайтариб юборишиди. Юзага келган тангвазият тўғрисида «Эрк» партияси бир неча бор Президентга мурожсаат қилди. Аммо бирор марта ҳам жавоб олгани йўқ. Шунингдек, партияга бўлаётган ноконуний ҳатти-ҳаракатлар хусусида газетамиз материаллар чоп этди, аммо ҳозиргacha бирор-бир ҳукукни муҳофаза этувчи орган муносабат билдиргани йўқ.

Ваҳоланки, ўз обрўсини ўйладиган ҳар қандай ҳукумат муҳолифат билан мулоқотда бўлишига интилади, унинг фикри билан қизиқади, унинг танқиди ҳақми, ноҳақми, таҳлил қилади.

Бундай таҳлил бўлими Олий Кенгашда ҳам, Президент аппаратида ҳам бўлиши керак. Лекин кейинги икки йил давомида Президент ҳам, Олий Кенгаш ҳам муҳолифат билан расмий

учрашгани йўқ. Бу ҳокимиятлар мавжудлигини бизга ўтказилаётган тазийклардан сезиб турибмиз, холос.

Мен боя «Эрк» газетининг ёпилиши хавфи бор, дедим. Бу шунчаки муболага эмас. Яқинда давлат матбуот қўмитаси (Ўзбекистон сензураси) раиси Р. Шоғуломовдан бир хат олдик. Унда айтишишича, «Эрк» газети қонунга хилоф равишда, ҳарбий қисмларнинг адреси ва зобитларнинг фамилиясини кўрсаттаётган эмиш. Бундан ташқари, газет миллий низолар қўзгашибга ҳаракат қилаётган ва агар бу нарса яна давом этса, «Эрк» газетига қонунан чора кўрилар экан. Тўгри, собиқ Совет Қонунлари бўйича ҳарбийга оид маълумотларни чоп қилиши мумкин эмас. Аммо бугун Иттифоқнинг ўзи ҳам, қонунлари ҳам йўқ-ку! Р. Шоғуломов газетага қайси қонун асосида чора кўрмоқчи? Қолаверса, Р. Шоғуломов ҳимоя қилаётган ҳарбий обьектларни бугун америкалик мутахассислар космосдан туриб, суратга олаяпти, маълумотларни бутун дунёга ошкор қиласапти-ку!

Р.Шоғуломов «миллий низо» деб «Эрк» газетида Хўжалидаги озори аҳолисининг қирғинига бағиланган Хуршид Давроннинг мақоласини назарда тутаётганга ўхшайди. Бу мақоланинг ортиқча ҳиссий эканлигини Хуршид Давроннинг ўзи телевидение орқали тан олди. Ва бу мақола «Эрк» партиясининг ҳам, «Эрк» газетининг ҳам икки халқ ўртасидаги гавгосига муносабати эмас.

Бу бир шахс муносабати. Р. Шоғуломов буни ҳам тушунади, аммо тушунмаганга олади. Газета-ку майли, аммо биз олган ахборотларга кўра, бутун демократик ташкилотларга тенг миқдорда ҳужум тайёрланмоқда. Яқинда мутасадди ташкилотда бир мажлис ўтган. Талабалар шаҳарчасида бўлган январ воқеаларини текшираётган тергов гуруҳи мажлиси. Унда қатнашган терговчининг айтишишича, бу гуруҳга 16 январ воқеаларида «Эрк» ва «Бирлик»нинг қўли борлигини исботловчи ҳужжат тайёрлаши буорилган.

Сизга маълумки, бу қонли воқеалардан тўрт кун сўнг, шахсан Президентнинг ўзи «Эрк» ва «Бирлик»нинг мазкур гавгога алоқаси йўқлигини бутун жумҳуриятга эълон қилган эди. Мана, тергов бошланганинга икки ойдан ошиди, аммо гуноҳкорлар топилмади.

Топилмаганидан кейин яна ўша «Эрк» ва «Бирлик» версиясига қайтишига қарор қилишганга ўхшайдилар.

Хуллас, ахвол чидаң бўлмас даражага етаяпти. Агар вазият ўзгармаса, биз энг сўнгги чора - оммавий намойишлар йўлига ўтишига мажбур бўлажакмиз. Лекин ҳали ҳам кеч эмас, биз ҳурматли ҳукуматни яна бир бор ақл-идрокка чақирамиз. Халқни «дўст» ва «душман» гурухларга ажратмасликка даъват этамиз.

Биз баъзилар айтгандек, «қора кучлар» эмасмиз. Биз улар айтаётгандек, Ватан мустақиллигининг душмани ҳам эмасмиз. Аксинча, бугун мустақилликни пеш қилаётган кимсалар икки ийл олдин мустақилликка қарши курашаётган эдилар ва ўша замонларда айнан демократлар мустақиллик гоясини кўтариб чиқдилар! Озгина инсоф керак. Биз инсофга чақирамиз. Зўрликдан воз кечинг, чунки, зўрлик фақат зўрликни тугдиради, буни унумтманг, дея илтижо қиласмиз. Токи, Ўзбекистон ҳам Гуржистон каби олов майдонига айланмасин.

Биз, ўзини демократ деб атаган кишилар аввал-бошданоқ ижтимоий барқарорлик тарафдори эдик, бугун ҳам шунинг тарафдоримиз.Faқат бу барқарорлик ҳуқуқсизлик ва зўравонликка қурилмасин. Бизмутлақо осоийшиталик тарафдоримиз, аммо бу осоийшиталик зиндан осоийшиталигига айланмасин. Бор-йўқ талабимиз шу. Бор-йўқ орзуимиз ҳам шу.»

Мендан кейин, бир-иккита миллатвакили чиқиб гапирди. Форумнинг ташкилий ишларини ўртоқлашдик. Мухтасар Тузук (Устав) қабул қилинди. Форум ўлка бўйлаб мусбат акс-садо берди. Фарғона водийсида «Эрқ» вағ «Бирлик»чилар тўпланиб, «Форум»нинг вилоят бўлимларини очдилар. Одамлар янги ташаббус илҳоми билан яшай бошлагандилар.

Форумда қилинган маъруза ўзимизнинг «Эрқ» газетасида босилиб чиқди. Сензордан ўтганига ажабландим. «Ўтганининг сабаби» сал кейинроқ шоир депутат Карим Бахрининг ҳикоясидан кейин маълум бўлди. Карим Бахри президентнинг қабулига иш билан кирган экан, у «Эрқ» газетасини ўқиб ўтирган экан. «Каримжон, бу одамнинг ёзганига хеч тушунмайман, мана шу мақоласида бизни мақтаяптими ёки ёмонляптими?» деб сўрабди «Эрқ»да босилган Форум мажлисидаги маърузани кўрсатиб.

Карим Бахри президентга нима деб жавоб берганини билмайман, аммо сензорнинг мақолани босишга қандай рози бўлганини биламан. У ҳам мақолани тушунмаган. Бир нарсани

Президент тушуммаган бўлса, у нарсани Президентнинг сензори тушунмаслиги фарздир.

САРОЙДАН ЧАҚИРИҚ

Демократик Кучлар Форумининг биринчи мажлисида тўпланган одам сони, балки, элликдан ошмасди. Аммо бу йиғилиш ҳукуматга чинакам қўркув ўйғотди. Чунки, бу аңжуман нафакат «Эрк» ва «Бирлик»ни жиспештирганди, балки Олий Кенгашдаги мухолиф гурӯҳнинг етакчи шахсларини ҳам бир йўналишга согланди. Қолаверса, Форумнинг илк мажлисидан кейин унга майл билдириганлар бошқа ижтимоий гурӯхлар ичидаги суратла кўпая ҳам бошлаганди. «Эрк» партияси қароргоҳи май ойининг бошида худди 91 - йил сайлов пайтидаги каби, балки, ундан ҳам гавжумроқ эди.

Форумнинг Иккинчи Мажлиси 10 майга белгиланганди. Апрел ойининг охирида Саройдан телефон келди. Бугун кечқурун бир жойга кетмаяпсизми, деб сўради Президентнинг рус ёрдамчиси. Йўқ, дедим. Ислом Абдуғуниевич сизни соат олти яримда чойга таклиф қиласпти, кутамиз, деди ёрдамчи.

Кечқурун вақтида бордим. Олтинчи қаватда одам кам эди. Қабулхонада бир аёл кўринди ва президент доим ёнидан айрмайдиган ёрдамчиси Зелимхон ўша ерда эди. Каримов кабинетга таклиф қилмади, тўғри емакхонага бошлади. Кайфияти яхши эди.

- Зелимхоннинг ошидан бир ейлик, - деди кулиб.

Емакхонада катта катта дастурхон ёзилганди, аммо атрофида биздан бошқа ҳеч ким йўқ эди. Сиз билан муҳим гапимиз бор, деди Президент. Дўстингиз Омон Матжонни ҳам чакирайликми?, - деб сўради. Чакиринг, муҳим гап бўлса гувоҳлик қилар, - дедим ва кулдим. Омон Матжон келди, у саройда маданият бўлимидами ишларди.

Президент Зелимхонга кетишга рухсат берди, бизга Омонжон етади, сиз озодсиз, деди.

Зиёфат тўрт ярим соат давом этди. Мен Ўзбекистон ҳакида ўйлаганларимни, ҳукуматга бўлган танқидий қарашларимни очик, яширмасдан ўртага тўқдим. Каримов энг аччиқ гапларни ҳам сабр билан тинглади. Бўлмаса, сизлар ҳам юкнинг бир тарафини кўтаринглар, четдан танқид қилиш осон, деди у. Сиз ҳам ҳукуматга

киринг. Шу таклифни айтиш учун сизни чакиргандим. Ҳозир столимда иккига фармон ётибди, қайсисини таңласангиз ўшанга имзо чекаман. Хоҳлаган лавозимингизни олинг. Бундан ташқари партиянгиздан яна 7-8 кишини ҳукумат таркибиға киришишимиз мүмкин. Ўзингиз, мустақиллик бўлса бас, келишиб ватанга хизмат қиласиз дегандингиз, мана хизмат қилиш пайти келди. Сиздан битта илтимос, шу Форумнинг иккинчи мажлисини чакирманг, деди сўзининг охирида президент.

Муддао аниқ бўлганди. Форумни тарқатиб юбориш эвазига «Эрк» партиясиға ҳукуматдан бир парча ўрин таклиф қилинаётганди. Мен президентга миннатдорчилик билдирам. Аммо Форумни ҳеч қачон тарқатмаяжагимни, қолаверса буни қилиш менинг қўлимдан келмаяжагини айтдим.

- Аксинча, сиз Форум мажлисига келиб мухолифат олдида гапиринг. Унинг дардларини тингланг. Ватан манфаатлари учун бирга ишлаймиз, денг. Биз конструктив мухолифат бўлайлик, сиз конструктив ҳукумат бўлинг. Мухолифат билан расмий диолог қилинг.

- Мен сиз билан диолог қилишим мумкин, телевизорга чиқайлик, майли, аммо у айтганинг бўлмайди, - деди Каримов.

- Агар сиз мухолифат олдида чиқиб, мамлакат масалаларини тилга олсангиз, бу биринчидан сизнинг обрўнгизни оширади, Farb давлатлари сизни демократ лидер сифатида таний бошлияди, инвестиция шундан кейин бўлади, ёрдам шундан кейин келади, энг муҳими, ўлкамизда мухолифат-ҳукумат гавгоси фойдали ҳамкорликка айланади, баркарорлик мустаҳкамланади, - дедим.

Мен бу гапларни мутлақо дўстона ва самимий айтиётгандим. Каримовнинг бизга ўтказаётган тазиик-таъқибларини унутгандим. Кўнглимда зарра қадар кин йўқди, умумахволни тузатиш имкони пайдо бўлганди, бу имконни йўқотмаслик учун чирпинардим.

Президентнинг хаёли бошқа ёқда эди.

- Шу ердан икки фармоннинг бигтасига қўл қўймасдан чиқиб кетмаймиз, тўғрими, Омонжон, айтинг дўстингизга!, - деди чапанилик билан у.

- Тўғри, тўғри, - деди Омон Матжон.

- Формунинг мажлиси чақирилди, уни тўхтатиш хақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас, мени кечирасиз,- дедим.

- Майли, Форумингизни ўзингиз биласиз, факат менинг таклифимни шу ерда ҳал қилийлик, - деди Президент.

- Партияларнинг бир-бiri билан ҳамкорликда коалиция тузиши, хукumatга ўртоқ бўлиши Гарб давлатларида нормал нарса, аммо бизда демократик система йўқлиги учун ҳамма нарса бигта одам иродасига боғлиқ бўлиб қолади, бу ҳам кадрлар сиёсатида истикрорсизлик яратади, бир баҳона топиб, хукumatдан қувмаслигингизга ҳеч ким кафолат беролмайди, - дедим мен, - сиз импулсив одамсиз, Ислом ака, кайфиятингиз ўзгариб туради...

- Нима, мени... деб ўйлаётганим йўқ, - дедим мен. Каримов.

- Ҳеч ундаи деб ўйлаётганим йўқ, - дедим мен.

- Бўлмаса, илтимос, менинг сўзимга ишонинг, - деди сухбатдошим.

Зелимхоннинг оши яхши бўлган экан, аммо сухбат қизғин бўлганидан, таом ейилмади. У пайтда чекардим, сухбат қизиганда сигаретсиз яшай олмасдим, менинг иккита ҳамроҳим чекмасдилар, сабр билан тутун ютиб ўтиришди. Президентнинг таклифини қабул қилмасликка қатъий қарорли эдим, аммо айни пайтда бир одамнинг таклифини юзига қайтариб урмаслик ҳам керак эди. Президент бу таклифини саҳоват деб биларди. Унинг нафсониятини оғримайдиган ўрга йўл ахтарардим.

Соат ўн яримларда ўрнимиздан турдик. Президент столдан айланиб ёнимга келди.

- Хўп, оғайнилар нима қилди, бўлмаса?, - деди у ва қўлимдан тутди, - ҳали айтганим гап-гап, ҳозир шу ердан менинг кабинетимга кирамиз, фармонлардан бирини тасдиқлаймиз, бўлмаса юбормайман...

Президент бироз ширакайф бўлса-да қарорида қатъий эди.

- Менинг бир фикрим бор, - дедим унга, - бизга хукumatни эмас, Олий Кенгашни беринг. Мен раисликка номзодимни кўяман, сиз қаршилик қилмасангиз бўлди, биз ютиб чиқамиз. Ютиб чиқсан, уч ой раислик қилиб, кейин кетаман. Шу уч ой ичидаги ўзимиз истаган Конституцияни қабул қиласмиз. Кўрасиз, бу хужжат сизга ҳам маъқул бўлади. Хужжат қабул қилингандан сўнг, мана, эркак сўзи, раисликдан истеъло қиласман, яна муҳолифатга қайтаман. Бизга соғлом хукumat ва соғлом парламент қанчалик зарур бўлса,

соглом мухолифат шу қадар зарур. Шунинг учун ҳам сизнинг ҳукуматга кириш таклифингизни қабул қилолмайман, узр. Лекин Олий Кенгашда вақтинча, умум манфаат учун фаолият кўрсатиш имумкин. Аммо бу ҳам Форумнинг тўпланиш тўпланмаслигига алоқаси бўлмаслиги керақ, - дедим.

Президент четга қаради. Таклиф маъқул бўлмагани кўриниб турарди.

- Мана, сизга сўз бераман, янги йил вақтидан олдин сайлов қиласиз, сиз Олий Кенгаш раиси бўласиз, - деди президент, - аммо менинг таклифимни яхшилаб ўйланг...

- Янаги йилгача Худо раззоқ, - дедим.

Президентга дастурхони учун миннатдорчилик билдириб, хайр-маъзур қилдик. Йўлда Омон Матжондан узун-узун танқидлар эшишишга тўғри келди. Президент билан учрашувдан бир-неча кун сўнгра ҳукумат газетасида «ГКЧПдан чиққан қаҳрамон» деган мақола чоп этилди. Мақолада собиқ витсе-президент Шукрулло Мирсаидов танқид қилинарди. Унинг Демократик Кучлар Форумига нима алоқаси бор, у ГКЧПни қўллаган эди-ку, дейиларди мақолада. Яна «Форумга ГКЧП байроби (Мирсаидов) нега керак бўлиб қолди? Собиқ витсе-президентнинг савлати керакми ёки давлати?», дея хитоб қиласиди мақола. Бу билан яқинда ташкил қилинган Форумни моддий жиҳатдан кўллаётган одамнинг витсе-президент эканини айтиб, айни пайтда «Эрк» партияси ҳам шундай коронгу ишлар билан (маблағ) боғланган деган таассурот уйғотмоқчи бўларди.

Мақола Форумнинг иккинчи мажлисига келаётган одамларга бир огохлантириш эди. Бу мажлисга келганларнинг ҳаммаси Шукрулло Мирсаидовга ўхшаб матбуотда шарманда қилинади, эҳтиёт бўлинг деяётганди ҳукумат.

Аммо одамлар эҳтиёт бўлмади. Форумнинг иккинчи мажлисига аввалгидан кўра уч баравар кўп одам келди.

Улар «Эрк» залига сифмати, мажлисни бино орқасидаги ҳовлида ўтказдик. 1999 йилда, бу сатрларни ёзаётганда, етти ярим йил аввал ўша мажлисдан олинган суратларга боқдим. Форум Ҳайъатида Олий Кенгаш депутати, шоир Эркин Воҳидов ва шоира Гулчехра Нуруллаева ўтиришибди. Ёнларида қувноқ Аҳмад Аъзам...

Ҳамма бир янгиланиш бўсағасида тургандай ҳис қиласди ўзини. Аммо бу янгиланиш бўсағаси эмас эди. Ҳукумат Форумнинг тўпланишига қонуний ҳеч қандай чора кўролмасди, аммо тазийк ўтказиш учун партия биноси яқинларида аскарий араваларда ўқ ўтмас жилет кийган ОМОНчиларни қаторлаштириб кўйганди. Спорт кийимини кийган олифта айгоқчилар бутун бино қаватларига кириб-чиқиб, одамнинг асабига тегаётганди. Аммо Форум мажлиси жанжал-ғавғосиз тугади. У ерда шу нутқни ўқигандим:

«Ўзбекистондаги мухолифатнинг кейинги уч йил ичида тарихига назар ташласак, ажаб бир турғунликни кўрамиз. Уч йил ичида совет империяси йўқ бўлди, жумхуриятлар мустақил давлат деб, тан олинди, собиқ Иттифоқ ҳуқудида мутлақо янги геополитик вазият вужудга келди, ГКЧПни бошдан кечирдиқ, биринчи марта Президентни сайладиқ, аммо мухолифатнинг талаблари ўзгармади. Биз уч йил олдин сиёсий ва иқтисодий ислоҳотлар талаб қилиб чиқкан эдик, бугун ҳам худди шу талаблар билан чиқаяпмиз Биз талаб қилишдан чарчамадиқ, ҳукумат «ўз йўли»дан юришдан чарчамади. Биз «хурматли ҳукумат, ҳозир айни пайти, ислоҳотни бошланг, бундай сиёсий мўътадиллик абадий эмас, бу осойишталиқдан фойдаланинг,» дея мурожаат этдик, ҳеч ким эшитмади. Ҳа, биз ҳар доим сиёсий барқарорлик ҳақида гапирдик, тепага ёкиш учун эмас, миллатимизни ўйлаб, қон тўкилмасин, дея гапирдик. Биз бу ҳақда шу қадар кўп сайрадик-ки, «барқарорлик» сўзининг сийқаси чиқиб кетди ва бу сўзни айтгаётган киши ҳам, уни эшигаётган одам ҳам беихтиёр эснаб кўядиган бўлди.

Вазиятнинг породаксал томони шундаки, сиёсий барқарорликни сақлаш учун митингларни таъқиқлаб, одамларни қалтаклашайти, сиёсий партияларни таъқиб қилиб, уларга сўз бермаяптилар ва айнан шу сабаб барқарорлик хавф остида қолмоқда. Буниў ҳукумат тушунмайдими, дея савол бермоқдалар одамлар. Яъни, барқарорликни чиппакка чиқараётганлар ҳоким ва ҳокимчалардир, аслу мухолифат эмас, деган мантиқ чиқади бундан. Аксинча, барқарорлик учун изчил курашаётган куч - мухолифатdir. Бундай феноменал ҳодисани бугун факат Ўзбекистонда кўриш мумкин.

Бугун энди ҳеч ким сиёсий барқарорликнинг ўзигина бизни мавжуд бўхрондан олиб чиқишига ишонмайди. Чунки, бу

барқарорлик ислохлар учун эмас, мансаблар умрини чўзиш учун хизмат қилди, холос. Чунки, бу осойишталик халкнинг тобора қашшоқланишига, инсоний ҳак-хуқукларнинг янада шафқатсизроқ тоғтилишига хизмат қилди.

Бу осойишталик порахўрликнинг ошкора авж олишига, жиноятчиликнинг мислсиз даражада қучайишига никоб бўлди, холос. Вилоятларда яшаётган одамлар ҳәётини кўрган хар қандай киши даҳшатга тушади. Улар нафақат қашшоқ ва юпун, балки, хуқусиз ва ҳимоясиздирлар ҳам. Нафакат қадрсиз меҳнатдан, балки, ўзининг мазмунсиз ҳәётидан ҳам чарчаганлар. Ва энг кўрқинчлиси, уларнинг йўқотадиган ҳеч нарсаси йўқ. Шу кунгача эришган барқарорлигимиз ўша одамларнинг сабр-тоқатига курилган эди, энди бу сабр-тоқат ҳам тугаётганга ўхшайди. Худо сақласин, биз худди инқилоб бўсағасида турганга ўхшаймиз.

Сотсиологларнинг фикрича, хар хил инқилобларнинг сабаблари доим бир хил бўлган. Биринчи сабаб сифатида улар аҳолининг қашшоқлиги ва очлигини кўрсатадилар. Иккинчи сабаб - хусусий мулк туйғусининг йўқ қилиниши. Учунчи сабаб - ўз-ўзини ҳимоя қилиш инстинктининг ўлдирилиши. Тўртинчи сабаб - жинсий инстинктларнинг бузулиши, ахлоқий тубанликка қарши исён. Бешинчи сабаб - инсондаги эрк ва озодлик туйғуларининг қатагон қилиниши. Олтингчи сабаб - инсондаги қобилиятларнинг ўзига лойик жабха билан таъминланмаганидир.

Бу санаб ўтилган ҳолатларнинг олтигаси ҳам Ўзбекистон ижтимоий ҳәётида тобора бўртиб кўрина бошлади. Бунга мисолларни юкорида айтдим. Бу кайфиятнинг кичкина учқуни сифатида яна бир мисол келтираман. Яқинда вилоятларнинг биридан дўстимиз келди, демократик қарашдаги, зиёли одам. Табиати юмшоқ, ҳеч қачон бировга озор бермаган киши. Вилоятлардаги ахвол тўғрисида қаттиқ қуюниб гапирди. Сўзининг охирида «Бу раҳбарлар ҳеч қачон бизни тушунмайдилар, булар демократия деган сўзининг устидан очиқчасига кулади ва ҳар қандай хур фикри бўгиб, бундан ошкор лаззатланади. Буларнинг зўравонлигига факат зўравонлик билан жавоб бериш мумкин. Демократия ҳақидаги сафсатани бас қилиш пайти келди, чунки, демократия бизда йўқ ва биз агар шундай юраверсақ, бўлмайди ҳам. Демократия учун азият чекишига тўғри келади. Бизни калтакласалар, биз ҳам жавоб беришимиз керак. Бизни отсалар, биз

хам куролланишимиз шарт,» деди у. Мен, түғриси, шошиб қолдим. Бундай «экстремистик» фикрни хар кимдан кутиш мумкин эди, аммо ундан эмас. Бу фикрга шундай беозор одам келган экан, ғазабга тұлған оломон нимани үйлайды? Бундай кайфиятда юрган одамлар сони бугун қанча? Эртага қанча бўлади?

Биз мустақилликни тинч йўл билан кўлга киритганимиздан баҳтли бўлган эдик. Биз ўқ узмай, қон тўқмасдан туриб байроғимизни тиклаганимиздан, ўзимизни тарихда энг омадли миллат, дея санай бошлаган эдик, чунки, ҳеч қачон ҳеч бир миллат ўз эркига биз қадар енгил эришмаган эди. Биз бу озодликка мўъжизага қараган каби боқдик. Лекин тарихда мўъжизалар бўлмайди. Буни ўша вилоятдан келган аламзада дўстимнинг аччик икrorидан туйдим.

Биз рус империяси қуллигидан озод бўлдик, энди ўз ичимиздаги қулликдан озод бўлишимиз керак. Эҳтимол, бу қулликдан қутилиш бошқа халқ зулмидан қутулишдан ҳам оғиррок бўлар. Тасаввур қилинг, биз, миллиятчи демократлар, бир йил олдин Иттифоқдан чиқиши очиқ тарғиб этдик, ГКЧПга қарши катъий муносабатимизни айтдик, аммо бирор марта ҳам бизда мустамлакачиларга қарши курол кўтариш фикри пайдо бўлгани йўқ эди. Бирор марта зўрликка зўрлик билан жавоб бериш зарур, деган хulosага келганимиз йўқ эди. Бугун шу хulosага келаётган одамлар пайдо бўлмоқда. Мустамлакачиларга қарши эмас, ўз юртимизнинг ҳокимчаларига қарши шундай кайфият юз кўрсатмоқда. Бу хатарли бир мужда, хавфли бир белгиdir. Инсонларни бу йўлга юришга ажбур қилаётган сиёsat эса, аксилмилий ва фитнакор сиёsatdir.

Бугун қуруқ ваъдалардан чарчаган кулокларга зўравонликка даъват - нажот чакириғи бўлиб эшигилмоқда. «Бошқа йўл йўқ, кўлингга курол ло!» дея шигшимишмоқда шайгон. Мантиқ шундай: демократия ҳақида кўлида қуроли бўлмаган одамларгина гапиради. Бу мантиқка мисоллар кўп. Генераллар ҳеч қачон демократия ҳақида гапирмайдилар. Куролланган рэжетчилар ҳам бу борада сафсата сотмайди. Қорабоғда ҳам, Донбассда ҳам, Югославияда ҳам демократия хусусида баҳслашмайдилар. Демократия ҳақида биз гапираймиз. Чунки, бизнинг бошқа нажотимиз йўқ. Фуқаролар уруши каби даҳшатли хавф қаршисида туриб, демократия ҳақида гапириш ҳам кулгили, ҳам фожеалидир».

НАМАНГАН ВОҚЕАЛАРИ

Форум мажлисида қилинган нутқ бироз ҳаяжонли ёзилган бўлса-да, унда муболаға йўқди. Сайловдан кейин Фарғона водийсида вазият жуда оғирлашганди. «Адолат» деб аталган жамият аъзоларига карши бошланган репрессив ҳаракатлар бутун Наманганни истиқорсизликка судрай бошлаганди.

«Адолат» 1990 йилда тузилган жамият бўлиб, ўзларича аҳоли ичида тартиб ўрнатишга бел боғлаган ёшлардан таркиб топганди. Улар тартибни шариат қонунлари бўйича ўрнатажагини эълон қилиб, иш бошлаганларида Наманган шаҳар ва вилоят ҳокимлари бунга учча эътибор беришмаганди.

Хатто ўғри-қароқчига карши курашда «Адолат» маҳаллий ҳокимият билан бирга ишлай бошлади. Жамиятнинг диний характерга эга бўлганлиги хукумат қулоғига етиб борган бўлса-да, 1991 йил Президентлик сайловигача «Адолат»га тегинмади. Сайловдан кейин сиёсий мухолифатга бўлгани каби, «адолат»чиларга ҳам карши хужум бошланди. 1992 йил баҳорида бир неча кун ичида ўнларча «адолат»чи ҳибсга олинди. Қоча олганлари Тожикистонга, Қирғизистонга кочдилар. Қочолмаганлари яшириндиilar.

Бир йилча легал ҳаракат қилган кичик жамият энди еrostи фаолиятига ўтди. Ер остида радикаллашди. Зўравонликка зўравонлик билан жавоб бериш керак, деган радикалларнинг классик холосасига келди. Юрг ташқарисидаги «адолатчи»лар бу фикрни мафкура ҳолига келтирдилар ва уч-тўрт йил ўтар-ўтмас, Ўзбекистонда қуролли мухолифат пайдо бўлди. Ўзбекистондаги режимнинг «ислом фундаментализми» дея қилаётган аюҳанносларига ҳамдардлик билдираётган Фарб бу «фундаменталист»ларни режимнинг ўзи яратганини билмасди.

«МИЛЛИЙ МАЖЛИС»

Июн ойи бошларида «Эрк» ва «Бирлик» аъзоси Ирригация институтида ўқитувчилик қилаётган Саловат Умрзоқов менинг ёнимга келди. Бир ғоя билан келдим, деди. «Бирлик» тарқаб кетаяпти, буни тўхтатиш учун бир янги ташкилот туздик, оти Миллий Кенгаш ёки Миллий Мажлис бўлади, Крим татарларнига ўхшаб. Моддий тарафдан қўллайдиган одам топдик. Бобир Шокиров деган киши. Америкада яшаб келган

келган экан, собиқ диссидент. Бой экан, бизнесмен ўртоқлари ҳам кўп экан.

«Миллий Кенгаш» ёки «Мажлис» Республика Олий Кенгашига қонунлар лойиҳасини тайёрлаб берадиган алтернатив ташкилот бўлади. Тарқаб кетаётганларни уюштиришда қўл келади. Саловатнинг фикри яхши эканлигини айтдим. Аммо уюшиш керак бўлса, мана Демократик Форум атрофида уюшаверинглар, нимага керак ҳар қадамда бир ташкилот тузиб, дедим.

Саловат, ўжар йигит, ўз «фоя»сига қаттиқ ишонарди. Сизнинг ёнингизга бошқа одамлар билан келсан майлими, деди. Мен «майли» дедим.

Июн ойининг ўрталарида Саловат орқасидан «Бирлик» фаоллари Ҳазраткул Худойберди ва Олим Каримовларни эргаштириб менинг кабинетимга кирди. Қўлларида Саловат айтган «Миллий Мажлис»нинг Низомими ёки Дастурими бор эди. Шуни ўқиб берсангиз, агар маъқул бўлса бу ташкилотнинг таъсисчиси сифатида «Эрқ» партияси ҳам имзо чекса, дейишди.

Мен «Эрқ» партияси янги ташкилотга аъзо бўлмайди, чунки, Демократик Форум бутун ташкилотларни бирлаштириди, бу бизга етади, дедим.

- Бўлмаса, шуни ўқиб, иложи бўлса, янглиш кўрган жойингизга қалам теккизиб берсангиз, - деди Олим ака.

Мен қўлёzmани олиб қолдим.

Эртаси куни «баъзи жойларига қалам теккизиб» қайтариб бердим ва агар жиддий таҳrir керак бўлса, бизнинг котибимиз Отаназар Ориф ёрдам беради, дедим. Бу кундалик, зерикарли учрашув 1992 йил сўнгига муҳолифатга қарши бошланган шафқатсиз репрессияга баҳона бўлган «жиноий тўда учрашуви» сифатида терговчи дафтариға қайд этилажак эди.

СЕНАТОР ПРЭСЛЕР

Июн ойининг охирида «Бирлик» раисдоши Абдурахим Пўлатовни номаълум одамлар калтаклаб кетишиди. Буни «Бирлик»нинг бошқа раисдоши Шухрат Исматуллаев хабар килди ва биргалашиб жабрланувчини зиёрат қиёдик. Факат уни эмас, ёнидаги Миролим деган йигитни ҳам калтаклашибди.

Икколовини ҳам ваҳшиёна калтаклагандилар. Бориб ҳамдардлик билдирилди. У ердан чиқиб, Шухрат билан соғлиқ вазири (Каримов эди фамилияси, чамаси)га телефон қилди, вазир жабрланганларнинг амалиёти учун энг яхши жарроҳни жўнатишига сўз берди. Сенатор Прэслер бу воқеанинг эртасига келди.

Хукуматнинг бундай услубга мурожаат қилишининг сабабини англамайман, деди, америкалик сенатор. У «Эрк» раҳбариятига (4-5 киши) Пушкин кўчасидаги, Ёзувчилар Уюшмасига яқин бир ердаги соҳиби армани бўлган бир ресторанда зиёфат бераётганди. Унга Марказий Осиё диктаторлари янги бўлгани учун шундай қўпол услуг кўллашади, озгина тажриба ортирисин, кўрасиз, калтаклаб ўтирамай, йўқ қилиб юбораверади одамни, деди кимдир ҳазиллашиб. Аслида, ҳазил даври ўтиб бўлганди. Мен буни сенатор билан кўчага чиқиб хайрлашаётганимда яна бир марта ҳис этдим: илгарилари жуда кўп бўлса, орқамиздан битта машина таъкиб этарди, энди эса, нақ тўрттаси, шундоқ кўз олдимизда қаторлашиб тураг, ҳар бирида камида 3-та одам ўтириб, бизнинг қайси йўналишда юришимизни кутмокда эди. Дакоталик сенаторга бундай примитив кузатувлар шу қадар ёт эди-ки, айғоқчиларни кўрса ҳам, хаёлига ҳеч бир шубҳали нарса келмади. Кула-кула хайрлашдик.

ХУСУСИЙЛАШТИРИШ ҲАНГОМАСИ

Олий Кенгашнинг навбатдаги сессияси 2 июлга белгиланган эди. 30 июн куни Олий Кенгаш раиси Йўлдошев «бир келиб кетасизми?», деб телефон қилди. Бордим. Кабинетида ёлғиз эмасди. Давлат секретари Ражабов, КГБ раиси Алиев, Ички ишлар вазири Алматов ўтиришарди.

Илиқ салом-аликдан сўнгра, у ер бу ердан қисқа гаплашдик. Кейин муддаога ўтишди.

- Сессияда гапирмоқчи экансиз, яхши, - деди Йўлдошев, - биз бу ерда маслаҳатлашдик-да, ҳозир вазият оғир, кўриб турибсиз, гапирадиганларингизни биз ҳам билсак, чора кўриш керак бўлса, кўрсак, бир-бirimizга ёрдам берсак...

- Мен хусусийлаштиришнинг нотўғри кетаётгани, ерли халқнинг бундан фойда кўрмаяжагини гапираман, - дедим.

- Шуни гапирмасдан ҳал қилса бўлади-ку, - деди Йўлдошев.

- Келинг, мен Ўзбекистонда хусусийлаштириш бўйича ишлабётган гурӯҳ бошлигини кабинетимга чақирай, у сизга атрофлича маълумот берсин, - деди, Ражабов.

- Менинг гапирмаслигим шунчалик мухимми?, - дедим кулиб.

- Ахволни кўриб турибсиз, - деди яна Йўлдошев.

Бутун сұхбат давомида Алматов ҳам, Алиев ҳам «чурқ» этишмади. Улар таҳдид унсури ўлароқ ўз вазифаларини бажариб ўтиришарди.

- Мени халқ Олий Кенгашга унинг дардини айтиш учун сайдаб юборди. Мен сессияда албатта гапираман, гапирмасам, у ерда ўтирумайман, - дедим.

- Хўп, бўғти, бўғти, - деди шоша-пиша Ражабов, - эртага бизнинг кабинетда бир чой ичайлик, нима дейсиз, ҳам хусусийлаштириш тўғрисида маълумот берамиз.

- Хўп, бораман, - дедим, мен, - бошқа гап бўлмаса, бизга рухсат...

Ҳаммасининг юзида мулзамлик бор эди. Ошириб юбордим, шекилини, деб ўйладим ичимда...

Эртаси куни Давлат секретари Ражабовнинг ёнига бордим. Саройнинг бешинчи қаватида эди қароргоҳи. Кабинети Президентнидан кам эмасди. Хусусийлаштиришни амалга ошираётган кишини чақирган эканлар. Бечора бир тўда схема-чизгилар, графикларни деворга осиб, хусусийлаштиришдан ерли халққа у қадар зиён келмаслигини исбот қилишга урунди. Балки, у ҳақли эди. Аммо бир миллатвакилининг миллат олдига чиқиб гапирмаслиги учун шунча оворагарчилик нимага лозим бўлдийкин, деб ўйлардим у ерда ўтириб.

- Раҳим ака, сизга катта раҳмат бу кўрсатган эътиборингиз учун, - дедим, - аммо мен Олий Кенгашда гапиришим шарт, Каримов қўрқмасин, мен уни танқид қилмоқчи эмасман, мухимроқ нарсалар бор...

Раҳим Ражабов бухоролик, кўнгли очиқ, дангал инсон эди. У мени тушуниб турарди, аммо топшириқни ҳам бажариши керак эди.

- Жон ука, шу эртани жаңжалсиз ўтказайлиқ, яна митинг ҳам тайёрлабсизлар, Президент жуда безовта, - деди Давлат Секретари Ражабов.

Хеч жаңжал бўлмайди, - дедим мен, - мана, қўрасиз, мен гапираман, хеч жаңжал бўлмайди...

Хайрлашдик.

Давлат секретари хомуш кузатиб колди.

Бундай инсонларга мен доим самимий ачинаман. Нормал шароитда ўлкасига фойдаси тегадиган меҳнаткаш одамлар. Бир бошқарувчининг инёзилиги туфайли бутун ишини ташлаб, бир депутатни мажлисда гапирирмаслик учун бир неча кунини қурбон қилаётган бу одам хақиқатан ҳам ачинишга лойиқ эди.

ЁЛҒИЗ НАМОЙИШЧИ

Олий Кенгаш сессияси куни Тошкентда намойиш ўтказиш режаси бир ой аввал мухокама қилинганди, аммо бир қарорга келинмаганди. Тазииклар кучайиб, ҳукумат мухолифат билан мулоқот қилмаяжаги маълум бўлгандан кейин, норозилик митинги ўтказиш заруратга айланди. Аммо митинг ташкилотчилари ҳукумат органларининг давомли босими остида намойишни сессия кунига тайёрлаб улгурмадилар.

2 июл куни эрталаб уйдан чиққанимда, биз яшаётган бино атрофида КГБ айғоқчилари билан ихота қилинганди. Улар мени Олий Кенгашгача кузатиб боришиди. Аммо асос томоша Кенгаш залида бўлди. Мажлис бошланмасдан 10-15 дақика аввал келган депутатлар, одатда босиқ, вазмин коммунистлар қий-чув эди. Менинг ҳам қўлимга бир қоғоз беришиди. Унда схема чизилиб, залдаги ўриндиклар кўрсатилган ва ҳар кимнинг ўриниди, исми номерлаб кўйилганди. Авваллари депутат ўзи сайланган «округ» депутатлари билан бирга ўтиради. Бизда фракциялар бўлмаганидан «округ» бўйича жойлашгандик.

Мен Тошкент шаҳар округи ҳудудида 5-қаторда ўтирадим, энди эса, бу қўлимдаги қоғоз бўйича мен 20 қаторга, унинг ҳам ўртасига «қўчирилгандим.» Қий-чув қилаётган депутатлар бу янги тартиб маъносини тушунмаса-да, мен тушунгандим. Менга ўхшаган одамлар сўз олиб, минбарга чиқиши қийинлашсин, деб, унинг олдига шундай жисмойи ва психологик тўсиқлар ўйлаб

топишганди. Бунга албатта, нормал одамнинг ақли бовар қилмайди.

Мен сўз олишим учун узокдан бақиришим керак, чунки, менинг микрофонимни ўчириб қўйишган бўладилар. Бундай бақириқ атрофдаги уйқусарак коммунистларнинг асабини қўзғотиши лозим. Сўз беришмаганидан кейин қаторнинг ўртасидан йўлакка чиқиши учун камида 15та кориндор шаввозни сиккитириб роҳат-фароғатига футур етказмоғим ва бунинг нисбатида қарғишиларини олмоғим керак. Токи, ниҳоят, минбарга чиқиб гапира бошласам, роҳатини бузганим мавжудотлар менга қарши норозилик чапакларини гулдурос билан чала бошласинлар.

Лекин мен бу тўсиқларга қарамасдан сўз олишга, гапиришга мажбур эдим. Ҳукумат сўнгти икки ойда шу қадар ҳадидан ошганди-ки, қайта қуриш даврида сиёсатчи бўлиб шаклланган одам бунга чидаб ўтиромасди. Мен ўшандай «шаклланган»лардан эдим.

Сессия бошланиб, Олий Кенгаш раисининг насиҳатлари битгандан кейин, мен сўз сўрадим. Менинг столимдаги микрофон хали ўчирилмаган эди, Кенгаш раиси эшигиди, аммо эшигмаганга олди. Мен сўровни такрорладим. Раис «шошмай туринг,» деди ва ёнида ўтирган Ислом Каримов билан шивирлашди. Телевидение мажлисдан тўғри трансляция килинаётганди, янгишмасам. Шу боисми, очиқ жаңжал чиқишидан кўркиб, аввалига юмшоқ харакат килишди. Аммо улар тўқнашув мукаррар эканини билишарди. Сессия олдидан мени изоляция қилиш ташабbusлари бекорга кетганди. Лекин менга сўз бермаслик учун улар ҳам «қасамёд» килгандилар. Бу депутатларнинг ўринларини алмаштириш ходисасидан кўриниб турарди.

Мен ҳам агар сўз беришмаса, депутатлик мандатини бу тўраларнинг олдига улоқтиришга қарор қилдим. Бу радикал қарор эди, аммо кундан-кунга кучаймоқда бўлган зулмга қаттиқ бир услубда «тўхта,» дейиш зарур эди. Ўйладим-ки, агар хозир сўз беришмаса, бундан кейин ҳеч қачон сўз беришмайди.

Уч йил депутатлик даврида сўз олиш истагимни бирор марта рад қилишга журъат қилаолмагандилар, энди бу журъатни топдилар. Агар уларга бўйин эгсан, мен ҳам ёнимда ўтирган сассиз коммунистлардан бирига айланаман, бундан худо сақласин, деб

ўйлардим. Бу мутеликни ҳеч бир сиёсий мақсад, ҳатто партия раислиги масъулияти ҳам менга қабул килдираолмасди.

Мен учинчи марта микрофонга эгилдим, аммо овозим у тарафда эшитилмасди, микрофонни ўчиришганди. Ўрнимдан турдим ва Олий Кенгаш раисига «ўртоқ Йўлдошев, мен сиздан сўз сўрайпман, эшитмаяпсизми?» дедим баланд овоз билан.

- Ўртоқ Мадаминов ўтиринг, ўтиринг деяпман, сизга!, - дея ҳайқириди Кенгаш раиси ва ўрнидан турди.

- Агар сўз бермасанглар, мен уни оламан, - дедим ва қаторнинг ўргасидан туриб, йўлакка томон йўналдим.

- Мадаминов, ўтиринг, ўтиринг деяпман, сизга сўз бераман!, - дея ҳайқирища давом этди Олий Кенгаш Раиси Йўлдошев.

Мен депутатларнинг ҳайрон бокишилари оралаб туртина-суртина ниҳоят йўлакка чиқдим ва тез одимлар билан минбарга қараб юрдим.

- Ўртоқ депутатлар, танаффус!, - дея бакирди бирдан Кенгаш раиси, - танаффус эълон қиласиз, ўртоқ депутатлар!

Танаффусга ҳали 40 дақика бўлишига қарамасдан, Президент Ислом Каримов бу эълонга биринчи қулоқ солганилардан бўлди, тез ўрнидан туриб, парда орқасига қоча бошлади. Муболаға қилмаяпман, Кенгаш раиси ҳам худди бир фалокатдан яширинаётгандай сахнадаги кулис орқасига чопқилаб қоча бошлади. Мен минбарга чиққанимда президиумда ҳеч ким қолмаганди, шу қадар тез гойиб бўлишганди. Микрофонни чертиб кўрдим, албатта, ўчирилганди. Телевизион камераларнинг объективлари ҳам уятдан ерга қараган одам каби пастга қараб туришарди.

Кенгаш раисининг ҳаяжонли қилган чақириғига 20-30 киши бўйсуниб, ўрнидан туришган ва мажбурий танаффусга ҳозирланадиганди. Қолганлари нима бўлганига ақли етмай, ҳангуманг ўтиришарди.

- Хурматли депутатлар, кўриб турибсиз, Ўзбекистонда диктатура тўла ўрнатиши, ҳатто миллатвакиллари ҳам сўзлаш ҳукуқидан маҳрум қилинмоқда, мен бунга норозилик сифатида депутатликдан истеъфо қилганимни эълон қиласман..

Ва шунга ўхшаган бир неча қалима сўйладим минбардан. Кейин орқамга ўгирилиб ҳайъатнинг бўм-бўш столига, Ўзбекистон президенти ўтирадиган жойга депутатлик мандатини улоқтиридим.

Кейин ғала-ғовур орасида залдан чиқдим. Фойеда бизнинг «Эрк» фракциясидан йигитлар келиб, нималардир деди, эсимда йўқ. Балки бу ҳаракатимдан қайтаришни истагандирлар, аммо мен учун орқага йўл йўқ эди.

Фойедан Олий Кенгаш боғчасига чиқдим. Шукрулло Мирсаидов яқинлашди. «Тўғри қилмадингиз, бир оз кутиш керак эди,» деди. Кулдим, жавоб бермадим. Ёнимда турган билан хайрлашиб, Кенгаш биносини тарк этдим.

Шофёрни «тушдан кейин келасан» деб юборгандим. Кенгашдан «бевакт айришиш» фикри эрталаб йўқ эди. Партия марказига пиёда кетдим.

Йўл, йўлаклар миршабларга тўлиб кетганди. Кўпчилигига таниш эдим. Ҳар кадамда «салом»га алик олишга тўғри келди. Бу одамлар мухолифатнинг эълон қилинган намойишни тўхтатиш учун шай турадилар. Лекин бу намойиш ўтмади. Бигта намойишчи мен эдим. Ёлғиз намойишчи. Уни тўхтатиш учун шунчалик миршабнинг кераги йўқ эди.

ТАНҚИД

Партия марказида менинг Олий Кенгашдан истеъро қилганимни билмас эдилар. Вазият мажбур қилса, шундан сўнгги чорага бош уриш эҳтимоли ҳақида ташкилот раҳбариятидаги дўйсталрга хусусий ўтиришларда гапиргандим. Аммо бунинг 2-июлда юз беришини ҳеч ким, ҳатто ўзим ҳам тахмин қилмагандим. Ҳайъат аъзоларининг бир қисми истеъфони маъқулламади. Маслаҳатлашмай қилинган иш, деб топди. Минбарни йўқотдик, дейиши ва ҳакозо. Мен бу танқидни унча хуш кўрмадим. Агар менинг ўрнимда бўлсангиз, сизлар ҳам буни қилган бўлардингиз, дедим. Депутат Олий Кенгашда тинглаш ва чапак чалиш учун эмас, ўлка муаммоларини ечишга боради, агар бунга йўл беришмаса, у кетиши керак, мен кетдим, дедим.

Истеъро баҳонаси билан бошқа мавзудаги танқидлар ҳам ёғила бошлади. Май ойида Ўзбекистон Президенти таклиф қилган лавозимларни олиш керак эди, хукуматнинг ичida туриб, мамлакат

эҳтиёжларини ўрганиш ва уларга чора топиш осонроқ бўларди, хукуматда экан, партияга ҳам тазийклар камаярди, ишодамларимизни ишдан қувмасдилар, ташкилотга моддий ёрдам кўпаярди ва ҳакозо жуда мантиқли мулоҳазалар билан танқид қилинди. Танқидчиларга бизнинг посттоталитар тузимда яшаётганимиз, унда на қонун, на-да принсип борлигини айтдим. Бир кишининг мутлоқ хукмронлиги билан бошқарилаётган бу мажхул жамиятда раҳбарлар сиёсатнинг фоҳишабозлик эканига эътиқод қилишади. Бу эътиқоддаги раҳбарларнинг ваъдасига қандай ишонардим, дея ўзимни ҳимоя этдим.

Хуллас, ташкилот ичида истеъфога кўрсатилган реаксия мени унча ҳақли чикармаганди. Аммо менда пушаймонлик ҳисси йўқди. Бу, ҳар ҳолда, қайсарлик эмасди, эҳтимол интуитив идрок этилган ҳақлилик туйғуси эди.

Бу воқеадан ярим йил сўнгра хукумат мухолиф демократларни Олий Кенгашдан очикчасига, шармандаларча иҳрож эта бошлаганида, 2-июлда олганим қарор нақадар исобатли бўлганини кўриб, мени сироти мустақимдан айрмаган Оллоҳга шукурлар айтдим.

АЙБНОМАЛАР ВА АЙФОҚЧИЛАР

ЕНГЯБР ОЙИДА «МАВЖУД ҲОКИМИЯТГА ПАРАЛЛЕЛ ҲОКИМИЯТ ЯРАТИШГА ИНГИЗДИ,» ДЕБ БИР ГУРУХ «ЭРҚ» ВА «БИРЛИҚ» ЧИГА ЖИНОЙ ИШ ОЧИЛДИ. БУНИНГ БАРОБАРИДА «ЭРҚ» ГАЗЕТАСИДАГИ МОЛИЯВИЙ ҚОНУНБУЗАРЛИКЛАРНИ «ФОШ ҚИЛГАН» КОМИССИЯ «ЭРҚ» ГАЗЕТАСИ МУХАРРИРИ ВА БАРЧА ХОДИМЛАРИГА ҚАРШИ ЖИНОЙ ИШ КЎЗГОТДИ. АЙНИ ПАЙТДА, ХУКУМАТ, «ЭРҚ» ПАРТИЯСИ БИНОСИННИГ ИЖАРА ҲАҚЦИНИ ТЎЛАГАН БИР ШИРКАТГА (ШИРКАТ БОШЛИФИ БУХОРОЛИК ТОШПУЛАТ ТОЖИДДИНОВ ДЕГАН КИШИ ЭДИ) ТАЗИЙҚ ҚИЛИБ, ПУЛИНИ ҚАЙТАРИБ ОЛИШГА МАЖБУР ҚИЛДИ ВА «ЭРҚ» ПАРТИЯСИГА РУС РУБЛИ БИЛАН 1,5 МИЛЛИОН СҮМ ФАКТУРА БЕРДИ. БУНИ ЗУДЛИК БИЛАН ТЎЛАМАСАНГЛАР, БИНОДАН ҲАЙДАЛАСИЗЛАР, ДЕЯ ТАҲДИД ҚИЛИШДИ. БИЗ БУ МАБЛАҒНИ БИР ҲАФТА ИЧИДА ДЎСТЛАРДАН ТЎПЛАБ, КАССАГА ТЎЛАДИК, АММО ЯНА БОШИМИЗ БАЛОГА ҚОЛДИ: ЭНДИ БУ ПУЛНИ БЕРГАН ОДАМЛАРНИ БИРМА-БИР МИЛИСАГА ЧАҚИРИБ, ПУЛНИ ҚАЕРДАН ОЛГАНЛИГИ ҲАҚИДА ТИЛХАТ ЁЗИШГА МАЖБУР ҚИЛДИЛАР. АВГУСТ ОЙИДА «МИЛЛИЙ МАЖЛИС» ТУЗИШ ТАШАББУСКОРИ СИФАТИДА БОБУР ШОКИРОВ ДЕГАН ОДАМНИ ҚАМОҚҚА ОЛИШГАНДИ, УНИНГ КЎРСАТМАЛАРИГА АСОСАН, ОКТЯБР ОЙИДА «ЭРҚ»

газетаси компьютери ва бошқа нашр жиҳозлари мусодара қилинди. «Миллий мажлис» программаси шу компьютерда ёзилган экан.

Октябр-ноябр ойларида «Эрк» партиясининг учта вилоят газетаси таъкидланди. Марказий «Эрк» газетаси ҳам график бўйича чиқищдан тўхтаб, ойда уч марта чиқа бошлади, декабр ойида эса, сўнгги сони чиқди. Мен билан партияниң бошқа раҳбарлари 1992 йил июл ойидан то декабргача КГБнинг яқин таъқиби остида яшадик. Мен дўстларимнига ҳам, жуда зарур бўлмаса, боролмайдиган бўлдим. Чунки, бироннига бориб кетганимдан кейин, ўша одамнига КГБчилар келиб, уй номерини ва уй эгасининг отини ёзиб кетадиган бўлишди.

Сентябр ойида уйимизга «ёш шоирман» деб бир қиз кела бошлади. Исми Зебунисо ёки Нодира (машҳур шоираларимизнинг исми) эди. Бизнинг хоним ҳақида бир мақола ёзиб «Оила» деган газетада бостириди, янглишмасам. Менга жуда кўп шеърларини келтириди, хонимнинг «босими» билан « ўқиб, фикр билдириб» турдим. Ҳар хафтада бир марта келарди, оиласиз ўрганиб ҳам колди сўнгиди. Аммо декабр ойида қиз сархуш бўлиб келиб, бизнинг хонимга ўзининг КГБ айғоқчиси эканини айтибди. Уни КГБ билан президент саройидан бир шоир ёллаганини, уларга яrim йил давомида Мухаммад Солиҳ ҳақида маълумот бериб турганига иқор бўлиб йиғлабди. Сизлар эса, менга қучоқ очдингиз, доим яхшилик қилдингиз, дебди.

Хотинга бу воқеани менга айтганингни айтма, келиб юраверсин. Уни кечирганингни сўйла, кўнглини ол, дедим. Қиз бизнига қатнашда давом этди.

Аммо айғоқчиларнинг ҳаммаси ҳам бу қиздай тажрибасиз эмасди. Бизнинг оила дўстларимизга дўст бўлиб 80-йиллар охиридаётқ бизнинг ишончимизни қозонган баъзи шахслар 1992-95 йилларда фаолиятимизга катта заарар етказди. Уларнинг КГБ кадрлари эканини тасбит этиш учун уй йил керак бўлди.

Октябр ойида мухолифат лидерларини қамоқقا олишга буйруқ чиқибди, бир баҳона уйдириб, хибсга ола бошлайдилар, деган миш-миш таркалди. Буни КГБнинг тарқатгани шубҳасиз. Мухолифат сафларида поракандалик яратиш, фаол шахсларни пассив холатга туширишнинг эски усувлари эди бу. Бу психологик тазийқ дарров ўз таъсини кўрсатди, «Бирлик» харакатининг баъзи раҳбарлари Ўзбекистонни тарк этди.

Декабр ойида «Миллий мажлис» иши бўйича Б. Шокировдан кейин «Бирлик» фаоли, инженер-олим Ҳазратқул Худойберди ҳибсга олинди. Ундан кейин, 22-декабрда «Эрк» партияси котиби Отаназар Ориф ушланиб, Ички ишлар вазирлиги ертўласига ташланди. Яна декабрда Тошкент шаҳар прокурори Жўраев чақириб, «Миллий мажлис» иши бўйича менга ҳам жиноий иш очилганини билдири ва Тошкент шаҳридан чиқмаслигим ҳақида тилхат ёздириб олди. Ортиқ мен уй ҳибсида эдим.

УЙ ҲИБСИДА

Албатта, бу том маънодаги уй ҳибси эмасди. Мен кўчага чиқаолардим, аммо партия оғисидан бошқа ҳеч бир ерга одим отиш мумкин эмасди. Чунки, мен билан кўришганларга ҳам сохта айб кўйиб, жиноий иш оча бошлагандилар. Ташкилотдаги дўстлар билан маслаҳатлашиб, ўн кунга ғойиб бўлишга карор бердим. Режалаган бир ёзувим бор эди, ўшани тамомларман, деб ўйладим. Бир кеча томга чиқиб, биз яшайдиган бинонинг бошқа подъездига тушдим. Унинг орқа эшигидан чиқиб, кузатувчи-изқуварларни доғда колдирдим. Кутиб турган машинага ўтириб, Қозоғистон худудига ўтдим, кичик шаҳарчага бордим, у ерда дўстлар ҳозирлаган уйга жойлашдим. Сокин, провинсиал шаҳарча, йўқ, қишлоқ эди. Гўзал бир қишлоқ, тоза ҳаволи, тоза сувли бир қишлоқ эди. Менинг кўпдан орзу қилганим бир ер. Ўша сокин қишлоқ ва кичик уйчада ўтириб, умримда ёзмаган жанрга кўл урдим, бу ҳазил жанри эди. Аслида, кейинги ойларда бошдан кечиргандаримни бир публицистик китоб қилмоқчи эдим. Аммо менинг жиддийлигим кулгили чиқа бошлади. Уни тузатмадим. Жиддий нарсалар ҳам кулгили бўлиши мумкин-ку, дедим. Бу кулгига «Давлат сирлари» деган жиддий ном кўйдим.

ДАВЛАТ СИРЛАРИ

1. Қочқин «Эрк»чининг айтганлари

Иягимга кафтилми тираган эдим, иғналар ботди: соқолимни уч кундан бери олмабман. Инқиlobчилар ибораси билан айтганда, «конспиратив ҳаёт» биринчи марта менинг турмушимга кириб келди. Лекин у квартирадан бу квартирага кўчши, «изимда «дум» йўқмикан,» деб ҳар бир кўринган машина ёки одамга шубҳа билан қараши - мен каби эрка ўсган совет йигитига тўғри

келолмаётганини ҳозир - шунча тазийк-таъқибдан кейин ҳам сезиб турибман. Чунки, мен ўзимни ҳеч қачон ҳеч қандай инқилобга тайёрламаганман ва, ҳатто инқилобчилар ҳаётига бир қадар киноя билан қарар эдим. Шу онда ҳам, мустақил Ўзбекистоннинг маҳсус органларидан бир аммаллаб қутилиб, нотаниши бир муҳитда гарангсиб турар эканман, ўзимни ҳеч инқилобчи сезаётганим йўқ. Валлоҳ, турмушнинг қулай шароитларини севгучи, етарли даражсада эринчоқ мен каби одамнинг турмада ўтириб, бирор фойдали иш қилишига кўзим етмас эди ва шунинг учун инқилобчи учун зарур бўлган «турма босқичи»ни онги равишда рад этдим.

Сўроқ пайтида Тошкент шаҳар прокурори дўйқ-пўписаси остида менинг калламда «агар ҳозир қамасалар, сигарет масаласи нима бўлади?», деган жўн бир фикр айланарди. «Эрк» партияси эмас, бола-чақа эмас, сигарет ҳақида ўйлабман. Йўқ, дедим кейин, мен озод бўлсангина, «Эрк»ни, бола-чақани ўйлашим мумкин, дедим ва бу фикр анча жўяли эканлигини ҳис қилдим. Ва «конспиратив» турмушга кечдим. Лекин, соқолимнинг меёридан ортиқ ўсганини айтмагандা, бу турмуш ҳам аввалгисидан унча фарқ қилмас экан. Яна, одамларни кўп кўравермайсан. Доим одамлар ичидаги яшаган кишига бу оғир келади, албатта. Одамларни бирдан кўрмай қўйши, уларнинг миши-миши ва фиску-фасодидан бир зумда жудо бўлиши - худди нашаванд одамнинг бирдан чекмай қўйганидай гап. Аммо бунинг яхши томони ҳам бор..

Гизли ҳаёт одамга ёзиши имкониятини беради. Дейлик, у хотиралар ёзиши мумкин. Хотира ёзиши учун машҳур шахс бўлиши шарт эмас. Агар этиқдўз ёки ошпаз ўзининг бошидан кечиргандарини бўяб-бежамай ёзса, бу ёзувларни худди роман ўқигандай ўқиши мумкин.

Мен ҳам миршаблардан яшириниб, сўнгги йилларда бошимдан кечиргандаримни ёзишига қарор қилдим.

Кўпчилик менга «шоирликдан сиёсатга қандай ўтдингиз?», деб савол беради. Чиндан ҳам, сиёсат деса, доим куладиган, бутун туриши-турмуши билан сиёсатга ёт бўлган шахснинг бирданига «сиёсатчи» бўлиб қолиши бирмунча галати кўринади.

Лекин худди шундай саволни мен «сиёсатга ўтмасдан олдин» ҳам эшиштган эдим. Фақат унда «шеъриятга қандай келдингиз?»

деб сўрашар эдилар. Аввал шеъриятга қандай кирганимни айтиб бераман. Шеъриятга мутлақо тасодиған «кирдим.»

Үнинчи синфни тугатиб, институт имтиҳонлариға тайёрланаётган эдик, синфдош дўстимнинг Рамз Бобожон деган шоир рубоийларини ўқиб ўтирганини кўрдим. У рубоийларни мақтади. Китобни варақлаб, бундай текстни мен ҳам ёзишим мумкинлигини билдирам. Дўстимнинг жсаҳли чиқди, тақаббурлик қилма, деди. Мен тақаббурлик қилишида давом этиб, шу ернинг ўзида бир нечта «рубоий» ёзib унга «ҳадия» этдим. Дўстим содда йигит, ҳайрон қолди ва «сен шоирсан,» деди. Мен дўстимдан ҳам соддароқ бўлганим учун унинг гапига дарров ишондим ва йигирма йил тинмай шеър ёздим. Тасаввур қилинг, соддадиллик оқибатида ўнта китоб чоп қилдим - ҳаммаси «рубоий.» Бу китоблар юзлаб одамларнинг гашини келтирди ва, энг қизиги, юзлаб одамлар менга шоирга қарагандай қарай бошлидилар. Мен уларнинг авомлигига ҳарон қолар эдим, чунки, мен «шоир фақат түгма бўлади,» деб ўйлар эдим. Түгма шоир илҳомини илоҳдан олади, шеър ёзар экан, тутқаноқ тутгандай жунбушига келади, мен эса, сопта-соғман, деб юрадим.

Бугун ёшим қирқ тўртга қараб кетди, ҳанузгача менга бирор илҳом келгани йўқ. Шунга қарамай, узоқ йиллар мени «шоир» деб атасиди ва шубҳам йўқ-ки, яна шеър ёза бошласам, яна шоир деб атайверадилар. Чунки, түгма шоир жуда камёб бўлади, юз йилда бир марта түгилади, шоирпарвар инсонлар эса, юз йил кутолмайдилар ва шеър ёзишига журъат этган ҳар жасоратли кишини шоир деб атасига тайёр турадилар. «Жасоратли», дедим, чунки, шеърга қўл урган одам қўл урмаганга нисбатан, албатта, жасоратли бўлади. Танқидчи дўк урганида, унга жавобан жилмайиб қўйши учун жасорат керак. Умуман, атрофдаги шовқин-суронга эътибор бермай ёзавериши кўпроқ түгма бўлмаган шоирларга хос одат. Чунки, түгма шоир ортиқ даражада ҳиссиятли, қўнгил шишиаси шаффоғ ва нозик бир мавжудот бўлади. У доим инсонларга яхшилик истайди ва улардан фақат яхшилик кутади. Бундай руҳият билан яшамоқ бизнинг замонамиизда қийин. Бундай шаффоғ хасталик белгилари менда ҳам бир пайтлар пайдо бўлган эди. Вақтида бартараф этдим. Нима билан, десангиз, айтаман: БАГРИТОШЛИК билан. Бағритошлиқ ҳам Худонинг бир неъмати. Оллоҳ таоло түгма

шоирга жуда кўп фазилатларни ато этган, аммо бағритошликтинираво кўрмаган. Дейлик, тугма шоирни танқид қилсалар, у чин юракдан хафа бўлади, кечалари ухламай чиқади. Танқидчининг бағритошилигидан ҳайратланади. Агар у ҳам сал бағритошибўлганида эди, ҳар қандай танқидга табассум билан жавоб берган бўларди. Зотан, табассум - изтиробга қарши ягона антибиотикдир. Бу дорига тенг келадигани йўқ. Бу дори кучинимен сиёсатда ҳам синаб кўрдим.

Юқорида эслатганим прокурор «бу баёнотинг билан мустақил Ўзбекистон обрўсини дунё олдида тўкаяпсан,» деб бақирганида, мен табассум қилиб қўяқолдим. Шунда унинг баттар жсаҳли чиқди: устимдан куляяпсан, дея наъра тортиди. Мен тақрор жилмайшига мажбур бўлдим. Ишонинг, бу иккинчи табассум асло антибиотик эмас эди, фақат кўз олдимга катта идиишдаги лим тўла обрўни тўкаётганим келди. Аммо буни газаб отига мингандир бир бечорага тушунтириши амри маҳол бўлганлигидан, ноилож жилмайган эдим.

Курб,

Куч эмас,

Қурб, деяпман сизга.

Ҳамма фарзандини эркалар,

Мен сени эркаларман, қурб...

Токи, сўнгги бало келганда,

Бир масрур табассум,

Бир озод табассум суратин

Кўм-кўк лабларимга чиза олсин қурб.

Бу шеър ўша мен англатишга уринаётган бағритошилик ҳақида ёзилган. Хуллас, айтмоқчиманки, мени сиёсатга «олиб кирган» нарса бир замонлар ўнг-сўлга қарамай шеър ёзишига ёрдам берган бағритошиликдир. Яъни, шеъриятга кириши тасодиф бўлса, сиёсатга кириши тасодиф эмас экан. Буни ҳозир тушуниб ўтирибман.

Менинг бу ҳаракатим ҳам жуда қўпларнинг гашини келтирди. Шеърга аралаиганимдан жсаҳли чиқиб юрган инсонлар энди «сиёсатга аралашиб нима қиласди, шеърини ёзавермайдими?», дея писандо қиласидиган бўлишиди. «Сиёсатга аралашиш,» деб собиқ доҳийларимиз буюрганлар. Яъни, унга аралашиши хавфли, дея ўз

халқини огоҳлантирмоқчи бўлганлар. Нақадар хавфли эканини амалда кўрсатганлар ҳам. Бундай кўргазмани юксак даражада ташкилқилганлардан бири Иосиф Сталин эди.

Яқинда нашириётга бориб, Сталин даврида азоб чеккан шоир Шукруллони учратиб қолдим. У яхши одам. Илгари жуда яхши одам эди. Ҳозир ҳам ёмон одам эмас. Фақат ортиқ даражада қуюнчак, сал нарсага кўзига ёш оладиган киши. Мени қўриб, ачина бошлиди.

- Президент қилаётгани йўқ бу тазийк-таъқибларни. Унинг номидан иши кўрадиган нокаслар кўп. «Эрк» партияси ҳокимиятга интиляяпти, деб етказилибди Президентга. Сиёсатга аralашиб бекор қилдинг-да...

Мен Шукрулло акани юпатдим. Аммо унинг соддадиллигини юзига солмадим, бағритошлиқ қилмадим. У шоир, фақат «Эрк» партияси эмас, дунёдаги барча сиёсий партиялар ҳокимиятга интилишини, уларнинг бошиқа мақсади йўқлигини тушунмас эди.

Лекин Тошкентда «Ватан тараққиёти» деган бир партия тузилибди. Бу партия сиёсат билан эмас, иқтисод билан шугулланар ва мутлақо ҳокимиятга интилмас экан. У романтиклар эмас, прагматиклар партияси экан. Бу партия Президент билан қўлни-қўлга бериб, мустақиллик учун курашар экан. Партия раиси Президент маслаҳатчиси экан ва худди Президент каби бақир-чақирни севмас экан. Фақат қўлни-қўлга бериб фаолият кўрсатар экан. Албатта, бу хил партия ҳокимиятга интилмайди. Ўзи ҳокимиятнинг бир парчаси бўлиб, ўз-ўзига интиладими... қўлни-қўлга бериб? Аммо бу гапни домла Шукруллога айтсанг, яна тушунмаслиги мумкин. Ҷунки, домла Сталин даврида кўп азоб чеккан ва бу азоблар бизнинг ҳам бошимизга тушушини истамайди. Лекин шунга ўхшаган азоблар аллақачон бошимизга туша бошлаганини эслатсанг, дарвишларча ҳайрон бўлади, наҳотки, дейди. Шукруллонинг соддалигидан ҳайрон қолишнинг кераги йўқ. Адабиётимизда ундан ҳам соддадил шоирлар кўп. Улар ҳафтада бир марта жумхурият ойни-жашонидан бўқиб, «СОДДАДИЛЛИК КЕЧАЛАРИ» ўтказмоқдалар. Кашировский усулини қўллаб, «бўшашинг, сустлашинг, атроф гўзал, атроф гулбаҳор, қора қучларга ишонманг, биз мустақилмиз, биз мустақилмиз,» дея илҳом билан шивирламоқдалар. Бу шивир

остида севикли миллатимизни яна оромбаҳи уйқу элитмоқда. Уни энди ким уйготади? Қора күчларми? Йўқ!

Неъмат Аминов яқинда очиқ ёзди-қўйди: «Хой, Қора хўроз, бевақт қичқирма, қичқирсанг калланг узилади!». Кейинги воқеалар бу зукко ёзувчининг башорати ҳақиқатга яқин эканлигини исботлаяпти. Бундай ёзувчилар нафақат ҳукуматга, бизга ҳам қадрлидир. Гарчанд, биз мукофот бера олмасак ҳам, оталарча ғамхўрлик қўллимиздан келмаса ҳам, огоҳ этганига раҳмат. Огоҳ этмаслиги ҳам мумкин эди-ку. Масалан, Жамол Камолга ўхшаб. Сиёсатга аралашиб нима қиласдинглар, мухолифат бўлгандан кейин чидаш керак-да, қамайди, отади, бутун дунёда шундай, дейди у. Бир-иккита одамларинг қамалса, шунга ота гўри қозихонами? Мустақиллик йўлида қурбонлар бўлиши табиий, аввал ватан, кейин жон, дейди куюниб Жамол Камол. Жамол Камол ичи ҳам, таши ҳам ҳуширўй инсон. Унда мантиқ ҳам нуқсонсиз. «Аввал ватан, кейин жон,» деганида Жамол Камол ўз жонини эмас, мухолифат жонини назарда туради, ватан деганда эса, ўз «ватанини» тушунади. У тарихни яхши билади. Бутун дунёда мухолифатни қамаб, отганлар деганда, мисол сифатида Пиночет, Сухарто ёки ўзимизнинг Мустафо Камол Отатурк фаолиятини келтиради. Фақат бир жойини айтмайди. Пиночетнинг ҳам, Сухарто ва Отатуркнинг ҳам мухолифати коммунистлар бўлганлигини яширади. Чунки, Жамол Камол ҳам сабиқ коммунистда. Бугун Отатуркка тенглаштираётганимиз Ўзбекистон Президенти ҳам коммунист бўлган. Нафақат улар, бутун Ўзбекистон ҳукумати сабиқ коммунистлардан тузилган. Буни очиқ айтиши, давлат сирини фоши қилиш билан тенг бўларди.

Бу ҳазил эмас, кураши. Бу курашда хато қилганларни халқ-дарё хасни қирғоққа улоқтиргандай, четга улоқтириб, йўлида давом этаверади. Шундай улоқтирилган бир инсонни кўрдим. Депутат эмас, мухолифат вакили ҳам эмас, оддий машинистка қиз. У идорада сиёсий хато қилиб қўйибди. «Мустақиллик» калимасидаги «и» ўрнига «у»ни ёзиб қўйган. Яъни, бошлиққа бу сўз «мустақиллик» эмас, «мустақуллик» бўлиб етиб борган. Жамол Камол ҳақ, бу йўлдан қурбонсиз юриб бўлмайди.

Лекин, дўстлар, инсон робот эмас-ку, хато қиласди. Айниқса, бу сўзни колхозчи ҳам, ўқувчи-ўқитувчи ҳам, Президент ва маслаҳатчилари ҳам ҳар қуни тинмай тақрорлайверса, одамнинг

боши айланиб, хато қилиб қўйиши мумкин-ку. Бу хусусда менинг дўстим Турсунали Полвон доно гап айтган. «Ҳадеб мустақил Ўзбекистон, мустақил Ўзбекистон деявериши, қамоқдан чиққан одамга «ҳў, қамоқдан чиққан дўстим, чой ич, ҳў қамоқдан чиққан оғайни, кел ўтириш,» дега тинмай жавраганга ўхшайди.»

Хуллас, бандасига фаросат берсин. Буни бермаса, чатоқ. Ўз тажрибамда синааб кўрганман. Бир неча марта. Ҳурматли Президент билан бир-нечча марта учрашганман ва ҳар сафар, учрашуводан олдин худога нола қиласман: «Эй, Парвардигор, шу гал бир фаросот бер, пошионинг олдида юзимни ерга қаратма, озгина хушомад қиласай, ишимни битирайин, ичимдаги бор гапни яширишга ёрдам бер, Худойим,» дейман. Аммо пошионинг ёнига борган заҳот ичимдаги бор гаплар учиб чиқа бошлийди, уларни изига қайтаролмайман. Не меҳнатлар билан топган ширин каломларим эса, тилимда муздай қотиб қолаверади. Табиий президент бундан хурсанд бўлмайди. Яъни, тўёри сўз нафақат отангга, ҳатто Президентга ҳам ёқмайди. Фаросатсизликнинг оқибати бу. Шу маънода мен президент маслаҳатчиларига ҳавас қиласман. Улар Худога нола қиласими-йўқми, билмайман, аммо ҳаммаси фаросатни. Бирортаси ичидаги гапни айтмайди. Жуда нари борса, «сиёсатга аралашибган маъқул,» деб қўйишади.

Бу маслаҳатни улар Президентга эмас, халқقا берадилар. Халқ ўз навбатида, фарзандларига уқтиради. Ва фарзандларнинг бирортаси сиёсатга аралашибганди, аралашибгани дарров «қора куч»га айланади ва бундай фарзанддан халқ «юз ўгиради.»

Бизнинг партияниң Фаргона вилоят котиби Иномжон Турсуновдан халқ шундай юз ўгиради. Сиёсатга аралашибгани учун. Ўзи ёзувчи йигит, аммо сиёсатга аралашибди, оқибатда, депутатликдан ҳайдалди, яқинда икки йил қамоқ жазосига ҳукм этилди.

«Эрк» Марказий Кенгаи котиби, профессор Отаназар Ориф ҳам ҳозир ички ишлар вазирлигининг ертёласида ўтирибди. Сиёсатга аралашибгани учун. Мен ҳам қочқин мақомида, хотира ёзиб юрибман. Сабаби - сиёсатга аралашибганман.

«Эрк» партиясининг бугун 54 минг аъзоси бор, улар ҳаммаси сиёсатга аралашибганлар. Бу одамларни йигиб олишиша, ертёлаларга сигармикан? Бу ташвишили фикр маъмурларимиз ҳаловатини бузгаётган бўлса, ажаб эмас. Менинг ҳаловатимни эса, мутлақо

бошқа нарсалар бузаяпти. Мен сиз билан шулар ҳақида ўртоқлашимоқчиман...

Эшик тақиляяпти, кечирасизлар... Ким экан, бемаҳалда? Наҳокти мени яна топишган бўлса? Бор-йёғи учта одам билардия? Ёки улардан биттаси...

(Кўлёзма шу ерда узилади.)

2. Собиқ миришабнинг айтганлари

Мен партияянинг... э, кечирасиз, ҳукуматнинг солдатиман. Нимани буюрса, киприк қоқмай бажараман. Мен ўзим терговчи эдим, аммо митинглар пайтида анча-мунча қора ишларни ҳам қилишига тўғри келди. Кўлга тўқмоқ олиб, майдонга ҳам чиқканман. Кимнидир уришига тўғри келди, кимнидир отишига... мен чекинмадим. чекиншишига ҳаққум йўқ эди. Баъзи аҳмоқлар буни тушунмайди. Чекинсам, наебатдаги унвонни йўқотиш имумкинлигини англамайди.

Ўзим табиатан юмишоқ одамман. ҳатто қўнгилчанман. Бирорвга озор берини истамайман. Ахир, менинг ҳам болаларим бор. Лекин бошқаларнинг болалари кўчага чиқиб, митинг қилишиса, тумтоқиб кетаман. Уларнинг ота-онаси борми ўзи, дейман.

Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, бултур январда талabalар шаҳарчасида тўғполон бўлганда болаларнинг аҳволини кўриб, ҳўнг-ҳўнг ииегладим. Командиримиз буни кўриб, анча уялтирди. Лекин кўз ёшлиаримни тўхтатолмадим, қўлимда тўқмоқ, ииеглаб туриб, зумрашаларни калтакладим. Кўзим ёшлангани сабабли, қаерига урдим, кўролмадим, аммо иккитасини ийқитдим, шуни биламан. Талabalар-ку, майли, яна демократ дегани пайдо бўлган. Аввал улар «қайта қуриш,» деб ҳайқардилар. Кейин «мустақиллик,» деб бошни қотирдилар, энди «диктатура,» деб бақирмоқдалар.

Президентимизга ҳам ҳайронман, қайта қуришини берди, мустақиллигини берди, диктатурасини ҳам бериб қўяқолса нима қиларкан? Бу демократ деган ўжар халқ, унинг сўраганини бермаса, тинч қўймайди, баччагар. Шу тоифадан биттасини уйидан ҳайдадик. Ташибарида совуқ, болаларим билан қаерга бораман, дейди қизталоқ. Мен жаҳлим чиқиб, каровотидаги ёстиқни отиб юборган эдим, у ёстиқ эмас, демократнинг чақалоги экан. Мен, албатта, ачиндим, аммо кечирим сўрашига юрак дов

бермади, туман ҳокими ўринбосари турган эди. Кўриб қолса, бу кўнгли бўши латта экан, деб ишдан ҳайдаб юборарди.

Кўнглим бўшлигимни яшириб, даҳлизга чиқсан, командиримиз қаққайиб турибди. «Демократни чақир!,» деди у менга. Чакириб келдим. «Қорнига ур!,» деди командир. Иккиландим, яна кўзим қургур ёшланана бошлади. «Ур девонман санга!» деб бақирди бошлиқ. Кўзим ёшлангани сабабли, қорнига эмас, пастрогига туширибман. Демократ додлаб юборди. Мен ўгирилиб, юзимни яширдим. Демократдан эмас, командирдан. Чунки, кўнгилчанлик профессионал миришабга зарар келтиради.

Командиримиз ақлли одам. «Агар тинч ухлайман десанглар, аввал демократларнинг таъзирини беринглар. Бу ишда ким ялқовлик қиласа, ишдан кетади. Сизлар халқ милиитсиаси аъзоларисиз. Бунинг мазмуни шунда-ки, сиз халқни эмас, халқдан ҳукуматни ҳимоя қилишиларинг зарур,» деди у. Унинг нутқи мураккаб бўлгани учун, баъзан бошим айланиб кетади, кимни кимдан ҳимоя қилишини унугтиб қўяман. Лекин қўлимга тўқмоқ бериб, бироннинг ақлини киритиб қўй десалар, киритиб қўяман. Ҳар ҳолда, бирорвга ақл киритиш ўзинг ақлли бўлишдан кўра анча осон экан.

Айниқса, демократлар билан ишлаш осон. Уларни урасан, тепасан, «миқ» этмайдилар. Хотинлари ҳам шундай. Совмин биносига митинг қилиб келишган экан, биттасининг эмчагидан тутиб шундай силкитдим-ки, инсон боласи чидай олмас эди бунга. Аммо ийгламади энагар. Яна юзимга қараб, «онангизни ҳам шундай эмганимисиз?» дейди.

Мен, тўғриси, уялиб кетдим. Ҳақиқатан ҳам бу хотин онам тенги эди. Аммо профессионал миришаб «онангни олиб кел,» дейшиша, олиб келиши керак. Бурч шуни тақозо этади, командиримиз айтган.

Демократларнинг жони қаттиқлигига кўп марта шоҳид бўлганман. Уларнинг паханларини олиб келиб, кабинетда кун бўйи ушлаб ўтирамиз, «миқ» этишимайди. Биттасини ўзим сўроқ қилганман. Командиримиз «ишиз ўтирма, мана шуни сўроқ қилиб тур,» деб чиқиб кетувди. Мен нима ҳақда сўроқ қилишини билмаганим учун, «яхшиимисиз?» деб юборибман. Демократнинг юзи ёришиб кетса бўладими! «Рахмат,» дейди яна. Мен дарров

ўзимни ўнглаб олдим. Яхшиям командир кўрмади. Зудлик билан хўмрайиб сўроқ протоколини тўлдирдим:

Савол: Бу ерда нима қилиб ўтирибсан?

Авоб: Сизникилар олиб келишди.

Савол: Нимага олиб келишди?

Жавоб: Буни сиздан сўрамоқчи эдим.

Савол: Саволни мен бераман, тушундингми?

Жавоб: Тушундим.

Савол: Нимага бақраясан?

Жавоб: Бақрайганим йўқ.

Савол: Бақрайдинг-ку, нимага ёлғон сўйлайсан?

Жавоб: Ёлғон сўйламайман.

Савол: Ёлғон гувоҳлик берганинг учун жазо оласан, тушундингми?

Жавоб: Тушундим.

Сўроқ протоколи хулосасида айбдорнинг ёлғон гувоҳлик берганлиги ҳақида ёзиб, ишни судга оширишини тавсия этдим.

Буни айбдорга эълон қилсам, «инсон ҳукуқларини топтаяпсиз!» деб чинқириб қолди. Оёғим тагига қарадим, ҳеч нарса йўқ. Бу баччагар менга очиқдан-очиқ тухмат қилган экан. Яна протоколни олиб, «милиция ходимига тухмат ҳам қилди,» деб қўшиб қўйдим. Бир кунда суд чақирилиб, айбдорни икки йилга кесиб юборди.

Мен оддий терговчи эдим, шу ишдан кейин шаҳар прокурори қилиб қўйшиди. Шундай қилиб, энди мен миришаб эмас, прокурорман. Шаҳар катта, иш кўп.

Демократларнинг анча-мунчасининг танобини тортиб қўйдик. Каттаконларидан тўрттасига жиноий иш очдик, улар ҳозир ертўлада ўтиришибди. Давлатни тўнтармоқчи эканлар. Вақтида билиб қолдик. Ҳозирча бўйнига олишимаяти, аммо янаги ойнингўн бешида бўйнига олишади, ҳужжати тайёр. Прокурор бўлиб тайнланганидан кейин кўнгилчанлик касалидан ҳам қутилиб олдим. Кўзим ёшлиланганларини эсласам, ўзимдан уялиб кетаман. Энди демократларнинг қаерига уришини мен бошқаларга ўргатаман. Ўзим уриб қўлимни ҳаром қилмайман, югурдаклар кўп, ишни ўшалар бажсаради.

Яқинда оқсоқол чақырди. «Агар давлат түнтарувчиларининг айбини бўйнига қўйиб берсанг, эҳтимол, республика прокурорлигига номзодингни ўйлаб кўрамиз,» деди.

Уф-ф, яна қўнгироқ!.. Тинчлик йўқ, кўраяпсиз... Алло, эшиштаман, гапиринг... Нима? Гойиб бўлибди? Нега гойиб бўлади?.. Митинг тайёрламоқчи шекилли, дейсизми? Ўртоқ полковник, бизда «шекилли» деган гап бўлмайди, аниқ маълумот беринг. Қаерга гойиб бўлган бўлса, топиб келинг! Қўнгирогингизни кутаяпман...

3. Ёзувчилар Ююшмаси котибининг айтганлари

«Аввал ватан, кейин жон». Бу ҳақиқат учун биз анча-мунча жонлардан воз кечиб юборишга тайёрмиз. Президентимиз сессияда айтди: «Минглаб одамларнинг осойишталиги йўлида 100-150та боши бузуқнинг бошини тўғрилаб қўйшига қодирмиз,» деди. Бу позитсияни тўла қўллаб-кувватладик. Ва «Бирлик» раисдошининг бошини тўғрилаб қўйшишганда, биз телеграмма юбордик.

Умуман, ватан дегани биз ёзувчилар учун ҳавоий тушунча эмас. Уни севмоқ - бизнинг касбимиздир. Эрталаб соат тўққизда Ююшмага келиб, кечқурун соат бешгача ватанин севамиз.

Ватанинг бир нозик жойи бор. У гапиролмайди, жавоб беролмайди, дўқ уролмайди. Бундан фойдаланган айрим боши бузуқлар «биз ҳам ватан фарзандларимиз,» дейдилар. Агар ватанинг тили бўлганда эди, қўли бўлганда эди, боши бузуқларни аллақачон чет элга улоқтирган бўларди. Боши бузуқларни мен яхши танийман. Ҳатто ўзим ҳам бир пайтлар «Бирлик» фаоларидан эдим. Кейин қарасам, ҳаммасининг боши бузуқ. Аввалига индамадим, чунки «Бирлик»нинг авом халқ ўртасида обруси катта эди. Ҳатто шу обрў ёрдамида, ўзим хоҳламасам ҳам, мени Ююшмага котиб қилиб сайлашиди. Аммо, котиб бўлгандан кейин, ақлим янада тиниқлашиди ва боши бузуқларни тарк этдим.

Мен гуманист одамман, боши бузуқларни «қора кучлар» деб аташларига унчалик қўшилмайман. Терминда адашмаслик керак. Бу ҳақда Ююшмамиз ҳукуматга, газетларга, ХДП ва «Ватан тараққиёти»га ҳатлар жўнатди. Аммо ҳанузгача улар боши бузуқларни «қора кучлар» деб ёзишимоқда. Бу, албатта, эътиборсизлик оқибати. Мен ҳукуматни эътиборсиз дейётганим

йүқ, аксина, ҳукуматимиз халқقا қаттиқ эътибор бергани учун ҳам майда нарсаларга фурсати қолмаяпты. Биз буни яхши тушунамиз Умуман олганда, «қора кучлар» деса ҳам бўлаверади. Чуқурроқ ўйланса, ўзи ҳақиқатан ҳам шундай. Бу кимсалар чиндан ҳам қора кучлар. Буни биз ўйлаб кўрмаган эканмиз. Термин хусусидаги хатни зудлик билан бекор қилиши керак. Акс ҳолда, рақиблармиз қора кучларни ҳимоя қиласяпти, деб Президентимизга ёзишлари мумкин.

Рақиблармиз сизга маълум - Адиблар Иттифоқи раҳбарлари. Бу нокаслар Ююшмани иккига бўлиб юборишиди, бизнинг бир қанча аъзоларимизни авраб, «Адиблар иттифоқи» тузишди...

Мундоқ ўйлаб қарасам, Уюшманинг бўлингани ҳам яхши бўлган экан. Бўлинмасдан олдин Уюшма худди қозондек қайнаб турар эди, тинчлик йўқ эди. Жумҳуриятда неки боши бузуқ бўлса, э-э, кечирасиз, неки қора куч бўлса, ҳаммаси шу Уюшмага келарди ва ҳукуматимизга тинчлик бермас эди. Мажлис, митинг, пикет - ҳамма бало шу Уюшмадан бошланарди. «Орол» дейшиди, «давлат тили» дейшиди, хуллас, бутун дордан қочганлар шу ерда йигилишарди.

Мана, худога шукр, жим-життик ўрнатилди. Гоҳ-гоҳ бир-икки ёзувчи пайдо бўлиб, «мажлис ўтказайлар», деб қоларди, уларнинг думини тугдик. Мажлисга бало борми, митингга айланниб кетса, ким жавоб беради? Яна бизга тушади калтак.

Қора куч ёзувчилардан бири Уюшмани лаганбардорликда айблаб, Москвада мақола ҳам чиқарди. Биз уларга зарба сифатида йигирматта қора куч ёзучининг рўйхатини Давлат сирини саклаши раиси ҳурматли Р. Шоғуломовга бердик. Энди бирор тасининг ҳам китоби босилмайди.

Хуллас, ватанин севиши ҳам осон эмас. Буни чидаганга чиқарган. Масалан, Адиблар иттифоқи раҳбарлари халқни алдаб, ватан, дея лофт уради, аммо севишига келганда, кунига бор-йўғи тўрт-беш соат севади ва қоши қораймасдан жуфтакни ростлайдилар.

Бизнинг Уюшмамиздаги ҳам шундай ялқовлар бор эди, биз уларнинг штатини қисқарттириб юбордик. Ишда қолганларга конкрет вазифа қўйдик: ҳар ким барқарорлик ҳақида ҳафтасига шеър ёки ҳикоя, осойишталик ҳақида иккита шеър ёки учта мақола ёзиши лозим. Президентимиз ҳақида ҳам ёзиш керак, аммо

бунга норма белгиламадик. Ҳар ким кўнглига сиққанича ёзсин. Ҳар ҳолда ишмиз ёмон эмас.

Шу ўрнатилган тартиб туфайли бизнинг аъзоларимиздан ўнтаси халқ ёзувчиси, ўнтаси халқ шоири унвонига сазовор бўлишиди. Давлат мукофоти олганларни санамаса ҳам бўлади. Уюшманинг бу самарали фаолиятини қора кучлар кўролмаяпти. Нима эмиши, биз лаганбардорлигимиз билан Ўзбекистонда диктатуранинг ўрнатилишига ёрдам берадётган эмишмиз. Қарга чўқилаган «о»ни ебсан, дедим уларга.

Биринчидан, президентнимиз бирор нарса ўрнатар экан, ҳеч қаҷон бизнинг ёрдамишга муҳтож бўлмаган.

Иккинчидан, президентни халқ сайлаган, нимани ўрнатсағ ихтиёр ўзида. Халқ рози бўлса, бас. Ўзингиз кўриб турибсиз, халқ рози. Бизга бу ҳақда жуда кўп хатлар келаяпти. Уларни тўплаб, нашр қилиши ниятимиз бор.

Хуллас, иши кўп. Ана, яна телефон жиринглади. Тенадан қўнгироқ қилишияяпти, ўзи кутиб ўтирган эдим... Алло, ассалому алайкум, домла... Нима? Ким бу?.. Нима деяпсиз?.. Қанақа хат?.. Кимни қамашибди?.. Менинг бу билан ишим йўқ. Уюшма қизил ярим ой жасамияти эмас. Қамалса, ўзи айбдор. Мен унга сиёсатга аралашма, деб айтган эдим... Йўқ, йўқ. Уюшма ҳеч бир хатга имзо чекмайди. Биз сиёсатга аралашмаймиз... Ҳа, шундай!

4. Бетараф зиёлининг айтганлари

Бетарафлик бу тўполонли даврда энг яхши йўл экан. Мен бирорта партияга кирмадим, ҲДПсига ҳам, ЭДПсига ҳам. Жуда тўғри қилган эканман. ҲДПга кирсам, халқнинг қарғишига дучор бўлардим. «Эрк»ка кирсам, турмага тушардим, «Ватан тараққиёти»га кирсам, ундан баттар, нозанинлар партиясига кирибди, деб кулган бўлишарди. Одамлар шунақа, маданиятсиз бўлиб кетишган, ҳақорат қилишдан ҳам тоймайдилар. Кеча тўрт соат нонга навбатда турдим. Ана ўша ерда кўрдим маданиятсизликни. Икки соат жисм туришиди, учинчи соатда асабийлаша бошлидилар, тўртинчи соатда бир маданиятсиз «миқ» этган эди, дўкончи ҳам зўрга турган экан, сўқинчни ёғдиридики, кўраверасиз. Бир зумда ҳамма бир-бирини куракда турмас сўзлар билан ҳақорат қила бошлидади. Кейин муштлашув бошлианди. Милиция чақиридик, келмади. Ниҳоят, бир киши чиқиб,

«Хў, огайнилар, ноннинг йўқлигига сизлар эмас, ҳукумат айбдор, нега бир-бирларингизни ур-калтак қиласыпсизлар,» деган эди, муштлашув таққа тўхтади. Ҳамма ҳушига келди, жим-житлик чўкди. Шу пайт осмондан тушгандай, милитсионер пайдо бўлди. «Ким ҳукуматга тил теккизган?» деб сўради. Ҳеч ким «миқ» этмади. Милитсионер бир ишишайди-да, тил теккизганни топди ва айбдорнинг қўлини тўрхалтаси билан боғлаб, олиб кетди. Агар шу ерда бетараф бўлмаганимда, айбдорни ҳимоя қилганимда, мени ҳам олиб кетган бўлишарди. Маданиятли одам доим бетараф бўлади. Катта олим ва катта санъат арабобларининг ҳаммаси бетараф. Ҳозир замон шундай-ки, бирор билан дўст бўлиши ҳам хатарли. Танлаган огайнинг «Эрк»чи ёки «Бирлик»чи бўлиб чиқшиши ҳеч гап эмас. Кейин бошинг балога қолади. Бу соҳада ҳам мен бетарафман. Умуман, ҳар қандай саволга «бетарафман,» деб жавоб бершига одатланганман. Бу, биринчидан, ўзгалар фикрига суқилмаслик, одоб ва маданиятни билдиrsa, иккинчи томондан, ҳар эҳтимолга қарши... яъни, ким билади бу саволнинг остида нима ётганини?

Бетарафлик принсипимни ҳамма ҳам тушунавермайди. Яқинда бир жонон билан танишиб, уни ўпаётган эдим, «мени севасизми?» деб қолди. Албатта, одатдагидай «бетарафман,» дедим. У кетиб қолди. Мана, қирққа кираяпман, ҳамон бўйдоқман, принсипимга содиқлигимдан. Мен ҳозир бетарафликнинг фойдаси ҳақида докторлик диссертациямни ёзиб тутгатдим. Жуда қизиқ фактлар бор. Ижтимоиятчиларнинг айтишича, Ўзбекистон зиёлилари ичida бир миллионга яқин бетараф бор. Ҳа, бир миллион! Кичикроқ бир мамлакат аҳолиси бу. Уларни бемалол бетараф давлатлар сафига қўйса бўлади...

Кечирасиз телефон жиринглаб қолди... Алло, ким бу? Кимни?.. йўқ, йўқ, мен сиёсатдан узоқ одамман... Ҳа, мен бетарафман, сөз бўлинг...

5. Маккага бориб ҳожи бўлиб келган вилоят ҳокимининг айтганлари

Пошио - Худонинг ердаги сояси, деган эканлар. Биз авваламбор ўша сояга бўйсунишимиш керак. Унинг сиёсати тўгрими-нотўгрими, қора кучларга ўхшаб муҳокама қилиши катта гуноҳдир. Шундай кўрнамаклар бизнинг вилоятимизда ҳам йўқ

эмас. Уларнинг биттасининг уйига одамларимни юбориб оттирган эдим, жойида йўқ экан, ўқ ёстиққа тегибди. Барибир тинч қўймадим, ишдан бўшатиб, бадарга қилдим. Унга яқин бўлган элликта кишини ишдан ҳайдадим. Галабани ювиб, роса ичдик.

Дарвоқе, Маккага бориб кўрдик-ки, у ерда ароқ ичмас эканлар. Биз анча қийналдик. Уйга келгандан кейин роса тўйиб ичдик. Бу асло ҳожилигимизни бузмайди. Чунки, пайгамбаримиз «ароқнинг ўзи эмас, мастилиги ҳаромодир,» деганлар.

Аммо тунов куни, пошиомизнинг туғилган кунида роса отибмиз. Ҳожи бўлганим учун менга сўз беришди. Барча вилоят ҳокимлари ўтирган эди. Озгина кайф қилибман, шекилли, эллик беш ёш ўрнига олтмиши беш ёш деб юборибман. Эртасига роса сўкинч эшишдим. Сиёсий хато қилганимни тушундим.

Умуман, сиёсатга аралашмаган маъқул экан. Бизнинг ишишим қишилоқ хўжалиги бўлиши керак. Халқнинг қорнини тўйдириш лозим. Ўрни келганда шуни айтиши керак-ки, халқимиз ҳам анча мечкай халқ. Маккага борганда кўрдик, у ерда одамлар жуда кам овқат ейишади. Бизда-чи, ойда бир марта албатта гўшт ейдилар. Ноn ҳар куни, чойни айтмасангиз ҳам бўлади. Маккадан келиб вилоятда мечкайлукни йўқотиши ҳақида фармон чиқардим. Халқ хурсанд бўлди, бозор қиммат замонда озиқ-овқатга пул йўқотмайди.

Бу ташаббус тетадан қўллаб-қувватланди. Иқтисодий масалалрни шундай ҳал қилиши лозим, деб алоҳида таъкидланди. Сиёсий хатомни шу билан ювдим. Пошиомиз ақлли, доно одам, мени кечирдилар.

Биз Маккага бориб кўрдик, Саудияда пошиосининг қўлидан ўпар эканлар. Бизда ҳам бу одатни жорий қилиши керак. Биз ҳозир вилоятимиз марказида пошиомизга ҳайкал ясаямиз. Фуқаролар унинг қўлини ўтишисин. Чунки, пошиомизнинг вилоятга келишига вақтлари бўлмаслиги мумкин.

Фаргонада шунга ўхшаган бир иншиот қуришибди. Фақат жуда баландда, дейшишади. Одамлар нарвон қўйиб ўтаётган эмишлар. Бу демократияга тўғри келмайди. ҳайкални сал пастроқ қўйши керак, шунда ёш-қари, бола-чақа - ҳаммаси ўтиш имконига эга бўладилар. Буни коғирлар «шахсга сизиниши,» деб айтишлари мумкин. Биз шахсга эмас, сояга сизинамиз!

6. «Ватан тараққиёти» фирмаси котибининг айтганлари

Президентдан бошика ким сиёсатга аралашиша, ўша қора кучдир. Москов телевидениесини кўравериб боши бузилган кимсалар - қора кучлардир. Нима эмиш, халқни уйготиш керак эмиш. Ҳў, баччагар, халқни уйготиб нима қласан, дам олсин, ҳордиқ чиқарсан, етмииш йил пахта терди, энди беши-олти йил ухласа нима бўпти?

Йўқ, қора кучлар, инсонни ҳам, қонунни ҳам тушунишмайди, ухлаб ётган заҳматкашини уйготиш - жамоат тартибини бузиши эканини англамайди ва албатта, шунга яраша жазо оладилар.

Буларни жазоласанг ҳам ёқмайди. Дарров «Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари топталаяпти,» деб бутун дунёга жар солишади, оқибатда, бизнинг давлатимизни билмайдиган чулчитлар ёгилиб кела бошлиайди. Улар қора кучлар билан қўшилиб, кулранг кучга айланадилар ва жаҳонга кулранг хабарлар кета бошлиайди. Натижада асосий бойлигимиз - барқарорлик юзига чак-чак кулранг доэлар томади.

Ҳукуматимиз қора кучларни узоқ вақт назарга илмай юрди. Ҳатто дўстимиз М. М. Дўст айтгандай, президентимизнинг ўзи уларнинг «пилигини» кўтариб қўйди. Бу ношувлар яхшиликни билмай, ҳаддидан ошаверди. Ва жазосини олди, олаяпти ҳам.

Халқ ичида обрўсини йўқотиб, улар чэт элдаги маслакдошларига суюнамоқдалар. «Ўзингдан чиққан балога, қайга борай давога» даганларидек, асли наманганлик Боймирза Ҳайит деган одам бор. Олмонияда яшайди. Хотини олмон. Давлат тилимизни билмайди. Боймирза Ҳайитни мен кўрганман. Қон-қора куч. Мўйлови ҳам бор. Ана ўша кимса бултур Наманганга келиб, роса тўйполон қилди. Уни кутишига минглаб авом ҳалқ йўлга чиқди, бу сиёсий қолоқлигимиз оқибати. Бу қора куч Наманганга келибоқ, ўз маслакдошларини ахтара бошилади. Бойлигимиз - барқарорликка путур етказиш учун ҳаракатга тушди. Биз унинг йўлини кесдик. Унга Президентимизнинг Ўзбекистондан чиқиб кетиши ҳақидаги буйругини мен етказганман. Буйруқни эшишиб, қора куч янада қорайиб кетди. Шуни айтиши керак-ки, қора кучлар тузогига баъзан содда одамлар ҳам тушшиб қолишади. Бу содда одамларнинг анчасини биз тўғри йўлга солдик. Бу одамларнин ҳаммаси ҳозир «Ватан тараққиёти» фирмасига кирган. Аммо бу соддаларнинг ичида ўжарлари ҳам учраб туради. Биттаси, «Нима қиласан

Президентни танқид қилиб, лўлининг эшагини сугориб, пулени олавермайсанми?», десам, содда нима дейди, денг: «Президент лўли эмас, самарқандлик, иккинчидан, унинг эшагини сугорсам, сизга иш қолмайди-ку», дейди-я безбет. Хуллас, бундайларни фақат турма одам қиласди... Бу ҳақда мен Президентга очиқ айтганман. Шафқатсиз бўлиш керак, деганман. У мени яхши тушунади. Мен ҳам унинг психологиясини ўрганиб олганман. Дейлик, бирорни мансабга қўйиш керак бўлса, буни тўғридан-тўғри айтиб бўлмайди. Мен одатда, президент секретарига «Эртага қора кучлар митинг қилмоқчи, оқсоқолга батафсил ахборот бершишм керак», дейман. Президент зудлик билан қабул қиласди. Қабулхонасида кун бўйи ўтирган вазирларни қабул қилмайди-ю, мени дарров кутуб олади. Ахборотни эшишиб, тумоқади, сўкинади. Мен бундан фойдаланиб, унга секин, иш бўйича ёзилган ҳужжатни бераман. У қарамай имзо чекади-да, олдимга иргитади. Шу билан иш битади. Ахборотнинг тўғри-нотўғрилигининг аҳамияти ўйқ. Қора кучлар бир куни барибир митинг қиласди-ку. Биз фақат олдини оламиз, холос. Умуман, ОЛДИНИ ОЛИШ - «Ватан тараққиёти» фирмасининг асосий иш услубидир.

Бизни кўролмайдиганлар ҳам бор. Улар «Ватан тараққиёти» чўнтақ партияси, деб гап тарқатишган. Биз фисқу-фасоддан баланд турганимиз учун, кулиб қўяқолдик. Ҳа, биз чўнтақ партиясимиз, дедик. Бу қора кучлар шу қадар безбетлар-ки, гўё ўзлари чўнтақни ўйламайдилар, гўё ҳаммаси бойвачча. Президент фирмакимизни тузажетиб, чўнтақ - партия учун асосий нарса, чўнтаксиз партия бўлмайди, деганлар. Шунинг учун ҳам «Ватан тараққиёти» фақат иқтисод билан шугулланади.

Иқтисоднинг ҳаётимизда нақадар муҳим фактор эканлигини қишилоққа бориб бишши мумкин. Ўтган йили чойхонада ўтказилган қурултойимизда (биз дабдабани ёмон кўрамиз, мажлисларимизни доим чойхона ёки рестороналарда ўттказамиз) бир чолдан «Сизга иқтисод керакми, сиёсатми?» деб сўраганимизда, чол аввал тушунмай турди. Кейин «Сизга нон керакми ёки сафсатами?» деган эдик, дарров тушунди, «Нон керак, болам, нон,» деди. Шу ернинг ўзидаёткунга фирмакимиз номидан тўртта иссиқ нон ҳаддя этдик ва бу нонларнинг иқтисод эканини тушунтирдик. Ташибиқотнинг кучини қаранг-ки, эшишибимизча, ўша чол энди

уйида ҳам «хотин, нон обке,» демас эмиш, балки «хотин, иссиқхина иқтисодингни обке,» дейдиган бўлибди. Халқ билан шундай ишилаш керак. Бир куни халқ билан ишилаб турган эдим, қишлоқи демократ келиб қолди. У ҳам халқ билан ишилашга урина бошлади. Мен унга қарши контрпропагандани бошлаб юбордим. «Демократлар сизни жарга олиб боради,» дедим халқча. Битта чўпон нима дейди денг: «Жарга ўзим бораман, менга йўл кўрсатишнинг кераги йўқ,» дейди. У қишлоқ чеккасидаги жарда мол боқар экан, кейин тушундим.

Халқ билан ишилаш шунаقا нозик иши. У ҳамма нарсани тўппатмўғри тушунади. Бунинг устига, халқ дегани жуда ўжсан нарса бўлар экан. «Менга йўлбошчининг кераги йўқ, ўзим бораман,» деб кетаверади. Бунинг **ОЛДИНИ ОЛИШ** керак.

7. Ўзбекистон ХДП фирмаси масъул котибининг айтганлари

Бизни «собиқ коммунистлар» деб аташади. Бу түхмат гап. Биз коммунист ниқоби остида етмииш иил Ўзбекистон мустақиллиги учун курашганмиз.

Мана, ниҳоят шу курашлар маҳсул - истиқлолга эришидик. Шунга қарамай, бугун ҳам бизни кўролмайдиганлар учраб туради. Бу қора кучлар энди «Ўзбекистонда диктатура ўрнатилди,» дея бақирмоқдалар. Худога шукр-ки, диктатура бор. Шунинг шарофати билан Ўзбекистоннинг ҳамма жойида барқарорлик бор. Тўрт тарафимиз барқарорлик. Тўғри, бозорлар қиммат, озиқ-овқат етишимайди, аммо барча дўйконларда барқарорлик бор. Шу қадар серобки, чет эллик сайдиҳлар биздан илгаригидай сувенир қилиб дўппи эмас, барқарорлик олиб кетишади.

Чет эл газеталари ўзбек барқарорлиги ҳақида тинмай ёзадиган бўлишган. Бундай сифатли маҳсулот мустақил Ўзбекистонда яратилиши ватанпарварларнинг кўксини ғурурга тўлдирмоқда.

Фақат улар эмас, Президентимизнинг шахсан ўзи «Барқарорлик энг катта бойлигимиз,» деган. Бу иборани Мирзо Уlugбек тумани ҳокими Солор бўйига осиб ҳам қўйибди: «**БАРҚАРОРЛИК - ЭНГ КАТТА БОЙЛИГИМИЗ И. КАРИМОВ.**» Лекин бу ҳокимда ҳам фаросот дегани йўқ экан. Ёзиша ёзибди-ю, иборани иккига бўлиб, ишини расво қилибди. Оқибатда, ёзув «Энг катта бойлигимиз И. Каримов,» деб ўқилмоқда. Мен

Президентимиз бизнинг бойлигимиз эмас, демоқчимасман. Аммо буни Президентнинг ўзи айтса ярашади, қандайдир туман ҳокими эмас. Президентимиз дангал одам, айтса айтаверади. Бу ҳақда Мурод Мұхаммад Дүстбатағсил ёзған. Унинг дангаллігига мен ҳам бир мисол келтирман. Сессия мибаридан туриб, дангал шундай деди: «Мени мақташни бас қилинглар, ҳали Ниёзовга қўйгандаи менга ҳам анави ерга ҳайкал қўйиб ўтирманглар, тагин,» деди. Пастда ўтирган маслаҳатчилардан бири беихтиёр «Қаерга?» деда Президентга термулди. Президент эшиштади ёки атайнин жавоб бермади, чунки маслаҳатчилар фаросатни бўлса, қаергалигини ўзлари билишлари лозим, довдирасликлари керак.

Президентимиз нафақат ички сиёсатда, ташқарида ҳам дангал сиёсат юритади. Бутун Ўзбекистон аҳли буни телевизор орқали кўриб қойил қолган. Мен ҳам кўрганман. Эрон ислом жумҳуриятигининг бир вазири билан бўлган суҳбатда президентимиз дангал сўради: «Нега сизлар (эронликлар - М. С.) енгил саноатга ташқи инвеститсияни жалб қилмаяпсизлар?» деди. Бу савол оҳангидан шўрлик эроний сувга тушган жўжага ўҳшаб шалвираб қолди. У Эроннинг енгил саноати анча ривожланган, ҳатто енгил саноат маҳсулотларини ташқарига сотаяпмиз, демоқчи эди, президентимиз важоҳатини кўриб, писиб қолди. Вазир бундай маҳсулотларни Ўзбекистон ҳам четга сотаётган бўйлса керак, деб ўйлади ва Ўзбекистон делегацияси кийған инглиз ёки фин костюмлари ҳам уни ҳушига келтирмади.

Хорижий сиёсатчилар галати бўлишиади. Тинмай илжаядилар, илтифот кўрсатадилар, ҳар қадамда «рухсат этинг», «марҳамат қилинг» деда ўралашибилар. Суҳбат бошлагани замон довдираи бошлиайдилар. Чунки, нимжон ва оми инсонлар. Ўзбекистондан келган делегатсия мени довдиратиш учун келган, деб ўйламайдилар.

Дипломатия - бу рақибини довдиратиш демакдир. Қашшоқ бўлсанг ҳам ўзингни бой каби тутши - дипломатиядир. Бирор давлатнинг саноати ҳақида маълумот бўлмаса, бу «саноатга» дўйқ урилса бас, рақиб довдирайди-қолади. Сиёсатга аралашар экан яна битта нарсани ёдда тутши керак: кадрлар билан иложи борича саломлашимаслик лозим. Акс ҳолда, сизни ҳеч ким писанд қилмай қўяди. Ўзимизга ўҳшигани одам экан-ку, деб ўйлайди. Вазият тақозо ётса, бир-икки вазирни ҳақорат ҳам қилиб қўйши лозим. Буни чет

элликлар эшиштишиса, янада таъсирли бўлади, ҳақиқий президент экан, деб қойил қолишади. Яна бир нарса бор - бу важоҳат. Тўнни тескари кийиб ўтириши керак. Ҳатто хорижий давлат кийдирган тўнни ҳам. Бу халқаро обрўмизни кўтариади.

Албатта, сиёсатнинг бошқа, иккинчи даражали қоидалари ҳам мавжуд. Масалан, Туркияга бориб, Ўзбекистон иқтисодда «турк моделини танлади,» Хитойга бориб «хитой модели», Сингапурда «сингапур моделини танлади,» дейши ҳам мумкин. Бу аниқ йўлнинг йўқлиги эмас, балки бирданига учта давлатнинг кўнглини олиши ҳисобланади.

Сиёсатга аралашиб юрган Президентлар буни яхши билишади. Бизнинг президентимиз ҳам ана шундай президентлардан. Айрим қора кучлар буни кўролмайди. Президентимиз «Мен - иқтисодчи, сиёсатчи эмасман,» деб интервю берган, дейшишади. Президент сиёсатчи бўлмаса, қандай президент бўлади, дейшишади. Қора кучлар билмайдилар-ки, халқнинг қорнини сиёсат эмас, иқтисод тўйдиради. (Бу ҳақда «Ватан тараққиёти» фирмаси илмий иш олиб бормоқда). Қора кучлар яна шуни билсингилар-ки, Ўзбекистонда юз эллик йил давомида бирорта сиёсатчи бўлмаган ва халқ тўқ-фаравон яшаган. Сафсатабоз сиёсатчиларнинг ҳаммаси Московда бўлган. Улар сиёсат билан шугулланавериб, мана, нима бўлди. Совет империяси парчаланди. Агар руслар сиёсат ҳақида камроқ гапириб, иқтисодни йўлга қўйганда, империя парчаланмаган бўларди ва биз фаравон ҳаёт кечиришида давом этган бўлардик. Худога шукур, буғун ҳам ҳаётимиз фаровон. Бозор-ўчарда сўқинаётган баъзи шалоқ қора кучларни айтмаса, бутун халқимиз ҳукуматга тасанно айтмоқда. Барча газет-журналлар, радио-телевидение, ахборот агентликлари фаровон турмушишимиздан дараклар бермоқдалар.

Бу мўъжизанинг сири шунда-ки, Президентимиз сиёсатдан ҳам кўпроқ иқтисод билан шугулланаётиди. Рус империяси йўл қўйган хатони тақрорламаяпти. Сиёсат ишқибозларига минбар бериб, эркаламаяпти. Жуда ўжарлари бўлса, турмага ташлаяпти. Ва жуда тўғри қиласа, турмага ташлаяпти. Бу сиёсатнинг тўғрилиги хусусида нафақат ёзувчи ва олимлар, ҳатто юз ёшдан ўтган қариялар ҳам симпозиумлар ўтказмоқдалар. Одам юз ёшдан ўтса, ақли яна тиниклашаркан, яқинда юз ёшлилар симпозиуми «Президентга очиқ ҳат» қабул қилиб, газетларда эълон этди. Бу

мактуб Ўзбекистон доноликнинг ҳам макони эканлигиин исботлайди.

8. Давлат сирини сақлаш қўмитаси ходимнинг айтганлари

Совет Иттифоқини парчалаган кимлар, биласизми? Ички ва ташқи жосуслар. Улар демократия ниқобини кийиб, аввал чет элда, кейин мамлакат ичкарисида юзлаб газета ва журналлар чиқара бошладилар, бу нашрларда давлат сирларини фош қилдилар. Масалан, СССРнинг империя эканлиги, тоталитар давлат эканини бирорта совет кишиси билмас эди, жосуслар буни айтди. Инқироз шундан бошланди. Бизда жосуслар кўп. Улар ҳам демократия ниқобини кийган эди, лекин биз бу ниқобни дарров юлиб олдик ва ХДПга бердик.

Энди жосуслар ўз башинарларини халқдан яшира олмайдилар. Каерга борса, дарров маълум бўлади, отнинг қашқасидай.

Давлат сирини сақлаш қўмитаси ўшаларга қарши тузилган. Биз давлат сирларини улардан муҳофаза қиласиз.

Давлат сири нима, деган саволга шундай жавоб беришим мумкин: асосий давлат сири - бизнинг ҳукуматимиз. Бирор газет ёки журналда ҳукумат ва унинг бошлиги танқид қилинса, давлат сири фош бўлган ҳисобланади, бунга йўл қўйған нашр зудлик билан таъкиқланади. Мисол сифатида «Эрк» ҳафталигини келтиришим мумкин.

Бизнинг ишишимизда доим ҳушёр бўлишига тўғри келади. Ишда ҳам, кўчада ҳам. ҳатто уйда ҳам. Тунов куни дивандада ёнбошлаб, телевизор кўраётган эдим, экранда шубҳали бир қўшиқчи пайдо бўлди. Бир қараашда айтган қўшиги дуруст, аммо заминида тузумга қарши гап бор экан. Пахтазорни мақтаб туриб, охирида «бободеҳжон юзингда ажин,» дейди синиқ овоз билан. Бу бизнинг профессионал тилимизда «тузум юзида ажин» деган маънони билдиради. Дарров қўнгироқ қилдим...

Афсуски, телевидение бизнинг назоратимизда эмас, аммо бизнинг тавсиямиздан улар фойдаланишади, уларга сиёсий кўрсатув бермасликни тавсия этувдик, қабул қилишди. Ҳозир фақат раққоса ёки ашулачиларни кўрсатади. Лекин, боя айтганимдай, ашулачилардан ҳам эҳтиёт бўлиши керак.

Ишимиzinинг огир жабхаси - ташқи жосуслар билан кураши. Ташқи жосуслар Москов матбуоти, аҳборот воситалари орқали давлат сирларимизни фоши қиласди. Масалан, Ўзбекистонда демократиянинг йўқлигини ўшалар фоши қилишиди. Аммо қўмита, бринчи галда, маҳаллий жосусларни йўқ қилишига интилади. Мен бу ишга бутун вужудим билан киришганман. Сирлиликка шу қадар ўрганибман-ки, уйга борсам, хотиним ҳам сирли жислмаяётгандай туюлаверади. «Эрк» партиясига аъзо бўлиб келмадингми?» деб қўяман.

Бундан ҳайрон бўлманг, бу шунчаки профессионал сезги. Агар шу сезги бўлмаса, мени Қўмитага ишга олмас эдилар. Шу сезги туфайли биз нашириётларда ўнлаб жосусларни фоши қилдик, ишдан ҳайдадик. Уларнинг кўпчилиги «Эрк» партияси аъзоси эканлги маълум бўлди.

Лекин жосуслар ҳам анча эҳтиёткор, тажрибали бўлиб қолишиди. Илгари давлат сирларини очиқдан-очиқ ўзмақолаларида фоши қилаверардилар. Бугун конспиратив йўлга ўтганлар: улар энди шеър ёза бошлидилар.

Кейинги уч ойда йигирмата жосуснинг олтмиши еттига шеърида давлат сирлари фоши қилингани аниқланди. Бу ишда бизга Ёзувчилар Ююшмасидаги дўстлар катта ёрдам бердилар.

Биттаси «Мувавишаҳ» деган шеър ёзибди. Ҳар сатрнинг боши ҳарфларини қўшиб ўқисангиз, одамнинг исми, фамилияси чиқаркан. Кимнинг номи чиқди денг, айтишига тил бормайди, просто даҳшат!.. Келинг, айтмай қўяқолий, хуллас, бу энг катта давлат сири. Тажриба шуни кўрсатадики, мақоладан ҳам кўра шеър хавфли нарса экан. Жосусларнинг деярли ҳаммаси шеър ёзишини билади (чет эллик раҳномалари ўргатишган бўлишиса керак). Улар кўпроқ Ёзувчилар Ююшмаси атрофида ўралашибадилар, баъзи бирорлари Ююшма аъзолигига ҳам ўтиб олган. Үмуман, бу нусхалар асосан шаҳарда яшишади. Қишлоқда бир кун ҳам туролмайдилар. Чунки, қишлоқда сир йўқ. Улар шаҳарга келишади, давлат сирларига яқинроқ юриши керак-да.

Уларнинг бир гуруҳини Президент Саройи ёнида кўрганман. Объектга қараб туришган экан, мени кўришиди-ю, жўнаб қолишиди...

Давлат сирини сақлашда давлат тилимиз ҳам муҳим рол ўйнайди. Масалан, бошлиқ ўзбек тилида нутқ қиласа ва уни рус ёки инглиз тилига таржима қилиши керак бўлса, таржима матнини

албатта текшириб кўриш лозим. Чунки, давлат тилида айтилган ҳамма гапни таржима қиласерса, бошлиқнинг обрўсига, демак, давлатимизнинг обрўсига путур етиши мумкин. Давлатимиз обрўсини сақлаши давлат сирини сақлаши билан баробардир. Буни баъзи қалтафаҳмлар тушунмайди ва «нега раҳбаримиз нутқи таржимада қисқартирилган?» деб жсанжас қиласидар. Яқинда шунақалардан биттаси келиб бошимни қотирди, унинг қулогига шипшиб тушунтирган эдим, бечора қўрқиб кетганидан хайр-маъзурни ҳам насия қилиб, жўнаворди.

Яна шуни айтиши керак-ки, биз мустақил жумҳурият бўлмаганда, давлат сирларини сақлаши анча қийин бўларди. Яъни, мустақиллик давлат сирини сақлашнинг муҳим омиларидан биридир. Давлат сири, ўз навбатида, мустақиллик учун курашининг муҳим омилидир.

Давлат сири фақат бор нарсалар эмас, йўқ нарсалар ҳам бўлиши мумкин. Масалан, бизнинг миллий армиямиз йўқ, аммо унинг йўқлигини ёзиши - давлат сирини фоши қилиши демакдир. Шунингдек, дўконда нон йўқлиги, сариёғ йўқлиги ҳам давлат сирига киради. Буни ёзиши иқтисодий хоинлик ҳисобланади.

Йўқ нарсаларнинг ичida энг долзарб сир - демократиядир. Унинг йўқлигини ёзиши энг катта сиёсий жиноят саналади. Бу сирни фоши қилганлардан бир нечтаси ҳозир турмада ўтишишибди.

Хуллас, мустақил Ўзбекистонимиз дунё давлатлари билан яқинлашган сари сирларининг рўйхати ҳам узайиб бормоқда. Яқинда бу рўйхатга яна битта сир қўшилди - инсон ҳуқуқлари. Буниси яқин келажакда энг актуал давлат сири бўлиб қолади.

9. Деҳқоннинг айтганлари

Президентимизга раҳмат, бу йил ҳосил яхши бўлди. Паҳтани нес-нобуд этмай териб олдик. Президентимизга раҳмат, ўн беш фойизи деҳқонга берилсин, деган эди. Биз бу паҳтани қаерда ҳам сотардик, Президентимизга раҳмат, оғиримизни енгил қилди - ўзлари сотадиган бўлди. Президентимизга раҳмат, ўзлари жуда кароматли киши эканлар. Ёзувчи Пиримқул Қодиров дегани телевизўрдан айтди, президентимиз Ҳиндистонга борганларида булутилар тарқаб, бирдан қуёши чиқиб кетибди. Бизни қуёшли Ўзбекистон дейшишади, аммо Ҳиндистонда қуёши чиқариишининг ўзи бўладими?

Президентмизга раҳмат, бизда ҳам ҳаво яхши келди. Томорқадан олган ҳосил билан күн кечираяпмиз. Иккита сиғиримиз бор, Президентмизга раҳмат, иккалови ҳам түгди, сут-қаймоқ текин бўлди.

Президентмизга раҳмат, қишлоқда ун йўқ. Пахта экиб, буғдой экмаган эдик. Президентмизга раҳмат, анча қийин бўлди. Ун олиб келишган эди, жсанжал бошлианди. Қўшинилар жиққа-мушт бўлишиди. Президентмизга раҳмат, жсанжалкашлар қамалди.

Президентмизга раҳмат, менинг хотиним анча чидамли чиқди, унсиз ҳам овқат қиласверади.

Президентмизга раҳмат, қишлоқда гўшт йўқ. Қўшинилар бир-бирининг гўшитини ейди. Президентмизга раҳмат, буни ҳеч ким билмайди.

Президентмиз соғ бўлсинлар, қишлоқда ҳар хил касаликлар кўпайиб кетди. Менинг кўёвим жигари чириб, ўлди. Иккита бола етим қолди. Президентмизга раҳмат, онаси нафақа олаяпти.

Президентмизнинг юзи доим ёргуғ бўлсин, қишлоқда чироқ йўқ. Қоронгу тушиган заҳот ҳамма кашаларига кириб кетади, шам ёқиб, овқат пиширади. Президентмизга раҳмат, ҳали ҳеч ким нолигани йўқ.

Яқинда эшагимни сотдим. Президентмизга раҳмат, бозорлар анча қимматлаб кетибди, эшакни нақ икки мингга олишиди. Бу пулга гўшт олиб уйга келсам, хотин жсанжал қиласди, бутун эшакка тўрт кило гўшт олдингми, деди. Президентмизга раҳмат, йиғлаб-йиғлаб жисм бўлди.

Президентмизга раҳмат, ҳаёт жонга тегди. Ҳатто ўзимни осмоқчи бўлдим, президентмизга раҳмат, арқон чирик экан, тирик қолдим. Ёш болаларимни ўйлаб яшай бошлиладим.

Президентмизга раҳмат, кенжатоим бултур мактабни тугатди. Тошкентга ўқишига бораман, деб хархаша қиласди. Менга ёрдамчи бўл, қишлоқдан кетма, деб ёлвордим. Бола ўжар чиқди, кетди. Президентмизра раҳмат, порасиз ўқишига кириши мумкин эмас экан, болам бағримга қайтиб келди. У ҳам мендай яшайдиган бўлди.

Президентмизга раҳмат.

ТУРК ЖУРНАЛИСТЛАРИ

«Таътил»дан қайтаркан, айғоқчиларнинг кўзини шамғалат қилиш учун уйга тонгта яқин келишни режалашибдим. Биринчи апрел эди янглишмасам, соат кечаси тўртларда Пушкин-Салор маҳалласига яқинлашганимизда, бизнинг уй атрофи худди кундузгидек гавжум, беш-олти машина ўраб олган ва айғоқчилар сигарет чекиб, бир-бири билан сухбатлашиб, худди тўйда юргандай, у ёқ-бу ёққа бориб келишарди. Мени кўришиб, худди ари уяси тўзигандай, атрофга ёйилишди ва машиналардан биттаси ўрнидан жилиб, катта тезликда шаҳар марказига юрди.

Бу одамлар мени бир ҳафта йўқотиб қўйиб, энди топганларининг баҳтиёrlигини яшардилар. Эртаси куни Ички ишлар вазирлигидан телефон қилишиб, менга шаҳардан чиқиш таъқиқланганини эслатишди ва агар бу таъқиқни бузсан, ҳисбса олишга мажбур бўлажакларини билдиришди. Аслида, улар менинг шаҳардан чиққанимни билишарди, аммо ҳисбса олишмаганди, чунки, шу кунлари Туркия Президенти Тургут Ўзол Ўзбекистонга келганди. Шу муносабат билан меникига бир гурух турк журналистлари меҳмон бўлиб келишди. Янглишмасам, «Канал-6» телевизион гурухи ва бир нечта газета мухбирлари ташриф буюришганди. Уларнинг ичida Туркияда таникли журналист Женгиз Чондор ҳам бор эди.

Туркларни кўнгилдагидек меҳмон қиломадим. Уйнинг атрофини ўраган айғоқчилардан бирори меҳмонларга карши бир провокация қилишидан чўчиб турдим. Албатта, айғоқчилар ҳақида уларга гапириб, уларни чўчитиш мумкин эмасди. Ҳамма нарса яхши бўлиб кетади, дедим юзимда зўраки табассум билан. Меҳмонлар ҳам «албатта, мана, мустақилликка эришдингизлар, буёғи энди яхши бўлади», дейишди чин юрақдан. Мен оптимист эдим. Турк қардошларим мендан ҳам оптимистроқ эдилар. Фарқимиз - улар демократиянинг секин-секин келишига ишонардилар, мен эса, унинг секин-секин эмас, тез-тез келишини истардим. Улар мисол қилиб, Туркиянинг 1946 йилги ilk кўпартияли сайловларини келтиришарди. Бу сайловлар сохталаштирилганди, аммо аммо ундан кейинги бўлган сайловда мухолифатдаги Демократ Партияси ғолиб чиқиб, Аднан Мендерес Туркияда Бош вазир бўлган, ҳам сиёсий, ҳам ижтимоий соҳаларда

демократик ислоҳотларни бошлаб берганди, деб бизни «юпатишарди» қардошларимиз.

Улар Туркия шарт-шароитидан ва Туркия тарихидан келиб чиқиб гапиришарди, мен эса, Ўзбекистон шарт-шароити ва Туркистон тарихидан келиб чиқиб гапиришим керакди, аммо гапирмасдим, чунки, биродарларим мени барибир тушуммаган бўлишарди. Чунки, Туркия бир буюк Империянинг маркази бўлган мамлакат эди. Бу Империянинг қолдиғи бўлган Туркия жумҳурияти тамалларида ўша улуғ салтанат анъаналари бўлмаслиги мумкин эмасди. Янгилекчи туркларнинг Усмонли Империясини рад қилгани худди жаҳли чиққан бола ўз отасига «сен отам эмассан», деб бакирганидай кулгили кўринарди. Ва албатта, Туркия Қутулиш урушидан кейин Отатурк ва Инўнининг авторитар бошқарувидан демократик давлатга ўтиш жараёнин яшади. Аммо буни Туркистон ёки айниқса, совет Ўзбекистони тарихи билан солишириб бўлмасди. Чунки, Туркистон, унинг ичидаги бешта жумҳурият Туркия каби Империя маркази эмас, балки, Империянинг провинсиялари, чекка маҳаллалари эди. Туркистон 135 йил Рус империяси истилоси остида яшади ва унинг мустақилликдан кейин чиққан коммунист «хон»ларини Отатуркка ўхшатиб бўлмасди, ҳатто Инўнига ҳам ўхшатиб бўлмасди. Нима бўлганда ҳам, Отатурк Усмонли Империяси зобиги эди, тарбияси ҳам ўшанга яраша эди. Аммо Туркистон жумҳуриятларида мустақилликдан кейин пайдо бўлган қўлбола диктаторлар том маънода тарбиясиз эдилар. Шунинг учун ҳам бизда «46 йилдан кейинги сайловда демократия ғолиб келиши» маҳол эди. Аммо буни Туркиядан келган меҳмонларга тушунтириб ўтирмадим. Улар умидли ва хушчақчақ эдилар. Мен ҳам уларга таклид ҳилишга уриндим, нақадар эплайолдим, билмайман.

1993 йил. ЭВРИЛИШ

93-йилнинг бошига келиб, Ўзбекистонда «мустақиллик» демогогияси пайдо бўлди. Кечагина мустақилликка очиқ душман бўлган коммунистлар энди унинг меъморлари сифатида ўзларини танита бошлашди. Ҳатто «Мустақиллик ордени» таъсис қлишиб, кўқракларига такиб олишиди.

Қайта куриш даврида мустақилликни шиор қилгани учун Советлар диёрининг кушандаси саналган сиёсий муҳолифат энди

режим тарафидан мустақиллик душмани, дея танитила бошлади. Мухолифат халқ тинчлигини бузувчи, деструктив куч, ҳукуматининг ибораси билан айтганда, «қора куч» ўлароқ талқин қилина бошлади. Буни исбот қилиш учун мухолифатнинг конкрет жиноятлари кўрсатилиши лозим эди. Бу жиноятлар зудлик билан тўқиб-бичилди, шулардан илки «Миллий мажлис» иши эди. Бу сохта айбнома билан «Эрк» котиби Отаназар Ориф жаъми бир йил, «Эрк» аъзоси Саловат Умрзоқов бир йил, «биликчи»лар Ҳазратқул Худойберди ва Олим Каримовлар бир неча ой қамоқда ўтириб чиқдилар. Бу Каримов режимиning «синов юриши» эди. Ҳали 20 йиллик қамоқ ва ўлим жазолари олдинда эди.

1992 йил августидан то 1993 йил баҳоригача КГБ тарафидан давомли кузатув остида яшадим ва деярли ҳеч бир фаолият кўрсатолмадим. Газеталаримизни чиқишидан тўхтатгандилар. Халқ билан учрашувга йўл қўйишмас, борган жойимиизда провакатсиялар уюштириб, жанжал чиқаришарди.

1993 йил март ойида Бахтиёр Исобекнинг «Эрк йўлида» деган китоби босилиб чиқди. Чет элда босилган бу китобнинг бир неча юз нусхаси Тошкентда тарқатилди. Китоб «Эрк» артиясининг қисқача таржимаи ҳолини баён қиласарди. 1993 йил апрел ойининг бошида ўша китоб учун мени ҳибсга олишди. Аввал партия офисига «сизни Ички ишлар Вазири суҳбатга чакирапти, мени юборди», деб бир полковник келди. Унинг машинасида бордик. Вазир Алматов қуюқ саломлашиб, мени ҳурмат қилишини, аммо баъзи одамларнинг чақимчилиги туфайли ҳукумат мен ҳақда ёмон фикрларга бораётганини айтди. Агар вақтингиз бўлса, пастда шаҳар прокурори Жўраев ўтирибди, унинг баъзи саволларига жавоб бериб кетсангиз яхши бўларди, деди.

Пастки қаватга индим. Тахтин исмли бир миршаб хонасида шаҳар прокурори Жўраев соатларча сўрока тутди. У ерда ўн икки соат қолиб кетдим. Сўроқ охирида прокурор «Сиз мустақиллик душманисиз,» деди. Мен жавоб беролмадим. Менинг олдимда мустақилликнинг бугунги дўсти, кечаги ашаддий душмани бир одам турарди. Бу 20-аср эврилишларидан бири эди.

ХИБС

Жўраев сўроғидан кейин, кечаси соат бирда, мени бошқа хонага олиб ўтишди. У ерда бўйнимдаги галстукни, шимимдан

камар ва оёқ кийимидан боғларни ечиб олишди. Соат ва чүнгагимдаги ашёларни ҳам олиб, чеккага қўйишиди. Кейин ички ишлар Вазирлигининг бутун Советлар Иттифоқига донғи кетган ертўласига тушдик. Ертўла қаватда, лифтдан тушган ерда чап тарафда маҳбуслардан эшитганим «стакан»га киришиб, устимдан кулфлашди. «Стакан»да эгилиб турдим, чунки, томи жуда паст, эни ва бўйи бир метр келмайдиган ҳақиқий стакан эди. Ўтиришга иргандим, ўтирадиган жой жуда ифлос эди.

Ярим соат ўтар-ўтмас, эшик очилиб, қўлимга кўрпа-тўшак тутқазишиди, узун даҳлиз бўйлаб юра бошладик. Камераларнинг эшиги икки қат темирдан бўлиб, очилганда жўда қаттиқ шарақшуруқ билан очиларди. Шундай шовқин билан бигта камерага киригишиб, орқамдан эшикни кулфладилар.

Қўлтиқда кўрпа-тўшак, остонаяда бир лаҳза турдим. Қоқ эшикнинг тепасида электр чироги ёниб турар ва бутун камерани кўриш мумкин эди. Икки қаватли учта ётоқ қўйилганди, унитаз ёнидаги устки бигтаси бўш эди. Кўрпа-тўшакни ўшанга қўйдим. Камера аҳли истироҳатда экан. Тўрдаги «пастки қават»даги бигтаси бошини кўтарди ва ўрнидан туриб, менга яқинлашди:

- Э, Муҳаммад Солиҳмисиз, бу ерда нима қилиб юрибсиз? - деди самимий ҳайрат билан.

- Бу ерда юришим мумкин эмасми? - дедим кулиб

- Йўқ, ундан демоқчи эмасман, сизни нега қамашди? - деди соддадил маҳбус.

- Буни гаплашамиз ҳали, бироз чарчадим, узр, - дея «иккинчи қават»га тирмаша бошладим.

- Йўқ, ака, сиз у ерда ётмайсиз, ҳой фалонча, сен бу ёкка ёт, акамиз сенинг койкангта ётсин, - деди мени қаршилаган бу одам.

- Йўқ, мен шу бўш койкага ётаман, - дедим.

- Унақаси кетмайди, дейишди бир овоз билан бешта маҳбус.

Ва мен жамоат кўрсатган тўрдаги ётоқда ётдим. Ётдиму, ухлай олмадим.

Камерадош оғайниларнинг сухбатлашгиси келарди, уларнинг саволларига жавоб бердим. Бигтаси қашқадарёлик полвон экан. Бирорни ўлдириб, қамалибди. Яна бигтаси қароқчилик қилгани учун, бошқаси бирорвга суиқасд режалаштиргани, навбатдагиси пул ўғирлагани учун қамалган эканлар. Бешинчиси бир рус эди, у

Ўзбекистонда яшаса ҳам, Русия фуқароси экани, унинг долларларини ноҳақ мусодара қилишганини айтиб, кўп шикоят қилди. Ертўлада тўрт кун қолиб кетдим. Ҳар кун кечаси Жўраев келиб, ертўладаги бир хонада сўроқ қилиб кетарди. Ҳар кун юзимга қараб «қалайсиз энди,» дея илжаярди. Мен ҳам «рахмат, яхшиман,» деб илжаярдим. Ҳақиқатан яхши эдим. Камерадош дўстлар менга йўл-йўриқ кўрсатишарди. «Сўрокка бораркан, соқолни олиш лозим, терговчи сизни «синибди» деб ўйламаслиги керак,» деган доно маслаҳатлар бериб, таъқиқлаганган бўлса-да, қаердандир сартарошлиқ асблоблари топиб, соқолимни олишга ёрдамчи бўлишарди. «Бу ердан Тошент турмасига ўтайлик, сизга жаннат яратиб берамиз, ака, сиз ташвиш чекманг,» дея бу «қароқчилар» менга хукуматраво кўрмаган иззатни кўрсатдилар, Оллоҳ уларга ҳидоят берган бўлсин.

Тўртинчи кун, чет эл жамоатчилиги тазиики остида бўлса керак, мени ертўладан чиқаришди.

Бир милица подполковниги (исми Ботир эди, шекилли) машинасида уйга кузатиб кўйди. Унинг йўлда айтган гапи ҳеч эсимдан чиқмайди. «Солиҳ ака, нима қиласиз шу жаңжални, мана сизни қамашди, бирор «мик» этдими? Ҳалқингиз ҳали бу нарсаларга тайёр эмас,» деди миршаб. Унинг гапи ханжардай ботди. Уйга келдим, оилани севингирдим, аммо юрак ғаш эди. Ичимда ҳалокатли тушкунлик хис этдим. Ожизликни доим рад қилган ғурур ортиқ йўқ эди. Кимдир «сенинг йўлинг тўғри,» дейишини истардим. «Сен доим тўғрини гапирдинг, ҳеч кимга хиёнат қилмадинг, миллатингга доим яхшилик тиладинг,» дейишини истардим Айни пайтда, бундай истакнинг нақадар уятли эканлигини билардим. Чунки, мен одамларга далда бериш учун майдонга чиққандим, улардан далда олиш учун эмас.

Сиёsat - тош ёмғири остидаги ҳаётдир. Бу тошларни гуллар каби қабул этмоқ сенга фарз. «Мени тушунмадингиз, мен бошқа нарсани айтаяпман,» дея олмайсан, чунки, бу фойдасиздир. Тушунмасилик - бошқаларнинг вазифаси, айтиш эса, сенинг вазифанг. «Фалончи хиёнат қилди,» дейишга ҳам ҳаққинг йўқ, чунки, ҳеч ким сен танлаган ғояга содик бўлиш мажбуриятида эмас. Бу йўлга кирдингми, изтиробга қарши исён этма. Оллоҳга шукр қил. Зотан, бутун умринг давомида шу ҳаётни орзу қилгандинг, шу ҳаёт ҳаёлида шеърлар ёзгандинг, мана, ўзи

каршингда турибди, қабул эт. Фақат иккиланма, шубҳаланма, шикоят қилма, инграма. Бу йўлдан қайтиш йўқдир. Ёғозий ё шахид, Оллоҳу акбар...

МАВЛОНО РУМИЙ

Эртаси куни «кўз ойдин»га дўстлар келишди. Бирга чойхонага кетдиқ, чойхона ошидан едик. Кузатувчилар аввалгидан ҳам яқинроқ таъқибга олгандилар. Кайфиятимиз кўтарилмади. Мен сафдош дўстларга, «агар бугун яна олишса ва уч кун ичида кўйиб юборишмаса, билинг-ки, сиёсий очлик бошлаган бўламан, жамоатчиликка шундай эълон қилисизлар,» дедим. Аммо у кун тегишмади. У кун уйда ётдим.

Кечаси гаройиб туш кўрдим. Қоп-коронгу икки қаватли уйда зинапояларда югуриб, айғоқчилар билан отишяпман. Бир нечтасини ўлдирдим, аммо қўпчилик эди, бостириб келишаверарди, иккинчи қаватга чиқиб, деразасидан бир арча дараҳтига сакрадим... ва узок учдим. Ерга тушганимда бу коронғи уйнинг осмонда муаллақ турганини англашим. Аммо тушган жойим бир чаманзор эди. Гул-чечаклар шу қадар рангдор эдилар-ки, кўз қамашарди. Ям-яшил чим устида хачирга миниб, нуроний бир чол турарди. Юзидағи ифода жиддий эди. Мен ихтиёрсиз равища унинг ёнига бориб, таъзим қилдим (хаётда таъзим қилиб кўрмаганман). Бу харакатим ўзимга хеч эриш туюлмади. Мўйсафид сассиз тип билан харакатимни маъқуллади. Ёнимга боқдим, гулзор ичида яна бир хачир турарди. У менини эмиш. Унинг жиловини тутган ёш йигит хизматкорим экан. У шикоят қилиб «Сиз менга ўз эшагингизга кўра ёмонроқ муомала қилдингиз,» деди телепатик тип билан. Эшак ҳам айни тилда «хизматкор тўғри айтаяпти,» деди. Мен ҳар икколовидан ҳам кечирим сўрадим. Гаройиб, ажиб бир мувозанат, бир хузур вужудимда ҳоким эди. Умримда хеч қачон бу қадар сокинлик туйғусини яшамагандим. Энг ҳайратланарлиси, мен кибрисиз эдим.

Ўша куни кечкурун яна ички ишлар Вазирлигига чақиришди. Яна соат бирларда Тахтин хонасидан бошқа хонага ўтказишиди. Агар ертўлага туширмоқчи бўлсаларинг, уйдан бошқа кийим олиб келишсин, телефон қиласай, дедим. Майли, бугун уйингизда ухланг, эртага гаплашамиз, дейишиди.

Уйга соат кечаси иккода келдим. Хотинга агар эртага қамашса, Хоразмга кетинглар, мен чиккунча Хоразмдан келманглар, дедим. Унга кечаги тушимни айтгандим, яхши туш, деб йўримлади. Эртаси куни миршаблар тегишмади.

Яна бир кундан сўнг ярим тунда уйга ёзувчи Мамадали Маҳмуд бошлиқ бир гурух дўстлар келди... Улар «эрталаб сени олишади, бу ердан кетишинг керак,» дейишиди. Мен уйқум келаётган эди, «эртага гаплашайлик,» деб уларни зўрга жўнатдим.

Мен Ўзбекистондан кетишини истамасдим. Буни хотинга айтдим, у хам маъқуллади. Мени қамасалар, оила Хоразмга кўчадиган бўлди, буни маслаҳатлашиб олдик. Хотиржам уйкуга кетдим. Аммо соат тонгги тўртта яна уйғотишиди. яна ўша «делегатсия». Мамадали куюниб гапирди, қамоқда ҳеч нарса қилолмайсан, лекин ташқарида бир ишлар қилишинг мумкин, деди. Агар қамалсанг, йигитларнинг ҳам руҳи тушиб кетади, ташкилот ўлади, деди. Улар билан кўчага чикқанимда, соат беш эди. Негадир, уй атрофида кечаю кундуз ўраб турадиган кузатувчилар кўринмасди. Бундан сал шубҳаландим. «Менинг Ўзбекистондан кетишимни хукumat ўзи уюштирмаётганмикин?» деган фикр пайдо бўлди. Келган дўстлар ичида биттаси аввал милитсияда ишлаганди, бу гумонни янада кучайтирди. Лекин буни ҳеч кимга айтмадим, чунки, бу одам бир неча йилдир ташкилотга муҳим хизматлар қилганди, уни инёкинишни истамадим. Хуллас, қатъий бир қарорсиз, иккилана-иккилана Бокуга кетдим. У ерда Озорбойжон Президенти Абулфайз Элчибей билан кўришдик. Сизнинг вазиятда ташқарида фаолият олиб бориш оптимал йўл, деди Элчибей. Бу фаолият учун ёрдамини аямаяжагини айтди.

АБУЛФАЙЗ ЭЛЧИБЕЙ

Озорбойжоннинг туркчи идеалистларидан эди. Етмишинчи йилларда, Ҳайдар Алиев Озорбойжон КГБси бошлиғи бўлган пайтларда, Элчибей ўз гоялари учун қамоқда ўтириб чиққанди.

Қайта куриш даврида Озорбойжон Халқ жабҳасини тузди. 1992 йил ёзида халқ унга у лойик бўлган таважжуҳни кўрсатиб, ўлкага президент қилиб сайлади. Элчибейнинг инсоний фазилатлари қусурсиз эди. Халол ва халқи учун ҳар қандай фидокорликка тайёр киши эди. Халқ уни ҳокимиятга келтирганди, аммо атрофидагилар халқдан эмасдилар. Моддий манфаат учун ҳар

кандай пасткашлиқдан тоймайдиган совет типидаги бюроократия ўраб олганди уни. Бу бюроократия занжири унинг кўл-оёгини дарров чирмаб олди ва у раҳбарлик қилган бир йил давомида хеч бир соҳада одим оттирмади. Элчибей характеридаги либерализм давлат фаолиятида фойдадан кўра зарар келтирди, деган қаноат мавжуд. Балки, бунда жон бордир. Аммо бу хусусда ҳакамлик килиш яна ўша халқнинг ҳаққидир.

15 апрел куни Истанбулга келдим. Ҳаво майдонида Озорбайжоннинг Истанбулдаги Бош Консули, эски дўстим, шоир Аббос Абдулла қаршилади. Унинг уйида тун бўйи ухламай дардлашдик. Икки кун сўнгра, 17 апрел куни Туркия президенти Турғут Ўзол қабул қиласидаган бўлди. Учрашув соати йигирма-ю ўттизга белгиланган эди. Соат ўн тўрт ўттизда Истанбулдан Анқарага уchoқда келдим. Бошбоқонлик (Премер-министрлик)дан маъмурлар кутиб олишди. Уларнинг қиёфасидаги саросимани кўриб, «нима бўлди, тинчликми?» деб сўрадим. Афсус, тинчлик эмас, уч соат аввал Президентимиз вафот этди, дейишиди.

ТУРКЛАРНИ ТАНИМОҚ

Ҳар бир бир халқда уни бошқасидан фарқ қилдирувчи энг камида бигта юз ифодаси бор, бу қолган ифодаларга нисбатан бўртиброк кўринади. Бир халқ мансубининг юзида ақл ифодаси устун бўлса, иккincinnисиникида зако, учунчисиникида қаттиқюраклилик устун ва ҳакозо. Мен турк кишисининг юзидаги энг устун ифода хаё ифодаси деган бўлардим. У гоҳ-гоҳ соддадишилик ифодаси билан мусобоқалашиб туради, аммо аксарий ҳолларда ўз устуворлигини саклайди. Юзига қараб, Онадўли инсонини Истанбулда, Кёлнда, Парижда, Амстердамда, Нью-Йоркда ва дунёning ҳар қандай бурчагида таниб олса бўлади. Шаҳарлашма (урбанизация) бутун дунёда бўлганидек, туркларнинг ҳам этник хусусиятларини мутаассир этгани шубҳасизdir. Аммо характер ўлароқ турклар Оврупо ва Осиё халқлари орасида ўз оригиналлигини кўпроқ муҳофаза қилаолган этник гурухдир. Албатта, турк деркан, ирқий маънода тушунмаслик лозим, маданий маънода тушунмоқ керак. Турклар асрлар давомида Онадўли тупрокларидаги бошқа қавмлар билан коришиб яшаган, юз фойиз ирқий тозалик бўлиши мумкин эмас, бу - императорлик қуриб, дунёning ярмини идора этган бир этноснинг

ўз хукмронлиги учун тўлаши шарт бўлган тавондир. Одатда, императорлик шамсияси остида яшаган этник озчиликлар ўзларининг ассимилятсия қилишаётгани ҳакида гапиришса ҳам, кўпчилик саналган этник гурух ҳам бу озчиликларга ўзининг бир парчасини бериб, ассимилятсия бўлиши қонуний жараёндири. Фақат бу ҳақда гапириш удум эмас.

Лекин минг йил давом этган жўғрофий, иркӣ, маданий, иқтисодий, ижтимоий, сиёсий эврилишларни бошидан кечирган Онадўли турклари ҳатти-харакат ва одатлари билан, ҳатто кулишлари-йиглашлари билан, ўзбекларга шу қадар ўхшарди-ки, мен инсон зотини «бир-бирини топсин дея қавм-қавм яратган» Олоҳу таолонинг қонуни накадар мустаҳкам эканига яна бир марта шоҳид бўлдим.

Туркияга илк дъафа 1992 йилда келдим. Истанбулни фақат русларнинг «Қочиши» деб аталган оқ гвардиячиларга багишланган филмида кўргандим. Аммо Истанбулнинг оломонли кўчаларида илк бор кезаркан, бу шаҳарнинг бегоналигини сезмадим. Гўё бу ерларда узоқ йиллар яшагандай эдим. Одамларнинг истараси (ситораси, юлдузи) иссиқ эди. Ўша 1992 йилда раҳматли Турғут Ўзол билан «Турк ўчоқлари» жамиятининг 85-йиллигига танишгандим. У «маҳсус келинг, бир гаплашайлик,» деганди. Гаплашмоқ насиб этмади. Ўрта Осиё турк жумҳуриятлари саёҳатидан чарчаб, асабий бир ҳолда қайтган Туркия президенти Турғут Ўзол 1992 йилнинг 17 апрелида вафот этди.

Мен учун узоқ йиллар давом этган ҳижрат ҳам шу кундан бошланди. Анқарада бир дўстимиз мен учун ижарага тутган уйда ўтириб, бир ҳафта аввал Тошкентда кўрган тушимни эсладим. Жалолиддин Румий бу тушга бекорга кирмаган экан...

1999 йил

МУНДАРИЖА

| | |
|------------------------------------------|-----|
| СЎЗБОШИ | 3 |
| БИРИНЧИ БЎЛИМ (1960-1982 йиллар) | |
| ТУРҒУНЛИКНИНГ ДОРИЛОМОН ЙИЛЛАРИ | 4 |
| ИДЕАЛИСТЛАР | 16 |
| ЎЗБЕКЧИЛИК | 21 |
| «ЁШЛИК»НИНГ ИНТИҲОСИ..... | 22 |
| ИККИНЧИ БЎЛИМ (1983-1993 йиллар) | |
| АНДРОПОВ ВА ЧЕРНЕНКО | 24 |
| АДАБИЁТ ФЕТИШИЗМИ | 26 |
| БЕГОНА | 30 |
| ТУШ | 35 |
| АМАЗОН ХОТИН | 41 |
| 1985 йил. ПОЛИТБЮРОГА МАКТУБ | 49 |
| ГОРБАЧЕВ | 53 |
| НАСАБСИЗЛАР | 56 |
| 1986 йил. ВАТАННИНГ ҚАЙТИШИ | 60 |
| ТУРКЛАР | 64 |
| ПЛЕНУМ | 65 |
| ДЕКАБР ВОҚЕАЛАРИ | 68 |
| 1987 йил. «ОИЛАНИ ПЛАНЛАШТИРИШ»..... | 70 |
| ШЕЪРИЯТ ЗИРХИ..... | 72 |
| СЕНТИМЕНТАЛ ҲАЛҚЧИЛЛИК | 74 |
| 1988 йил. ТАШҚАРИГА САЁХАТ | 78 |
| ШОИРЛИК МАҚОМИ | 81 |
| КОТИБЛИК | 83 |
| «БИРЛИК» ТАШКИЛОТИНИНГ ТАҶСИСИ | 85 |
| БИРИНЧИ МИТИНГ | 87 |
| 1989 йил. АКАДЕМИККА МАКТУБ | 91 |
| ҲАЛҚ ҲАРАКАТИДАГИ ИЛК ТАЖРИБАЛАР | 95 |
| ПАССИВ АКТИВ | 97 |
| “НОМЗОДЛИККА” НОМЗОД | 103 |
| СОВЕТ ПАРЛАМЕНТИ ВА САХАРОВ | 105 |
| МАРКАЗҚҮМНИНГ ИЛТИФОТИ | 109 |
| ИЛК ҒАРБЛИК СИЁСИЙ АРБОБ | 111 |
| ҚУРУЛТОЙ | 114 |
| ҚУЛУПНАЙ ҒАБГОСИ | 116 |
| ЯНГИ СЕКРЕТАР | 120 |
| ҚОЧИШ ОРЗУСИ | 122 |
| САЁХАТНИНГ ҲИКМАТИ | 131 |

| | |
|--------------------------------------|-----|
| ҚОЧИШ | 133 |
| 1990 йил. ЯНГИ ТАШКИЛОТ | 135 |
| СОКИН САЙЛОВ | 137 |
| АМЕРИКА | 138 |
| ЯНГИ ТОШКЕНТ | 142 |
| «ЭРК»НИНГ БИРИНЧИ ҚУРУЛТОЙИ | 148 |
| ОЛМОНИЯ | 150 |
| ҮШ ВОҚЕАЛАРИ | 153 |
| МУСТАҚИЛЛИК ДЕКЛАРАЦИЯСИ | 154 |
| ЯНГИ КОНСТИТУЦИЯ ХАЁЛИ | 160 |
| ДИНИЙ ГУРУХЛАР | 162 |
| БЕРЛИН ДЕВОРИ ВА ТУРКИЙ БИРЛИК ҒОЯСИ | 166 |
| УММАТЧИЛИК | 168 |
| 1991 йил. РЕФЕРЕНДУМ | 169 |
| ХУНТА | 171 |
| БИР ҲОВУЧ ХАЛҚ | 173 |
| ҲАССОС МАВЗУ – МУСТАҚИЛЛИК | 174 |
| «ЭРК» ҚУРУЛТОЙИ | 176 |
| ҲУКУМАТНИНГ МУСТАҚИЛЛИГИ | 181 |
| «ЭРК» - РАСМИЙ ПАРТИЯ | 182 |
| ДЕМОКРАТИК ИХТИЛОЛ | 184 |
| ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИ | 187 |
| 16 ЯНВАР | 191 |
| ТАФТИШ ГУРУХИ | 194 |
| 1992 йил. ЖИПСЛАШУВ | 195 |
| АҚШ ДАВЛАТ СЕКРЕТАРИ ТАШРИФИ | 197 |
| ДЕМОКРАТИК КУЧЛАР ФОРУМИ | 198 |
| САРОЙДАН ЧАҚИРИҚ | 204 |
| НАМАНГАН ВОҚЕАЛАРИ | 211 |
| «МИЛЛИЙ МАЖЛИС» | 211 |
| СЕНАТОР ПРЭСЛЕР | 212 |
| ХУСУСИЙЛАШТИРИШ ҲАНГОМАСИ | 213 |
| ЁЛФИЗ НАМОЙИШЧИ | 215 |
| ТАНҚИД | 218 |
| АЙБНОМАЛАР ВА АЙФОҚЧИЛАР | 219 |
| УЙ ҲИБСИДА | 221 |
| ДАВЛАТ СИРЛАРИ | 221 |
| ТУРК ЖУРНАЛИСТЛАРИ | 245 |
| 1993 йил. ЭВРИЛИШ | 246 |
| ҲИБС | 247 |

| | | | |
|-----------|---------|-------|-----|
| МАВЛОНО | РУМИЙ | | 250 |
| АБУЛФАЙЗ | ЭЛЧИБЕЙ | | 251 |
| ТУРКЛАРНИ | ТАНИМОҚ | | 252 |

ЙҮЛНОМА

(Хотира)

Мұхаммад Солих

YOLNOME

(Hatira)

Muhammed Salih

Түплөвчи: Пирмуҳаммад Ҳолмуҳаммад
Hazrlayan: Pirmuhammed Halmuhammed

Мұхаррір: Камолиддин Йўлдош
Muharrir: Kemaleddin Yoldaş

Тираж: 500 дона

Tiraj: 500 adet

ISBN: 978-605-62880-8-1

Baskı: İhlas Gazetecilik A.Ş.

Merkez Mahallesi, 29 Ekim Caddesi, İhlas Plaza No: 11A/41

Yenibosna – Bahçelievler / İstanbul

Tel: +90 212 454 3000